

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

М. Н. Валиханов

ТАБИАТШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий
Университетининг илмий-услубий кенгаши
томонидан Олий ўқув юртлари талабалари учун
дарслик сифатида тавсия этилган

Тошкент 2004

Ушбу дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан бакалавр босқичи давлат таълим стандартига киритилган "Табиатшуносликнинг замонавий концепсияси" ёки "Табиатшунослик асослари" предмети юзасидан тузилган дастур асосида ёзилди.

Мазкур курснинг ўқитилишидан мақсад- табиий фанларнинг гояси асосида табиат, атроф мухит, наботот олами, ҳайвонот дунёси ва коинотнинг бир бутун, мутаносиб - гармонияда эканлигини кўрсатишдан иборат.

«Табиий фанларнинг замонавий концепциялари» ёки «Табиатшунослик асослари» номи билан аталган бу дарслик олий ўқув юртлари ижтимоий - гуманитар ва айрим табиий факультетларида талабаларга мана бир неча йиллардан бери ўқитилмоқда. Ушбу дарслик табиий фанлар бўлмиш физика, астрономия, кимё, биология, тупроқшунослик, геология, география ва экология фанлари асосида атроф-мухит, дунёниг бир бутун юритма эканлигини кўрсатиш ва талабаларнинг бу соҳадаги фалсафий мушоҳада юритишларига қаратилган.


Масъул муҳаррир: акад. Ж. А. Мусаев

Тақризчилар: Низомий номли Тошкент Давлат

Педагогика Университети

табиатшунослик факультетининг
декани, биология фанлари доктори,
профессор П.Мирҳамирова.

Биология фанлари доктори, проф. Т.
Рахимова



У 6215/3²

СЎЗ БОШИ

«Табиатшунослик асослари» бўйича тайёрланган мазкур дарслик бўлгуси ижтимоий-гуманитар мутахассислар учун зарурдир. Бунда қисман ижтимоий ҳамда кўпроқ табиий фанларнинг асосини қамраб олишга ҳаракат қилинди.

Мазкур қўлёзма муаллифнинг бир неча йиллар давомида Ўзбекистон Миллий Университетининг тарих факультетида ва шу университетнинг Олий педагогика институтида олий ўкув юртларининг профессор ўқитувчилари билан фикр алмаштириш ва Тошкент Йслом университетининг талабаларига ўқиган маъruzалари асосида юзага келди. Ушбу қўлёзма шу жиҳати билан характерланадики, унда Европа олимлари билан бир қаторда Марказий Осиёлик ватандош алломаларимизнинг илмий фаолиятлари, айниқса, табиатшунослик соҳасига қўшиган хиссаларига алоҳида ургу берилади. Чунки, маданий меросимизни, ўтмиш қадриятларимизни кенг ва ҳар томонлама ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг маъruzаларида бир неча бор таъкидланмоқда. Шунингдек ҳозирги миллий маънавиятимизнинг чўкур тарихий илдизларини, шаклланиш босқичлари ва хусусиятларини очиб беришнинг зарурлиги ҳар томонлама қайта-қайта уқтирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, миллий онг, миллий гурур, тарихимиз, ўтмиш авлодларимиз хизматига бўлган ҳурмат-эътиборини, ҳалқ меҳнатига, Ватанга нисбатан севги туйгусини шакллантириш, янги жамиятимизнинг тўғри ривожланиши келажагини оқилона белгилаш, юксак демократик давлат қуриш учун хизмат қиласди.

Ушбу дарслик талабаларнинг олам ҳақидаги тасаввурларини илмий асосда кентайтиришида озми-кўпми хизмат қиласди деб ўйлаймиз. Муаллифнинг олдида ўта маъсулиятли вазифа қўйилиб, бунда атроф мухит ва дунёни ижтимоий-табиий фанлар: жумладан фалсафа, физика, математика, кимё, биология, кибернетика, тупроқшунослик, геология, география ва экология соҳаларининг ютуқлари асосида содда, оммабоп ва илмий асосда фанларини бир бирига ўзаро, узвий боғлаган оламни ҳамда бир яхлит ҳолатда талқин қилиниши тавсия этилади.

Муаллиф юқорида зикр этилган фанлар бўйича тарқоқ, аммо озми кўпми билимга эга бўлган талабаларга олам ҳақидаги бир бутун тасаввурни сингдиришга ҳаракат қиласди.

Табиийки муаллиф ижтимоий, табиий фанларнинг ҳамма соҳалари бўйича мутахассис эмас. Шуни эътиборга олиб, дарсликнинг бўлимларида айрим камчиликлар учраса, ҳурматли

ўқитувчи ва ўқувчи хайрихохлик билан ўз фикр - муроҳазаларини билдиради деган умиддамиз.

Ушбу дарслукини напротив тайёрлашда маслаҳатлари ва хизматлари учун муаллиф ақадемик Ж. А. Мусаев, профессорлар Х. Х. Турсунов, Т. Рахимова, физика-математика фанлари номзоди доцент Г. Нурматова, геология-минерология фанлари номзоди, доц. А. Мавлоновларга ўзининг миннатдорчилигини билдиради.

КИРИШ

Коинот, Еримиздаги ҳаёт турлари, одамнинг пайдо бўлиши, уларнинг таркибий қисмлари бўлган атом, молекулаларнинг асимметрияси ва унга боғлиқ бўлган оптик фаолигини аниқлаш фанда катта аҳамиятта эга. Моддий ва руҳий дунёни билдида муҳим фалсафий муаммолардан онг бирламчими ёки материя? Материя нима? Ҳеч нарса йўқдан бор, бордан йўқ бўлмайди деган ақида тўгрими? Шу каби муҳим масалалар қаторида дунёни билиш муаммоси табиий, гуманитар ва ижтимоий фанларнинг бош масаласи бўлиб келган ва келмоқда.

Мазкур курснинг вазифаси ҳам фаннинг ижтимоий ва гуманитар соҳасидаги талабаларга бизни ўраб олган дунё, табиатнинг бир бутун эканлиги, улар мутаносиб-гармония ҳолатида фаолият кўрсатаётанини табиий фанлар воситасида билдириш ва тушунтиришдан иборат. |

| Табиий ва гуманитар фанларни бир-бирига боғлиқ ҳолда баён қилиш бўлажак мутахассисларнинг дунёни билдида ижтимоий, табиий онгини, малакаларининг бойитишга ёрдам беради. |

Фанларни муайян тизим асосида ўрганиш, уларнинг эволюцион фаолиятининг универсаллиги ҳамма йўналишларда бир хиллигини тушуниш табиий фанлардаги синергизм ва парадигма ҳодисаларини ўрганиш талабаларнинг фикр доирасини кенгайтиришга албатта ижобий таъсир этади.

| „Табиатшуносликнинг замонавий асослари“ курсининг аҳамияти яна шундаки, қейинги йилларда жамиятда пайдо бўлаётган астрология, (фол очиш) магия (сехргарлик, афсунгарлик) экстрасенслар, ҳар хил диний оқимларнинг асоссиз эканлиги, уларнинг жамият ва инсон учун зарарли эканлигини илмий асосда тушунтириш зарур бўлиб қолди. |

| Фанларнинг нотўгри талқин қилиниши, дунёга бир томонлама яқинлашиш хавфли социал оқибатларга олиб келиши мумкин. Сиёсий арбоблар билан ёлғон, асоссиз фанларнинг ўзаро бирлашиши жамиятда фожеаларга олиб келган. Масалан, инквизиция, диний фанатизм, фундаментализм, фашизм кабиларнинг илм-фанга нисбатан нотўгри муносабатига ва фанда кибернетика, генетика соҳаларини таъқиб қилиш ҳолатлари бўлганлигига тарих гувоҳдир. |

| Мазкур курснинг мақсадларидан яна бири шуки, бунда талабани табиатшунослик фани асосида мустақил фикрлайдиган ва келгусида ўз мутахассислигининг муаммолари ечимида ундан фойдалана оладиган даражага етказиш талаб этилади. | Шунинг

учун материалларнинг кетма-кетлиги, баёни ва изчилиги муайян мақсад асосида тузилган.

Табиатшунослик асосларининг баёни фалсафа, ижтимоий, гуманитар ва табиий фанларнинг тараққиёти, бир-бирларига боғлиқлиги, дунёни билишда уларнинг бир бутун яхлит, ўзаро синтезланган фан сифатида талқин қилинишидан иборат.

Маълумки инсониятнинг хозирги тараққиёт ҳолати ўзининг техногенли тамаддуни билан характерланади. Техноген цивилизациянинг ривожланиши асосан, фан ютуқларига боғлтқ бўлиб, бу ўзнавбатида жамиятнинг тараққиётига ва дунёни билиш, англашга ёрдам беради.

Хозирги кунда фан маънавий унсур бўлиб, у жамият билан ўзаро боғланган ва биргалиқда фаолият кўрсатадиган асосий элемент ҳисобланади. Ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар бир-бирлари билан боғлиқ ҳолда бўлиб, уларнинг ривожланиши инсониятнинг дунёқараши асосида шаклланади. Илмий ютуқлар эса хар бир даврнинг тарихий инъикосидир.

Дунё фанининг даҳоларидан бири Э.Шреденгер ўзининг «Фан жамиятта боғлиқми?» деган асарида «Ҳамма табиий фанлар умуминсоний маънавиятта боғлиқ бўлиб, катта илмий ихтиrolардан кенг ҳалқ оммаси хабардор бўлмас экан, бундай илмий кашфиётлар маънавият даражасига кўтарилаолмайди» деган. Хозирги замон фанининг ўзига хослиги, қўйидағи айрим омиллар билан белгиланади:

- Фан маънавий унсур;
- Илмий кашфиётларни кенг ҳалқ оммасига оммабон усуlda етказиш;
- Фан техника ўзаги;
- Замонавий тамаддуннинг базиси технологиядир;
- Жамият тараққиётида ютуқларни асраш ва авайлашда - - илм-фани ўрнини англаш ва уни оммалаштиришдан иборат;
- Илм-фанининг бир бутунлиги ва дунёнинг ягона шакл - шамоилини ишлаб чиқиши катта аҳамият касб этади;
- Фанларнинг бир-бирларига таъсирини сақлаган ҳолда келгусида тор доирадан илмий интеграцияга интилиш зарур;
- Фанлар ўртасидаги ажralиши йўқотишига ҳаракат қилиш;
- Хозирги кунда алоҳида ургу табиий фанларга берилишини замон тақозоси бўлиб, чунки улар технологиянинг асоси ва умуминсоний маънавиятнинг ажralмас қисмидир.

Бутунги кунда фан ананавий илмий-тадқиқот услубиётидан ноананавий янги илмий, рационал-парадигма йўлига ўтмоқда. Бу таълимотта асосан дунёниг тараққиёт очиқ диссипатив тизим асосида эволюцион-синергетик (ўз-ўзидан шаклланиш)-парадигма бўйича фаолият кўрсатилиши тушунилади.

Хозирги замон фани дунёни англаш, тушиниш учун қўйидаги шартларни асосий омил деб билади:

1.Дунё мураккаб тизим бўлиб, у нотўтри чизиқли характерга эга.

2.Дунёни кенгроқ чуқурроқ тушуниш,англаш учун фан ва маънавиятнинг бир бутунлиги хозирги замон илми тақозо этади.

3.Бутунги жамият тамаддунни технократизмдан маълум масофада чекланишга, инсониятнинг табиатга қаратган фаолияти учун маъсул эканлиги ҳар доим ёдда тутилиши лозим.

Бутунги техноген инқилобий шароитда таълим муҳим ахамият касб этади. Таълим ҳар қандай жамиятда тараққиёт сари етакловчи локомотив ҳисобланади.Янги таълим парадигмаси икки қисмдан-фундаментал ва бир бутунлиги билан ҳарактерланади. Таълимнинг фундаменталлиги ўқув жараёнининг онтологик ва гносеологик аспектларини ўз ичига олади. Ўқув жараёнининг онтологияси дейилганда атроф-муҳитни билиш гносеологияси эса билиш жараёнидаги услубиёtlар орқали малакани ошириб бориш тушунилади.

Таълимнинг фундаменталлиги атроф-муҳитни ўрганишда илмий тафаккурнинг кенглиги ва аниқлиги асосий омил ҳисобланади. Хозирги кунда фанлар тўғрисидаги маълумотлар тор доирада бўлмасдан табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлар хақида, кенг илмий тушунчаларга талаба эга бўлиши талаб этилади.

Фундаменталлиги ва бир бутунлиги фаннинг қўйидаги погоналарида намоён бўлади:

- янги парадигмали таълимнинг олий ўқув системасига киритиб,унга сингдириш.
- бир-бирига яқин бўлган фанларни муайян ўқув блоклар тизимиға жойлаштириш.
- айрим фанларни алоҳида ўзига хослигини сақлаш.

Ўқув дарслари умумлашган,муайян изчиллик, хозирги замон фан ютуқлари билан бойитиб, мақсадли, мантиқ ва муаммоли қилиб берилган тақдирдагина олиб борилаётган дарс фундаментал ҳолатта ўтади. Шундай қилиб XXI асрда янги парадигмали таълим шаклланиб,у атроф-муҳитта нисбатан

концептуал қараашлар, тафаккурнинг қенглиги ва умуман мъянавиятнинг бойлиги билан характерланади.

Таълим соҳасида Республикаиз дунёда биринчилар қаторида Олий таълим тизимида туб ислохотларни амалга ошириш учун «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни қабул қилиниши ўқув тизимини мукаммаллаштиришда ва жаҳон стандартларига мослаштиришда ижобий натижаларга эришилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Юқоридаги фикрларга асосан хозирги замон фанларининг талабларига ва ҳамда ўзимизнинг «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда фундаментал фанлардан бўлган «Табиатшунослик асослари» Олий таълимда ўзига хос ҳизмат қилиши шубҳадан ҳоли эмас. Мазкур фан Олий таълимнинг ажralmas қисми эканлигини хозирги кунда кўпчилик олимлар томонидан тан олинмоқда.

Таълимнинг умумий гоялари озми-кўпми «Табиатшуносликнинг замонавий концепциялари» фанида ўз аксини топган. Мазкур курс табиий фанларнинг синтетик мажмууси асосида тарих, фалсафа ва эволюцион-синергетик қараашларнинг умумий кўриниши хисобланади. Ушбу курс табиат, атроф-муҳит ва дунёни англашда табиий ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг мураккаб тизим эканлигини кўрсатишдан иборат. Китобдаги илмий материаллар бир-бирларидан ажralmagан, изчил, дидактик тизим асосида бир-бирларини тўлдириш ва бир бутун ҳолатда талқин қилишга ҳаракат қилинган.

Юқоридаги гоялар асосида «Табиатшунослик асослари» деб аталган ўқув қўлланмада қуйидаги асосий илмий муаммоларни ёритилишига ҳаракат қилинади:

- Табиатшуносликнинг ривожланиш босқичлари, предмети ва унинг хозирги замон табиий фанлар орасидаги тутган ўрни.
- Фанларнинг шаклланиши, эволюцияси, ундаги парадигмага сабабчи бўлган илмий инқилоблар.
- Фанларнинг ривожланишида қўлланилган, қўлланилаётган илмий услубиётлар ва фандаги эволюцион синергетик қараашлар.
- Хозирги ривожланган техноген жамиятда фаннинг ўзига хослиги.
- Табиий ва ижтимоий-гуманитар фанларини бир бутунлиги уларни бирлаштирувчи тизимнинг ижобий кўрсатичлари.
- Дунё цивилизацияси ривожланишига Марказий Осиёлик олимларнинг қўшган хиссалари.

- Материянинг физикавий тавсифи, замон, макон, нисбийлик назарияси.
- Қуёш тизими ва мега дунёнинг динамик ҳолати ва бирлиги.
- Атроф-муҳит ва табиатни англашда кимё фанининг роли, кимёвий эволюция. Кимй фанининг ижобий ва салбий томонлари.
- Табиий фанларнинг фаолиятида биология йўналишининг ўзига хослиги, физика-кимёвий биология. Клонлаш усулиниңг моҳияти. Трасген ўсимлик ва ҳайвонлар.
- Эволюцион таълимотнинг замонавий тавсифи. Антропогенез муаммоси.
- Тупроқшунослик асослари. Ўзбекистон Республикасидаги тупроқдарнинг асосий ҳилари, ҳосилдорликнинг ошириш чоралари.
- Табиатшуносликнинг геологик ва географик тавсифлари. Республикализнинг табиий ва иқтисодий муҳтасар географияси.
- Екология-биология, мухандислик ва ижтимоий фанларнинг мажмуаси эканлигини исботловчи омиллар.
- Табиий, ижтимоий ва гуманитар фанларини бир бутун ҳолда талқин қилиш сабаблари.
- Литосфера, биосфера ноосфераларнинг бир бутунилиги ва уларнинг ўзаро динамикаси.
- Табиий фанларнинг XXI асрдаги ривожланиши ва уларнинг ҳозирги замон панорамаси.

Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим борасидаги ислоҳотлар бир замонлар ўкув юртларида қатъий одат тусига кирган авторитар педагогика услубини тамоман рад этади. Бу педагогик услубнинг моҳияти шу эдикни, ўқитувчи гапиравчни, талаба эса фақат ёшигувчи бўлиб, домланинг "айтгани-айттан", "дегани-деган" тарзида ўқитувчи аудиториянинг „хўжайини“ га айланган эди.

Мустақиллик йилларида олиб борилаётган ислоҳотлар таълим жараёнида туб буришилар ясад, ёшларимизнинг тафаккурига, онгига, руҳиятига озодлик нафасини олиб кирди. Янги педагогик технологияларни қўллашда уларда мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиришни кўзда тугилаётгани эса, таълимда ижодий ҳамкорлик муҳити яратилишига имкон тутдирмоқда.

Дарслар фақат лекция бўлмасдан қизиқарли, жонли ўтиши учун мулоқот асосида, қарама-қарши фикрлар ва баҳслар асосида бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Шарқ ва гарб илм-фани, койнотнинг пайдо бўлиши, тириклик чегараси, одамнинг пайдо бўлиши мавзуларида қарама-қарши фикрлар мавжуд. Ўқитувчи улардан ижодий фойдаланиб, талабаларни илмий баҳсга чорлаши зарур.

Фоявий жиҳатдан пишиқ-пухта, бугунги кун талабларига жавоб берадиган, халқимизнинг тарихи, анъаналари, мағқураси ёритилган мавзулар талабаларга етказилиши керак. Шу нуқтаи назардан ҳам, табиатшунослик асослари фанида маҳаллий материаллардан фойдаланишимиз зарур. Жумладан, шарқ фалсафаси, унинг шаклланиши ва моҳияти ўқув дастурларига киритилиши зарур. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Амир Темур ва Темурийлар давридаги илм-фан, Бобур ва бобурийлар томонидан яратилган табиатшунослик мавзулари киритиди.

„Табиатшуносликнинг замонавий концепциялари“ номли дарс университетларнинг ижтимоий-гуманитар факультетларида, техника олий ўқув юртларининг айрим бўлимларида ва диний ўқув юртларида ўқитилмоқда. Мазкур курснинг моҳияти уни ҳар бир мутахассисликнинг ўзига хослигига қараб ташкил қилишини талаб этади.

1.1.ДУНІЕ ВА ЖАМИЯТНИ БИЛИШДА ИЛМ-ФАН

Илму тафаккур - кишини зэгүүлика бошлайдиган бекиёс күч. Илм ва тафаккур одамлар қалбига нур, онгига зиё, хонадонига файз - барака келтирадиган буюк мұғжизадир.

И.Каримов

Фаннинг вазифаси воқелик ҳақидағи объектив билимларни ишлаб чиқиш ва назарий жиҳатдан системага солищдан иборат. Фан инсон фаолиятининг соҳаси, шунингдек ижтимоий онг шаклларидан бири. Яъни билимларни эгаллаш билан бөглиқ фаолиятни ҳам, бу фаолиятнинг маҳсул оламнинг илмий манзараси асосини ташкил этувчи билимларни ҳам ўз ичига олади; инсон билимларининг айрим соҳаларини ифодалайди. Фаннинг бевосита мақсади ўзининг ўрганиш предмети ҳисобланған воқеликнинг қонунларини кашф этиш ва ҳодисаларни таърифлаш, тушунтириш, олдиндан айтиб берішдір. Фанлар системаси шартан равищда табиий, ижтимоий ва техникавий фанларга бўлинади. Ижтимоий фаолият эктиёжи туфайли қадимда пайдо бўлган билимлар XVI-XVII асрлардан бошлаб фан сифатида шаклланди ва тарихий тараққиёт давомида етакчи кучга ва жамиятнинг барча соҳаларига сезиларли таъсир кўрсатувчи муҳим социал қонун-қоидага айланади. XVII асрдан бошлаб ҳар 10-15 йилда илмий фаолиятнинг ҳажми (қашфиётлар, илмий инфомациялар, илмий ҳодисалар сони) 2 баробар кўпайди. Фан тараққиётида экстенсив ва революцион даврлар алмашиниб турди, бу ҳол фан структураси, билиш принциплари, категория ва методлари, шунингдек уни ташкил этишининг ўзгаришига сабаб бўлди. Фан учун тармоқланиш ва фан тармоқларининг бирлашишидан иборат жараёнларнинг уйғуллиги, фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш характерлидир. Фан-техника революцияси шароитида ягона „Фан техника ишлаб чиқариш“ системаси вужудга келиб, унда фан етакчи рол ўйнайди.

Илмий фаолият қуйидаги элементлардан иборат: субъект, объект, мақсад, восита, охирги маҳсулот, социал шароит ва субъектнинг фаолиги.

Субъект - мақсадға мувофиқ фаолият күрсатадыган ахборот, илм әгаси. Уларга олимлар, илмий ходимлар, ишлаб-чиқарушы ассоциациялари ва илмий мактаблар киради.

Объект эса бу умумий түшүнчө бўлиб, табиат ва жамиятдаги қонун-қоидалар, назарий билимлар, масалан: нукта, ғизиқларнинг хусусияти. Буларга яна идеал газлар, абсолют қора жисмлар ва ҳоказолар киради. Биология фанининг обьекти тирик организмлар, биокимёда эса хужайрағдаги кимёвий жараёнлар киради.

Фанинг мақсади инсон тафаккурининг фаолияти орқали олдиндан тахмин қилинган жараённинг юритмасини аниқлашдан иборат. Мақсадға эришиш йўллари, тавсиф, түшунтириш, олдиндан тахмин қилиш, бор билимларни тартибга солиб, ундан янги хуносалар чиқариш ва асосий гояни эса ишлаб чиқаришга олиб чиқиши. Умуман, илмий фаолиятнинг охирги маҳсули бирор мақсадни амалга оширишдир.

Фанинг воситаси дейилганда, кузатиш йўллари, экспериментлар, техник асбоб-ускуналар түшунилади. Олимнинг тафаккур услугияти ва албатта, ажратилган маблағ ҳажмига ҳам боғлиқ.

Фанинг маҳсули дейилганда, илмий янгилик, обьектив ҳақиқат, мантиқий хуносалар, ихтиромлар бўлиб, уларни бошқа илмий ходимлар, олимлар мустақил равишда тақрорлаши мумкин бўлган жараёнларни түшунишдан иборат.

Билимларнинг шакллари ҳар хил бўлади, жумладан, илмий фактлар, назария, муаммо, қонун, концепциялардир.

Фанинг социал шароити дейилганда, илмий идоралар (академия, вазирликлар, илмий тадқиқот институтлари ва илмий бирлашмалар) киради. Уларга давлат томонидан қисман ёки тўлиқ моддий ёрдам берилади.

Субъектнинг фаоллиги иқтисодий муаммоларга ҳам боғлиқ. Масалан, АҚШ, Канада, Англия, Франция, Германияларда фанга катта маблағ ажратилади. Олимларнинг бирлашмаси ёки якка ҳолда фаолият күрсатиб кўп қашфиётлар қилишган. Лекин тарихда маблаги етарли бўлмаган олимлар ҳам катта ихтиро, қашфиётлар қилишганлиги маълум. (Архимед, Галилей, Бруно, ўзимизнинг ватандошлилар Беруний, Ибн Сино, Форобийлар якка ҳолда, Улугбек эса ўз атрофига машҳур олимларни тўплай олган). Фан ҳам жамият сингари соддаликдан аста-секин мураккаблашиш эволюцияси асосида ривожланган. Билимнинг энг содда элементлари тош асрида, тахминан 2 млн. йил илгари бошланган деб фараз қилинади. Одамлар қадимда амалий

билимларни бир-бирларига ўргатишдан (масалан, овлаш, ваҳший ҳайвонлардан ҳимояланиш) содда услубиётлардан фойдаланишган. Илмларнинг шакилманиши қадими Юноностонда эрадан аввалги V асрда бошланган деб ҳам фараз қиласидилар.

Ҳақиқий фанга олимларнинг фикрича Ўрта асрда ва ундан кейинги даврларда Бэкон, Кеплер, Галилей, Ньютонлар томонидан асос солинган.

Ўрта Осиёда эса фан XI-XV асрларда юқори чўққиларга чиқиб, фан оламига танилган буюк алломаларни (Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Форобий, Улугбек) етказиб берди.

Ҳозирги кунда дунёда 15 мингдан зиёд фан тармоқлари мавжуд. Аср бошида илм ва фан соҳасига багишлиланган 10 минг илмий жарида бўлса, ҳозирги кунда бу рақам бир неча юз мингга етди. XX асрда олимларнинг сони 5 миллиондан ошиб кетган.

Фаннинг тараққиёти унинг структурасини ўзгартириб, унда ҳар хил соҳаларнинг мажмуалари шакланди. Масалан, табиий, ижтимоий, гуманитар, антропологик ва техникавий йўналишлардан иборат.

Ижтимоий фанлар - инсон жамоаларининг ўзаро фаолиятига багишлиланган бўлиб, буларга социология, демография, этнография, тарих каби фанлар киради.

Гуманитар фанлар дейилганда, жамиятнинг гоялари, ўзаро муносабатлари, дунёқарашлари, одоб-ахлоқ нормаларига багишлиланган билимлар тушунилади. Мазкур соҳа ўз ичига фалсафа, диншунослик, этика, эстетика ва ҳуқуқий фанларни олади. Антропологик фанлар бевосита одамни ўрганишга қаратилган йўналишлар бўлиб, бунга антропология, педагогика, медицина, криминологиялар мисол бўлади.

Мазкур фанлар бир-бирлари билан ўз услубиётлари орқали ўзаро амалий ва назарий жиҳатдан боғланган бўлиб, бу жараённинг марказида инсон туради. Инсон фаннинг моҳиятини, гоялар мажмуасини, ривожланиш босқичларини белгилаб беради.

Илмий маълумотлар муайян тизимли, илмий далилларда қарама-қаршиликлар бўлмайди, асосланган ҳолда талқин қилинади. Фандаги илмий далиллар эмпирик билимларга ва назарияларга асосланган бўлади. Ноилмий билимлар маълум тизимга бўйсингмайди. Лекин, айрим ҳолда улар система ҳолатига келтирилади. Масалан, телефонлар, кулинар китоблари, ўкув юртларида дарс жадвали, поезд ва самолёт ҳаракатини белгиловчи графиклар мисол бўлади.

Эмпирик маълумотлар билувчи билан билинадиган объект ўртасидаги муносабатлар орқали пайдо бўлади. Эмпирик билимар қуидаги турларга бўлинади:

- тизимнинг объектлари (элементар зарралар, атом, кимёвий элементлар, модда, космик объектлар, минераллар, ҳужайра, организм турлари, организм ва унинг аъзолари, инсоният, инсон, ҳалқ, мамлакат ва б.)
- жараёнлар (объектларнинг фазода ҳаракати, уларнинг ўзгариши ва ўзаро муносабатлари)
- объектнинг хусусиятлари (физика, кимё, биологик ва б.)
- эмпирик қонуниятлар (хамма металлар электр ўтказувчаник хусусиятига эга, моддалар қиздирилганда кенгаяди, йил давомида фасллар ўзгариб туради).

Эмпирик билишнинг универсал услубиётлари бўлиб, улар ҳамма фанлар учун тегишилдири. Уларга мантиқий холосалар бўлган хусусилиқдан умумийликка ва тескари умумийликдан хусусийликка, ўҳашаш асосида холосалар, абстракция, назария, моделлаштиришлар киради. Булар билан бир қаторда эмпирик билишнинг ҳар хил фанлар учун ўзига хос хусусий усуллари ҳам мавжуд;

- астрономия учун кузатиш;
- физика, кимёга эса тажриба;
- биология кузатиш ва тажриба талаб этади;
- тарих учун моддий ва маънавий ёдгорликлар;
- иқтисод фани учун статистик маълумотларни йигиши ва тахлил қилиш;
- социология фани эса кузатиш ва социал сўровлардан иборат

Кузатиш усулида олим кузатилаёттан жараённи ўзгартира олмайди (масалан, астрономияда) ёки ўргнилаёттан воқеа ҳодисага иложи борича кам таъсир қиласди (биология - социология). Тажриба усулидаги илмий - тадқиқот ишлари фаоллик асосида, асбоб - ускуналар орқали ўрганилаёттан жараёнлар олимга кўп маълумот бериши билан ҳарактерланади.

Илмий - тадқиқот ишлари даврлар асносида ривожланиб, олинган илмий маълумотларнинг хақиқатта қай даражада тўтри келиш ва келмаслик масаласи, тасодифий хатоликларни аниқлаш фан учун зарур эканлиги маълум бўлди. Маълумки ҳар қандай асбоб-ускуналар ишлаш жараёнида озми-кўтми хатоликларга йўл қўйиши мумкин. Шуларни ҳисобга олган ҳолда XIX асрнинг бошида немис олими К.Гаус ҳатолик назариясини ишлаб чиқкан.

Назария эмпирик ўзгарищдан фарқ қилиб, у идеал объектлар (моддий нұқта, сиқилемайтын суюқликтар, абсолют қатық жисм, идеал газлар ва б.) билан тәдқиқот ишларини олиб боради. Улар асосида маълум жараённи модели оз миқдордаги қоида ва қонунлар асосида яратылади.

Фонда назария жуда катта аҳамият касб этиб, қуидеги асосий функцияларни бажараради;

- маълум фанга тегишли бўлган эмпирик материалларни муаян тизимга солади;
- оз миқдордаги қонун - қоидалар асосида эмпирик маълумотларни изохлай олади.
- эмпирик тәдқиқот усули илмий ишларни кенгайтириши хусусиятига эга;
- янги воқеа- ҳодисаларни олдиндан башорат қиласди;

Эмпирик ва назарий билимлар бир-бирлари билан узвий боғлиқ ҳолда бўладилар. Одатда назария эмпирик билимлар асосида дунёга келади. Лекин фонда шундай истиснолар ҳам бўладики назариядан янги назария вужудга келиши мумкин (нисбийлик назарияси). Аммо, эмпирик тәдқиқотлар аксарият назария асосида амалга оширилиб, уларнинг талқини квазиназария ёки назария асосида шакилланади.

Фундаментал назария биринчи марта тарихда Евклид геометрияси асосида мелоддан 300 йил олдин пайдо бўлган. Евклиддан 2000 йил ўтгандан сўнг пайдо бўлган фундаментал назария Ньютон механикаси номи билан юритилади.

Ноаниқ кўриб бўлмайдиган, моддий асосланмаган жараёнлар асосида Лобачевскийнинг геометрияси, табиатшунослиқда эса Максвеллинг электродинамикаси XIX асрнинг 60- йилларида шаклланган. Эҳтимоллик, статистик асосида газларнинг молекуляр- кинетик назарияси, генетика фанида Мендел қонунлари ва Дарвиннинг эволюцион таълимоти дунёга келган.

Санъат ва адабиётдаги асарларнинг пайдо бўлиши бу соҳадаги муаллифларнинг бевосита номларига боғлиқ. Масалан, А.Навойи бўлмагандан туркий тиңда «Ҳамса» бўлмаган бўлур эди. «Ўтган кунлар»ни А.Қодирий бўлмаса хеч ким бундай асарни яратса олмас эди. «Аппасионата» деб аталган сонаға фақат Л.Бетховен номи билан, болаларнинг дунёга келиши фақат отоналарга боғлиқ ба б.

Фонда эса бошқача ҳолатни кузатиш мумкин. Ньютон, Дарвин, Эйнштейнлар бўлмаса ҳам бари бир механик қонунлар,

табий танлаш ва нисбийлик назарияси таҳминан ўша даврда бошқа олимлар томонида қашғ қилинганд бўлур эди.

Тарихда буок илмий ихтиrolар қаторига қуйидаги қашғиётларни киритиш мумкин:

- геоцентрик ва гелиоцентрик назариялар;
- дунёнинг табий-илмий тавсифи;
- нисбийлик назарияси;
- глобал эволюционизм;

Ҳар хил даврда дунёни билиш ва англаш қўйидагича шарҳланган:

- органик;
- механик;
- электромагнит;
- квант назария;
- ахборотлар оқали;
- муаян тизим орқали;
- синеттик назария

Фандаги мувофиқлик қонун-қоидасини даниялик физик олим Н.Бор томонидан 1918 йилда ишлаб чиқилган. Ушбу гояга асосан агар фанда янги назария пайдо бўлса аввалгиси бутунлай инкор қтатмасдан балки, унинг татбиқи чегараланганд ҳолда бўлади.

Хозирги кунда фаннинг аҳамияти, унинг ютуқлари жаҳон миқёсида бўлиб, илм-фан томонидан асосланган, ижтимоий-гуманистар, табиий ва техникавий соҳалардаги ютуқлар фақат жамиятта алоқодор бўлмай балки, ҳар бир инсонга ҳам тегишли бўлганлиги учун у катта аҳамият касб этмоқда. XX юз йилликни илмий-техникавий прогресс асри деб аталгани бежиз эмас. Чунки бу асрда фанларнинг ютуқлари инсоният учун хаётий-зарур эҳтиёжга айланиб, жамиятнинг тараққиётида катта стимул бўлиб ҳизмат қилмоқда.

Бутунги кунда инсон амалий ишларининг бирор соҳаси йўқки, фан ютуқларидан фойдаланмаган бўлсин. Фан инсон фаолиятининг ҳаётий моҳиятига айланиб бормоқда.

XX юз йиллик умум ўрта, оммавий Олий таълимнинг зарурлигини кўрсатиш билан бир қаторда унинг узлуксизлигини таъминлаш ҳам инсоният учун катта аҳамият касб этаёттанлигини намоён қилмоқда. Мазкур тизимдан мақсад билимларнинг мажмуаси асосида амалиётга қўллаш, бу ўз навбтида атроф-мухит, дунёни билиш ва англашга олиб боради. Хозирги кунда

фан катта кучга эга бўлиб, дунёни ўзгартиш қувватига эга. Илмий-техникавий прогресс жамиятда социал дифференциацияга сабабчи ҳам бўлмоқда. Бундай ажратишлар аҳоли ва давлатлар ўртасида кузатиш мумкин. Фан ютуқлари асосида катта масштабдаги иқтисодий фаолиятлар атроф-мухитни глобал салбий ўзгаришларга сабабчи бўлмоқда. Масалан, оммовий қирғин қуроллар (ядро, кимёвий, биологик) фақат бир мамлакатга эмас, балки бутун инсониятта ҳавф солмоқда.

Жамиятта илм-фанинг салбий натижалари учун фан айбдор эмас. Фан жамият тараққиётида қўлланиладиган илмий восита бўлиб, у инсон томонидан ҳар доим назоратда бўлади. Фан худди жарроҳнинг қўлидаги тиг бўлиб, у орқали беморни даволаш ёки ёвуз мақсад учун ҳам фойдаланиш мумкин. Шунинг учун жамият қандай бўлса илмий ютуқлардан фойдаланиш ижобий ёки салбий қўринишда бўлади.

Фан намояндаларининг маънавий томонлари, одоби, гояси, дунёқарashi, эътиқоди ҳам жамият учун жуда аҳамиятли ҳисобланади.

Олимнинг илмий-тадқиқот изланишларида унинг фанга холислиги, садоқати, олинган маълумотлар асосида янги гояни тўғри талқин қилиши аҳамиятлиdir, бу тадқиқотчининг фазилати. Олинган маълумотнинг жамият томонидан назорати, яъни иккинchi олим томонидан тафтиш қилиниши ва унинг қайтарилиши ҳақиқатда ҳам шундай натижага эришилганлигини кўрсатувчи маълумотнинг илмий адабиётда ёртилиши зарур.


Фан ютуқлари жамиятни ривожлантиришга инсонларнинг яшаш тарзини осонлаштиришга, озиқ-овқат микдорини кўпайтириш ва сифатини яхшилашга қаратилган бўлиши керак.

Келгусида сайёрамизнинг ривожланишига ва тақдирига инсонлар жумладан, олимлар жавоб берадилар.

Шундай қилиб, фан ҳамма вақт эзгулик, эркинлик, адолат каби инсониятнинг олий қадриятларини асраршга хазмат қилиши лозим. Ҳақиқий илмий ҳодим, олимнинг фаолияти ўз илмий салоҳиятини ҳақиқатни излашга, қарор топтиришга, адолатни ўрнатишга, инсонни баҳтли ҳаётta интилишини таъминлашга қаратилиши лозим.

1.2. ИЛМИЙ ИНҚИЛОБЛАР

Маълумки фанда бир неча бор илмий инқиlobлар содир бўлган. Одатда инқиlob атамаси тўнтириш маъносини англатади. Мазкур атаманинг фанга қўлланилганда унинг қонунияти, назарияси, услубиёти ва умуман дунёнинг илмий манзараси



аввалги илмий қарацىларга нисбатан тубдан ўзгаришини тушунамиз. Фанды аниқланган қатъий қануниятлар ўзgartириб бўлмаса ҳам лекин вақт ўтиши билан уларнинг маъноси, тушунтириш, изоҳлаш усуллари ўзгариши мумкин. Масалан, Қўёшнинг ҳаракатини бир неча усуллар билан изоҳлаш мумкин. Биридан иккинчи изоҳлаш усулига ўтиш илмий инқилоб ҳисобланади.

Дунёнинг илмий изоҳлаш борасида тарихда учта катта илмий инқилобларни кўрсатиш мумкин. Уларга Аристотель, Ньютон ва Эйнштейн номлари билан аталадиган илмий инқилоблар киради.

Мелоддан аввалги VI-IV асрларда дунёни англашда биринчи инқилоб содир бўлиб, тахминларга қараганда худди шу даврда фан шаклланган. Фаннинг тарихий моҳияти шундан иборат бўлдики, дунёни билиш, англаш услубиётларидан у яъни фан фарқлана бошланди. Шу даврдан бошлаб фанда муаян қонун ва қоидалар шаклланди.

Илмларнинг фан ҳолатида шаклланганлигини Юнон файласуфлари Арасту асарларида намоён бўлди. У ўз илмий изланишларида билимларни тартибга солиш, уларни исботловчи услубиёт бўлмиш мантиқ қоидаларини яратиб, фанды ибтидоий илмий изланиш йўлларини кўрсата олди. Арастунинг мантиқ қоидалари минг йиллар давомида фаннинг ривожланишига катта ҳисса қўшиб келди ва келмоқда.

— Антик даврда дунёни билишда Птоломейнинг геоцентрик назарияси фаннинг ривожида ўзига хос ижобий рол ўйнади. Мазкур назария осмон жисмларини илмий тушунтиришда жуда қалтис ва қатъий қадам ҳисобланади. Ўша даврда Ернинг шар шаклида эканлиги ҳам намаълум бўлган. Геоцентризм назариясига асосан дунёнинг маркази Ер бўлиб, унинг атрофида Ой, қуёш ва юлдузлар даврий равища айланади дейилган. Мантиқан мушоҳада қилинса, ҳақиқатдан ҳам инсон худди шундай воқеани хозирги кунда кузаттандай бўлади. Мазкур назарияга асосан жамият учун зарур бўлган айрим ўлчамлар жумладан ой, йил, фасллар ва тақвимлар илмий асосда яратилган. Геоцентризм назарияси аслида нотўтри бўлса ҳам лекин, фанды биринчи инқилоб ҳисобланади.

Иккинчи глобал илмий инқилоб XVI-XVIII асрларга тўғри келади. Фандаги бу ўзгариш дунёни билишда, англашда геоцентрик тушунчадан гелиоцентрик назарияга ўтиш билан характерланади. Бу даврда борликни дунёни илмий изоҳлаш, тушунтириш антик дунёга нисбатан тубдан ўзгариб,

табиатшунослик фани шаклланди. Мазкур соҳанинг, тамал тошини қўйишда Коперник, Галилей, Кеплер, Ньютон каби буюк олимлар катта рол ўйнадилар. Шу даврнинг фани бўлмиш табиатшунослик антик дунё илмларидан кескин фарқ қилиши билан ажралиб туради. XVIII аср табиий фанлар мажмуаси бўлмиш табиатшунослик математик услубиётлар орқали изоҳланади. Қадимий юонон олимлари ҳам математика фанини жуда қадрлашган, лекин унинг худуди чекланган бўлиб, атроф-муҳит ҳодисаларини сифат нуқтаи назаридан тушунтирилар эди. Янги табиатшунослик эса жисмланинг шакли, ҳажми, массаси ва ҳаракатини қатий математик қонунлар асосида мулоҳада қилабошлади. Бу даврнинг табиатшунослиги Қуёш тизими ва коинот ҳақидаги тушунча, маълумотлар антик даврдагига нисбатан кескин фарқловчи илм билан бойиб, фанни янги сифат погонасига кўтарди.

Классик табиатшуносликнинг характерли хусусияти шундан иборат бўлдики, бу даврда дунёни билиш, англаш меҳаник нуқтаи назардан қарааш одат тусига кирди. Бу даврда осмон жисмларини ҳаракатида, ёргулиқ, электр, электромагнит майдон, товуш ва бошқа соҳаларда ҳам улкан илмий ютуқлар билан фан бойиди. Шу шаклдаги илмий инқилобий ривожланиш XIX асрнинг охиригача давом этиб келди.

«Фандаги учинчи илмий инқилоб XIX-XX асрларда содир бўлди. Бу даврда фанда айниқса физика ва биология соҳалари жаҳоншумул ихтиrolар билан ҳарактерланади (атомнинг мураккаб структураси, радиоактивлик ҳодисаси, электромагнит нурланишнинг дискрет ҳарактери, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муайян тизимга солувчи К. Линейнинг бинар системаси, ирсиятнинг моддий асоси бўлган ДНК структура ва функцияси, генетик код, ҳужайра мембронасидан модда, ионларнинг ташниш қонуниятлари, ҳужайра энергетикаси ва б. .).

Янги илмий инқилобнинг асосий парадигма(юн. намуна, хил, тур, шакл-илмий изланишнинг йўналиши)си нисбийлик назарияси ва квант меҳаника фанлари билан ҳарактерланади. Биринчи назарияга асосан замон, макон ва тортилиш қонуниятлари янги, умумий билимлар билан, иккинчидан эса микродунё зарраларининг қонуниятлари очилиши учинчи илмий инқилобга катта туртки бўлди.

Ньютоннинг табиий-илмий инқилоби геоцентризмдан гелиоцентризмга сабабчи бўлган бўлса, Эйнштейннинг фандаги парадигмаси эса борлик-дунё, атроф-муҳитнинг илмий моҳияти «релятив» яъни нисбий эканлигини кўрсатди. Дунёни билиш,

англаш түшүнчалари мазкур назарияга асосан нисбий бўлиб, фан нуқтаи назардан борлиқни мутлақо, аниқ билиб бўлмаслиги аниқланди.

Арасту давридаги фан инқилобидан Ньютон яшатан илмий мұхиттака икки минг йилни ташкил қылади. Ньютон давридаги фан ютуғидан Эйнштейннинг нисбийлик назариясигача бўлган муддат икки юз йилдан изборат. Охириг ғиммий инқилобга ҳали юз йил бўлмаган бўлса ҳам табиий фанлардаги ютуқлар янги глобал илмий парадигмалар яқинлашиб келаёттанини олимлар сезмоқдалар. Айниқса, бу биология фанида (биотехнология, инсон геноми, трансген организмлар, клонлаш ва б.) намоён бўлмоқда.

Илмий инқилоблар социал-сиёсий тўнтиришлардан фарқ қилиб, олимлар бу ўзгаришлардан чўчимайдилар. Мазкур жараён фан тараққиётининг табиий, тарихий йўналиши ҳисобланади.

1.3.ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИЛМИЙ УСЛУБИЁТЛАР

Европа фанининг ватани қадимий Юнонистон ҳисобланади. У ернинг олимларида фанда фикрлаш, исботлаш, асослаш, билимлар мажмуасидан мантиқ асосида янги холосалар чиқарин. Бор фанларни муайян тизимга сола билиш ва изчилик анча юқори даражада бўлган.

Юнон файласуфларидан Аристотел (Арасту) Платондан тарбия олган ва Искандар Зулқарнайнга устозлик қилган. Арасту томонидан исботлаш назариясининг мантиқ-услубиёти яратилган. Бу услубга асосан Арасту хаотик дунёда ўзига хос изчилик билан муайян тартиб яратиш мумкинлигини исботлаб, фанинг ривожига катта ҳисса қўшган. Фанда шундай ҳодиса XVII асрда рўй бераб, у экспериментал математика фани услубиётларининг дунёга келиши табиатшуносликнинг шаклланишида катта воқеа бўлди.

Қадимда фанинг ривожланиши асосида Евклид геометрияси вужудга келди. У элементар геометрия, сонлар, нисбатларининг умумий назариялари, юза ҳамда ҳажмларни аниқлаш; усулларини ишлаб чиқсан эди.

Шарқ ва Farбда ал-кимёгарлар ҳам фанинг ривожига ўзларига хос ҳисса қўшганлар.

Фанинг асосий пойdevori илмий асосда тасдиқланган омиллар ҳисобланади. Булар фанинг эмпирик ва тажриба базасидир. Йигилган илмий омиллар асосида фанда қонун ва

қоидалар ишлаб чиқылади. Фаннинг кўп тармоқлари эмпирик ва назария услубиётлари асосида дунёга келган. Фаннинг назарияси илмий ижодкорларнинг сирлі дунёси ҳисобланади. Фан мураккаб, чигал ва оғир иш бўлиб, эмпирик тажрибадан назарияга ҳеч вақт текис, тўтри йўл бўлган эмас. Шунинг учун ҳам ҳалқимиз илм олиш нина билан қудук қазиш деб бежиз айтмаган.

Эмпирик тадқиқотлар, кузатишлар, тавсиф, ўлчаш ва умуман эксперимент асосида амалга ошиди. Фаннинг назарияси услубиёт сифатида аксиома, структуравий-функционал анализлар, математик моделлаштириш, ўхшатиш, анализ ва синтез усуллари ҳам ишлатилади.

XVII асрда табиатшуносликнинг шаклланишида Ф. Бэкон (1561-1626, инглиз файласуфи) ва Рене Декарт (француз файласуфи, математик, физик ва физиолог) фаннинг тарққиётида икки хил услубни таклиф қиласидилар. Мазкур услублар ҳозиргача сақланиб келмоқда. Уларга эмпирик (индукция) рационаллик (дедукция) усуллари киради. Индуksия- хусусий далиллардан умумий назарияга ўтиш. Умумийликдан хусусийликка ўтиш йўли эса дедукция усуми ҳисобланади. Худди шу усуллардан жуда усталик билан инглиз табиатшуноси Ч. Дарвин ўзининг ҳаммага маълум эволюция назариясини яратган.

Анъянавий илмий услубиёт ҳозирги кунда кўпроқ қўйидагича ифодаланади: бирламчи эмпирик маълумотларни умумлаштириш умумий қоидадан ташқарига сиљиши ва уларнинг даврийлигига эришиш назариётта асосан янги қашфиётни таклиф қилиш мантиқий хулоса (дедукция) чиқариш. Мазкур илмий услубиётни гипотетик-дедуктив йўналиш деб аталади. Агар илмий назария амалиётда тасдиқланса, у ҳақиқат бўлади. Аниқ фанларда ўлчаш, кузатиш, тажриба, олинган маълумотларни математик йўллар орқали таҳдил қилиш натижасида сўнгти хулоса чиқарилади.

Илмий маълумотлар амалиётда қўлланилиб ундан фойдаланиш мумкин, аммо унинг моҳияти нисбий, ноъмаалум бўлиб келаётганлиги кундалик турмушда учраб туради. Масалан, Ньютоннинг бутун олам тортиш-гравитация қонунини ҳамма билади, лекин икки жисм ўртасидаги тортилишга электр, магнит майдони сабабчи бўладими? Тортилиш кучини ҳеч қандай восита орқали тўсиб бўлмаслик юритмаси ҳозирги кунга қадар номаълум бўлиб келмоқда. Инсоният томонидан ўйлаб топилган ҳар хил ўлчамлар ҳам мутлоқ ҳақиқат бўлаолмасдан, булар ҳам нисбий ҳисобланади. Лекин шу ўлчамлар орқали табиий фанлар

ривожланмоқда. Табиатшуносликнинг ривожланишида математика фани алоҳида ўринни эгалмайди. Математика ҳамма учун зарур. Тижорат учун тўрт амал етарли, лекин илмий ходимлар учун математикани чуқурроқ билишлари талаб этилади. Айниқса, табиатдаги мутаносиблик-гармонияни таҳмил қилишда, табиат қонунларини кашф қилишда математикавий гоя, услугуб ва моделлаштириш катта ёрдам беради. Қадимий Рим империясининг ёзувчи ва файласуфи Луций Анней Сенка (4-йиллар эрадан аввал, 65 йил янги эра) шундай маълумот қолдирган. Македония подшоси Искандар Зулқарнайн геометрияни ўргангандан кейин ернинг кичикигини билиб, у жуда тор жойга шоҳ эканлигидан афсусланган.

Тарихда шу билан бирга, кашф этилган айрим катта ихтиролар математиканинг ёрдамисиз ҳам кашф қилинганлиги маълум. Масалан Ч. Дарвин математикани билмаганлигидан афсусланган. А. С. Пушкин ҳам математика фанини ёқтирган эмас. Лекин шунга қарамай, мазкур шахслар дунёга машҳур асарлар ёзишган.

Қадимий Юнонистонда олим, файласуфлар математикани билиши шарт бўлган. Платон (428 йил янги эрагача) академиясининг пештоқига „Математикани билмайдиганлар кириши мумкин эмас“ деб ёзиб қўйилган экан.

Хозирги кунда табиатшуносликнинг асосий тушунчалари математик услубиёт орқали таҳмил қилинади.

Вақт ўтиши билан фаннинг вазифаси ҳам ўзгариб бормоқда. Аввалинни дунёни, табиатшуносликни тадқиқ қилишда фан фақат, кузатиш, системага солиш ҳамда айрим қонуниятларни ўрганиш ва кашф қилишдан иборат бўлган. Бугунги кунда фан жамиятнинг ишлаб чиқариш фаолиятига айланди. Шу жумладан космик техникалар, супер ва шахсий компьютерлар ёки юқори сифатли аудио, видеоаппаратуралар, нозик оптика ва бўлак замонавий асбоб ускуналар илм, фан билан чамбарчас боғлиқ. Хозир фан техника ишлаб чиқариш бирлашмалари дунёда кенг тарқалмоқда. Охирги 300 йил ичидаги табиатшуносликдаги физика ва биология фанлари ҳар йили 5-7% ўсиб бормоқда. Олимлар XX асрни „фан асли“ деб атадилар.

Келгусида фаннинг тараққиёти олимларнинг сонига қараб эмас, балки илмий фаолиятда прогрессив услубиёт-тадқиқот ишлари сифатини яхшилаш билан характерланиши лозим.

Фан тараққиётида, табиатни, дунёни англазща, билишда исботланган қонун - қоидалар билан бир қаторда, тонишмоқли, илмий асоссиз билимлар пайдо бўла бошлади. Жумладан,

юқорида қайд этилган сөхграр, афсунгар, фолбинлар, учар объект - ликончалар, экстрасенслар ва бўлак илмга алоқаси йўқ, фанга муқобил бўлган йўналишлар кирабошлиди. Бундай воқеалар иқтисоди паст даражадаги мамлакатларда жонланиши мумкин. Улар маҳаллий матбуотларда, ҳатто баъзи илмий жаридаларда ҳам эълон қилинади. Уларни рационал ҳолатга, илмий асослашга ҳаракат қиласидар. Олимларнинг фикрича, бу жамият ҳаёти учун зарарли, хавфли бўлиб, уни уламоларимиз қадимда Юнонистонда ўзга шаҳарларни босиб олишда ишлатилган ҳийла-найрангнинг бир тури бўлган „Траян оти“ га ўхшатадилар.

Кейинчалик шундай оқим пайдо бўлдики, улар аввалдан фан асосида шакланган қонун-қонидаларни инкор қила бошлидилар. Масалан, Нютон механикаси ва Дарвиннинг эволюцион назарияси. Бу оқимнинг фойдали ва зарарли томонлари мавжуд. Масалан, Нютон механикасининг фақат макроскопик жисмларга тўғри келиб, микроскопик зарраларга мувофиқ келмаслиги аниқланди. Шунингдек эволюцион назариянинг ҳам кўп камчиликлари очилмоқда. Немис ёзувчиси, файласуфи Гётенинг фикрича, қурилиш учун ўрмон зарур бўлганидек, фаннинг тараққиётига назария шундай керак. Жамиятнинг ҳар томонлама тараққиёти учун албатта фаннинг фаолиятини юқори ногоналарга кўтариш зарур.

Табиатшуносликнинг тараққиёти жамият аъзоларининг одоб-ахлоқига ҳам таъсир қиласи. Жамиятнинг одоби ва ахлоқи ўзгариб туриши мумкин, лекин ҳақиқат эса ўта стабил тургундир. Масалан, инсон аъзоларини трансплантация қилиш, клонлаш, аёлларда аборт қилиш одоб нуқтаний назаридан жуда баҳсли ҳисобланади.

Айрим фан вакиллари, дин одамларни илмдан узоклаштиради, жамият учун зарарли деб ҳисоблаб келганлар. Бу акида кўпроқ гарб, католик черковига, жумладан, инквизицияга тегишли.

Евгеника соҳаси ҳам фандада баҳсли бўлиб келмоқда. Инсонни ирсий касалликлардан тозалаш, бақувват, гўзал одамларни яратиш евгеника фанининг вазифаси. Лекин бу фан расизмга хизмат қилгани ҳам тариҳдан маълум (фашистлар даврида). Табиатшунослик ва одоб ахлоқ ўртасидаги муносабатлар жуда муракқаб, ҳамда айрим нуқталарда баҳсли ҳисобланади. Бундай муносабатнинг ойдинлиги давлат тизимиға, сиёсатга ва иқтисодий омилларга bogлиқ.

Кўпчилик илмий асосда дунёни, атроф мұхитни рационал анализ қилиб тушунса, билса бўлади деган фикрдалар. Инсоннинг

сезги аъзолари орқали атроф мұхитни англаш ҳар бир индітия учун нисбий ҳисобланади.

Сезги аъзоларимиз билан қабул қилинган дүнё миамында унинг инъикоси айнан мутлоқ обьектив ҳолда тасвиrlанади дейишига асос йўқ. Воқеа ва ҳодисалар аксиомалар орқали ҳар доим тасдиқланавермайди. Табиатда моддий дүнё билан руҳий ҳолатнинг мутаносиблиги дүнёни нисбий англашга ёрдам бериши еки нотўғри тасаввурга олиб келиши мумкин.

Катта илмий қашфиётлар тиббиёт, техника, алоқа воситалари ва бўлак тармоқларда содир бўлди. Ҳар бир одамнинг фаолиятига илм-фан ютуқлари кириб келганигини ҳеч ким инкор қилмайди. Воқеа, ҳодисаларни, озиқ-овқат турлари, тиббиётдаги янгиликларни ва дори-дармонларни илмий асосда таҳдил қилинса, унинг тўғрилигига ишонч ҳосил қиласидилар. Лекин илм-фан ва олимлар ҳар доим ҳам ўз илмий ишларининг натижасини тўғри талқин қиласидиларми? Олимлар ҳам фаришта эмас, оддий одам эканликларини, инсонга хос камчиликлардан ҳоли эмасликларини эсдан чиқармаслигимиз керак. Олимларнинг қашфиётларини айрим гуруҳлар ижобий қабул қиласа, бошқа одамлар мазкур янгиликка ашаддий қарши бўлгандар. Масалан, Галилейнинг қашфиёти католик черковини газабга келтирган. Одамнинг пайдо бўлиши назарияси дин ва айрим илмий ходимларнинг мана 130 йил бўляптики, баҳсига сабаб бўлмоқда.

Яқин 15-20 йил ичида дунёда жуда кўп дори-дармонлар сунъий равищда синтезланди. Жамоатчилик бир неча йил улардан фойдаланганда айримлари зарарли эканлиги уларнинг ирсиятта салбий таъсири, ҳомила ривожини бузилишлари аниқланган.

Чет эл матбуотларининг хабарларига қараганда, электромагнит нурланишининг ҳайвон организмига таъсири турли, қарама-қарши фикр, баҳсларга сабаб бўлмоқда. Айрим маълумотларга қараганда, электротехник қурилмалардан юқори волтли симлар, компьютерлар ва уяли телефонлардан чиқадиган нурланишлар атроф мұхитта, жумладан мия фаолиятига салбий таъсир қиласи дейдилар. Англияда ёш боланинг кровати юқори волтли кабел олдида турганлиги сабабли у рак билан қасалланиб, вафот этганлиги газеталарда эълон қилинган. Кимёвий ифлосланиш катта хавф туғдирмоқда. Заҳарли моддалардан энг кучлиси диоксин бўлиб, у инсонни, айниқса, унинг ирсиятига таъсиридан ташқари, атроф мұхитни ҳам ифлослантирумоқда. Ултрабинафша нурларнинг ҳам инсонга зарари кам эмас. Шундай маълумотларни хаспўшлайдиган олимлар ҳам топилиб

туради. 1948 йил 29 августда Алберт Эйнштейннинг зиёлиларга даъвати эълон қилинади. Унда олим илмий фаолиятнинг салбий томонларини гапириб, социал муаммоларни фақат рацонал, илмий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини гапирган. У сўзини давом эттириб, инсон шундай илмий асосда, қуроллар ишладики, у ўз-ўзини йўқ қилиб юбориши мумкин деган.

Яқинда Англия мудофаа вазирлиги радиоактив нурланишнинг организмга таъсирини 40 йил давомида одамларда тадқиқ қилингандигини расмий равишда эълон қилди. Ядро қуролларининг синовлари ҳақидаги маълумотлар ҳам давлатлар томонидан тан олинмоқда. Атом бомбаларини портлатиш синовлари „муваффақиятли“ ўтганлиги ҳақида эйфорик, „кувончли“ хабарлар матбуотларда эълон қилиниб келинган. Лекин, бир неча йиллар ўтгандан кейин ядро синовлари ўтган ерларда, уларнинг атрофларида қандай фалокатлар юз берганлиги, минглаб одамлар камқонлик, рак ва бўлак бедаво касалликларга дучор бўлганиларни ҳақидаги хабарлар энди эълон қилинмоқда.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин тиббиётда қўпчилик шифокорлар таъкидлаганидек, мутлақо зарарсиз, инсон ҳаётини сақловчи қон тарғиб қилиниб, беморларга қўлмана бошланди. Кейинчалик маълум бўлдики, юкумли, жумладан, сарик ва СПИД касалликлари қон орқали тарқалиши аниқланди.

Пуштсиз аёлларни ўсиш гармони билан бир неча йиллар давомида даволаща тўсатдан вафот этадиган бедаво Крейтсфольд-Якоб (мия касаллиги) деб аталувчи патология аниқланди.

Ёш болалар ўсишини тезлаштириш учун ҳам ўсиш гармони қўлланилганда даволанувчилар ўртасида тўсатдан вафот этиш теззез кузатилади. Маълумки, мазкур гармон мурдалардан олинган. Ўлимга сабабчи омил эса мурдалар гармонидаги вирус бўлиб, у шу кунгача тоза ҳолда ажратилиб тадқиқот қилинган эмас.

Ўзбек олимларидан Б.Зокиров ўз мақоласида шундай гояларни келтиради-ғайриимий йўналиш ва қарашлар вайронкор кучларнинг дунёга ҳукмронлик қилиш васвасаси, шұхратпарастлик ва мансабпарастлик заминида пайдо бўлади. Тўгри, илмий изланиш жараёнида бирон бир камчиликка йўл қўйилиши, илгари сурилган фараз баъзида хато бўлиб чиқиши мумкин. Бу-фанда тез-тез учраб турадиган ҳол Аммо, илм аҳлига хос хусусиятлар тинимсиз изланиш янгиликка интилиш, назарияга зид бўлган тасаввур ва тушунчаларни қайта кўриб чиқиш, зарур бўлса, улардан воз кечищдан иборат.

Буларнинг барчаси илмий хақиқатни рўёбга чиқишига хизмат қилади.

Фан тарихидан маълумки, талай ҳолларда ана шу хусусиятлар кўплаб буюк қашфиётларга замин ҳозирлаган. Жумладан, А.Эйнштейннинг юқорида таъкидлаганимиздек фанда инқилоб ясаган қашфиёти-нисбийлик назарияси мумтоз физикада макон ва замоннинг ўзгармас экани хақидағи тасаввурлардан воз кечиш асосида пайдо бўлган эди.

Ғайриимм вакилидан фарқли ўлароқ, ҳақиқий олим илгари сурган фаразидаги хатонинг асл сабабларини қидиради, унинг янглиш эканлигига ишонч ҳосил қилгач эса, масаланинг тўғри ечимини излашга киришади, бу йўлда тинимсиз синов ва тажрибалар ўтказади. Бу жараённи қўйдагишақлда тасвирлаш мумкин:

МУАММО—ИЛМИЙ ТАХМИН—СИНОВ ва ТАЖРИБА—ХУЛОСА—ЕЧИМ. Асрлар давомида фан шу тартибда шаклланиб—тараққий этиб келган. Аммо, фан тарихида шундай даврлар ҳам бўлганки, мустабид тузум шароитида ҳукмрон доираларининг бевосита ёки билвосита иштироки билан гайрииммнинг яна бир кўриниши—квазииммга кенг йўл очиб берилиши сабаб кўпгина фан соҳалари ривожланиши сунъий равищда тўхтатилган. Бунинг оқибатида гайрииммий услугуб ва ёндошувлар, мафкуравий ва сиёсий омиллар ҳал қиувчи аҳамият касб этган.

Квазифан деганда, муайян мамлакатда жаҳон фанининг бирон бир соҳасига қарши қўйилган гайрииммий таълимот тушунилади. Масалан, собиқ Иттифоқда марксча-ленинча фалсафа-жаҳон фалсафасига, кибернетикага, Мечурин-Лисенко биологияси-генетика фанига, Германияда национал-социалистлар ҳомийлигидаги «орийлар» ирқи, нисбийлик назарияси квант физикасига қарши ашаддий кураш олиб борган.

Квазииммнинг гайрииммдан фарқи шундаки, биринчидан, у мустабид тузум шароитда шакланади ва жадал ривожланади; иккинчидан, агарда гайриимм-алоҳида индивид билим даражасини пастлиги, ақлнинг заифлиги ёки руҳий хасталик билан боғлиқ бўлган қарашларнинг маҳсули бўлса, квазифан, аввало, ижтимоий-жмоавий ҳодиса сифатида бир гуруҳ олимларнинг фан соҳасида ҳукмронлик қилишга интилиши натижасидир. Учинчидан гайриимм соҳасида фаолият юритаёттандарнинг аксариятини сохта олимлар, афсунгар, фирибгар ва товламачилар ташкил этса, квазифан вакиллари орасида кўплаб машхур татқиқотчиларни учратиш мумкин.

Дейлик, «орийлар» ирқига бирнеча Нобель муроффоти совриндорлари асос согани ёки жаҳон фани томонидан асосланган плиталар тектоникаси назариясига қарши курашаётганлар орасида кўплаб номдор олим ва академиклар борлиги маълум.

Квазифан олимларининг бош мақсади-қандай бўлмасин, илмий жамоага ҳукмронлик қилиш, муайян имтиёзларга эришишга айланиб қолади. Демократик жамиятда эса бунинг икони йўқ, чунки илмий жамоалар аксарият жамоатчилик асосида бажарилади (Тафаккур, 4/2003).

Илмий-техникавий прогресс инсониятга ажойиб янгилик ва кашфиётларни совға қилди. Тарихда ҳаётда, фантастика бўлган хаёллар, илм-фан туфайли ҳақиқатга айланди. Лекин илм-фан кашфиётларининг улкан ижобий томонлари билан биргалиқда айрим тармоқларининг фаолиятида салбий қусурлари ҳам борлигини эсдан чиқармасдан, жамият шундай оғир оқибатларнинг олдини олишга тайёр бўлиши зарур.

Фан инсониятни йўқ қилишга эмас, балки уни юксакликка кўтаришига хизмат қилиб келган ва қилиб келмоқда. Фан инсоний фазилатларни намоён қилиб, уни яшашга ундағина қолмай, унга шароит яратиб беришга қаратилиши лозим. Фан ҳамма вақат эркинлик, адолат, баҳт, озодлик каби умуминсоний қадриятларни ардоқлашга, авайлашга ва ривожлантиришга хизмат қилиб келган ва келгусида шундай бўлиб қолиши лозим.

Синов саволлари

1. Табиатшуносликнинг предмети ва вазифалари.
2. Ҳозирги замон фанининг структураси.
3. Табиатни билишда математиканинг роли.
4. Илмий инқилоблар.
5. Табиатни билишда мантиқнинг роли ва унинг тарихи.
6. Фан жамиятнинг маънавий бойлиги.
7. Ҳозирги замон фанининг тараққиёти.
8. Фаннинг ижобий ва салбий томонлари.
9. Гайрииilmнинг пайдо бўлиши сабаблари ва унинг жамиятта салбий таъсири.

Адабиётлар:

1. Лавриенко В. ва бошқалар. „Концепции современного естествознания”, Москва 1999г.
2. Найдыш В. М. „Концепции современного естествознания”, Москва, 1999.

3. Солопов Е. Ф. „Концепции современного естествознания”, Москва 1999.
4. Бабушкин А. Н. „Современные концепции естествознания”, Ст-Петербург, 2001.
5. Элвин Тоффлер „Заковат силсиласи”, Тафаккур, 1. 2001, б. 34-45.
6. Раҳимов И., Ўтамуродов А. Фанларнинг фалсафий масалалари, Тошкент 2002
7. Баҳодир Зокир, Илм ва гайриилм, Тафаккур, 4, 2003.

II -БОБ

2.1. МАРКАЗИЙ ОСИЁЛИК МАШХУР ОЛИМЛАР

*Ватанимиз азалдан башарият тафаккур
хазинасига унитилмас хисса қўшиб
келган.*

И.Каримов

\Жаҳон цивилизациясининг бугунги тараққиётига тамал тошини қўйган Марказий Осиё юзлаб, минглаб даҳоларни етишитирғани ҳеч кимга сир эмас.

IX асрдан боғлаб Марказий Осиё ҳудудида Хоразмшоҳлар, Фазнавийлар, Салжуқийлар, Қораҳонийлар давлатлари илм-фанга сезиларли даражада эътибор бердилар. Бухоро, Самарқанд, Марғв, Кўҳна Ургенч, Хива каби шаҳарлар ўз даврининг маданият марказлари сифатида маълум бўлди. Бу ерларда савдосотик, ҳунармандчilik, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва билим ўчиқлари ривожланди. Шарқнинг турли ўлкаларини Гарб ва Шарқ, Шимол ва Жануб мамлакатларини боғлаб турувчи буюқ «Ипак йўли» алоқа ўчиқлари сифатида машҳур бўлди. Мовароунинаҳр давлатлари бошқа мусулмон ўлкалар билан яқиндан алоқа ўрнатдилар, ерли олимлар ўзга мамлакатларга бориб илм олини, ҳамкаслари билан яқиндан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Бу даврда Марказий Осиёдан Хоразмий, Фарроҳий, Исмоил Бухорий, Термизий, Форобий, Абуллаҳ Али ибн Ибн Сино, Ерений, Удугбек, Исмоил ибн Журжоний, Маргулоний, Замахшарий, Махмуд Қошгарий каби улкан олимлар етишиб чиқди. Улар ижодлари, асарлари билан ҳалқимизни дунёга машҳур қилдилар.

МУСОАЛ-ХОРАЗМИЙ (783-850)

Математика фанининг асосчиси, география, тарих ва астрономия каби фанларнинг ҳам ривожланишида катта ҳисса қўшган, Бағдод академиясининг раҳбари М. Хоразмий Хива шаҳрида таваллуд топган.

Хоразмий дунё фанига ғоят катта ҳисса қўшди. У алгебра фанининг асосчиси бўлиб, «алгебра» сўзининг ўзи эса унинг «Ал-китоб ал муҳтасар фи-хисоб ал-жабр ва ал-муқобила» рисоласидан олинган. Унинг арифметика рисоласи ҳинд

рақамларига асосланган бўлиб, ҳозирги кунда биз фойдаланиладиган ўнлик позицион ҳисоблаш тизими ва шу системадаги амалларнинг Европада тарқалишига сабаб бўлди. Олимнинг Ал-Хоразмий номи эса «Алгаритм» шаклида фанда абадий ўрнашиб қолди. Унинг географияга доир асари ўнлаб географик асарларнинг яратилишига сабабчи бўлди. Хоразмийнинг «Зиж» и Европада ҳам, Шарқ мамлакатларида ҳам астрономиянинг ривожланиш йўлини кўрсатиб берди.

Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, у тангенс, котангенс ва косеканс функцияларини киритиб, уларнинг жадвалларини ҳам келтирган. У айниқса нол ишлатилишининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаган.

Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний билан биргаликда ер айланасининг узунлигини ўлчаган. Бунинг учун, улар икки шаҳар оралиқларини ўлчаб сўнгра ҳар иккала шаҳарда Қутб юлдузининг уфқдан баландлигини ўлчаш натижасида бурчаклар айримасини аниқлагач 5° ли ёй учун 111815 метр бўлиб, ҳозирги маълумот эса 111938 метрга teng. Ўлчаш натижасидаги фарқ 1% га яқин бўлиб, ўша давр учун бу катта ютуқ эди, топилган натижани 360 га кўпайтириб Ер айланасининг узунлигини аниқлаганлар.

Хоразмийнинг «Зиж» и география соҳасидаги бебаҳо асар бўлиб, буюк кашфиётларга ҳам алоқодор бўлган.

Китобда шаҳарлар, тоғлар, дengизлар, ороллар ва дарёлардаги 2402 та географик жойнинг координатлари келтирилди. Шунингдик асарда шаҳарлар, дарёлар, тоғлар, ороллар ва бошқа объектлар иқлиmlар бўйича тақсимланган.

География фанининг назариясига асосан биринчи марта Хоразмий баён қилади. У ернинг маъмур, яъни инсонлар яшайдиган обод қисмини етти иқлиmgа ажратади.

Хоразмийнинг географик рисоласи ўрта асрлардаги энг биринчи географик асар эди. Шунинг учун унинг иқлиmlар назарияси кейинги даврларда географиянинг ривожланишида катта аҳамият касб этди. Хусусан, унинг иқлиmlар назарияси Ернинг маъмур қисмини иқдим миintaқалари бўйича ўрганишни осонлаштириди.

Хоразмийнинг юқорида келтирилган илмий асарларининг муҳтасар тавсифи у фанинг қатор тармоқларининг асосчиси эканлигини кўрсатади. Унинг гоялари математика, астрономия ва географиянинг оёққа туриши, ривожланишига сабаб бўлди.

АҲМАД АЛ-ФАРГОНИЙ (тажминан 797-865)

1 Ал-Хоразмийнинг яқин дўсти ҳамда сафдоши, машҳур математик ва астроном Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фаргоний Бағдод обсерваториясининг асосий ташкилотчиларидан бири бўлган.

Маълумотларга кўра, у Қоҳира яқинидаги Равзо оролида нилометрни, яъни Нил дарёси суви сатҳини белгиловчи ускунани ясаган.

1 Ал-Фаргонийнинг «Астрономиянинг бошланиси» деб номланган йирик асари унинг шарафини дунёнинг ҳамма қитъаларига танитди. Ал-Фаргонийнинг бу ўлмас асари 500 йилдан ортиқ дунёнинг йирик маданий марказларида астрономиядан асосий дарслик бўлиб хизмат қилди. Ал-Фаргоний Ал-Хоразмий билан бирга Ер айланасининг узунлигини ўлчашда фаол қатнашиб, Ернинг ўлчамларини деярли ҳозирги замон аниқлиги даражасида ўлчашга муваффақ бўлди.

Европа Уйгониш даврининг буюк намояндаларидан бири бўлган машҳур олим Региомонтан XV асрда Австрия ва Италия университетларида астрономиядан маърузаларини ал-Фаргоний китобларидан ўқиган. Ал-Фаргоний номини Данте (XV аср) ва Шиллер (XVIII аср) ҳам эслаган.

1 Ҳозирги кунда Ал-Фаргонийнинг саккиз асари маълум бўлиб, уларнинг ҳаммаси астрономияга алоқадор. Улар юқорида таъкидлаганимиздек Европа тилларига таржима қилинган. Бу таржималарнинг барчасида Ал-Фаргоний исми лотинчада «Алфарганус» шаклида ёзилиб, шу шаклда фанга абадий кириб қолган.

Ал-Фаргонийнинг асарлари аксарият содда тиља ёзилиб, унда мураккаб геометрик шакллар ва математик формулалар, ҳисоблашлар келтирилмайди. Бу айниқса астрономиядан бошлангич маълумотларни ўзлаштиришини анча осонлаштирган. Европанинг ўша даврдаги етакчи астроном олими Региомонтан асрларининг шу хусусиятни англаб, ўзининг университетлардаги маърузалари учун дарслик сифатида Ал-Фаргонийнинг асарларини танлагандир.

1 Ал-Фаргонийнинг географияга оид асари: «Ердаги маълум мамлакатлар ва шаҳарларнинг номлари ва ҳар бир иқдимдаги нарсалар ҳақида» деб аталади. Бунда, етти иқдимнинг ҳаммаси улардаги мамлакатлар вилоятлари ва шаҳарлари билан бирга тавсифланади.

Фаргонийнинг номи Хоразмий каби бутун Шарқ ва Фарбда машҳурдир.

АБУ НАСР ФОРОБИЙ (873-950)

Абу Наср Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Узлут Тархон - жақоң маданиятига кетта ҳисса құшынан Марказий Осиёлик машхур қомусий олим. Шарқ мамлакатларида унинг номи улугланиб, «Ал-Муаллим ас-соний» - «Иккинчи муаллим» (Аристотельдан кейин), «Шарқ Арастуси» деб юритилған.

Форобий түркій қабілалардан бўлган, Сирдарё қыргогидаги Фороб-Ўтрор деган жойда туғилғанды.

Форобий ўрта аср даври табиий, илмий ва ижтимоий билимларнинг қарийб барча соҳаларида 160 дан ортиқ асар яраттан. У билимларнинг назарий ва фалсафий мазмуни билан қизиққанлиги учун унинг асарларини икки гурухга ажратиш мумкин:

1. Юнон файласуфлари, табиатшуносларининг илмий меросларини изоҳлаш, таргиг қилиш ва ўрганишга багишиланган асарлар.
2. Фаннинг турли соҳалариға оид мавзулардаги асарлар.

Форобий қадимги юнон мутафаккирлари - Платон, Аристотель, Эвклид, Птоломей, Порфирийларнинг асарларига шарҳлар ёзган. Айниқса, Аристотель асарлари («Метафизика», «Этика», «Риторика», «Софистика») ни батафсил изоҳлаб қийин жойларини тушунтириб камчиликларини кўрсатган. Форобий шарҳлари Ўрта ва Яқин Шарқда мутафаккирларнинг дунё қарашини шакллантиришда, уларни Аристотель ғоялари руҳида тарбиялашда мухим аҳамиятта эга бўлди.

Абу Али Ибн Сино Форобий шарҳлари («Метафизика») ни ўқиб Аристотель асарларини тушунганиларини таъкидлаган.

Форобийнинг асарларини мазмунига қараб қўйидаги гурухларга бўлиш мумкин:

1. Фалсафанинг умумий масалаларига, яъни билимнинг умумий хусусиятлари, қонуниятлари ва турли соҳаларга багишиланган асарлари: «Субстанция ҳақида сўз», «Қонунлар ҳақида китоб», «Фалак ҳаракатининг доимийлиги ҳақида» ва ҳ. з. ;
2. Инсон билиш фаолиятининг фалсафий томонларига багишиланган, яъни билишининг шакллари, босқичлари, усуслари ҳақидаги асарлар. Мантиқнинг турли муаммоларига доир асарлари ҳам шунга киради: «Катта ва ёшлиарнинг ақли ҳақида китоб», «Мантиқ ҳақида ва мантиққа кириш китоби», «Исбот китоби», «Силлагизм шартлари китоби», «Жон (руҳнинг моҳияти) ҳақида рисола» ва ҳ. з. ;

- 16
3. Фалсафа ва табиий фанларнинг фан сифатидаги мазмуни, тематикаси ҳақидаги асарлар: «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи», «Фалсафа тушунчасининг маъноси ҳақида сўз», «Фалсафага изоҳлар» ва ҳ. з. ;
 4. Модданинг миқдори фазовий ва ҳажмий муносабатларни ўрганишта багишлиланган, яъни математика фанлари-арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқага оид асарлари: «Ҳажм ва миқдор ҳақида сўз», «Фазо геометриясига кириш», «Мусиқа ҳақида катта китоб», Ритмлар туркумлари ҳақида китоб» ва ҳ. з. ;
 5. Модда хоссалари ва турларини, неорганик табиатнинг, ҳайвонлар ва инсон организмининг хусусиятларини ўрганувчи, яъни табиий фанлар- физика, кимё, оптик, тиббиёт, биологияга багишлиланган асарлар: «Физика усуллари ҳақида китоб», «Инсон ва ҳайвон аъзолари ҳақида рисола» ва ҳ. з. ;
 6. Гилшунослик, шеърият, нотиқлик санъати, ҳаттотликка оид асарлар: «Шеър ва қофиялар ҳақида сўз», «Риторика ҳақида китоб», «Лугатлар ҳақида китоб» ва ҳ. з. ;
 7. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш масалаларига, ахлоқ, тарбияга багишлиланган, яъни ҳуқуқшунослик, этика, педагогикага доир асарлар: «Бахт-саодатта эришув йўллари ҳақида рисола», «Шаҳарни бошқариш», «Фазилатлик хулқлар» ва ҳ. з.

Форобийнинг илмий мероси, умуман ўрта асрдаги Шарқнинг маданий-маънавий ҳаётидан табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий масалалардан жуда бой маълумот беради. У ўз замонасида ижтимоий ва табиий фанларининг ҳамма соҳаларида қалам тебратиб, фан оламида чуқур из қолдирган! Бу эса, Форобийнинг буюк қомусий олим эканлигидан дарак беради. Олим бундан X аср олдин ҳозирги замон фани бўлмиш табиатшунослик фанининг тамал тошига асос солған, инглиз табиатшунос олими Ч. Дарвиндан 1000 йил илгари органик дунёнинг эволюцияси ҳақида фикр-мулоҳазалар қилганлигини кўриб, унинг буюклигига тан бермасдан иложимиз йўқ!

.Форобийнинг фозил жамоа ҳақидаги таълимоти унинг комил инсон ҳақидаги фикрлари билан узвий боғланиб кетади. Фозил жамоада комил инсон хислатлари вужудга келади. Масалан, ахлоқ-одобли етук инсон ўн икки фазилатта эга бўлмоғи лозим. Бу фазилатлар инсонларнинг ўзаро муносабатлари мустаҳкамланиб, яхшилик томон йўналишида вужудга кела боради. Форобийнинг фозил жамоа ва комил инсон ҳақидаги

таълимотлари ундан сўнгти олим-мутафаккирларга катта таъсир кўрсатди.

Форобий Ўрта асрнинг йирик мусиқашуноси сифатида ҳам машҳур бўлган. У мусиқа илмини назарий, амалий тармоқларига, қуйларнинг ички тузилиши, қонуниятларини таърифлаган. Форобий қуйлар гармониясининг математик принципларини очади. Турли жадваллар, геометрия қоидалари асосида мураккаб чизмалар келтирган.

Форобийнинг мероси жуда бой бўлиб, биз уларни диққат билан урганишимиз лозим.

АБУ АЛИ ИБН СИНО (980-1037)

Ўрта аср шароитида Шарқни дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиққан буюк мутафаккирлардан бири - Абу Али ибн Сино бўлиб, у Европада Авиценна номи билан машҳурдир. У қомусий олим: табиатшунос, файласуф, астроном, математик, мусиқашунос, ҳуқуқшунос, ахлоқшунос, филолог, ёзувчи ва шоир бўлган!

Абу Али ибн Сино асарларининг умумий сони 450 дан ошади, лекин бизга фақат 160 га яқин асарлари етиб келган:

Абу Али ибн Сино аввало табиб сифатида талқин этилади, ҳолбуки, табобат унинг илмий соҳалари орасида энг муҳимларидан бири холос.

Унинг бизга маълум бўлган катта асари «Китоб уш-шифо» 18 жилдан иборат. Уни фалсафий билимлар қомуси деса бўлади. У тўртта катта бўлимни- мантиқ, физика, математика, метафизикани ўз ичига олади. «Тиб қонунлари» эса беш катта китобдан иборат. Ибн Синонинг кўп асарлари Ўрта асрларда Европада илмий тил ҳисобланган лотин тилига ва у орқали бошқа тилларга таржима қилинган. Абу Али ибн Сино илмий рисолаларидан ташқари чукур фалсафий мазмунни бадиий образлар ва маълум воқеалар орқали ифода этувчи «Тайр қиссади», «Саламон ва Ибсол», «Ҳай ибн Яқзон» каби фалсафий қиссалар яратган.

Абу Али ибн Сино замонасанининг етук шоири ҳам бўлган. У Шарқ, хусусан, форс поэзиясида рубоий жанрининг асосчиларидан бири. У арабча қитъалар ҳам ёзган. Ибн Сино табобат масалаларини оммабон ҳолда назм билан изоҳловчи тиббий асарлар яратди. У йирик олимлар билан турли илмий мавзуларда мунозаралар олиб борган. Унинг Арасту таълимоти хусусида Абу Райхон Беруний билан ва ўзининг шогирди -

озарбайжонлик олим Бахмандер билан ёзишмалари фан оламида маширур.

Ибн Сино ўрта асрларда ягона илм деб ҳисобланган фалсафанинг барча соҳаларининг ривожланишинга катта ҳисса қўша олди. Унинг асарларида табиатшуносликнинг турли масалаларини ўз ичига олувчи табиат фалсафасига катта эътибор берилади. Айниқсан табобат ва у билан bogliq ҳолда анатомия, психология, фармакология, терапия, хирургия, диагностика, гигиена каби илмлар ибн Сино ижодида бир қанча янги ихтиrolар билан бойиди. Булардан ташқари, кимё, минералология, астрономия, математика, ботаника, геологик жараёнларни ўрганиш соҳасида ҳам у янги-янги фикрларни олға сурди.

Ибн Синонинг энг муҳим асари «Тиб қонунлари» китоби ўзига хос тиббиёт илмининг қомусий асари бўлиб, юнон, рим, хинд ва Ўрта Осиё табибларининг қарашлари ва тажрибалари мажмуудир. Унда ўз даври медицинасининг назарий асослари, вазифалари, методлари, . кўпгина касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, . белгилари, . уларни даволаш усуллари, . одам анатомияси, . дориларнинг хусусиятлари, . уларни тайёрлаш, истеъмол қилиш йўллари ва шу масалаларга оид маълумотлар бор. Ибн Сино сув ва ҳаво орқали тарқаладиган «иситма» ли (юқумли) касалликларни қўзғотувчи кўзга кўринимас омиллар тўтрасидаги гипотезани илгари сурган. У яратган «Қонунлар» кўп асрлар давомида Европа ҳалқлари ўртасида медицинадан асосий дарслик бўлиб келди.

Ибн Сино Ўрта Осиё ва умуман яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидағи юқори маданий кўтаринкилик, маданий «уйгониши»нинг маънавий ютуқларини мужассамлалаштира олди ва бу билан бутун Шарқ ва Европадаги матърифат, маданият тараққиётига катта таъсир кўрсатди. У ўз даврида ва ундан кейинги асрларда ҳам Шарқ ва Европада «Шайх ур раис», «Олимлар бошлиғи», «Табиблар подшоҳи» каби энг буюк номларга ҳамдакатта обрўта ҳам сазовор бўлган.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ (973-1048)

Ўрта асрнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Мұҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний ўз умрини илмга баҳш этиб, инсоният тараққиётини бир неча йиллар илгари сурган ақд ва заковот эгаларининг улутларидан биридир.

Беруний асарлари 160 дан ортиқ. Улар математика, астрономия, физика, геодезия, география, картография, умумий

геология, минерология, ботаника, фармакология, медицина, иқлимининг астрономияга оид катта «Масъуд қонуни» асарида географик узунликларни тригонометрик йўл билан қилинган бўлиб, у ҳозирги замон геодезия усулларига яқиндир. Берунийнинг астрономияга оид асари «Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар» рисоласида математика ва астрономиянинг асослари оммабоп суратда баён этилган. Унинг «Доира ватарларини топиш ҳақидаги китоб» ида бир қатор оригинал математик усуллар ишлаб чиқилган ва исботлар топилган. У Шарқда биринчи бўлиб Ернинг Қўёш атрофида айланисини айтган. Ер айланаси узунлигини аниқлаб берган. Ўрга Осиё топографиясига доир йирик асарида узоқ геологик ўтмишда Амударё оқимининг ўзгариб турганлиги масаласини тадқиқ қилган. «Жавоҳирларни билиб олишга оид маълумотлар тўплами» деган китоби ўз замонасида бутун Ер юзида мениералогия соҳасидаги энг яхши асар ҳисобланиб, унда Беруний ҳозир қабул қилинган қийматларга жуда яқин сонли маълумотларни келтирган. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида кўп халқларнинг календарь системаларини батафсил баён эттан.

Берунийнинг «Ҳиндистон» (тўлиқ номи «Ҳиндларнинг ақла сифадиган ва сизмайдиган таълимотларини аниқлаш»), китобида Ҳиндистоннинг илк ўрта асрлар тарихига доир ниҳоятда бой маълумот тупланган.

Олим биология соҳасида жумлайдан, ботаникага тегишли ўсимликлар оламининг тавсифи ва табиий танлаши ҳақида кимматли фикрларини айтган. У табиий танлаш бўйича аввал инсоннинг онгли фаолиятини тасвирилаб беради, кейин «Табиат ҳам шундай қиласи, лекин у фарқига бормайди, чунки унинг ҳаракати онгсиздир» деган холосага келади. Берунийнинг мазкур фикрлари ҳозирги кунда олга сурилаётган Синергизм ва органик дунёдаги эволюцион таълимотта ҳамохангdir.

Берунийнинг солиштирма огирилкни аниқлаш услубиёти ҳозирги замон ўлчов натижаларига жуда яқин.

Олим Ернинг шарсимион шаклда эканлигини тасдиқлаши билан кифояланмай, уни тўлароқ тасаввур қилиш учун 995 йили (22 ёшда) жаҳонда биринчи глобусни ясаган. Ундан шаҳарларнинг географик координатлари ва масофаларини аниқлашда фойдаланади.

Беруний гарбий ярим шарда ҳам қуруқликнинг (Америка) мавжуд эканлиги ҳақида фикр юритиб бундай деб ёзган: «Эҳтимол, Ер чоракларидан бўлган икки чорак қуруқликка диаметрал қарама-қарши бўлган қуруқлик бордир, худди шунингдек сув остида кўмилиб қолган бошқа икки чорагининг ҳам бир бирига диаметрал қарама-қарши бўлиши зарурдек кўринади» деб Америка қитъасини минг йил олдин башорат қилган.

Берунийнинг илмий кузатишлари, унга осмон жисмларининг ҳаракати эллис шаклида бўлади, деб айтишга асос бўлди.

Жаҳоннинг энг йирик шарқшунос олимларидан ақадемик М. А. Салье, Берунийнинг бу буюк қашифётини шарҳлаб бундай дейди: «Беруний қашф эттан яна бир гоя бор. У биринчилардан бўлиб, осмон жисмлари ҳаракатининг траекторияси эллис шаклга эга эканлигини аниқдаган».

Бу масала Берунийнинг Ибн Сино билан бўлган баҳсида кўтарилиган. Олимнинг бу фарази жуда муҳим аҳамиятта эга. У кейинчалик Кеплер (1571-1630) томонидан қилинган қашифиётта дебоча бўлди. Кеплер осмон жисмлари эллис шаклида орбиталар бўйлаб ҳаракат қилишини, у ҳаракатлар фокусларидан бирида Қуёш ётишини илмий жиҳатдан исботлаб берган.

Буюк Беруний дengiz ва океан сувларининг кўтарилиб ва пасайиб туришининг сабабини («Ҳиндистон» деган китобида) Ер, Ой ва Қуёш орасидаги тортилиш кучларидан эканлигини ҳам башорат қилган. Унинг бу фикрлари дунё тортилиши қонунинг Ньютон томонидан қашф қилинишида биринчи поғона десак тўғри бўлади.

Берунийнинг бой илмий мероси Ўзбекистон ва ундан ташқарида чуқур ўрганилмоқда. Унинг асарлари лотин, француз, итальян, немис, инглиз, форс, рус, турк тилларига таржима қилинган ва қилинмоқда.

Кўриниб турибдики, бизнинг буюк боболаримиз фан оламида ўзларининг жаҳоншумул ихтиrolари билан ҳар қандай Фарб олимларидан кам эмасликларини намойиш қилгандар.

Тарихдан маълумки, Фарб олимларининг фикрича инглиз ижодкори И. Ньютон бутун дунё олимларнинг «Подпоси» деб ёълон қилинган. Биз Осиёликлар бу буюк Инсоннинг фан соҳасидаги хизматларига тан берган ҳолда ватандошлиаримиз бўлмиши Форобий, ибн Сино ва Беруний каби боболаримиз ҳам илм-фан бобида И. Ньютондан мутлақо кам эмасликларини уларнинг ижодий фаолиятидан холисона кўришимиз мумкин.

Азиз талаба! Биз Марказий Осиёлик олимларнинг айримларини мисол тариқасида, муҳтасар маълумот сифатида келтирдик холос. Умид қиласизки, қимматлик ўқувчи семинар машгулотларида мазкур матнларни бўлак ватандош олим, уламолар ҳақидаги маълумотлар билан бойитиб тўлдирадилар деб ишонамиз.

Ушбу бўлимни тайёрлашда ақад. М. М. Хайруллаев таҳрири остида напр қилинган «Маънавият юлдузлари» китобидан фойдаланилди.

Синон саволлари.

1. IX ва XI асрлардаги Марказий Осиёда илм ва фаннинг ривожланиш сабаблари.
2. М. Хоразмий ва Фарғонийларнинг илмий фаолиятлари.
3. А. Форобийнинг табиат мавзумдаги ҳамда, ижтимоий ва фалсафий асарлари ҳақида маълумот.
4. Абу. Али ибн Сино буюк табиб ва қомусий олим.
5. Абу Райхон Беруний буюк қомусий олим.
6. Марказий Осиёлик олимлардан Ал Марвазий, Абу Мансур, Ас-Сархасий, Ал-Жавҳарийларнинг илмий фаолиятлари ҳақида.
7. Farb ва Шарқ олимларига қиёсий тасниф.

Адабиётлар

1. Маънавият юлдузлари Тошкент - 2001 й.
2. Фан ва турмуш журнали, 1995-2002 й.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, №1 Тошкент 2000й.
4. Усмонов Т Физикадан қўшимча дарслик Тошкент, Ўқитувчи, 1993й.
5. Элвин Тоффлер Заковат силсиласи, Тафаккур, №1, 2001, 34-45.

2.2. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ИЛМ-ФАН

Темур ва темурийлар даврида илм-фаннинг ривожланганлиги ва жаҳон маданияти тараққиётида унинг ўз салмоги бўлганлиги ҳозирги замон илмий афкор оммаси наздида тан олинган ҳақиқат бўлиб, ана шу улкан ишнинг дебочасида соҳибқирон Амир Темурнинг хизмати катта бўлган.

Бу давр тарихида меморчиллик, адабиёт, тасвирий санъат, илоҳий ва дунёвий илмлар ривожланиб, темурийлар сулоласи буюк реинесанс - уйғониш даврининг яратувчилари бўлгандесек хато қилмаймиз. Бу даврда Ўрта Осиё ҳалқлари дунё маданияти

тарақкиётининг етакчи сафларида туриш даражасига кўтарила оди. Фан, илм ва маданиятда универсаллик, гуманизм таранинум этилди. Мазкур ғоялар машхур мутафаккир, олиму фозиллар фаолиятида намоён бўлди. Марказий Осиёда бу даврнинг ютуқлари умуминсоний маданият, табиий йлмий фикрлар ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

А. Темурнинг илм-фан ва маданиятни ривожлантириш йўлида қилган хизматлари ҳақида икки олим: Давлатшоҳ Самарқандий (1435-1495) билан А. Якубовский (1886-1953)ларнинг фикрлари жуда катта аҳамиятта эга.

Темур Самарқандга бойликлардан ташқари, асир олинган мутахассислар, хунармандлар, мусаввиrlар, меъмор ва олимларни кўпроқ олиб келди. Бундай қасб эгалари Мовароуннаҳрда камлиги учун эмас, балки илм-фан ва маданият арбоблари қанча кўп бўлса, хунармандчилик, санъат ва илм-фан шунчалик яхши тараққий этади деб шундай қилди.

А. Темурнинг муҳолифлари «Темур босиб олган ерларидан уста, меъмор ва олимларни кўчириб, фақат Самарқандда қурилишлар олиб борган ва ободоналаштирган. Бошқа ерлар билан эса иши бўлмаган», деган тұхматларни айтишди. Бу даъвонинг асоссиз эканлигига Темурнинг бошқа мамлакатлардаги барпо қилган қурилишлари мисол бўла олади. Фан ҳақида аввалимбор шуни айтиш керакки, ҳар қандай буюк давлатдаги илм-фан ва маданият арбоблари фақат шу давлатдаги ҳукмрон миллатлар вакилларидангина эмас, балки кўп миллат вакилларидан иборат бўлиб, улар миллати жиҳатидан байнадимиш бўлади. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп: Араб халифалигини олайлик. Араб маданияти энг гуллаган давр X-XI асрларда Бағдод, Ҳамашқ ва бошқа шаҳарларда ижод этган олимларнинг кўпчилиги эронликлар, суряликлар, хоразмликлар, сүғдлар, яхудийлар, юнонлар ва ҳатто Мовароуннаҳр туркларидан ҳам иборат эди. Рус империясини олайлик: XVIII-XIX асрларнинг биринчи ярмида Петербург академиясида ишлаган олимларнинг мутлақ кўпчилиги Фарбий Европаликлар бўлиб, аввалига улар орасида рус миллати вакилларидан деярли йўқ эди. Рус олимлари кейинчалик шакллана бошлиди.

Демак, илм ва маданият аҳдларининг ўз ижодларига шароит излаб, бир мамлакатдан бошқа мамлакатта ва айниқса, йирик пойтахтларга кўчишилари табиий бир ҳол эди.

Темур кўплаб олим ва меъморларни ўз пойтахти Самарқандга йўллаб у ерда фан ва маданиятнинг юксалиши учун шароит яратиб бермаганида эди, олиму фозилларнинг қўлидан

хеч нарса келмас ва улар тезда тарқалиб кетган бўлар эди
Фикримизнинг исботи сифатида бир неча мисолларни мўтумлар
истилоси давридан келтириш мумкин.

Албатта Темур фан арбобларини бошқа ерлардан пойтахтта олиб келганини инкор этиб бўлмайди. Улар орасида Хусомиддин Ибрөхимшоҳ Кирмоний каби табиб, мавлоно Аҳмад каби астрономлар ҳам бор эди. Лекин аслида олим ва ҳунармандларни Самарқандга бу ердаги илм ва ҳунарларнинг юксак даражадалиги ва шуҳрати жалб этганлиги шубҳасизdir.]

Амир Темурнинг илм ва фанга муносабати мавзуси Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий асарларида, айниқса Ҳофизи Абронинг «Зубдат - ат-таворих» асарида бир мунча батафсилоҳ ёритилган.

Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Аутфуллоҳ ибн Абдурашид ал-Харавий темурийлар давлатининг таниқли олимларидан бўлиб, фанда кўпроқ Ҳофизи Абрӯ лақаби билан танилган. Бу олим асосан, темурийлар салтанатининг тарихчиси сифатида машҳур бўлиши билан бир қаторда география, астрономия, геодезия соҳаларидан ҳам яхши хабардор эди, шеърлар ҳам ёзган, жумладан, Шоҳруҳ ва унинг ўғилларига бағишлаб ёзган бир мадҳияси Ҳиротдаги бинолардан бирининг кошинига битилган. Абдураззоқ Самарқандий уни: «Фасиҳлару мутаккимларнинг энг билимдони, шон-шавқат қоидалари муношийси, фаҳрли (ишларни) намоён қилювчи, улуғ султонлар ҳамнишини, магрут ҳокон улфати эди», деб ёзди. Бу сўзлардан Ҳофизи Абронинг ҳам билим соҳасидаги иқтидори, ҳам ўз даври ижтимоий-сиёсий ҳаётida тутган ўрни аниқ акс этган. Амир Темур Ҳиротни эгаллаганда Ҳофизу Аброни сарой котиби вазифасига тайинлади. Бундан маълум бўладики, Абру ўша найтда Ҳирот олимлари ичida анча машҳур бўлган. У ўша вазифада эканида Соҳибқироннинг кўлгина юришларида бирга бўлган. Маълумки Амир Темур Озарбайжонда ариқ қаздириб, сув чиқариб, чўл ерларини обод қилган. Ана шу ариқ Ҳофизу Абру ўлчаб чизиб берган траҳ-лойиҳа асосида қазилган эди.

Мирзо Шоҳруҳ салтанатида Ҳофизу Абру Ҳиротда асосий сарой тарихчиси бўлиб қолади. У географияга оид китоб ҳам битди.

Туркишунос, сайёҳ-этнограф Хермен Вамберининг ёзинича: «Гарчи унинг (Темурнинг) саройида доимо ажнабий уламо, олим ва ҳунармандлар аримаган бўлсада, турк тили ҳамма вақт расмий мақомини эгаллаб қелган. Соҳибқироннинг ўзи соғ ва жайдари турк шевасида ёзар эди. «Тузуклар» фикримизнинг далилидир».

Амир Темур мамлакатда илм-фаннинг тараққиётига катта хисса қўшган саркардадир. Унинг даврида илоҳиёт, фиқҳ, риёзиёт, фалакиёт, тиббиёт, фалсафа, тарих, адабиёт, мусиқашунослик ва аруз илмлари кенг ривож топди.

Шарафиiddин Али Яздий ва ибн Арабшоҳ Жамолиддин Аҳмад ал-Хоразмий, фиқҳшунос Абдумалиқ, Асомиiddин ва Шайх Шамсиддин Жазоирий, мунажжим Мавлоно Аҳмад, мусиқашунослар ота-бала Абдулқодир Марғий, Сайфиддин ҳамда Ардашер Чангий, файласуфлар Саъиддин Тафтазоний ва Мир Сайд Шариф Журжоний, атоқли тарихшунослар Шомий ва Хоғизи Аbruлар шулар жумласидандир.]

XIV-XV асрларда Самарқандда тасвирий санъат ва миниатюра санъати ҳам ривож тоғган. Боги Тахти Қорача, Боги Давлатобод ва бопиқа чорбоглардаги қасрларнинг деворига ишланган турли мавзу (подиоҳ, мажлислари, жанглар, шикорлар ва ҳоказолар) лардаги расмлар, шунингдек, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» ва Эрон шоирлари тазкираларига ишланган миниатюралари мовароуннаҳрлик мўйқалам соҳибларининг юксак дид ва зўр истеъдодидан гувоҳлик беради.

Темур даврида Самарқанд, Кеш, Шош ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳалқ амалий санъати, заргарлик, зардўзлик, сангтарошлиқ, ёғоч ўймакорлиги каби санъатлар ривож топди. Олтин, кумуш, бронза ва қимматли тошларни ишлаш кенг йўлга қўйилди. Темур барҳаётлигида қурилган ҳамма ҳашаматли ва улуғвор биноларнинг безаклари ҳамда «Қуръон»дан келтирилган оятларнинг битилиши жуда юқори санъат намуналариdir.

Темур олимларга нисбатан серилтифот подшоҳ эди У билимдон ҳамда соғдил кишиларга катта ишонч билдиради. У тарихчилар, файласуфлар ва бошқа билимдон кишилар билан сухбатлашиш учун таҳтдан тушиб уларнинг ёнига келарди.

Темур илмий мунозаралар уюштирас, бу мунозараларда мантиқий саволлар билан илм аҳларини лол қолдирган уламоларни ўта ҳурмат қилас, муомалада ўта оддийлик каби олийжаноб фазилат эгаси эди.]

Унинг намуналари ишларидан бири шу эдикси, сайидлар, олимлар, дин пешволари ва солиҳларни иззат-ҳурмат қилишни шарт деб санарди. Уларга яхши ғамхўрлик қилиб катта нафақа, алоҳида маош, яшаши ва саломатлиги учун барча зарур нарсаларни ажратиб, назорат қилиб, эътибор қаратиб туради.

Фақирлар ва толиби илмларнинг вақфлардан маошлари ва мударрисларнинг тажрибасига қараб белгиланган аниқ ҳақлари бор эди.

Амир Темурнинг тарих, ҳикоя, қисса ва ривоятларни эшитмоққа қизиқиши жуда катта эди. У тарихлар ва ансаб илмларида хусусан, турк, араб, ажам ва уларнинг турли тармоқларини ташкил этган ҳалклар аҳволи ва турмуш тарзи ҳақида чуқур билимга эга бўлиб, тарих фанидә билимдан бўлган.

Хофизу Абронинг ёзишича, Темур маҳсус мажлисларда шунчалик кўп лутф ва тавозеъ кўрсатар эдики, ўга сертакаллуғлигидан молик (шоҳ) билан мамлук (қул)ни зоҳирлан фарқлаб бўлмасди. Шунчалик давлат ва қудрат бўлишига қарамай, унинг муборак қош-қовогида жаҳондорлик худбинлиги белгилари пайдо бўлмас эди.

Хофизу Абру Амир Темурнинг кундузги иш ҳолатини қўйидагича тасвирлайди: «Кундузи подшохлик таҳтида шундай буйруқ берардики, ҳузурига Рум қайсари ва Чин ҳоқони кирган тақдирда ҳам қўрқув ва сиёsat босиб, унинг мулоzимлари қаторида ҳазонрез (шамолдан силкиниб турган) тол каби титраб турар эдилар.

Улуғлар ва ҳакимлардан кимки, ақл-идрок ва даҳо бобида танилган, азалий саодат қўллаган, хизмат қилмоқ эҳромини бояглаб, оёқни ихлос ҳудудига қўйган, қўлни итоат силвирига қаттиқ ўраб олган, давлатнинг мустаҳкам арқонига тирмашган, юзини амирликнинг ҳомийси саналиши жанобларнинг розилигини олишга қаратган бўлса, у иқбол топди: яъни унинг хизматини садоқатлилик белгиси деб ҳиммат ила баҳолади.

Амир Темурнинг илм-фанга бўлган катта эътибори чуқур тарихий асос, яъни Кеш (Шахрисабз) диёрининг қадимдан илм маскани бўлганлиги билан ҳам борлиқ». Бошқача қилиб айтганда, Соҳибқироннинг ёшлигидан илм фазилатига эга бўлиши учун зарур илмий мухит ҳам бўлган. Шахрисабзнинг қадимдан зиё аҳлининг маскани бўлганлиги ҳақида Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да аниқ маълумотлар берган.

Темур даврида қонуншуносалмк мадрасаларда кенг ўрганилган ҳамда Амир Темур иқтисодий қарашлари тизимида унинг салтанат пойдевори ҳақидағи фикрлари марказий ўрин тутади.

Темур давлатига 27 мамлакат кирган. Испания элчисининг маълумотига Қараганда ёқут, кумуш, нитрат, рубин ва бошқа қимматбаҳо тошларнинг конлари ва заҳираларини Темурнинг шахсан ўзи идора қиласан.

Фан соҳасидаги янги қашфиётлар уни қизиқтирган, узоқ муддатли сафарларида унга туяларга ортилган кутубхона ҳамроҳ бўлган. Темур ўз ҳаётидаги беши нарсага қатъий эътиқод қилганлиги

(Оллох, тафаккур, қилич, имон) шулардан бири китоб эканлиги алоҳида битик деб кўрсатилган.]

Китобга шундай юксак баҳо берган Амир Темур Европада араб Монтескеси деб ном олган машҳур олим Ибн Ходдун билан икки ойга яқин бирга бўлганида янги китоблар харид қилиш учун уни Мисрга жўнатгани қайд қилинган.

Амир Темурнинг 1403 йилда олимлар ва уламолар олдиаги сўзлаган нутқи диққатта сазовордир. «Илм ва диннинг машҳур кишилари, - деган эди Темур, - ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қимлаётисизлар. Менинг мақсадим: мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлан, фуқаро турмушини яхшилаш, юртимиизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга нисбатан маслаҳатларингиз билан кўмаклашишингиз керак».

Ислом динининг ривожланишида халқимизнинг муносиб ўрни бор. Хусусан, шариатнинг хуқуқий томонларини ўрганишда - фиқҳ соҳасида Бурҳониддин Марғилоний, диннинг фалсафий қарашлари тасаввуф тараққиётида А. Яссавий, Б. Нақшбандийларнинг хизматлари ниҳоятда катта. Ҳадис илмида эса олтига буюк муҳаддиснинг тўрт нафари Турон тупроғидан этишиб чиқсан.

А. Темур даврида кўрсатилган буюк алломаларга улутвор мақбаралар қурдириб, ислом динининг ривожига муносиб ҳисса кўшилган.

[Тарихчиларнинг маълумотига қараганда, ҳарбий юришларда олимлару, уламоларга ва уларнинг уйига кирган одамларга зарар етказилмаган.]

Ҳарбий юришларининг бирида Эронда христиан динининг пешвоси А. Темурни ҳақорат қилганда ҳам унга ниҳоятда босиқдик билан муомала қилган.

Ҳазрат Соҳибқироннинг фаолияти билан айни бир пайтда Туркистонда нақшбандия деб аталиш тасаввуфнинг янги оқими пайдо бўлди. Энг муҳими бу фалсафий таълимот айни ҳазрати Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида ўзининг амалий жиҳатидан энг сермаҳсул ва илмий-назарий жиҳатидан катта тараққиёт даврини бошидан кечирди. Бунга мисол тариқасида Хуросон ва Мовароуннаҳрлик машҳур нақшбандия алломалари Ҳазрати Ҳожа Аҳори Вали, Нуриддин Абдураҳмон Жомий, Низомиддин Амир Алишер Навоий ва улар раҳнамоликларидаги катта зиёлилар авлодини келтириш мумкин.

Хар бир инсоннинг ҳатти-ҳаракатларини бошқариб турувчи бир куч борки, унинг номи-эътиқоддир. Амир Темурнинг эътиқодлари эса худди Нақшбанд эътиқоди каби ислом эди.

Соҳибқирон ҳар юз йилда бир марта бериладиган Қутбиддин унвонига сазовор бўлган. Соҳибқирон Амир Темур бир томондан дунёни титрратган жаҳонгир, иккинчи томондан дунё авлодларини маънавий ва моддий жиҳатдан қарздор қилган буюқинсондир.

Амир Темур буюқ салтанатнинг мукаммал тизимини яраттан давлат арбоби, музaffer саркарда, мисалсиз инсоний фазилатлар соҳибиdir. Европа давлатларининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётiga ҳам Соҳибқироннинг билосита хизмати бор. У жаҳон тамаддунига (цивилизация) катта ҳисса қўшган шахс.

Инсоният тарихида ҳеч бир ҳукмдор сулола вакилларидан темурийлар хонадонида бўлган каби кўп ва хўб беназир зотлар давлат арбоблари, фан, адабиёт намояндалари етишиб чиқмаган. Чунончи, Ҳалил Султон - ҳукмдор ва шоир, Шоҳруҳ - ҳукмдор ва шоир, Ҳусайн Бойқаро - сиёsat арбоби, ҳукмдор, саркарда, шоир, Захириддин Бобур - олим ва шоир, Комрон Мирзо - шоир, Гулбаданбегим - тарихчи, Зебунисобегим - шоира, хуллас барчасини санаб адогига етиш қийин.

Темурий шажаранинг энг тоза гули, шубҳасиз Мирзо Улугбекдир. Унинг Амир Темур сояи давлати ва тарбияти остида ҳам иқтидорли арбоб, ҳам буюқ аллома бўлиб етишуви Соҳибқироннинг жаҳон тамаддунига қўшган яна бир буюқ хизматидир.

Аёнки, Мирзо Улугбекнинг шоҳ асари - «Зижи Жадид Кўрагоний»дир Асарнинг номланиши «Кўрагоний»-сўзи эса А. Темурга нисбатан кўлланилган.

1994 йил бу асар рус тилида нашр қилинади. Аммо, бутунги кунга қадар уни ҳеч ким тўлиқ нашр қила олмаган. Асарнинг назарий қисми гоят мукаммал ёзилганки, уни теран тушуниб еттuvchi мутахассис шу кунгача топилган эмас.

«Зижи Жадид Кўрагоний»да Мирзо Улугбек юлдузлар жадвалига изоҳ сифатида риёзиёт ва илми нужумга онд фикрларни ҳам баён қиласди; Улар гоят қисқа, лўнда, ўша давр фан ютуқларининг қаймогидан иборатки, уни Улугбек илмий мактаби вакилларидан ўзга олимнинг тушуниши мушкүл бўлган. Кўриниб турибдики, уларнинг ҳаммаси мадрасаларда дунёвий фанлар чуқур ўрганилганлигидан дарак беради. Математик тенгламаларнинг гоят аниқ ечимлари ишлаб чиқилган. Бу усуллар Мирзо Улугбек илмий семинарларида ихтиро қилинган ва уни

алломанинг ўзи, Қозизода Румий, М. Чалабий, Коший, ал-Буржандий бир даража синусни ҳисоблаш ва бошиқа масалаларда муваффақиятли қўлмаган.

[Сайёralарнинг ҳаракати ва 1018 юлдузнинг ҳолатини белгилаб берадиган 100 жадвал тузилган.]

Нисбатан қисқа вақт ичида номлари ислом дунёсига, кейинчалик бутун дунёга машҳур бўлган олимлар, Самарқандда тўпланиб, қарийиб 100 нафарга етди. Темур давридаёқ Самарқандга келган Тафтазоний, Фиёсиiddин Жамшид, Улугбекнинг устозларидан мавлоно Исломл мавлоно Иброҳим, мавлоно Бадридин ва юқорида кўрсатилган олимлар тўпланади ва Самарқанд Шарқнинг нуғузли илмий марказига айланди. Шу тариқа Улугбекнинг жаҳонга машҳур Самарқанд астрономик илмий мактаби вужудга келди, ҳамда у бошиқа фан олимлари билан ҳам ўз сафларини кенгайтирди.

Шуни тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, [1417 йилдаёқ, Самарқанд «Байтул ҳикма»си (Билимлар уйи) ўзига хос бир академияга айланди.]

Тожик ёзувчиси Зайнуддин Маҳмуд Восифийни "Ажаб воқеалар" асарида шундай воқеани келтиради: Улугбек мадрасани қураёттганларида мавлоно Ҳавофий унинг тезроқ куриб битказилишига кўмаклашган. Чунончи, у ҳар куни келиб уста кўлига гишт узатиб турган. Бир куни мавлоно Ҳавофий пўстинини тескари кийиб, гишт тўдалари (уюмлари) орасида ўтирганди. Бир киши Мирзо Улугбекдан сўради: -Шоҳим, бу улкан ажойиб мадраса тутай деб қолди. Унга кимни мударрис қилиб тайинламокчимиз? Мирзо Улугбек жавоб берди: - Бу мадраса мударриси жамиъ илмларга моҳир ва барча фанлардан баҳраманд ва комил киши бўлиши керак. Мавлоно Ҳавофий жойидан туриб, шундай деди: бу мансабга мен таъян этилурмен. Мирзо Улугбек унинг кимлиги, қаерлик эканини ва номини сўради. Шоҳга шундай жавоб беришди. -Уни мавлоно Маҳмуд дейишади. Ҳавоф вилоятидан анча муддатдан бери шу шаҳарга келиб, жиҳду жаҳд билан таҳсил кўрди. Ҳикоя қилинишича Мирзо Улугбек уни ёнига чақириб, ҳар илмдан баъзи нарсаларни сўраган. Нимани сўрамасин, маъқул ва мақбул жавоб олган. Кейин шоҳ уни ҳаммомга олиб бориб ювинтиришни буориб, ўзи (уламоларга) хос жомалар (либослар) кийдирди ва азиз тутди. Улугбек уни Қозизода Румий ҳузурига бошлаб бориб, кўп таъриф-тавсиф қилди ва ўзига ҳамсабоқ қилди.

Айтишларича, мадраса (Улугбек мадрасаси) очилганда олимлар йигилишиб, мунозара ўтказишган. Мунозарада Мавлоно

Хавофий Птоломейнинг (Батглимус) асари «Ал-Мажистий» асари ҳақида дарс ўқиган.

Птоломей - юонон астрономи, оламнинг геоцентрик системасини тузган. Сайёralарнинг ер атрофидағи ҳаракатини асослаб, уларнинг осмондаги вазиятларини олдиндан ҳисобланғаш имкон берадиган математик назарияни яраттан.

Ўша йигилишда тұқсон донишманდ ҳозир экан. Птоломей назариясига багищланған Хавофийнинг маърузасини Мирзо Улутбек, Қозизода Румийдан бошқа ҳеч ким тушунмаган. Мирзо Улутбек дебдиларки: «Мавлоно Хавофий жами илмлар ва фанлар соҳасида шундай миқёсга этаки, агар барча китоб ва рисолаларни дарёға ташласалар ва бирор илмдан оламда асар қолмаса, у барча илмларни ҳаётта қайтара олишігә қобидир. Бирор илмдан ва фандан нүкта ёки дақиқа нобуд бўлмайди».

[Самарқанд Улутбек илмий мактабида қадимги юонон, ўрта аср мусулмон дүнёси, ватандош олимлар илмий ишларини ўрганиш, уларни мұхокама қилиш, шарҳлаш, таржима қилиш, янги кадрлар тайёрлап мұаммолари, илмий мунозаралар 1417 йилдан аввал бошланған, 1417-1420 йилларда қурилған Улутбек мадрасаси ўзига хос академиянинг маркази бўлган. Улутбек расадхонаси айниқса, 1420-1429 йилларда илмий изланиш ва тадқиқот лабораториясига айланган.]

Самарқанд академиясининг номини жаҳонга тараттан асар Улутбекнинг «Зижи» номли китоби бўлиб, бу асар 4 китоб, 44 бобдан иборат. Унинг ҳозиргача 120 га яқин форсий нусхаси ва 15 дан ортиқ арабий нусхаси мавжуд. Ўрта асрдаги ҳеч қандай астрономик ёки математик асар бунчалик кўп нусхада ҳозиргача сақланған эмас. Демак, у барча мусулмон мамлакатларида шарҳланиб, жаҳонга тарқалған асардир.

Бу асар Улутбек раҳбарлигидаги Самарқанд академиясининг умумбашарий илму-фан ҳазинасига қўшган жаҳоншумул ҳиссаси эди. Чунки бу асарда келтирилган илмий хуносалар ҳозирги жаҳон фанида ҳам ўз илмий аҳамиятини йўқоттан эмас. Масалан, Эклиптика текислигининг Экваторгага оғмалигини Улутбек $23^{\circ} 30$ минут 17 секунд деб топган бўлса, ҳозирги фан ҳисобидаги фарқи бор йўти 32 секунддир.

Улутбек юлдуз иили узунлигини 365 кун б соат 10 минут 8 секунд деб аниқлаган. Ҳозирги кунда фарқи 1 минуту 2 секунддир.

Планеталар ҳаракатини ўрганиш соҳасида ҳам Улутбек бошлиқ Самарқанд академияси олимлари юксак натижаларга эришган.

Замон нүқтәи назаридан олганда юлдузлар каталогини биринчи марта тузган Хитой олими, астроном Ши-Шендири (мил. Ав. IV аср). У 1022 та юлдузлар каталогини тузган. Аммо Улугбек бу соҳада эришган натижалар катта қимматга эгадир. Чунки Гиппархдан кейин XVI аср ўтгач, иккинчи бўлиб юлдузларнинг муқаммал каталогини тузган астроном бобокалонимиздир. Улугбек жадвалининг илмий, амалий қиймати бу асарга қизиқиш туфайли ортиб у XV асрдан бошлаб қайта-қайта дунё тилларига таржима қилиниб нашр этила бошланди. Буюк географик кашфиётларнинг очилиши, жумладан, Американинг Ҳиндистонга дengiz йўли очилиши, Ер шари бўйлаб биринчи сайёҳатлар ва бошқа муносабатларнинг бошланниб кетишига ватандошларимизнинг ҳам ўзларига хос хизматлари бор.

Улугбек «Зиж»ининг Оврўпада кенг тарқалишида унинг содиқ шогирди Али Қушчининг хизмати кайтадир. Али Қушчи Туркияning Истамбул шаҳрида мадрасанинг бош мударриси сифатида Улугбек ва бутун Самарқанд олимлари асарларини чоп этиб, бу асарларни кенг қўламда тарғиб қиласди ва бу илмий хабарлар қисқа вақт ичida Farbий Оврўпага ҳам кенг тарқалади.

Улугбекнинг фожиали вафотидан сўнг унинг илмий мактаби ўз фаолиятини узоқ давом эттираолмаган бўлса-да, унинг «Зиж»и буюк бир муқаммал асар бўлиб, у ўрта асрларда ва ундан анча кейин ҳам то XX аср бошларигача Ҳиндистондан то Америка қитъасигача бўлган ҳудудда астрономиянинг шаклланиб, такомиллашувига улкан таъсир кўрсатди. Энг муҳими, дастлаб Шарқда «Зиж»га тақлид қилишган, кўчирилган ва шарҳланган бўлса, Farbда оптик астрономия кенг ривожланган даврда Улугбек «Юлдузлар жадвали» телескоп кузатишлар ёрдамида қайта-қайта текширилиб, синовдан ўтиб, унинг юқори даражада аниқ эканлигига ишонч хосил қилинган. Бу асар қайта-қайта нашр этилади, ўрганилади, умумбащарий илму-фан тараққиётига, айниқса астрономия, космонавтика ривожига катта илмий таъсир кўрсатади.

Яқин йиллардаги Farb, айниқса, АҚШнинг олимлари томонидан Улугбекнинг юлдузлар каталогини замонавий асбоб-ускуналар билан тадқиқ қилиб, Улугбек бу каталогларни 9 йил ичida тузганлигига шубҳаланиб, мазкур каталогларни кўрсатилган муддатда электрон-ҳисоблаш машиналарсиз қилиб бўлмайди деган қарорга келгандар. Ҳозирга қадар расадхонага доир маълумотлар, унинг қурилиши, меъморий тузилиши, илмий кузатув асбоб-ускуналари; ер, космос глобуси, қуёш соати мавжудлиги ҳақида фикрлар атрофлича чуқур ўрганилмаган.

Ҳатто расадхона жойлашган Күхак тепалиги топилиши масаласи ҳам ноаниқ бўлиб, уни шарқшунос олим, археолог В. Л. Вяткин топган, деган тарихий бир томонлама хуоса мавжуд. Ваҳоланки, дастлаб расадхона ўрнини топиш маҳаллий ҳалқ вакилларидан бўлган мударрис Абу Сайд Махдум ва Қози Исахўжаларга таалмуқлидир. Бу муаммоларни ҳам чукур ўрганиш талаб этилади.

Мухандис - меъмор М. Азимовнинг тадқиқот ишларига асосланиб Амир Темур ва темурийлар қурдирган биноларнинг таҳдил натижалари шуни кўрсатадики, улар ноёблиги жиҳатидан Қадимги Миср, Юнонистон ва Римда қурилган меъморчилик маданиятигининг дурдоналари деб олинган Парфеон, Баалбек қасрлари, Миср эҳромларида колишимас экан ва ҳатто рангбаранг безаклари, нақшларининг мутаносиб равишда яхлит, тугал мажмуани ташкил этиши жиҳатидан улардан ҳам устун турар экан.

«Оқсарой» меъморларининг икки каср (иррационал) «П» ва «Ф» сонларини бинонинг ўлчамларига моддий сингдира олганликлари кишини лол қолдиради. Мазкур обида таҳдил қилингандა, фалакиёт илмига даҳлдор маълумотлар ҳам унда мужассамланганлиги аниқланди.

Самарқанддаги Амир Темур мақбараси, Бибихоним масжиди, Бухородаги И smoил Сомоний мақбаралари ўлчамларида қўлланилган «олтин кесим», «П» сонлари аниқланди. Айниқса, Амир Темур мақбарасида «Ф» ва «П» сонларининг 20 дан зиёд эканлиги Бибихоним масжиди қолдиқлари ўлчамларида 8 таси, И smoил Сомоний мақбараси ўлчамларида эса 12 таси аниқланди.

Саёҳатчиларга ва бизга шунчалик бир тарихий ёдгорликлар бўлиб тутолган бу обидаларнинг ҳар бири ҳали ўқилмаган китоб ҳандаса, риёзиёт, фалакиёт илмларининг «кичик қомуслари»дир. Бу қомусларда ҳали ўқилмаган вараклар жуда кўп. Масалан, уларга ишлатилган бўёқлар, қоришмалар таркиби, гишт пишириш усуллари, безакларни сирлаш жараёни, бино деворларини тиклаш, зилзилага бардош берадиган мустаҳкамликка эришини сирлари, ўлчов бирликлари, бурчак ўлчаш усуллари, бино ички хоналари безаклари ва уларнинг ўлчамларини аниқлаш - булар ҳаммаси катта бир фан илмидир.

Ўрта Осиё маркази бўлган Машхур Темур ва темурийлар салтанати 1370 йилдан 1507 йилгача, Бобур ва бобурийларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 488 йил умр кўрди. Жаҳон тарихида бирор сулола бу қадар ёрқин ва узун умр кўрганлиги ҳали бизга номаълум.

Соҳибқирон ва темурийлар даврида Шарқ замини бошидан кечирган юксак тараққиётни «Темур цивилизацияси» деб аташ мумкин. У узоқ йиллар Шарқ мамлакатларини ёритиб, меваларидан эса, Фарб ҳам баҳраманд бўлди. Шундай юксакликка кўтарилишига сабаб шуки, Соҳибқирон Амир Темур илм-фан ва маънавиятни юқори кўйди: Энг оддий мисол унинг васиятига асосан Соҳибқиронни устозининг сўёғ томонига дафн қилдилар. Бу А. Темурнинг илм-фангага бўлган юқори даражадаги хурмати деб қараш керак. Бундай маърифий воқеа жаҳон тарихида учраган эмас.

Шундай буюк шон-шуҳратта эга бўлган давлатнинг инқиrozга учраб, мустамлака истибодига тушиш сабаби, унинг бўлиниб кетиши, имон-эътиқоднинг сусайини ҳамда мадрасалардан дунёвий фанларнинг олиб ташланиши бўлди.

Муҳтарам мархум Шайх Абдуғани Абдуллаевнинг маълумотларига қараганда XVI-XVII асрларда Эрон ва Афғонистон уламоларининг таъсирида Турон заминидаги мадрасаларда илоҳий илмлар қолдирилиб, дунёвий ва тасаввуф билимларидан сабоқ бериш бекор қилинди. Бундай нотўғри ҳаракат давлатчиликда ва шариатда салбий оқибатларга олиб келганлигига тарих фани гувоҳдир.

Ҳазрати Соҳибқирон Амир Темурнинг «Биз ким мулки Турон, Амири Туркистон, бизким миллатларнинг энг қадимги ва энг улуғи Туркнинг бош бўгинимиз...» деган сўзларини фикрлар эканмиз, ул зоти олий бу сўзларни ўзлари мансуб бўлган қадими маданий юрт, юксак фазилатлар, бой анъаналар ва буюк аждодларга эга эл билан фаҳрланиш туйгуси юзасидангина айтганмикинлар?

Соҳибқирон Амир Темур турли жабҳалардаги кўп қиррали ижодкорлик фаолияти билан қадим Туркистон тупроғида қодирӣ барҳақ хукми билан юз бериши тақдир этилган жуда кўп соҳалардаги буюк юксалишларга туртки бердилар. Темурийлар даврида Д. Салоҳийнинг таъбирича, «Туркий юксалиш» жараёнига асос солдилар. Соҳибқирон ўзларининг шарқона, исломий фазилатлари, буюк турон элларига хос бўлган бекиёс хислатлари ва мардик, баҳодирликлари билан қадим Турон юртини жаҳонга кўз-кўз қилдилар.

Ватан тарихи, унинг илм-фани, маънавияти илдизларини билиш - ҳар бир фарзанд учун катта шараф. Бу шараф мустақиллижимизнинг буюк неъмати сифатида сизу бизга қутлуг бўлсин, ёр бўлсин!

Юртбошимиз И. А. Каримов 1995 йил 2 ноябрда бир гурух атоқли олимлар билан учрашганда «Биз қаңдай улут мероснинг ворислари эканимизни асло унугумаслигимиз ана шу буюк меросни халқقا етказишимиз керак» деганларида жуда ҳақлы эдилар.

Синов саволлари

1. А. Темурнинг илм-фанга муносабати.
2. А. Темур давридаги илм-фаннынг байналминаллиги.
3. А. Темур давридаги кўзга кўринган олимлар.
4. - М. Улугбекнинг астрономия фанига қўшган ҳиссаси.
5. Улугбек мактабининг кўзга кўринган намояндлари.
6. Улугбек асарининг дунёга кенг тарқалиш сабаблари.
7. Улугбекнинг илмий асарларига Фарб олимларининг берган баҳолари.
8. Улугбек илмий меросининг ҳозирги кундаги аҳамияти.

Асосий адабиётлар

1. Аҳмедов Б. «Амир Темур», Тошкент, 1995й.
2. «Темурнома», Тошкент, Чўлпон, 1990й.
3. Шароғиддин Али Яздий «Зафарнома», Тошкент, 1997й.
4. Ибн Арабшоҳ «Амир Темур тарихи», 1998й.
5. «Маънавият юлдузлари» Тошкент-2001й.

2.3. БОБУР ВА БОБУРИЙЛАР ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН ТАБИАТШУНОСЛИКНИНГ БАЪЗИ ҚИРРАЛARI

Юртдошимиз Захириддин Мұхаммад Бобур Амир Темур авлоидан бўлиб мұмтоз шоир, олим, салоҳиятли саркарда, мохир меъмор бўлибгина қолмасдан, балки машҳур табиатшунос ҳамдир.

XVI аср бошида Бобур пойдеворини қурган бобурийлар династияси Афғонистон ва Ҳиндистонда 332 йил давомида бунёдкорлик ва маърифатпарварлик ишларини олиб борди.)

«Бобурнома» Ўрта Осиё; Афғонистон, Ҳиндистон каби мамлакатлар тарихи, социал-иктисодий аҳволи, табиати, этнографияси, географияси, соҳаларини қамраб олган мұмтоз асадир.

«Бобурнома»нинг асосий хислатларидан бири шундаки, унда Бобур ёрқин бўёқлар ёрдамида, содда тил билан табиат,

географик хусусиятлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тасвирлайди. Муаллиф Фаргона водийси ва Ҳиндистоннинг географик жойлашиши, төрлари, дарёлари, ўрмонлари, яйловлари, боғлари, чўллари ҳақида аниқ, ҳозирги замон табиатига мос келадиган қиёсий материалларни келтирган.

«Бобурнома»нинг гувоҳлик беришича, Фаргона водийси бағрида кўпгина қазилма бойликлар учрайди, улар орасида темир, мис, турли ҳил минераллар, қиммат баҳо тошлар алоҳида аҳамият касб этади.

Бобур кенг тарқалган, хўжалик аҳамиятига ва даволаш хусусиятига эга бўлган ўсимликлар, ўша вақтларда инсониятга қирон келтирган безгак касаллиги ва унинг юзага келиш сабаблари ҳақида маълумотлар келтиради. Муаллифнинг фикрича, безгак касалини юзага келтирувчи воситалар об-ҳаво, безгак чивинларининг кўплиги ва уларнинг кенг тарқалганилигидир.

«Бобурнома»ни ҳар томонлама кенг таҳдил қилган профессор Мурод Расуловнинг ёзишича Бобур Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон қишлоқ ҳўжалиги тарихи тўғрисида тўлақонли, қизиқарли фakteklik материалларни изоҳдайди.

Мемуар асар бўлган «Бобурнома» Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон мамлакатларининг табиий географик жойлашиши, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси ҳақидағи биоэкология ва географияга оид асардир. Унда Бобур ҳар жойнинг характерли хусусиятлари, ўсимликлари ва у ерда тарқалган ҳайвонот дунёсининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумотлар баён қилади.

«Бобурнома»да муаллиф Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон мамлакатларидағи ўсимлик ва ҳайвонларни таърифлаб, уларнинг ҳар ерда учраши ва эндемиклари ҳақида алоҳида қимматли ахборотлар беради.

Бобур Ҳиндистоннинг ҳайвонот дунёсини таърифлаб шундай ёzádi: «Бу ерда тоқайли балиқдар мўл бўлиб, бари этли ва мазалидир». Муаллиф бир қанча тур балиқ ва сувда ҳам қуруқликда ҳам яшовчиларни батафсил изоҳдаган. Бобур бир бўгма илон ичидан кичикроқ илон чиққанини, унинг ичи ёриб кўрилганда ичидан ўлган сичқон чиққанини ёzádi.

Бобур ўзининг қомусий асари «Бобурнома»сида тавсиф берган ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ўнлаб тури ҳозирги кунда экологиянинг бузилиши натижасида йўқ бўлиб кеттан. Шунинг учун мазкур асар чоғиштирма ботаника ва зоология учун жуда қимматли асардир. Афсуски, шу кунгача зоолог ва ботаник

олимларимиз «Бобурнома»да келтирилган ўсимлик ва ҳайвонларни замонавий номенклатура бўйича охиригача аниқлаганлари йўқ. Мазкур тадқиқот ишлари кечиктириб бўлмайдиган илмий мавзуларга кириши шубҳасиздир.

«Бобурнома» ўз моҳияти билан ўлкамиз тарихи, географияси, табииати, этнографияси ва маданияти борасидаги бекиёс манбадир.

Бобур Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Афғонистон халқлари, уларнинг этик келиб чиқиши, хусусиятлари, урф-одатлари, тарқалили, тили, фани ва архитектураси ҳақида тўла-тўқис материал тўплади. Муаллиф Афғонистоннинг дикқатта сазовор жойларини, уларнинг табиий маиззараларини маҳорат билан чизди ва уларни она-юрти Андижон, Фарғона билан таққослади.

У Ҳиндистон, Ўрта Осиёнинг чўл, манзарали ва мевали дараҳтларини кўпайтириш ва ўстиришга катта аҳамият берди. Йилгари ўсимликини баъзи павлари ўスマйдиган жойларда уларни ўстиришга ҳаракат қилди.

У Ҳиндистон ва Афғонистоннинг бошқа ерларида ўスマйдиган мевали дараҳтлар ҳақида ҳам анча матъумотлар беради.

Илм-фан ва санъат тарихида Бобур ва «Бобурнома»нинг роли бекиёсdir, шу сабабли ҳам асрлар ўтишга қарамай, Бобур қолдирган илмий мерос ҳар томонлама чукур тадқиқ этилмоқда.

Шарқшунос Вамберининг таъкидлашиб Бобурнинг «Бобурнома»си Юлий Цезарнинг «Комментария»лари сингари жаҳон адабиётида катта ўрин эгаллайди.

Бобурнинг тарихдаги ажойиб хизматларидан яна бири шуки у Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Афғонистонда боғдорчилик ва табиатшуносликка асос солди ва унинг сулоласи бу хайрли анъанами шараф билан давом эттириди.

Бобур Самарқанд атрофидаги ажойиб ўланлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Булар машҳур Конигил, Будона ўланги Самарқанддан Шарқда, бироз Шимол тарафида жойлашган бўлиб, ундан Обираҳмат суви ўтганлиги ҳақида ахборот берган.

Бобурнинг «Бобурнома»да хабар берипича, Самарқанд сultonлари бу ажойиб манзарани кўриқхонага (заповедник) айлантириб йилда бир-икки ой қароргоҳ этганлар.

Қобул шаҳрининг ўзида Бобур режа билан ўнта боя тузади. Бобурнинг яраттан боғларида унинг бунёдкорлик маҳорати яққол кўзга ташланади. Бобур бунда иморат-рельеф, рельеф ўсимлик олами, ўсимлик олами - сув манбаи каби унсурларни диалектик биргалиқда кўради.

Бобур ўзининг Қобулдаги бояларига норинж (апельсин), анор, чинор ва тол ниҳоллари эктирса Ҳиндистондаги бояларига анба (манго) ва жоман дараҳтлари, ток ниҳоллари эктиради.

«Бобурнома»ни варақлар эканмиз, Бобур бояларининг икки хил тўғри геометрик шакллар асосида режаланганлигига, тартибли, ҳамда табиат тарзида манзарали кўринишда бўлганлигига гувоҳ бўламиз.

Тартибли геометрик кўринишдаги боялар кўпроқ текис ерларга боя-саройлар ва боя-мақбараларга мос келса, манзарали боялар баланд пастликка, қияликларга жойлашган кенг майдонли сайдрох бояларга мос келади.

Боялар ичидаги икки хил манзарали муҳит: серсоя ёпиқ ва соясиз очиқ яшил муҳитни кузатиш мумкин, ёпиқ яшил муҳитта одатда, серсоя хиёбонлар, йўлаклар, ҳовуз ва супа атрофлари кирса, очиқ муҳитта майсазор, бедазорлар ва гулзорлар кирган. Ҳар иккала муҳитнинг майдони нисбат жиҳатдан бир-бирига таҳминан тенг бўлган. Ёпиқ ва очиқ муҳитда яшил майдонлар бир-биридан ландшафти (табиий кўриниши), ҳавосининг мусаффолиги, намлиги ва иссиқлигига қараб фарқ қиласан: ёпиқ муҳитда ҳаво иссиқлиги сезиларли равишда паст, нисбатан нам, очиқ муҳитда эса аксинча. Ҳар иккала муҳит-микро иқдими орасидаги ушбу фарқ туфайли бодга ёзниң жазирама иссиқ кунларида ҳам ёнгил шабада тўлқини сезилиб турган. Ушбу самара чорбог услубидаги Ўрта Осиё бояларига хос бўлиб серсоя сув ҳавзалари атрофидағи чорпояларда янада сезиларли ва завқли бўлган.

Бобур кўллаган кўхна боя-истироҳатчилик сағъатидаги отабоболаримизга маълум бўлган ушбу қоида ва услубларни ҳозирги кун меъморчилик ишларида кенг тарғиб қилишимиз, қўллашимиз ва ривожлантишимиз зарур.

Бобур табиатнинг гўзаллигини ниҳоятда чукур ҳис қиласиган ҳассос инсон бўлган. У Қобул атрофида манзарали дараҳтлар ва боя-рөгларни таърифлаб, Дашиб Шайх қирлари этагида лоланинг 33 хилини аниқлаб ёзиб кеттан.

Табиатни севувчи Бобур ўзининг янги ўсимликлар ва мевали дараҳт навлари етиширишдаги ютуқлари ҳақида ҳам энг ажойиб ҳарбий галабалари тўғрисида гапиргандек зўр ифтихор билан сўзлади.

Бобур ниҳоятда синчков шахс бўлган. У таржимаи холида ўлкаларда кўрган жамики ўсимликларни бирма-бир баён қилди. Муаллиф тузган манзарали ва мевали дараҳтларнинг рўйхати биз учун катта аҳамиятта эга. Шу рўйхат туфайли биз XVI аср бошлиарида Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистондаги ўсимлик ва

ҳайвонот дүнёси ҳақида тасаввурга эга бўламиз.] Бобур туллардан жосун, самбитгул, киура канир ва оқ ёсумани қайд қилиб ўтади. Буларнинг ҳаммаси Ҳиндистон учун маҳаллий ўсимликлардир.

«Бобурнома»га ишланган расмлар орасида Акбаршоҳнинг мусаввирлари маҳорат билан чизган киура ва самбиттулар суръатлари ҳам бор.

Айтишларича, хушбўй атиргулни Ҳиндистонга биринчи бўлиб Бобур келтирган экан.

Бобур ўзи илгари учратмаган дараҳтлардан жоман ва кимракни таърифлайди, хурмо ва кокос пальмасини ҳам келтиради.

Хурмо, кокос пальмалар ҳақида Бобур ёзиб қолдирган маълумотлар тропик ўлкалар ўсимликларини ўрганиш билан шугулланадиган ҳозирги ўсимликшунос ва боғбонлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

1605 йилдан 1627 йилгача ҳукмронлик қилган Нуридин Жаҳонгиршоҳ ҳам бобокалони Бобурга ўхшиаб табиатни севган. Унга отаси бўлмиш Акбаршоҳдан мустаҳкам давлат мерос қолди. Бу нарса Жаҳонгирга имлий машгулотлари билан тўла тўкис шугулланиш имконини беради. У тасвирий санъат ва боғ яратиш санъатининг ҳомийиси сифатида тарихга кирди.

А. Иброҳимов таржима қилган доктор М. Рандхаванинг китобидан билиш мумкинки, Жаҳонгиршоҳ Кашмирда Шалимар, Атхабала ва Веринг боғларини барпо қилдирган.

Жаҳонгирни Ҳиндистондаги энг улут боғ яратувчи деб аташ мумкин. У табиатшунослик билан шугулланган. Паррандаударранда ва ўсимликларга унинг берган таърифи ниҳоятда аниқлиги билан ажралиб туради.

Жаҳонгирнинг рафиқаси Мехрун-Нисо уни Нур Жаҳон деб атаганлар. Бу аёл ўта нозик дид соҳибаси бўлган, у янги-янги аёллар либослари намуналарини яратиш ишига қўл уради. Бундан ташқари, у боғ-роғу, гулларга ҳам қизиқкан. Атиргул мойини шу аёл кашф қилған, деган нақл ҳам бор. Бунинг ҳақида муаррих Мануччий бундай ҳикоя қилган.

«Бир куни Нур Жаҳон подшоҳни 8 кун давом этган базмга таклиф қиласди. Нур Жаҳон боғдаги ва саройдаги жамики ҳовузларни гулоб билан тўлдирилсин ва унда ҳеч ким қўлини юва кўрмасин, деб ҳукм қиласди. Лекин, кечаси ўзи бир ҳовузнинг бўйида ётиб ухлаб қолади. Эрта сахарда уйғониб, бирон кимса ҳовузлардаги гулобни ифлос қиласмишин, деб ҳовузларни бирма-бир кўздан кечириб айланиб чиқа бошлиайди. Шунда бир ҳовуздаги гулобнинг юзида юпқа мойли пардага кўзи тушиди.

Бирев сувга мой ташлабди-да, деб ўйлаб, у ниҳоятда газабланади. Сувни нима ифлослантирганини билиш учун канизакка «ҳалиги пардадан қўлингга йигиб ол», деб буйруқ беради. Нур Жаҳон сувнинг юзидан йигиб олинган мойни ҳидлаб кўрса, ниҳоятда муаттар ҳид келяпти. Бошқа ҳовузлардан йигиб олинган мойда ҳам худди шу хушбўй ҳид бор эди. Шунда у мой шудрингга ўхшаб сувнинг ўзида пайдо бўларкан, деган холосага келади. Шунда антиқа атирга эга бўлганлигидан хурсанд Нур Жаҳон ҳалиги мойдан кийимига суради-да, подшоҳнинг хузурига йўл олади. Подшоҳ бу пайтда ухлаб ётган эди. Уни уйғоттаниларида муаттар ис уни завққа тўлдиради. Шунда Нур Жаҳон қандай қилиб кашфиёт қилганини унга сўзлаб беради. Ҳиндистонда гулоб мойининг сирини шу тариқа билиб олишган эди».

Нур Жаҳон эрининг бօғ-роғлар ва табиатта бўлган мұхаббатини баҳам кўрарди. У Кашмирга саёҳат чогида Жаҳонгирга шерик бўлган. Бу гўзал водий Жаҳонгирни ҳайратта соглан эди: Кашмир - бу мангу баҳор боги - деб ёзган эди у - гўзаллиги билан кишилар қалбини ром қилувчи гулзор. Бу дунёвий гўзалликни таърифлашга сўз ожизлик қиласи.

Бօғ-роғлар яратиш жараёнида Жаҳонгиршоҳ биринчи бўлиб «Чор Чинор» услубини қўллади. Бу услугга кўра чорсу ер майдонининг тўрт чеккасига тўртта чинор экиласи ва ушбу саҳнанинг ўртаси ҳамиша соя-салқин бўлиб туради. Бундай ямияшил воҳаларни Кашмир водийсидаги карvon йўлларида учратиш мумкин.

Жаҳонгир Шалимар беги барпо қилди ва шу ерда Срингар шаҳрига асос солди. А. Иброҳимовнинг ёзишича, бу бօғ ҳали ҳам ўзининг кўркамлиги ва ҳашамати билан киши ақлини лол қолдиради. Бօғ уч қисмга бўлинган: ташқари бօғ, марказий ёки шоҳона бօғ ва ичкари бօғ.

Шалимар боги Жаҳонгирнинг нозик дид соҳиби бўлганлигига ва унинг табиат манзарасидан моҳирона фойдалана билишига ёрқин далиллар. Маҳаллий ахоли санскрит тилида «севги маскани» деган маънони англатадиган Шалимарга келишни хуш кўрарди. Улар чинор соясида ўтириб, чой ичиб ҳордик чиқарадилар.

Шалимар богидан ташқари Нижот бօғ, яъни Жаннат боги Дал кўлининг бўйидаги 12 погона бўлиб, тоф томонга қараб кўтарила борган, ҳар бир погона буржнинг биттадан белгисини билдиради.

Жаҳонгиршоҳ ана шундай табиат ва самовий тизимларни акс эттирувчи рамзий маънога эга бўлган боғларни бунёд этган.

Жаҳонгир Равалпиндаги Ҳасан Абдул булоқлари яқинидаги Воҳ, богини бунёд эттирган. Ҳар ёзда у хотини билан Лаҳурдан Кашимирга кета туриб ҳордик чиқариш учун шу ерда тўхтаб ўтган.

Жаҳонгир Ҳиндистон тарихида энг улут боғдор бўлган. Унинг Кашимирда бунёд эттирган боғ-роглари Жаҳонгирнинг санъаткор мусаввир сифатида ҳам обрўсининг ошишига ёрдам беради. Жаҳонгирнинг қурдирган боғроғлари ҳозир ҳам авлодларни ҳайратта солмоқда.

Синов саволлари

1. Бобурнинг «Бобурнома» асари ҳақида маълумот.
2. «Бобурнома» даги ўсимлик, ҳайвонот ва географик маълумотлар.
3. «Бобурнома» нинг экология фани олдидағи роли.
4. Бобурнинг боғлар яратищдаги ўзига хос услуби.
5. Бобурнинг ўсимликларга оид интрадукцияси ҳақида маълумот.
6. Жаҳонгиршоҳнинг боғ яратищдаги қўллаган усули.
7. Жаҳонгирнинг яратган боғлари ва уларнинг ўзига хослиги.

Асосий адабиётлар

1. Бобур Захириддин Муҳаммад «Бобурнома», Тошкент, «Юлдузча», 1989.
2. Рандхава М. «Бобур яратган боғлар» (А. Иброҳимов таржимаси), Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990, 6 июль.

III - БОБ

3.1. ТАБИАТШУНОСЛИКНИНГ ФИЗИКАВИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ

Қадимда табиий фанлар бирданига ҳосил бўлмасдан балки, аста-секин натурфилософия негизида шакланиб, сўнг алоҳида йўналиш сифатида ажралган. Натурфалсафа табиат фалсафаси бўлиб, атроф-муҳитни бир бутун деб қараб, мушоҳада этиш Сократгача (Суқрот мил. ав. тахминан 470-399 й. Юнон файласуфи. Унинг таълимотига кўра, фалсафанинг мақсади-инсон ўз-ўзини билиши бўлиб, бу эса чин эзгуликка эришиш йўлидир, деб таълим берган) бўлган илк илмий дунёқараш бўлган. Уйғониш даврида атроф-муҳитта, табиаттага қизиқиш натурфалсафанинг ривожланишига сабаб бўлди. Кейинчалик экспериментал табиатшуносликнинг ривожланиши, илмий маълумотларга асосланган табиат ҳақидаги назариялар натурфалсафани сиқиб чиқаришга сабабчи бўлди.

Натурфалсафанинг асосий ютуқларидан бири физика фанининг шаклланишига сабабчи бўлди. Физика табиат ҳақидаги фан, моддий дунёнинг энг содда ва шу билан бирга, умумий хоссаларини ўрганади. Бундай умумийлик туфайли физика ва унинг қонунлари бутун табиатшуносликнинг асосини ташкил қиласди. Мазкур соҳа элементар зарралар, атом ядролари, атомлар, молекулалар, қаттиқ жисмлар, плазмалар физикаси ва бошқаларга бўлинади. Назарий физиканинг асосий бўлимларига классик меҳаника, электродинамика, термодинамика, статистик физика, нисбийлик назарияси, квант механикаси, майдон квант назарияси киради.

Классик физиканинг шаклланишида Галилео Галилей алоҳида ўрин эгаллади. Галилео Галилей (1564-1642) Италия олими, меҳаника фанининг асосчиси, ҳаракатнинг нисбийлик гоясини илгари сурган, инерция, жисмнинг эркин тушиш қонунларини ишлаб чиқсан. У 32 марта катталаштириб кўрсатадиган телескоп ясаб, Ойдаги тоғлар, Юпитернинг 4 та йўлдоши, Венера фазалари, Қуёшдаги додларни кашф қилган. Гелиоцентрик системани фаол ёқдаб чиққанлиги учун инквизиция судига тортилган, унинг илмий кашфиётлари замонавий табиатшуносликни шакллантиришга катта хисса қўйди.

Инглиз олими Исаак Нютон меҳаниканинг илмий назарияларини ишлаб чиқсан, гарб олимларининг таърифи

бўйича у дунё олимларининг қироли ҳисобланиб, унинг илмий салоҳиятига фақат Архимед ва Эйнштейнлар яқин келиши мумкин. У Лейбницадан мустакил ҳолда дифференциал ва интеграл ҳисобни ишлаб чиқкан. Ёргулук дисперсияси, хроматик аберрацияни қашф қилган. Ёргулук интерференцияси ва дифракциясини тадқиқ қилган. Ёргулукнинг корпускуляр тузилиши тўғрисидаги назарияни ривожлантириб у айни вақтда ёргулукни тўлқин ҳусусиятига ҳам эга деган гипотезани илгари сурган. Кўзгули телескоп ихтиро қилган. Классик механикага асос солиб, унинг асосий қонунларини таърифлаган. Бутун олам тортишиш қонунини қашф қилган, осмон механикасининг асоси-самовий жисмларнинг ҳаракат назариясини яраттан. Нютон вакт маконга ва материяга боғлиқ эмас деган тояни илгари сурган. Шундай қилиб, Исаак Нютон дунёning механик нуқтаи назардан тавсифини яратди. Исаак Нютон механикасига асосан гидродинамика, эластиклик, иссиқлик механикаси ва молекуляр-кинетик назариялар шаклланиб. улар алоҳида фан сифатида ажralдилар.

Исаак Нютон классик механиканинг асосини ташкил қилган З қонунни қашф қилган. 1-қонун: ҳар бир жисм унга бошқа бир жисм таъсир қилмагунча ўзининг тинч ҳолатини ёки тўтри чизиқли текис ҳаракатини сакладайди. 2-қонун: жисм массасининг тезланишга кўпайтмаси унга таъсир қилаётган кучга тенг, тезланишнинг йўналиши эса кучнинг йўналиши билан мос бўлади. ($F = m \cdot a$). 3-қонун: ҳар қандай таъсирга унга тенг ва қарама-қарши йўналган таъсир ҳамма вақт мавжуд ёки икки жисмнинг бир-бирига таъсири ҳамма вақт миқдор жиҳатидан тенг ва йўналиши қарама-қарши бўлади.

Нютоннинг бутун олам тортишиш қонуни қуидаги: ҳамма жисмлар бир бирини модули ўзларининг массалари кўнайтмасига тўғри пропорционал ва орасидаги масофанинг квадратига тескари пропорционал булган куч билан тортади. m_1, m_2 массали 1 масофада бўлган моддий нуқталарнинг ўзаро тортиш кучи қуидаги формула билан ифодаланиб, $F = G \frac{m_1 m_2}{r^2}$ бу ерда G- гравитацион доимийлик.

Табиатдаги оптик ва электромагнит ҳодисаларини механика қонунлари ёрамида тушунтириб бўлмас эди. Оптик ҳодисаларни Нютон, жумладан, ёргулукни моддий заррачалардан тузилган яъни, корпускуляр деб талқин қилган. Ёргулукнинг заррача, яъни фотонлардан иборатлигини фотозеффект ҳодисаси тасдиқлайди. Лекин ёргулукнинг интерференция ва дифракция ҳодисаларини

Нютоннинг корпускуляр назарияси билан тушунтириб бўлмас эди.

Тўлқин интерференцияси-когерент тўлқинларнинг қўшилиш ҳодисаси. Когерент тўлқинлар-тўлқин узунликлари бир хил, фазалар фарқи ўзгармас қилиб мослаштирилган тўлқинлардир.

Интерференция терминини инглиз олимни Томас Юнг фанга киритган ва у юпқа парда интерференциясини (совун кўтиги) нинг ҳар хил рангда товланиш сабабларидан бири парданинг ташки юзасидан, иккинчиси эса ички юзасидан қайтувчи ёргулук тўлқинларининг қўшилишидан деб тушунтиради. Бунда ёргулук тўлқинларининг интерференцияси содир бўлади. Интерференция натижасида (йиғинди тебранишларнинг кучайиши ёки заифлашуви) ёргулукнинг пардага тушиб бурчаги, парданинг қалинлиги ва тўлқиннинг узунлигига боғлиқ бўлади.

Тўлқин дифракцияси-тўлқинларнинг тўсиқдарни айланиб ўтиш ҳодисаси.

Дифракцияга оид классик тажрибани 1802 йили Юнг ўтказган. У когерент тўлқинларни ҳосил қилиш мақсадида шаффофф бўлмаган тўсиқда тўғнагич ёрдамида бир-биридан уччалик узоқ бўлмаган икки тирқишни ҳосил қиласди. Бу тирқишлар тор тирқишдан ўтиб келаётган ёргулук билан ёритилади. Дифракция туфайли бу тирқишлардан икки ёргулук конуслари чиқиб, улар бир-бирини қисман беркитган.

Когерент тўлқинларнинг интерференцияси натижасида экранда кетма-кет жойлашган ёрут ва қоронги йўллар ҳосил бўлади.

Ёргулукнинг интерференцияси ва дифракцияланишини электромагнит ҳодисалари орқали тушунтира бошлианди. Бу соҳада инглиз олимни ва табиатшуноси Фарадей ишлари дикқатга сазавордир. Фарадей Майл- инглиз олимни, электромагнит майдон ҳақидаги таълимотнинг асосчисидир. Электромагнит индукция ҳодисасини, электролиз қонунларини, пара ва диамагнетизмни, магнит майдонида ёргулукнинг кутбланиш текислигининг бурилишини очган. Электр ва магнит майдон тушунчаларини фанга кириттан. Электромагнитли тўлқиннинг мавжудлиги ҳақидаги гояни айттан. Электромагнит майдон тушунчасини Фарадей фанга кириттан бўлса, Максвелл дифференциал тенгламалар орқали назарий асослаб берган. У ёргулукнинг электромагнит табиати ҳақидаги гояни илгари сурган. Фарадей ва Максвелларнинг гояларини немис олимни Г. Герц тажрибаларда электромагнит ва ёргулук тўлқинларининг

асосий хоссалари бир хил эканлигини тасдиқлаган. Герц тажрибаларидан сўнг майдон тушунчasi физика фанида мустаҳкам ўрин олди.

‘XIX асрнинг охирида физика фани нуқтаи назаридан материя икки ҳолатда-мода ва майдон кўринишида бўлар экан деган тушунча ҳосил бўлди.

Мода дискрет ҳолатда, атомлардан тузилиб, майдон эса, тўлқин табиатлидир. Лекин, модда ва майдон бир-бирлари билан узвий боғлиқдирлар. Демак, ёргулік, зарра ҳам тўлқин табиатига эга. Демак булар, физикавий дунёнинг бир бутун эканлигини исботловчи омиллардир.

3.2. Микрофизиканинг замонавий концепциялари

XX асрга келиб табиатни мушоҳада қилиш микрофизика ёки квант механикаси асосида тушунтира бошланди. Бу даврга келиб илмий кашфиётлар асосида ядронинг бўлинмаслиги ҳақида тушунча нотўтри эканлиги исботланди.

1895 йилда инглиз олими Томсон электронни кашф қилди ва унининг манфий зарядга эга эканлигини кўрсатди. Кейинчалик, инглиз олими Резерфорд атомда ядро борлиги, у мусбат зарядга эга эканлигини аниқлади. Шундай қилиб бу даврга келиб физикада квант механикаси шаклланди. У микрозарраларнинг муайян ташки майдонлардаги ҳаракатини тавсифлаш усули ва ҳаракат қонунларини ифодаловчи бўлим бўлиб, физиканинг бу соҳаси биринчи марта атомларнинг структурасини ва уларнинг спекторларини аниқлади.

Квант механикаси қаттиқ жисмларнинг кўпгина хоссаларини тушунишга, ўта ўтказувчанлик, ферромагнитизм (модданинг магнит ҳолати), ўта оқувчанлик ва бўлак ҳодисаларни изоҳлашга имкон берди.

Бу даврнинг катта ютуқларидан бири радиоактивлик кашф қилинди. Радиоактивлик деганда-беқарор атом ядроларининг зарралар ёки γ -квант чиқариш йўли билан ўз-ўзидан бўлак элемент ядроларига айланиши тушунилади.

Ҳар хил элементларнинг радиоактивлик хусусиятларини Пъер, Мария Кюрилар ўрганишиб, улар янги кимёвий элементлар: полоний, радийларни кашф қилипди. Улар радиоактив элементнинг нурланиши натижасида бошқа элемент атомига ўтишини кўрсатиб бердилар ва атомнинг структураси аниқланди.

Микрозаррачаларнинг тадқиқ қилиниши натижасида бир хил обьектлар ҳам тұлқинли ва бир вақтнинг ўзида корпускуляр хусусиятта әга эканлығы анықланды:

Шундай хуносага немис олимі М. Планк келди: „Электромагнит энергиянніг нурланиши дискрет характердә бўлади, яъни электромагнит энергия айrim порциялар билан чиқади. Ҳар қайси бундай порциянинг энергияси нурланаётган тўлқиннинг частотасига боғлиқ“.

$$E = h\nu$$

Демак E , ν частотали квант энергиянніг миқдори, h доимийлик. Бу h доимийликни, кейинчалик Планк доимийлиги деб атала бошлашди. Унинг сон қиймати жуда кичик

$$h = 6,625 \cdot 10^{-27} \text{ эрг. с.}$$

Шунинг учун ҳар бир квант энергияси ҳам жуда кичикдир. Мазкур янгиликнинг эълон қилиниши квант назарияга асос бўлиб, ёргулукнинг квант назарияси яратилди. А. Эйнштейн, немис физиги ёргулукнинг квант назарияси бўйича ҳам ишлаб, фанга фотон тушунчасини кириптган, фотоэффект қонувларини очган.

Фотоэффект-электромагнит нурланиш таъсирида қаттиқ жисм (ёки суюқлик) дан электронларнинг ажralиб чиқиши билан боғлиқ бўлган ҳодиса. Фотоэлектрик эффект учун Эйнштейн 1922 йили Нобел мукофотига сазавор бўлган.

Планк тадқиқотларини давом эттирган Эйнштейн ёргулукнинг квант назариясига асос солди. Уларнинг мазкур изланишлари асосида Нильс Бор ўзининг атом моделини таклиф қилди. Борнинг атом ҳақидаги изланишларига қадар инглиз олимі Резерфорд атомнинг планетар моделини тавсия қилган (1911). Мазкур тизимга асосан атом худди Күёш системасига ўхшаш марказда мусбат зарядга әга бўлган ядро, қобугда эса манфий зарядли электронлардан ташкил топган. Атомнинг заряди даврий системадаги элементнинг тартиб сонига teng. Атомнинг нейтрал ҳолатида зарядлар сони teng бўлади.

Резерфорд моделининг камчиликларидан бири: электронлар ўз ҳолатларининг тургун бўлиши учун ядро атрофида ҳаракатда бўлиб туришлари, электродинамика қонунига асосан электромагнит энергия ажратиб туриши зарур. Акс ҳолда электрон ўз энергиясини сарфлаб, ядрога қулаши мумкин бўлиб қолар эди. Электронларнинг ҳаракати даврида Резерфорд модули бўйича уларнинг ёргулук нурланишининг частотаси ўзгариб туриши туфайли электроннинг нурланиш спектри узлуксиз бўлиши керак эди. Лекин, тажрибаларда

атомлар ҳар доим аниқ частотали нурланиш спектрига эга. Демак, Резерфорд атомнинг планетар модели Максвеллинг электродинамика қонунларига мос келмаслигини аниқлади.

Нильс Бор янги гояни илгари суриси, қуйидаги постулатларни (исботсиз қабул қилинадиган қоида, фараз) зълон қилган. Улар қуйидагича:

1. Атом системасига муайян Е энергия мос келганида мазкур тизим стационар ёки квант ҳолатларда бўлади. Атом стационар ҳолатда ёргулук чиқармайди.
2. Атом бир стационар ҳолатдан иккинчисига ўтганда электромагнит квант энергия чиқаради ёки ютади.

Борнинг мазкур постулатлари атомларнинг стабил тургунлигини белгиловчи омиллар бўлиб, электромагнит энергияни тарқатмаслик сабабларини кўрсатади. Демак, атомларнинг ҳолати ўзгармас, тургун бўлишиларини квант механика нуқтаи назаридан илмий асослаб берилди.

Борнинг назариясини водород атомини тушунтиришда қўлмаш мумкин, чунки водород битта электрондан ташкил топган. Электронлари кўп бўлган атомларга Борнинг постулотлари мос келавермаслиги назарий ва амалиётда кўрсатилган. Шундай ноаниқликлар электронларнинг тўлқинли ҳусусиятга эга эканлигидан дарак беради. Электрон нукта, шар, диск ёки элипслиги ноаниқ бўлса ҳам, унинг ички структурага эга эканлиги аниқланган. Аммо атомнинг электронлар орбитасига асосан, унинг структурасига аниқ таъриф бериб бўлмайди. Электрон тўлқинли табиатта эга.

Бир электронли водород атоми учун Бор назариясига биноан ҳисоблаб чизилган траектория амалиётда, ўз аксини топган. Лекин Бор постулатлари, классик физика ёрдамида атом структураси билан боғлиқ бўлган энг содда тажрибаларни ҳам тушунтириб бўлмас экан. Шуларга қарамай Н. Борнинг илмий тадқиқот ишлари микрофизика фанининг ривожланишига катта хисса қўйди.

3.3. КОРПУСКУЛА - ТЎЛҚИН ДУАЛИЗМИ

Материянинг ҳар қандай микрообъектлари (фотонлар, электронлар, протонлар, атомлар ва х. к.) зарра (корпускула) ҳам тўлқин хоссаларига эга эканлиги ҳақида, корпускула-тўлқин дуализмининг миқдорий ифодаси - де Бройл (француз физик олими) томонидан тадқиқ қилинган. Унинг назариясига асосан тўлқин ва корпускула деб қараш фақат ёргулликка тегишли бўлмасдан материяга ҳам қўлласа бўлишини кўрсатган.

Корпускула - түлкин дуализми материянинг ҳар-хил кўринишларига: жумладан, электрон, протон, атом, молекула ва ҳатто макроскопик жисмларга ҳам тегишили эканлигини де Бройл исботлашга ҳаракат қилган. Шуларга асосан Австрия физиги Шредингер электроннинг түлқинли ҳолатини аниқловчи дунёга машқур тенглама ишлаб чиқкан.

Де Бройлнинг назарияси кейинчалик амалиётда исботланган. Түлкин механикасига асосан янги-янги элементар заррачалар аниқланган. Корпускула- түлкин дуализми ҳар қандай моддий объектта тегишили эканлигини де Бройл томонидан назарий ва ҳамда амалий жиҳатдан исботланган.

Микрозаррачалар дунёсини илмий талқин қилишда немис олими Гейзенбергнинг кашфиёти алоҳида ўринга эга. Фанда айниқса, фалсафада кўп баҳс ва мунозаларларга сабабчи бўлиб келаётган ноаниқлик принципи дикқатга сазовордир. Гейзенбергнинг гоясига асосан бир вақтнинг ўзида ҳаракатдаги заррачаларнинг икки параметри тезлиги ва координатасини аниқ ўлчаш мумкин эмас. Ҳеч қачон бир вақтнинг ўзида ҳаракатланаётган микрозаррача қаерда, қандай тезлик билан, қайси томонга йўналишда эканлигини аниқлаб бўлмайди. Классик физика нуқтаи назаридан ҳаракатланаётган зарранинг координатасини аниқласа бўлади. Демак, ноаниқлик принципи фақат микрозаррачалар фаолиятига тегишили бўлиб, макрофизикага тўғридан-тўғри тадбиқ қилиб бўлмайди. Гейзенбергнинг ноаниқлик принципи илоҳий илм вакилларининг фикрларига қараганда жамият ва инсон ҳаётида ҳам учраб туради. Бундай ноаниқликларни энергия, вақт ва радиоактивлик жараёнларида кузатиш мумкин. Воқеа ва ҳодисалардаги кичик хатоликларни математиклар фикрича ҳисобга олмаса ҳам бўлади. лекин реал ҳаётда булар катта хатоликлар, ноаниқликларга сабабчи бўлиши мумкин. Демак моддий дунёдаги фан томонидан кашф қилинган қонун-қоидалар мутлақ деб қаралмасдан, уларда ҳам хатолик ва ноаниқликлар учраб туриши табиий ҳол деб қаралиши керак.

3.4. МАТЕРИЯНИНГ СТРУКТУРА ТУЗИЛИШИ

Физика фанининг кейинги тараққиётида микрозаррачаларнинг структураси тадқиқ қилинди. XIX асрнинг охирида микродунё таркибида электрон, кейинги 10 йилликларда-фотон, протон, позитрон ва нейтронлар аниқланди.

Кучли энергияга эга бўлган тезлаттич қурилмалар ёрдамида ҳозирги кунда 400 та элементар заррачалар аниқланиб, улардан

айримлари назарий асосланди. Жумладан, резонанслар (яшаш даври жуда кичик 10^{-22} - 10^{-24} сек.) кварклар (1/2 спинга, бутундан кичик электр зарядига эга), вертуал (оралиқ) заррачалар бўлиб, булар аксарият амалиётда ҳали аниқланган эмас.

Элементар заррача дейилганда аввал бўлинмайдиган, энг содда моддий асос қабул қилинган эди. Ҳозир эса элементар заррачаларнинг ички дунёси, структураси ҳам аниқдана бошлианди, номи рамзий бўлиб қолди.

Элементар заррачаларнинг асосий кўрсаткич тавсифлари-масса, заряд, ўртача яшаш даври, спин ва квантлар сони тушунилади.

Элементар заррачаларнинг тинчликдаги массаси электронларга боғлиқ. Тинчликдаги массаси бўлмаган заррачаларга фотонлар киради. Енгил заррача ёки уларни лептонлар деб уларга электрон ва нейтриноларни мисол келтириш мумкин. Мезонлар улар ўртача, барионлар бўлиб электроннинг массасига нисбатан минг марта оғир бўлган протон, нейтронлардир.

Ҳамма заррачалар электр зарядига эга (мусбат ёки манфий). Заряди нолга teng бўлганлари ҳам бор бўлиб буларга фотонлар мисол бўлади.

Элементар заррачалар ўртасидаги ўзаро таъсир кучлари қўйидагicha: кучли, электромагнит, кучсиз ва гравитацион гурухларга бўлинади.

Кучли тортилиш ёки итариш кучлари заррачалар ўртасидаги масофа 10^{-13} см атрофида бўлганда, улар ўртасидаги боғланиш юқори энергия ҳисобига содир бўлади. Шунинг учун атомлар стабил, тургун ҳолатида бўладилар. Уларни парчалаш ёки емириш учун катта микдорда энергия зарур.

Электромагнит таъсир кучлари минг марта атом тортилишидан кам, бу кучлар ҳисобига электронлар ядрога, ядролар эса атомга, улар молекулаларга боғланадилар. Бу боғланишлар кимё ва биологияда катта аҳамиятга эга.

Кучсиз таъсир масофа 10^{-15} - 10^{-22} см атрофида бўлганда содир бўлиб, ядронинг парчаланишида ҳосил бўлган нейтрон, протон, антинейтриноларнинг ҳосил бўлишига сабабчи бўлади.

Гравитацион таъсир кучлар энг паст бўлса ҳам лекин космик масштабда катта аҳамиятга эга. Заррачаларнинг ўзаро тўқнашувидан янги зарра пайдо бўлиши ёки емирилиши мумкин.

Охирги йиллардаги майдон, квант назариясининг шаклланишини физика фанининг ривожланиш босқичларидан бири деб қараш мумкин. Майдон, квант назарияси элементар

зарралар, уларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирига айланиш физикасининг асосий аппарати ҳисобланади.

Маълум шароитда нейтрондан протон, электрон ва нейтринолар ҳосил бўлади. Элементар заррачалар икки хил энергия билан характерланадилар:

1. Массага тенг ҳисобланган элементнинг ҳусусий энергияси;
2. Заррача таркибидаги боғларнинг энергияси;

Бу икки хил энергия бир-бирларидан ажралмас, ўзаро боғлиқ бўлсалар ҳам лекин улар фарқ қилувчи энергетик манбаларга кирадилар.

Элементар заррачаларнинг пайдо бўлиши шу пайтacha номаълум. Улар кўпроқ коинотдаги вакуум, қора туйнуклар, кучли гравитация ва электромагнит майдонларда ҳосил бўлса керак, деган тахминлар бор. Демак элементар зарралар сайдерамизни, атроф-муҳитни коинот билан боғловчи восита, кўпrik десак хато қўлмаймиз.

Физиканинг ривожланиши бошқа табиий фанларнинг тараққиётига ва янги соҳаларнинг шаклланишига сабабчи бўлди. Жумладан кимёда, физкимё, коллоид кимё соҳалари физика фани билан чамбарчас боғлиқ. Физика тирик жонзотларни ўрганишида қўлланилиб, биология фанида янги соҳа-биофизиканинг шаклланишида катта хизмат қилди.

Биофизика, тирик организмлардаги физикавий ва физика-кимёвий ҳодисалар, биополимерларнинг структураси ва хоссалари, турли физикавий омилларнинг тирик системаларга таъсирини ўрганувчи фан. Физикага тегишли ғоя ва усулларни организмни ўрганиш (қон ҳаракати, товушни эшитиш, ёргулкни кўриш, нерв хужайраларидан импулс узатиш ва бошқалар) га тадбиқ қилишдан иборат. Ҳайвонлардаги электр токини ўрганиш (Гальвани), тирик организмларнинг физиологик акустикаси ва оптикаси (Гелмгелц) ва мембрана назариялари билан боғлиқ. Биофизика фанидан физика таъсирида янги йўналишлар радиобиология, биоэнергетика, фотобиология ва бошқа соҳалар мустақил бўлиб ажралиб чиқди. Булар ҳаммаси физика-кимёвий биологиянинг мажмуасига киради.

СИНОВ САВОЛЛАРИ

1. Физика фанининг вазифалари ва шаклланиш жараёнлари
2. Физика фанининг структуравий тузилиши.
3. Галилей ва Ньютонларнинг физика фанидаги хизматлари.
4. Ньютон қонунлари.
5. Электромагнит ҳодисаларини тушунтириш.

6. Ёргликтининг интерференция ва дифракцияси.
7. Фарадейнинг физика фанидаги хизмати.
8. Микрофизика: элементар заррачалар тушунчаси.
9. Планк доимийлиги ва унинг аҳамияти.
10. Эйнштейннинг фотоэлектрик эффекти.
11. Резерфорднинг атом планетар модели ва унинг таҳлили.
12. Бор постулатлари.
13. Корпускула-тўлқин дуализми.
14. Гейзенбергнинг ноаниқдик принцили.
15. Элементар заррачаларнинг структураси.
16. Физика фанининг бўлак соҳаларнинг ривожланишидаги роли.

АДАБИЁТЛАР

1. Лавриенко В. Н. ва бошқалар. Концепции современного естествознания. Москва, из-во «ЮНИТИ», 1999 г.
2. Карпенков С. Х. Основные концепции естествознания. Москва, из-во «ЮНИТИ», 1998 г.
3. Аҳмаджонов О. И. Физика курси, 1-3, Тошкент «Ўқитувчи» 1989 й.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

1. Соловьев Е. Ф. «Концепции современного естествознания». Москва, из-во «ВЛАДОС», 1999 г.
2. Камолхўджаев Ш. ва бошқалар. Электрические и магнитное поле в вакуме и в среде. Тошкент, 1999 й.
3. Воронов В. К., Гречнева М. В., Согдеев Р. З. Основы современного естествознания. Москва «Высшая школа» 1999 г.
4. Барашенко В. С. Кварки, протоны, Вселенная. Москва «Знание» 1987 г.
5. Бабушкин А. Н. «Современные концепции естествознания». Санкт-Петербург, 2001 г.

3.5. ЗАМОН, МАКОН ВА НИСБИЙЛИК НАЗАРИЯСИ

Замон ва макон материя мавжудлигининг умумий шакллари ҳисобланади. Фазо-моддий объектлар ва жараёнларнинг бирга мавжуд бўлиш шакли (моддий системанинг структураси ва кўламини ифодалайди), вақт-материя ҳодисалари ва ҳолатларининг изчил алмашиниб туриш шакли. Уларнинг яшаш муддатини ифодалайди.

Инсонлар жуда қадимдан масалан, антик даврдан замон ва макон тушунчалари ҳақида фикр юритабошлиганлар. Баъзи файласуфлар бўш фазо яъни бўшилиқнинг бўлиши мумкин эмас деб қарашган. Бошқа файласуфлар жумладан, Демокрит материя ва атом каби бўшилик ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг силжиши ва боғланиши учун зарур деган.

Қадимги юонон математиги Евклид асарларида замон-вақт ҳақидаги фикр аниқ математик шаклда ифодаланган. Бу даврда бир жинсли ва чексиз фазо ҳақида геометрик тасаввур юзага келган.

К. Птоломейнинг Геоцентрик назарияси унинг «Альмагест» асарида баён қилинган бўлиб, бу фикр табиатшунослиқда XVI асртаги ҳукм суради Шу даврда дунёning биринчи универсал математик модели яратилади. Бунда вақт чексиз, фазо чекли, осмон жисмлари қўзролмас Ер атрофида айлана бўйлаб, текис ҳаракат қиласи дейилади.

Бундан сўнг Н. Коперникнинг дунёning тузилиши ҳақидаги Гелиоцентрик назарияси яратилади. Бу назария Коперникнинг «Осмон жисмларининг айланиши» ҳақидаги асарида келтирилган бўлиб, бунда Ернинг ҳаракатда эканлиги тан олинди. Шунинг билан оламнинг тузилиши ҳақидаги бунгача бўлган барча назариялар бекор бўлди. Фазонинг чеклилиги ва чексизлиги ҳақидаги фикр олга сурилди.

Джордано Бруно олам ва замон-вақт бир сўз билан чексиз дейди. Бруно оламни «Бутун чексиз», «Фазо ягона ўлчамсиз» дейди. Олим фикрига якун ясад фазо чексиз, чунки «унинг чети, чегараси ва сирти йўқ.» Бруно гўяларининг амалий исботи И. Кеплернинг «Осмон физикаси» ва Г. Галилейнинг «Осмон жисмлари механикаси»да асослаб берилди. Галилейнинг нисбийлик тизимида асосан барча физик (механик) ҳодисалар, тинч ёки тезлиги миқдор ва йўналиш жиҳатидан ўзгармас тўғри чизиқли, текис ҳаракатланаётган системаларда бирхил ўтади. Бундай системалар инерциал тизимлар деб аталади. .

Инвариантлик (ўзгармаслик) яъни узунлик, вақт ва тезланиш бундай системаларда ўзгармасдир.

Замон ва макон ҳақидаги фикрлар Декарт томонидан ривожлантирилди. Табиатдаги барча ҳодисаларни моддий элементар заррачаларнинг механик таъсири орқали тушунтириш мумкин деган гояни Декарт илгари сурди. Барча кузатилаётган физик ҳодисаларни (иссиқлик, ёргулик, электр, магнит) Декарт элементар заррачаларнинг ўзаро таъсири орқали тушунтиришга ҳаракат қилди. Жисмларнинг бир-бирига таъсирини босим ёки заррачаларнинг ўзаро таъсиридаги урилиши деб, физикага яқиндан таъсир тушунчасини киритди.

Декарт физика билан геометриянинг бир эканлигини асослаб берди. У кейинчалик унинг номи билан аталган координаталар системасини фанга киритиб, унда вақт битта фазовий ўқ кўринишида келтирилишини таклиф қилди. У ўзининг физика билан геометрияни бирлигига асосланиб, бўшлиқни инкор қилди ва фазони катта кўламга ўхшатди. Декарт яна Давомилик ва вақт тушунчаларининг боғланишини айтди. Давомилик, унинг фикрича, «моддий оламга тегишли». «Вақт эса инсонга тегишли бўлиб, фикрлашнинг модули ҳисобланади.»

Ньютонгача бўлган илмий қарашлар натижасида замон ва маконни классик механика чегарасида экспериментал ва математик усууллар орқали асослаб берилди.

Ньютон механикасида Оламнинг гравитацион манзараси олга сурилди. Унинг марказида бутун олам тортишиш қонуни ётади. Бу қонунга асосан тортишиш кучи унверсалъ, у ҳар қандай жисмлар ўртасида, уларнинг хоссаларидан қатий назар содир бўлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, икки жисм орасидаги ўзаро таъсир кучи улар моддий нуқта деб қаралганда, шу жисм массаларининг кўпайтмасига тўтри пропорционал, уларнинг орасидаги масофанинг квадратига тескари пропорционалдир.

Исаак Ньютон тортишиш қонунини бутун Олам учун кўллаб, унинг тузилишини ўрганади. Шундай аснода Олам чекли эмас, балки чексиз деган хulosага келади. Оламнинг гравитацион моделида чексиз фазо тушунилади, ҳамда унда космик объектлар жойлашган бўлиб, улар ўзаро тортишиш кучи орқали мувозанатда туради. Ньютон ўз асарларида ҳаракатнинг асосий қонунлари ҳақида, замон, макон-жой ва ҳаракат тушунчаларига таъриф берган. Вақт ва фазога таъриф берар экан Ньютон «ўзини ва барча борлиқни ўзига сиддиради». Вақт ҳақида фикр юритар экан ҳамма борлиқнинг маълум кетма-кетлиқда жойланиши деб

тушунтиради. Фазо деганда эса ҳолатнинг жойланиш тартиби деб изоҳлайди.

Ньютон фазо ва вақтнинг икки турини тавсия қилади, абсолют (ҳақиқий математик) ва нисбий (одатдаги). Абсолют, ҳақиқий математик вақт ўз ҳолича, ўзининг мазмунига кўра, ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган ҳолда, текис ўтади ва бошқача айтганда давомилиқидир. Нисбий - одатдаги вақт аниқ ёки ўзгарувчи, сезги орқали белгиланадиган, давомиликнинг ташки ўлчами, кундалик турмушида ишлатиладиган, аниқ математик вақтдан фарқли ўлароқ, соат, кун, ой, йил ва ҳоказолар тушунилади.

Абсолют фазо маъносига кўра ташки бирор нарсага боғлиқ эмас, ҳамма вақт бир хил ва қўзгалмасдир. Нисбий фазо - ўлчами ёки қандайдир ажратилган қўзгалувчи қисм бошқа жисмларга нисбатан жойлашишига қараб сезги аъзоларимиз орқали баҳоланади.

Г. В. Лейбниц абсолют фазо ва вақт тушунчасига қарши чиқади ва : «Фазо, вақт каби соф нисбийдир. Фазо - мавжуд бўлиш ҳолати, вақт эса, кетма-кетлик тартибидир» дейди. Лейбницнинг фикри физиканинг ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсата олмади. Инерция қонуни, ҳаракат қонунларини тушунтиришда Лейбницнинг фазо ва вақт ҳақидаги фикри асос бўла олмади. Ньютоннинг фазо ва вақт ҳақидаги фикрлари ва шу асосда юзага келган оламнинг физик манзараси XIX аср охиригача етакчи фикрлардан бўлиб қолди.

Олами физик манзарасининг фазо ва вақт билан боғлиқ бўлган Ньютоннинг гояси қуйидагича: фазо чексиз, ясси «тўгри чизиқли» Евклид фикрига асосланган. Унинг метрик хоссалари Евклид геометрияси орқали тушунтирилади. Фазо, абсолют, бўшлик, бир жинсли ва изотроп (ажратилган нуқта ёки йўналиши йўқ) моддий жисмларни «сигдирувчи» сифатида хизмат қилади.

Вақт абсолют, бир жинсли текис ўтuvчи (оқувчи) деб ҳисобланган. У дарҳол ва ҳамма ерда яъни бутун оламда «бир хил ва синхрон», моддий объектларга боғлиқ бўлмайдиган давомли жараёндир. Умуман олганда классик механика вақтни давомилик деб қараган «воқеаларни давом этишини кўрсатади».

Фазо ва вақтнинг абсолют деб қаралиши Галилей- Ньютон алмаштиришлари ва сўнг инерциал системани тушунтиришда асос бўлди.

XIX асрга келиб электромагнит ҳодисалар ўрганилди, физикада янги тушунчалар юзага келди, масалан майдон ва ҳ. з. Зарядлар, заррачалар ўртасидаги фазода майдон бирлиги ўрганилгач, бу фазо ва вақтнинг физик хоссаларини тавсифлашда

қўл келди. Электромагнит майдоннинг структураси Максвелдинг тўртта формуласи орқали тушунирилади. Эйнштейннинг айтишича, нисбийлик назарияси ҳам шу майдон муаммосидан келиб чиққан.

XIX асрдаги А. Майкельсон тажрибаси Оламнинг физик манзараси ҳақидаги фикрни бироз ўзгартирди. У ўзининг тажрибаси орқали ёргуликнинг тарқалиши тезлиги Ерининг ҳаракатига боғлиқ эмаслигини исботлади. Майкельсон тажрибасини классик механика орқали тушунириб бўлмади.

Материянинг электрон назарияси асосчиси Х. Лоренц узунлик ва вақти ҳисоблаш учун математик тенгламалар (Лоренц алмаштиришлари)ни келтирган. У ҳаракатланаётган системада туриб ўлчанган узунлик ва вақт абсолют қўзғалмас системада ўлчаганига нисбатан (тезликка боғлиқ равишда) қисқароқ бўлишини айтади. Кейинчалик Эйнштейн бу гояни изоҳлаб Лоренц алмаштиришлари жисмининг реал узунлиги ҳаракатланаётган системада қисқариб қолмай балки, бундай тизимларда тезликка боғлиқ равишда узунликни ўлчаш натижаси қисқарганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб «узунлик», «вақт оралиғи», ва ҳатто ҳодисанинг «бир вақтлилиги» нисбийdir. Бошқача қилиб айтганда, фазо, вақт, ҳар қандай ҳаракат ҳам нисбийdir.

А. Эйнштейн томонидан 1905 й. яратилган маҳсус нисбийлик назарияси тезлиги ёргулик тезлигига яқин бўлган барча физик жараёнларнинг қонуниятини, тортишиш майдонини ҳисобга олмаган ҳолда, баён қиласди. Тезлик камайтирилганда бу қонуниятлар классик механикага яқинлашади, шунинг учун унинг хусусий ҳол ҳисобланади.

А. Эйнштейн электромагнит ҳодисаларга, ёргуликнинг ҳаракатига нисбатан қўлласа бўладиган нисбийликнинг умумлашган принципини шакллантиради. Бу принципга асоссан, системанинг ичидаги туриб ўтказилган ҳарқандай физик тажриба (механик, электромагнит ва бошқалар) ёрдамида система тинч турибдими ёки тўгри чизиқди текис ҳаракатланаяптими, фарқини билиб бўлмайди.

Ҳарқандай физик ҳодисаларда ҳам ёргуликнинг тезлиги энг катта тезлик бўлиб қолаверади. Бирор бир жисм ёргулик тезлигига эга бўлиши учун унга жуда катта энергия бериш керак. Буни амалда бажариб бўлмайди. Шунинг учун хеч қандай жисм ёргулик тезлигига тенг тезликка эришаолмайди. Ҳарқандай инерциал системаларда у ўзгармасдир.

Ер юзидағи барча ҳаракатланувчи жисмларларнинг тезлиги, ёруғлик тезлигига нисбатан нолға тенг.

Ёруғлик тезлигини ўзгартасып, Галилейнинг көнгайтирилған нисбийлік принципі ассоциа махсус нисбийлік назариясининг математик ифодаси келиб чиқады. Масалан, ҳаракатланаётган системада жисмнинг узунлиги қўзғолмас системадаги шу жисм узунлигига нисбатан кичик

$$l' = l \sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}$$

l' - v тезлик билан ҳаракатланаётган системада жисм узунлиги. l -шу жисмнинг қўзғолмас системадаги узунлиги.

Қўзғолмас системадағига нисбатан қўзғолувчанида ўлчангандек вақт гёё чўзилаёттандек, яъни жараён секин кетаёттандек туолади.

$$t' = \frac{t}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}}$$

Яна қайта эслатамиз: узунликнинг қисқариши, вақтни ортиши тезлик ёруғлик тезлигига яқинлашганда содир бўлади. Тезлик ёруғлик тезлигидан кичик бўлганда махсус нисбийлік назарияянининг формуласи классик механика формуласи каби бўлади.

Нисбийлік назарияси абсолют вақт, абсолют фазо бўлаодмаслигини кўрсатди.

Ёруғликнинг тезлиги абсолют бўлганлиги учун фазо ва вақт боғланишини ҳам абсолют дейиш мумкин.

$$s = \sqrt{l'^2 + c^2 \cdot t'^2}$$

Формуланинг маъноси қуйидагича:

-Ҳар бир системада жисмнинг узунлиги ва вақт оралиги турлича бўлиши мумкин, аммо, S катталик ўзгармайди. Узунликнинг ортиши шу системада мувофиқ равища вақт оралигини камайиши билан боғлиқ ва аксинча.

Умумий нисбийлік назариясида Эйнштейн нисбийлік принципини көнгайтиради, уни ноинерциал системаларга ҳам қўллайди. Инерцион ва гравитацион массаларни ёки инерцион ва гравитацион майдонларнинг эквивалентлигини кўрсатувчи тажриба натижаларидан фойдаланган.

Умумий нисбийлік назариясида Эйнштейн фазонинг тузилиши, материя массасининг тақсимотига боғлиқ эканини исбот қилди.

АҚШ газетаси «Нью-Йорк Таймс» нинг мухбири 1921 йил апрељда Эйнштейнга нисбийлик назариясининг мағзи нимадан иборат? - деб савол берганида олим шундай жавоб қылган экан: «Авваллари ўйлашардики, бирор бир ҳодиса рўй бериб, ҳамма моддий нарсалар йўқ бўлиб кетса, фазо ва вақт қолади деб тушунилар эди. Нисбийлик назариясига асосан нарсалар билан биргалиқда фазо ва вақт ҳам йўқ бўлади».

Фазо ва вақт хоссалар

Аввало фазо ва вақт объектив мавжуд бўлиб, инсонлар онгига боғлиқ эмас. Биз уларни сезамизми ёки йўқми? ундан қатий назар улар объектив борлиқдир. Фазо ва вақт универсал бўлиб, материянинг умумий янаш формаси. Ҳеч бир воқеа, ҳодиса, жисм йўқки, улар фазо ва вақтдан ташқарида содир бўлсин.

Фазонинг энг асосий хоссаларидан бири у уч ўлчовлиги. Ҳар қандай жисмнинг вазиятини бир бирига боғлиқ бўлмаган уч киттилик - координата ёрдамида аниқлаш мумкин. Декарт координата системасида X, Y, Z ўқлари (узунлиги, эни ва баландлиги), сферик координата системасида - радиус- вектор r ва α , β бурчаклар, . цилиндрик координата системасида - баландлик z радиус - вектор r ва α бурчак.

Фазонинг ҳар бир нуқтасига қайта ва қайта келиш мумкин. Шу маънода у қайтувчандир. Вақт эса қайтмас ва бир ўлчамлиқдир. У бурунги даврдан ҳозирги кунга, бундан эса, келажакка қараб боради. Вақтнинг бирор бир нуқтасига қайтиб бўлмайди. Бирор бир оралиқ вақтни қолдириб, сакраб ҳам бўлмайди.

Фазо бир жинсли ва изотроп, вақт эса фақат бир жинслидир. Фазонинг ҳамма нуқталари тенг хуқуқли ва барча йўналишлари ҳам тенг хуқуқли. Вақтнинг барча нуқталари тенг хуқуқли. Бу эса, вақт устуноқ деган гап эмас. Вақтнинг ихтиёрий нуқтасини бошлангич деб қарашиб мумкин.

Синов саволлари

1. Ньютонгача бўлган даврда фазо ва вақт ҳақида қандай қарашлар мавжуд бўлган?
2. Оламнинг гелиоцентрик системаси юзага келгач, фазо ва вақт ҳақидаги қарашлар қандай ўзгарди?
3. И. Ньютон фазо ва вақтни қандай талқин эттан?
4. А. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси учун фазо ва вақт ҳақидаги қандай илмий қарашлар асос бўлди?
5. А. Эйнштейннинг маҳсус нисбийлик назариясига асосланиб, фазо ва вақт ҳақида нима дея оласиз?

6. Фазо ва вақтнинг хоссаларини айтиб беринг.

Адабиётлар

1. Меррисон Дж. Б. Физика и физический мир - Москва, Мир, 1975.
2. Кудрявцев П. С. Курс истории физики. Москва, Просвещение, 1974.
3. В. Н. Лавриенко, ва бошқалар Концепции современного естествознания. Москва, ЮНИТИ - ДАНА, 1999.
4. А. Н. Бабушкин, Современные концепции естествознания. Изд «Лань» 2001.
5. Ш. М. Камолхуджаев Табиатшунослик асослари, Тошкент, 2001.
6. А. Х. Қосимов, Г. Ж. Ахмедова Табиатшунослик фанидан маърузалар. Тошкент 2002.
7. С. Х. Карпенков. Основные концепции естествознания. Москва, 1998.

3.6. МУРАККАБ ТИЗИМЛАР ҲАҚИДАГИ ФАН-КИБЕРНЕТИКА

Физикавий қоидаларнинг бутун Коинотта тадбиқ килинишини нисбийлик назарияси тадқиқ қилса, квант механикаси эса микродунёнинг қонуниятларини ўрганади. Мазкур системаларни англаш анча мураккаб бўлса ҳам лекин, содда тизимларга киради. Бунинг сабаби шуки, бундай тизимларнинг асосини кам миқдордаги ўзгаришлар ташкил қилиб, уларнинг математик таҳлилидан универсал қонунлар келиб чиқади.

Табиатда содда тизимлар билан бир қаторда мураккаб системалар ҳам мавжуд бўлиб, улар кўп сонли ўзгариш ва боғланишлар асносида содир бўлганлиги учун уларнинг фаолиятини муайян қонуниятлар асносида тушунтириш анча қийин кечади.

Планеталарнинг қайси вақтда, фазонинг қайси ҳудудида туришини, сунъий йўлдошларнинг учиш траекториялари, ернинг қайси нұктасига қўниши ва вақтларини аввалдан аниқласа бўлади.

Маълумки, иқлимшуносликни метеорология фани ўрганади. У мураккаб тизимга кириб, кўп сондаги ўзгарувчан ва бир-бираига боғлиқ ҳодисалардан иборат. Гравитация ҳодисаларини олдиндан инсонлар билса ҳам, лекин кундан кейин келадиган об-

ҳавони аниқлик билан айта олмайдилар, ваҳоланки, иқлимишгунослар энг замонавий асбоб ускуналар билан қуролланган. Чунки, бу жараён ҳавонинг қарама-қарши йўналиши, ҳаракати ва яна кўп омилларига боғлиқ.

Мураккаб тизимлар ичида биз учун энг муҳимларидан бири тескари йўналишдаги боғланиш ҳисобланади. У замонавий табиатшуносликда катта аҳамият қасб этади.

Сиз бир тошни хоҳлаган томонга отишингиз ёки тегпадан пастга ташлаб юборишингиз мумкин. Тош сизга нисбатан индифферент - бефарқ бўлиб, қаршилик ҳам кўрсатмайди. инерция қонунини ҳисобга олмаса. Лекин, сиз итга ёки мушукка тегсангиз, у фаол ҳолатда реакция беради. Объектнинг ташқи таъсирга нисбатан реакциясини тескари боғланиш деб атаемиз. Тизимнинг фаолияти ташқи таъсир натижасида кучайса ижобий, камайса эса салбий боғланишлар деб аталади. Ташқи таъсирни йўқ даражага олиб келувчи омилларни гомеостатик (юонча - ҳаракатсиз, ҳолат), тескари боғланиш дейилади. Одам танаси, ҳар қандай ташқи таъсирга қарамасдан, ҳар доим унинг ҳорорати бир хил бўлади. Бундай юритмалар тирик организмда кўплаб учрайди. Ҳодисалар оқимида системанинг хусусияти ўзгармай қолса бундай тизимни инвариантлик (ўзгарувчи физикавий мухитда, қийматлари тургун ўзгармас ҳолат) деб аталади.

Биз кундалик фаолиятимизда билиб- билмаган ҳолатда тескари боғланишларга дуч келамиз. Тескари боғланишлар тургун, ишончли ва самарали ҳисобланади. Тескари боғланишлар тизими, янги ҳолатга ёки ички, ўз-ўзидан кетадиган фаолиятга сабабчи бўлиши мумкин. Бу ерда қандайдир ўз-ўзидан ташкил топадиган мақсадга мувофиқлик тизими намоён бўлади. Айрим, ички мақсадга мувофиқлик машиналарни «ўта. механизмли» системалар деб атала бошланди. Масалан, шундай торпеда ва ракеталар борки ўзлари нишонни қидириб топадиган мосламага эга. Ҳар қандай мақсадга мувофиқ ҳаракат тескари боғланишга эга. Олдиндан режалаштирилган мақсадларни аниқ рӯёбга чиқариш тизими мураккаблаштирилган юритмалар билан таъминланганлигига боғлиқ.

Мақсадга мувофиқлик тушунчаси инсоният тарихида узоқ эволюция жараёнидан ўтди. Миғология даврида ҳар бир жонсиз ҳаракат, одамга ўхшаш онгли деб топилган. Файласуф Арасту эса дунёнинг фаолияти расмий, моддий, ҳаракатли бўлишидан қатъий назар мақсадли деб билган. Шунинг учун ҳам диний нуқтаи назардан дунё маълум мақсадга асосан яратилиб, мақсадли фаолият кўрсатади деб уқтирилади. Лекин фан узоқ вақт оддий

тизимларни ўрганиш давомида улардаги мақсадға мувофиқлик ҳаракатига бефарқ бўлиб келди. XX асрда фан мураккаб тизимларни тескари боғланишилари билан тадқиқ қила бошлигандан, ички мақсадға мувофиқлик бор эканлиги аниқланди. Мазкур соҳани тадқиқ қиласидан кибернетика деб аталади. Америкалик олим Норберт Винер ўзи яратган бу фанни «Жониворлар ва машиналардаги алоқадорлик ҳамда бошқариши» деб тушунтирган. Ҳозирги кунда кибернетика деганда одамлар электрон-ҳисоблаш машиналарини, яъни компьютерларни тушунишади. Бу унчалик тўгри эмас. ЭҲМ лар кибернетика фани талаблари асосида бошқача шаклга кирган мавжуд ҳисоблаш машиналари холос. Кибернетика эса, алоҳида, мураккаб фан, фанлар мажмуаси, бошқариш ҳақидағи фан ҳисобланади. Кибернетика сўзи қадимги юон тилида «кема ҳайдовчиси, дарга» маъносини англатган.

Бу фаннинг асосий вазифаси бошқариш моддий ёки маънавий дунёдами жонзотми, неорганик табиатми, ҳаммасида ҳар доим бир хил, яъни ахборотни йигиши, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишдан иборат. Худди шу фикрни фалсафий нуқтаи назардан олим К. Дўстмуҳаммад қуйидагича изоҳлади: «Материалистик назарияга кўра дунёнинг бирлиги ва ўзаро алоқадорлиги унинг моддийлигига, модда ичидағи қарама-қаршиликлардан, идеалистларнинг тарғиботига кўра эса - Худода». Н. Виннер бу иккала тарғиботни ўзига хос умумлаштириб, ўзининг назариясини яратган. Унга кўра дунёнинг бирлиги, ундаги барча ҳаракатлар ахборотни йигиши, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш тарзида кечишида дейди.

Одам машинани бошқарадими, машина ўз-ўзини бошқарадими, инсон ўз-ўзини ёки жамоани бошқарадими, жонворларнинг миаси асаб тизими орқали модда алмашинуви ёки ҳаракатими бари ахборотлар устидаги ўша жараёнлар йигиндисидан иборат. Айтайлик, бир ерда тош ётибди, унга ҳавонинг ҳарорати, Қуёш нури, шамол сув, қор ва ҳ. з. лар таъсир этади. Ҳар бири ўзича қандайдир из қодиради, яъни тошда ахборот йигилади. Бу жараёнлар узоқ вақт давом этади. Тош ичида қандайдир икки қарама-қаршилик доим курашда бўлиб турганидан ва боягидек ахборотлар йигилаверганидан бир вақт келиб, курашаёттан томонлардан бири голиб чиқади. Кибернетика тилида бошқарыш рўй беради, масалан, тош дарз кетади. Бу ўринда ахборотларнинг йигилиш жараёнини миқдор ўзгариши, тошнинг дарз кетишини эса, сифат ўзгариши, деб тушуниш мумкин.

Домланинг талабаларга таъсир ўтказиши, ёки одам ўз онгини бошқариши ҳам ахборот жараёнидан иборат. Кибернетика нуқтаи назаридан қараганды, ҳар қандай жисм таркибан ахборот йигиндисидир. Масалаң, жисм қайси элементлардан иборат уларнинг миқдори қанчадан, молекулалар қандай ўзаро боғланған, структураси, унинг катталиги, вазни, ранги ҳам муайян хабардир. Демак, бирор жисмни ахборотларга парчалаб, факс орқали узоққа юбориб, ўша ерда йигиштириб, яна қайтадан жисмни ҳосил қилиш гоялари кибернетиканинг юқорида кўрсатилган таърифидан келиб чиқади.

Шундай қилиб, кибернетика математика, техника ва нейрофизиология фанларининг гоялари асосида шакланиб бир неча синф, тизимларнинг (жонли ёки жонсиз) қарама- қарши ахборот билан боғланганлиги ҳақидаги соҳадир.

Кибернетика фанида код, шифр атамалари кўлланилиб, бу жараёнда бир обьектнинг кўриниши иккинчисига боғлиқдигини кўрсатади. Мазкур тизим генетик код мавзусида мухокама қилингган. Кибернетикада яна «сирли сандиқ» тушунчаси ишлатилиб, бу қурилма маълум бир операцияни ҳозир ва қадимда унинг қандай ахборот асосида фаолият кўрсатсандигини биз билмаймиз. Коинотнинг фаолияти «кatta портлаш» асосида содир бўлганлиги «сирли сандиққа» мисол бўлаолади.

XVII ва XVIII юз йиллар соатлар, XVII, тўлиқ XIX асрлар эса буг машина йиллари бўлиб, ҳозирги даврни эса, алоқа бошқариши, ахборот вақти дейилади. Ушбу жараёнларни ўрганишда кибернетика катта аҳамият касб этади. У ўзаро боғланиш усуллари, бошқариш моделларини ўрганишда ахборот тушунчаси зарур бўлиб қолди. Ахборот (лотинча информатиотаништириш, тушунтириш дегани) атамаси кибернетикада фундаментал статусга эга бўлиб, тартибли тизимдан иборат бўлиб, у тартибсизликка ва энтропияга тескари бўлган ҳолатdir.

Ахборотнинг кўпайиши энтропиянинг камайишига олиб келиши ва аксинча ҳам бўлини мумкин. Ахборотнинг энтропия билан боғлиқлиги унинг энергия билан алоқадорлигини кўрсатади. Ахборот қанча кўп бўлса, тизимни бошқариш шунча енгил кетади. Ҳозирги кунда кибернетика фалсафа, ижтимоий, илмий, услубий, ва техниковий жараёнларда кенг кўлланилмоқда. Компьютерлар ва роботларнинг иш фаолиятлари кибернетика тизими асосида тузилган бўлиб, ахборот асосида фақат илмий ишлардагина кўлланилмасдан, балки инсон фаолиятининг ҳамма жабҳаларига кириб келди.

Компьютерлар худди ҳар хил машиналарга ўхшаб одамларнинг жисмоний ва ақлий меҳнатларини енгиллаштирадилар. ЭҲМ лар ўйлаш, қарорлар қабул қилиш бўйича инсон миясидан анча паст бўлса ҳам лекин, ҳисоблаш ишларини одамдан тез бажаради. Автоматик қурилмаларнинг бошқарув тизимини ЭҲМ бажарса инсонларда эса шунга ўхшаш вазифани Олий нерв системаси бажаради.

Компьютерларда ўз-ўзини яратадиган қурилма йўқ. Ҳужайради эса организмнинг хаётий фаолиятида қандай кимёвий жараёнлар кетишини ва ўз-ўзини яратадиган хотира тасмаси бўлиб, бу вазифани нуклеин кислоталари бажаради.

Билиш жараёнида, кибернетика асосида ЭҲМ яратилиши, кузатиш, тажриба билан бир қаторда моделлаштириш услубиёти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Катта ишлаб чиқариш корхоналарини функционал ва иқтисодий бошқариш моделлари асосида иш олиб бориш кўп мамлакатларда оддий ҳолат ҳисобланади. Биогеоценоз, экология, табиатдан рацонал фойдаланишини моделлаштиришнинг, иқтисодий ва маънавий фойдаси юқори эканлиги аниқланган.

Физика, кимё ва биологик жараёнларни тадқиқ қилишда моделлаштириш олимларга қўл келмоқда. Масалан, ҳужайрада оқсил биосинтезини ўрганишда рибосома суббірликлари фаолиятини моделлаштириш асосида ўрганиш, бу чигал масаланинг кўп қирраларини ойдинлаштиришга сабабчи бўлди.

Кибернетик глобал тадқиқот изланишларида, моделлаштириш, мураккаб тизимларни бошқаришда самарали услубиёт ҳисобланади.

Синов саволлари

1. Содда ва мураккаб тизимлар ҳақида маълумот беринг.
2. Мураккаб системалардаги тескари боғланиши.
3. Мураккаб тизимлардаги мақсадга мувофиқлик.
4. Кибернетика фанининг вазифаси ва унинг ЭҲМ лардан фарқи.
5. XXI юз йиллик ахборот асри деб аталиши сабаби.

Адабиётлар

1. Горелов А. А. Концепции современного естествознания. «Центр», Москва, 2000.
2. Карленков С. Х. Концепции современного естествознания. Москва, 2000.
3. Дўстмуҳаммад Қ. Икки йўлу бир манзил, Шарқ Юлдузи, №7, 1992.

IV - БОБ

4.1. МЕГАДУНЁНИНГ РАНГ-БАРАНГЛАГИ ВА БИРЛИГИ

Материя структурасининг уч босқичдаги ҳолатини кузатиш мумкин:

1. Макродунё-инсон томонидан киритилган ўлчамлар: кенглик, сатх, майдон, миллиметр, сантиметр, метр, километрлар, вақт эса секунд, минут, соат ва йиллар ҳисобида олиб борилади.
2. Микродунё кичик микрозарра, уларнинг фазодаги ўлчами 10^{-8} дан 10^{-16} сантиметр орасида бўлиб, яшаш даври чексизлиқдан то 10^{-24} секунд атрофида.
3. Мегадунё -улкан космик масштабдаги борлиқ, унинг ўлчами ёруғлик йили ҳисобида, яшаш вақти миллион ва миллиард йиллар давомида амалга ошади.

Мазкур материянинг босқичлари ўзига хос хусусиятта эга бўлиб, ҳар бири муайян, қонун-қоидаларга бўйсунсалар ҳам, лекин улар бир-бирлари билан узвий боғланган.

Мегадунё, космос ёки коинот ҳозирги замон фан нуқтаи назаридан осмон жисмларининг бир-бирларига таъсири, бояниллиги холидаги система деб қаралади. Планеталар, уларнинг тизими, юдузлар системаси-галактика, галактикалар мажмуасини металактикалар деб аталади,

Қуёш системасида Заминимиз макродунё бўлиб мегадунёнинг элементи сифатида қарашиб мумкин.

Қуёш системасида 9-планета, уларнинг йўлдошлари, мингдан ортиқ астероид, кўп миқдорда комета ва метеоритлар учрайди. Қуёшдан энг узоқ планета Плутонгача бўлган масофа б миллиард километр. Сайёralар икки гурӯҳга бўлинади. Ер гурӯҳидаги сайёrlар ва планета-гигантлар. Биринчи хилдаги сайёralарга Меркурий, Венера, Ер, Марслар киради. Улар унчалик катта бўлмай, массалари жуда зич жойлашган. Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун ва Плутонлар сайёра-гигантларга кириб, енгил моддалардан ташкил топганликлари учун массалари унчалик зич эмас. Атмосфера деб аталувчи ҳаво буларда бўлмайди.

Қуёш системасига киравчи астероидлар кичик сайёralардир. Уларнинг массаси Ер массасидан таҳминан минг марта кам деб ҳисобланади. Церера деб аталувчи энг йирик астериоднинг кўндаланг диаметри минг километрга teng. Астероидлар бир-бирлари билан тўқнашганларида парчаланиб метеоритлар ҳосил бўлади.

Күёш системасига киравчи объектлардан бири Кометалардир. Кометалар бош ва дум қисмларидан иборат. Дум қисмларининг узуңлиги бир неча ўн миллион километр. Ядро ёки бош томони бир неча километр. Таркибида тош, метал ва газларнинг қотишмаси, музликларидан иборат. Күёш системасидаги кометалар энг узун объект, уларнинг масофаси 10 000 миллиард километр бўлиб, бу ёргулук йилига тенг (ёргулук секундига 300 000 км). Ёргулук Қўёшдан Ерга 8 минутда етиб келади. Қисқа радио тўлқинлари 80 километр юқоридаги ионосфера орқали ёргулук тезлиги билан деярлик баробар тарқалади. Радио орқали соатингизни тўт哩лаганингизда ҳам у мутлақо тўтри бўлмай нисбий бўлади. Ой сатҳига ёргулук ёки радио тўлқинлари 1,5 секунд. Күёш тизимиға энг яқин бўлган юдуз Сентаврга эса 4 йилда етиб боради. Фараз қилайлик сиз Сентавр юдузида Ердан берилган маълумотни телевизорда кўрсангиз, у сайдерамизда 4 йил илгари содир бўлган воқеаларни томоша қиласиз.

Радио тўлқинлари бизнинг Күёш тизимидан 6,5 соатда коинотта чиқиб 30 минг йилда Галактикамиз марказига етади. 80 минг йилдан сўнг эса галактикамиз чегарасидан чиқиб, 2 миллион йилда «қўшни» Андромеда галактикасига етиб борар экан. Кўриниб турибдики, коинотдаги самовий жисмларнинг ҳажми, масофаси ва сонларини инсон тафаккурига сигдириб бўлмайди.

Коинотдаги объектлар аксарият юдузлар ҳолатида (97%) бўлиб, галактикамиздаги юдузлар плазма шаклида фаолият кўрсатадилар. Плазманинг таркиби ионлашган газдан иборат Юдузларнинг қаърида ҳарорат юқори 10 млн градусни ташкил қиласи. Атомлар ион ҳолатида бўлиб, электронлар атомдан ажralган бўладилар. Ядролар бир-бирлари билан тўқнашиб, айниқса водород гелийга айланishi ҳисобига кўп миқдорда коинотда энергия ажралиб туради.

Юдузлар ҳам якка ҳолда бўлмасдан уларнинг мажмуаси муайян марказ атрофида ҳаракатда бўладилар. Юдузлар атрофида уларнинг қаъридан чиққан газлар диффузия ҳолатда, ўзига хос қобутни ташкил қиласи. Юдузлар гурухи тўпланиб, шар ёки сочилган ҳолатда бўлишлари мумкин. Сочилган ҳолатда юзлаб, шар кўринишида эса бир неча юз минглаб юдузлар булади.

Кўрсатилган юдуз системалари яна умумий тизимга бирлашиб Галактикани ташкил этади. Кўриниши бўйича галактикалар уч хил бўлади: эллипс, спирал ва нотўғри шаклда. Улардаги газларнинг ҳаракати вихрли ҳолатда бўлиб спиралли

шохларни ташкил қиласы. Ҳозирги күнда 10 миллиард галактика бор, деб тахмин қилинади. Галактика 120 миллиард юлдузлардан иборат. Галактиканың шакли қалин диск күренишида бўлиб, диаметри 100 минг ёргулук йилига тенг. Бизнинг Сомон йўли галактикамиз 20 минг сочилган, 100 минг шар шаклидаги юлдузлар тўпламидан ва 4-та спирал шоҳларидан иборат. Бизга яқин галактикалардан Магеллан тўзони, ҳамда Андромеда туманлиги жойлашган.

/ Коинотда энг катта объект бу метагалактика бўлиб, унинг масофаси 15-20 миллиард ёргулук йилига тенг.

Юлдузлардаги ядрорий реакциялар ҳисобига улардан катта миқдорда энергия чиқиб, натижада ёргулук ва иссиқлик миллион ва миллиард йиллар давомида ажралиб туради.

Юлдузлар атрофида ўзидан энергия ажратмасдан қора шаклда кўринувчи осмоний жисмларни планеталар деймиз,

Олимларнинг фикрича, 15-20 миллиард йил илгари Коинотда катта портглаш юз берган. Натижада бутун олам оловли заррача, газлардан иборат бўлиб, уларнинг аста-секин совуши сабабли атом, молекула ва ҳар хил моддалар ҳосил бўлган. Ушбу унсурларнинг бирлашиши асосида заминимиз, Қуёш, Ой, юлдузлар, сайёралар, хуллас Галактикамиз механик эволюция натижасида шаклланган деб фараз қилинади. Борлиқнинг ҳозирги ҳолатта ўтишида материя ва энергиянинг трансформацияси, яъни ўзгариши сабабчи бўлиб, бу буюк ва улкан мўжизалардан ҳисобланади.

Материя ва энергиянинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги А. Эйнштейннинг ушбу формуласидан $E=mc^2$ маълум. Энергиянинг умумий миқдори масса билан ёргулук тезлигининг квадрат кўпайтмасига тент. Демак, энергиядан материя ва шунингдек, материядан катта миқдорда энергия ажралиши мумкин. Мазкур назариянинг ҳақиқатта айланишини ядрорий реакциялар исботлади. Шундай қилиб, самовий жисмлар ва галактика ҳосил бўлишида элементар заррачалардан чекланмаган миқдорда энергия ва қўрилиш манбаи сифатида фойдаланилганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Коинотдаги галактикалар тартибсиз, айқаш-уйқаш ҳолда бўлмай, балки маълум тартибда гуж-гуж, худди узум шаклида мавжуд. Ҳар бир тўпда тахминан минг-минглаб галактикалар бор.

Сўнгги йиллардаги маълумотларга қараганда осмон жисмлари натрий газлардан иборат бўлиб, бутун коинот бир хил массадан ташкил топган, сўнг вақт ўтиши билан бир-бирларидан ажралиб, самовий объектлар пайдо бўлган.

Астроном Гамооф шундай ёзади: «Қүёш газларнинг ийғиндисидан иборат бўлиб, ўзи ҳам газлар чиқариши натижасида сайёralар пайдо бўлган. Қандай оловли масса планеталарга айланган, бунда қандай жараёнлар кетганилиги ҳали ҳам фанга номаълум бўлиб келмоқда».

Англиялик олим Жеймснинг фикрича, бир неча миллиард йиллар илгари Қүёшга яқин ўтаёттган сайёра гравитация кучи натижасида чўзилиб, ундан бир қисм материя ажралган. Парчаланган материянинг оғир заррачаларидан катта планеталар, енгил қисмларидан кичик обьектлар ҳосил бўлган деб тахмин қиласди.

Француз олимни Букийнинг фикрига караганда бир неча миллиард йил аввал Коинот водород ва гелийдан ташкил топган улкан туманликдан иборат бўлган. Бу баҳайбат туманнинг массаси қўёшникидан миллиард марта кўп бўлган. (Қўёш массаси Ерницидан 300 000 марта катта). Шундай улкан газли массадан галактикалар шакланган, деган фикрни олга сурисиб, кўпчилик олимлар мазкур назарияга қўшиладилар.

Ҳозирги кунда дунёнинг ибтидоси «Катта портлаш» дан бошлиланган деган фикр кўпроқ ҳукм сурмоқда.

Физика фанининг қонунларига асосан «Катта портлаш» натижасида самовий жисмлар ҳар томонга бир хилда сочиликан бўлишлари, уларнинг физикавий ҳусусиятлари ва кимёвий таркиблари бир-бирига яқин бўлиши керак эди. Аммо, Қўёш тизимидағи сайёralар, Ердан физикавий ҳусусиятлари ва кимёвий таркиблари билан фарқ қиласдилар. Масалан, тонг юлдузи-Чўлондо (Венера) кимёвий элементлардан аргон-36 ва аргон-40 Ерга нисбатан 300 марта кўп. Аторуд (Меркурий) нинг ўзига хос бетакрор магнит майдони бор. Муштари (Юпитер) да Ио деб номланган йўлдошнинг жуда зич ҳолатдаги азотли атмосфераси бор. Зуҳал (Сатурн) атрофида ўзига хос ҳалқалар бор. Сайёralар ҳақидағи юқорида келтирилган маълумотлар коинот эволюция натижасида бир хил чанг ва газлардан «Портлаш» натижасида ҳосил бўлган деган назарияга нисбатан шубҳа туғдиради.

Фараз қиласлик, миллиард йиллар орқага қайтсақ, коинотнинг зичлиги ошиб бораверади, ҳатижада бутун олам бир нуқтага тўпланиб чексиз кичик ҳолатта келади. Шундай мавхум (сингуляр) мoddанинг бир сантиметр куби Ерга ташланса, ҳар қандай, тош, бетон, темирни, яъни ер шарини тециб ўтиб кетар экан. Ўта зичликка эга бўлган номаълум модда қандайдир мавхум нуқтада «Портлашга» сабабчи бўлади. Чексиз зичликка эга бўлган

номаълум моддани маълум фазада (қаттиқ, суюқлик, газсимон, плазма) эканлигини ҳозирги замон фан нуқтаи назарида инсон кўз олдига келтириши мумкин эмас. Демак, коинотнинг эволюциясига сабабчи бўлган «Катта портлаш» йўқ нарсадан материянинг ҳосил бўлиши мумкин деган хуносага олиб келади.

«Катта портлаш» назарияси бу жараённинг сабаби, унинг қуввати ва материянинг қаердан ҳосил бўлганлигини исботлаб беролмайди.

Коинотнинг ҳосил бўлишида «Катта портлаш» модели инкор қилинса, унга муқобил яна икки хил назария мавжуд. Оламнинг ҳосил бўлишида биринчи тахминга асосан борлиқ доимий бир хил, яъни абадий тургун ҳолатда бўлиб, унинг ибтидоси ва интиҳоси йўқдир, дейилади. Мазкур гипотеза 1948 йилда кўтарилган бўлиб, илмий далилларга асосланмасдан, кўпроқ динга қарши қаратилган. Ушбу тахминни рад этувчи илмий далиллар етарлича бўлиб, дунёда бирорта олим кўрсаттан назарияни тажриба асосида тасдиқлаган эмас. Бу гипотезага қарши фикр галактикадан ерга етиб келаётган радио тўлқинларни ўрганиш натижасида ҳосил бўлган.

Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда радиотўлқинлар бугунги кунга нисбатан узоқ йиллар илгари жуда кўп бўлган. Демак, Коинот доимий ўзгармас (стационар) ҳолатда бўлган эмас. Мазкур назарияга астрономлар Пензиас, Уилсонлар охирги зарбани 1965 йилда бериб, улар Коинот микротўлқинли кичик миқдордаги нурланиш билан «ювилиб» туришини исботлайдилар. Ушбу ноёб нурланиш ҳодисаси борлиқнинг бир пайтлар ўта зич ва ҳаддан ташқари иссиқ ҳолатда бўлганлигидан дарак беради. Бу кузатишлар ҳам Коинот ҳар доим бир хил бўлмаганлигини тасдиқлади.

Оламнинг ҳосил бўлишидаги иккинчи назария «Тенкили (Пулсланувчи) Коинот» деб, бу тахминга асосан, Олам даврий равишида кенгайиб-торайиб туради. Бу назария худди пружинани эслатади, сиқсангиз зичлашиб торяди, қўйиб юборсангиз кенгайиб дастлабки ҳолатига қайтади.

Агар коинот «Очиқ» бўлса чексиз бўшлиқда борган сари кенгайиб бораверади. Дунёнинг чексиз бўшлиқдан иборат эканини, Коинотнинг борган сари кенгайиб бораёттанини 1929 йилда Э. Хаббл (АҚШ) таъкидлаган. У юлдузлардан келаётган нурларнинг кўпроқ қизил рангли шуълага мойиллиги опиб бораёттанилиги асосида мазкур натижага келган. Ушбу хуносада жаҳоншумул ихтиrolар қаторида саналади.

Шундай қилиб Коинот модели «очиқ», «ёпиқ» ёки «тепқили» бўлишидан қатъий назар, термодинамика қонунига асосан ибтидо нуқтасига эга. Коинотнинг шаклланиши даврида эса унга катта миқдорда энергия сарф этилган. Демак оламнинг ибтидосини илмий асосда исботлаш мумкин.

Оддий юлдузлар ўз фаолияти давомида тўқнашиб, емирилиб, «оқ карлик», «нейтронли юлдузлар» ва «қора туйнуклар» га айланишлари мумкин. Оқ карлик дейилганда юлдузлар сиқилиб ҳарорат миллиард градусга етади, зичлиги эса, ерницидан минг марта кўп бўлади. «Оқ карлик» лар миллиард йил давомида секин совиб, «қора карлик» «ўлик» юлдузга айланади.

Нейтронли юлдузларда зичланиш давом этаверади, лекин юлдуз атрофида ядроий реакциялар бўлиб туради. Улар юлдуздан ажралган ядроий моддалар ҳисобига содир бўлади. Юлдузнинг ички қисми тезлик билан зичланиб, қисқараверади. Ҳар куб сантиметрда модда 100 млн тоннага етади. Худди миллион юк машинасини битта тангачага пресслангандек ҳодиса юз беради. Шу обьект «нейтронли» юлдуз деб аталади ҳамда у асосан протон ва нейтронлардан иборат. 1967 йилда пулсарлар дейилган юлдузлар системаси аниқланиб, улар шу нейтронли самовий жисмларга киради.

Ҳажм жиҳатдан юлдузлар зичлашиб, уларнинг массаси .Күёшницидан икки марта ошганда . . . «қора туйнуклар»га айланади. Буларни «сўнган юлдузлар», «гравитацияли мозор» «флуктуар» лар ҳам деб аташади. Уларнинг табиати аниқ эмас. . Бундай туйнуклар кучли нурланиш ва катта миқдордаги энергия манбаи эканлиги аниқланган. Массаси гигант бўлиб 10^{15} граммга тенг ва ҳар хил ҳажмдаги зарралардан иборат.

СИНОВ САВОЛЛАРИ

1. Қуёш системаси дейилганда қандай самовий жисмлар тушунилади?
2. Коинотнинг чексизлигини кўрсатувчи мисоллар.
3. Юлдузлар таркиби, уларнинг самода жойланиши тартиби.
4. Галактикаларга таъриф, улардаги юлдузларнинг тахминий ҳисоб-китоби.
5. Коинотнинг ҳосил бўлишида «Катта портлаш» назарияси.
6. Материя ва энергиянинг боғлиқлигини кўрсатувчи Эйнштейн формуласи ва унинг дунёнинг ҳосил бўлишидаги аҳамияти.
7. Коинотнинг шаклланишидаги газли назариялар.

8. Дунёнинг шаклланишида назарияларнинг баҳсли томонлари ва тақиқидий таҳдили.
9. Ўлдузларнинг тўқнацииши ва емирилиши натижасида ҳосил бўлган объектлар.
10. Коинотдаги «Қора түйнуклар» ва «Вакуумлар» ҳақида маълумот.

АДАБИЁТЛАР

1. Лавриенко В. Н. ва бошқалар. Концепции современного естествознания. Москва, Из-во, «Юнити», 1997.
2. Карпенков С. Х. Основные концепции естествознания. Москва, Изд-во «Юнити» 1998.
3. Соловьев Е. Ф. Концепции современного естествознания. Москва, Изд-во «ВЛАДОС» 1999.
4. Новиков И. Д. Эволюция вселенной. Москва, 1990.
5. Трофименко А. Н. Вселенная: творение или развитие. Минск, 1989.

4.2. ҲАЛММАМИЗ УЧУН ЭҢГ ЯҚИН ВА ҚАДРЛИ ЙОЛДУЗ БҮЛГАН ҚУЁШ ҲАҚИДА

✓Она заминимиз бүлган Ерда дәярлик ҳамма табиий жараёнлар (физикавий, кимёвий ва айникса биологик) Қуёшнинг фаолиятига боғлиқ. Қуёш бўлмагандан Ерда ҳаёт ҳам йўқ бўлган бўйур эди. ✓

✓Ердаги ҳамма энергетик манбалар Қуёш энергияси асосида пайдо бўлган ва шаклланади. Масалан, ўтин кўмир, нефть, газ, ўсимликлардаги фотосинтез жараёнлари бевосита Қуёш энергияси ва нурларига боғлиқ. ✓Истисно тариқасида ядронинг парчаланишида, термоядровий синтезда ҳосил бўлган энергия ва Ер қаъридан чиқадиган иссиқдик Қуёш фаолиятига боғлиқ эмас деб ҳисобланади. ✓

✓Қуёш - сарик карлик юлдуз бўлиб G 2 синфига мансубdir. Бизнинг Қуёшимиз бўлак юлдузлар билан солиштирсан, у ўзига хос физикавий хусусиятлари билан фарқланувчи, бошқа жойда учрамайдиган ягона, уникал самовий жисмдир. Қуёшга хос физикавий хусусиятларга эга бўлган юлдуз нафақат Қуёш системаси атрофида ва ҳатто, ундан ташқарида ҳам топилган эмас. ✓


✓ Қуёшнинг галлактика бўйлаб айланиши 250 миллион йилга тенг бўлиб, траектория бўйлаб унинг ҳаракати секундига 300 километрни ташкил қилади. ✓

Қуйидаги жадвалда қуёшнинг асосий тавсифи берилган

| Кўрсаткичлари | Қиймати |
|---|-------------------|
| Ердан Қуёшгача энг қисқа масофа километрда (км) | 146 100 000 |
| Ердан Қуёшгача энг узоқ масофа, км | 152 100 000 |
| Қуёшнинг радиуси, км | 696 000 |
| Қуёшнинг массаси, кг | $2 \cdot 10^{30}$ |
| Қуёш марказидаги ҳарорат, Келвин (K) | 16 000 000 |
| Қуёшнинг устки қисмидаги ҳарорат, K | 5 800 |
| Қуёш дигларидаги ҳарорат, K | 4 500 |
| Қуёш ёғудисидаги ҳарорат, K | 1 000 000 |
| Қуёш дигларининг ўлчами, км | 2 000 |
| Энергия оқими, Дж/сек | $4 \cdot 10^{26}$ |

Қүёш ва гелиосфера, юлдузлар эволюциясининг модели, магнитогидродинамика, плазма, атом физикаси, космология ва элементар заррачаларни ўрганадиган, тажриба ўтказадиган баҳайбат илмий лаборатория ҳамдир.

Қүёш космик нурларни тезлаткич воситаси сифатида, Коинотда сирли бўлган нейтрино ва гелий атомларининг манбай сифатида тадқиқ қилиши ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.



Қүёш массасини аниқлаш олдий ҳисобланади. Биздан қўёшгача бўлган масофа ва Ернинг Қуёш атрофида тўлик айланиш вақти маълум бўлганлиги учун унинг орбита бўйлаб ҳаракат тезлиги (30 км/сек атрофида) ҳисобланади. Ернинг

Қуёшга томон ҳаракат тезланишини (оддий ҳолда ҳаракат орбитаси айланадан иборат) аниқланади. У ҳолда Ньютоннинг II қонунига ва бутун Олам тортилиш қонунига асосан Қуёш массасининг қийматини ҳисоблаш мумкин.

Қуёш радиусини ўлчаш ҳам жуда оддий. Бунинг учун Ердан Қуёшнинг кўриниш бурчаги ($0, 5^0$) ни ўлчаб, Қуёшгача бўлган масофа аниқ бўлганлигидан унинг радиуси 696 000 километрга тенг.

Коинотда бўлган юлдузлар нуқта шаклида кўринса, Қуёш эса диск ёки шар кўринишга эга. Қуёшни шар деб ҳисобласак, унинг масса зичлиги $1, 4 \text{ г}/\text{см}^3$. Қуёшда 71% водород, 27% гелий ва 2% бошқа кимёвий элементлар бор.

Қуёш сирти ҳароратини нурланиш интенсивигининг тўлқин узунлигига боғлиқлигидан топиш мумкин. Максимал нурланиш, тўлқин узунлигининг 500 нм га тенг (спектрнинг сариқ олов ранг кўринадиган қисмига тўғри келади). Қуёш сиртининг ҳарорати ўртacha 6000 K.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар сонияда Қуёш массасининг 6, 5 тоннаси ёқилғига айланади. Шу массани ёруглик тезлигининг квадратига ($E = m \cdot c^2$) кўпайтирилса, бу жуда катта миқдордаги энергия ҳисобланади. Қуёш нури узоқ масофадан келаётган бўлса ҳам уни кўз билан кўришга (кундуз куни) йўл қўймайди.

Биз Ер сиртининг 1 кв. метрига 1 секундда тушадиган энергия миқдорини биламиз (бу ёритилганлик деб аталади). Ер сиртини Қуёш томонидан ёритилганлиги, Қуёш доимийлиги деб қуйидаги қийматга тенг $E_0 = 1370 \text{ Вт}/\text{м}^2$. У ҳолда Қуёшнинг тўлиқ қувватини топса бўлади. Ҳақиқатан ҳам, Қуёшдан $R = 150$ миллион км узоқдаги Ернинг 1 кв метри 1 секундда E_0 энергия олса, R радиусли сферанинг юзига 1 секундда E энергия тушади.

$$E = E_0 \cdot 4\pi R^2$$

Қуёшнинг ёритувчанлиги $E = 4 \cdot 10^{26}$ Вт. Шу энергиянинг 10^{-9} қисмидан камроғи Ерга тушади. Қуёш сиртининг ҳар бир кв. метрини, энергетик нуқтai назардан, қуввати 0, 1 МВт бўлган электростанцияга қиёслаш мумкин.

Бундай энергия чиқариш 3-4 миллиард йиллар давомида ўзгарган эмас. Буни қаёқдан билдиқ? Агар Ер пайдо бўлганидан бери Қуёшнинг ёритувчанлиги ўзгарганда, унда ҳаёт пайдо бўлмаган бўлур эди. Ҳозирги замон фанининг тахминига кўра, ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш асосини суюқ сув ташкил

қилади. Агар қуёшнинг ҳарорати ўзгартган бўлса суюқ сув музга айланган ёки бугланиб кетган бўлар эди. Сувнинг суюқ ҳолатда бўлиб туриши учун ҳарорат чегараси жуда тордир. Шунинг учун Қуёш ёритувчалигини ўзгартирган (1%) бўлса ҳам у сувнинг ҳолатига таъсир қилиб ҳаётнинг шаклланишига монелик қилған бўлур эди.

Қуёш ички қисмининг ҳолатини қандай баҳолаш мумкин? Қуёш ядросида термоядро реакцияси натижасида ажралиб чиққан энергия нима сабабдан ташқарига узатилади?

Қўпол ҳисоблашлар кўрсатадики, Қуёш сиртдан ярим радиус узоқлиқда, ҳарорат 10 миллион Кельвин, босим эса 500 миллион атмосфера босимидан ҳам кўп.

Авваллари Қуёш конвекцион аралашини ҳолатида бўлган деб тахмин қилинган эди. Ионлашган газнинг иссиқ оқими юлдуз сиртига қараб кўтарилади, совиганлари эса иссиқ ядрога қайтади. Аммо, бу жараён Қуёшдаги кузатилаёттан нурланиш кувватини таъминлаб беролмайди. Кўрсатилган жараён Қуёшнинг энг юқори атмосфера қатламида конвекцион оқимлар фаолият кўрсатиши мумкин деган тахминга олиб келади.

Қуёшнинг қизиган ички қисмидан ташқарига энергия узатилиши асосан нурланиш ҳисобига юз беради. Қизиган қатлам ундан юқоридаги совукроқ қатламга энергияни узатади. Совукроқ қатлам эса, уни ютади ва аввалига нисбатан пастроқ ҳароратда нурлайди. Шундай қилиб, қатлам кетидан қатлам шаклида энергия узатилади.

Қуёш-эски юлдуз. Унда модда алмашинуви жуда секин боради, (конвектион ядро йўқ), унинг марказида ташки қисмiga қараганда водороднинг миқдори кам бўлса керак (тахминан 50%) Марказ ҳарорати 15 миллион Кельвинга яқин, массанинг зичлиги 130 g/cm^3 га етади. Қуёш сирти яқинида конвектион зона бор, . бу радиуснинг тахминан 15% ни эгаллаган. Мазкур қисмда энергия узатилиши нурланиш ҳисобига эмас, балки, ионлашган газ массасининг интенсив равишда отилиши ва пастта тушиш ҳисобига юз беради.

Қуёшни кузатиш натижасида, унинг сирти мураккаб тузилишига эга эканлиги ва бирнечча қатламлардан иборатлиги аниқланди. Кузатиш мумкин бўлган энг пастки зич газга эга бўлган қатлам фотосфера. (расм). Фотосфера Қуёшнинг кузатилаёттан четидан 350-500 км юқори қисмларини ҳам ўз ичига олади. Фотосфера хромосфера гази билан қўшилиб кетади, пастки хромосфера 4000 км баландликкача бўлган худудни қамраб олган. Бу ерда юқори хромосфера ва Қуёш ёғдуси

бошланади. Фотосфера, хромосфера ва айниқса ёғдуни Қуёш тутылганда оддийгина кузатиш мүмкін.

Қуёшнинг фаолиги унинг сиртида кузатиладиган күп ҳодисаларга болғақ. Бу Қуёш дөглари, хромосферадаги чақнашлар ва моддаларнинг отилиши-протуберанцлар (Қуёш чегидан отилиб чиқиб ёниб турған газ аланталары).

Кузатилиши онсон бўлган қуёшдаги жараёнлардан бири бу портлашадир. Йирик портлашларнинг қуввати 10^{33} эрг га тенг. Бу заҳирадаги нефт ва кўмирнинг бир вақтда ёнганда чиққан энергиясидан бирнечча юз марта ортиқдир. Қуёшдаги чақнашлар магнит майдони мураккаб бўлган дөгларда содир бўлади.

Космик нурларнинг асосий қисми протон, гелий ва оғир элементларнинг ядроидан иборат. Охирги йилларда Қуёшдаги портлашларнинг айримларида гелий атомининг изотопи ниҳоятда кўп экандиги ҳам аниқланган.

1750 йилдан бошлаб Қуёш сиртидаги қора гурухлар яъни дөглар устида доимий кузатиш олиб борилди. Қуёш дөглари қорага ўхшаб кўринади, . чунки уларнинг ҳарорати фотосфера ҳароратидан паст. Уларнинг сони ва тақсимоти даврий равишда ўзгариб туради. Дөглар жуфт ҳолда ҳосил бўладилар, уларнинг ўлчамлари ва яшаш даврлари ҳам турлича. Дөгларнинг диаметри одатда 2000 км, яшаш даври эса бир кеча кундузга яқин. Яшаш даври 70 кеча-кундузга тенг бўлганлари ҳам аниқланган. Маълум бир ҳолатда Ер ўлчамидан ҳам катта дөглар кузатилган.

Қуёш дөгларини ҳосил бўлиш сабаби-конвекция ва Қуёшнинг магнит майдонидир. Тахмин қилиш мүмкінки, Қуёш сиртқи қатламининг тагида бир жинсли бўлмаган магнит майдони бор. Бу майдон Қуёш сирти билан фотосферанинг пастки қатлами ўртасида нормал конвекцион иссиқлик алмашинишига тўсқинлик қиласи. Натижада, донда ҳарорат пасаяди ва у корамтири бўлиб кўринади. Магнит майдони туфайли Қуёшдаги дөглар зарядланган заррачалар манбаъига айланади. Қуёшдан узоқ масофаларга отилиб чиққан бу заррачалар Қуёш шамоли дейилади.

Қуёшдаги дөгларни кузатиш унинг айланиш даврини аниқлашга имкон берди. Бир гурух дөглар нисбатан, узоқ вақт яшайдилар. Шунинг учун, уларни Қуёшнинг гардиши бўйлаб ҳаракатини ўрганиб, айланиш даврини ҳисоблаш мүмкін. Экваторда Қуёшнинг айланиш даври 24, 96 соатта тенг бўлиб, 35° кенглиқда эса - 26, 83 соатта тенг

Кўпинча Қуёшда дөглари билан бир қаторда кўзни қамаштирадиган даражадаги (бир соатлар чамаси давом этадиган)

оқ рангда, оддий күз билан күрсә бўладиган хромосфера чақнашлари юз беради. Кузатишлар кўрсатадики, чақнаш найтида энергияни нурлайдиган соҳа, фотосфера сиртидан 700 км/с тезлик билан отилиб чиқади ва 60000 км баландликка этади. Хромосфера чақнашлари ионасферага ва Ернинг магнит майдонига таъсир қиласди.

Қуёш четидан, сийраклашган, қизитган плазма иротуберанцларни отилиб чиқаётганини ҳамма вақт кузатиш мумкин. Қуёшдан узокдашган сари иротуберанцларнинг ҳаракати пасаяди, яъни унинг ёритувчалиги ҳам камаяди. Протуберанцларни кузатиш натижалари фотосферадан 1500000 км баландликда Сийраклашган, ионлашган газ булути Қуёш нурланишининг босими таъсирида ҳаракатланадиган, Ернинг магнит майдонини галаёнга келтиради, қутб ёғудсига олиб келади. Бундай отилиш бир неча минут давом этади, ундан чиқадиган ёргулук Ерга 8 минутда, ионлашган заррачалар оқими 1-2 кечакундуздан сўнг етиб келади.

Шундай давлар бўладики, бунда чақнаш кетма-кет содир бўлади, бу Қуёш фаоллигининг ортган даврига тўғри келади. Қуёш фаоллигининг ўлчами қилиб, бир йил ёки бир ойдаги чақнашлар сонини олиш мумкин Қуёш фаоллигини айни вақтда кузатиладиган доғлар сони(*f*) ва доғлар гурухининг сони (*g*) орқали ўлчаш мумкин. Бу сонларнинг комбинацияси қуйидагича:

$$W = f + 10g$$

Бу кўрсатгич Вольфа сони номи билан юритилади (XIX аср ўртасида бундай ўлчашни Швецария астрономи тавсия этган). Вольфа сонини ҳар куни ҳисобланилади ва унинг бир ойлик ёки бир йиллик ўртача қиймати олинади.

Қуёшдаги доғларни узок кузатиш натижасида унинг икки максимал фаоллик циклари аниқланган, булар 11 ва 90 йилликлардир. 11 йилликнинг амплитудаси циклдан циклга ўтганда ўзгаради; 3-4 кучли максимум, сўнг тахминан шунча кучсизлари кузатилган. XX аср давомида цикл даври 10 йилга яқин бўлди. 70 йил 1645-1715 йил оралигида Қуёш доғлари деярли кузатилмаган. Худди шундай давомли минимум XV асрда бўлган. Шуни такидлаш керакки бундай ҳодисаларнинг юритмаси бутунги кунда ҳам ноаниқ бўлиб қолмоқда.

Қуёш фаоллигини ўзгаришида Ер орбитасидаги Қуёш доимийликларининг ўзгариши 1% дан ошмайди. Аммо, 11 йиллик Қуёш цикли давомида атмосфера тиниқлигининг ўзгариши сезиларли даражада (6% га қадар) юз беради. Бу ҳодисалар космик заррачалар зичлигининг ўзгариши билан бўлиши

мумкин. Бунда умумий нурланиш оқими ичида, ультрабинафшанинг миқдори кўпроқ кузатилади. Атмосфера юқори қаватининг ионлашуви ультрабинафша нурларининг интенсивлигига боғлиқ. Айтиш мумкинки, Қуёш энергиясининг фаолланишида ультрабинафша нурланишнинг миқдорининг ортици ионосфера хоссасининг ўзгаришига сабабчи бўлади.

Қуёшдаги додлар ва бошқа Қуёш ҳодисаларининг Ерга таъсири ўзининг характеристики жиҳатидан электр ёки магнитли экани аниқланган. Жумладан, Ерда радио тўлқинларининг узатилиши системасининг бузилиши радио нурланиш шовқинининг кўпайиши, магнит бўрони, Кутб ёғдуси ва бошқалар кузатилади.

Об - ҳаво ўзгариши билан боғлиқ бўлган қатор ҳодисалар жумладан, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўсиш тезлиги, одамлардаги айрим физиологик ҳолатлар Қуёш додларининг циклига билвосита алоқадор эканлиги маълум.

Маълумки об-ҳаво сўзи кенг маънода қаралганда, Қуёш билан Ернинг ўз ўқи атрофида ҳаракатланишига боғлиқ. Аммо, Қуёш фаоллигининг ўзгаришига қараб, об-ҳавонинг ҳолатини кузатиш жуда қийин, қўшимча таъсиrlар ўзаро чигаллашиб, аниқ натижা олиб бўлмайди. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўсиш тезлигини Қуёш циклига боғлаш мумкин. Маълумки, дараҳтларнинг текис кесилган ерларида ҳар хил шаклдаги ҳалқаларни кузатиш мумкин. Ҳалқалар сонига қараб дараҳтнинг ёшини аниқласа бўлади. Дараҳтлардаги ҳалқаларнинг тор ёки кенг жойланиши уларнинг ўсиш тезлигига боғлиқ бўлиб, бу эса ўз навбатида Қуёшдаги цикларга бевосита алоқадорлиги аниқланган. Дараҳтлардаги тор ва кенг ҳалқаларнинг кетма-кет келишини кузатиш асосида дараҳтнинг маълум йиллар давомида тез, секин ўғсанлиги, об-ҳавони, Қуёшдаги энергетик цикларни аниқлаш мумкин. Кейинчалик маълум бўлди, Ернинг ихтиёрий ҳудудида ҳалқаларнинг жойланиш тартиби бирхил бўлар экан. Шунинг учун ёши кичик ва ёши катта дараҳтлар, ҳамда қадимий дараҳт қолдиқлари учун олинган маълумотларни солиштириш имкони яратилди. Натижада, дараҳтлар ҳақидаги тақвимни 3000 йил орқага суриш мумкин бўлди. Бундай кўп маълумотлардан сўнг аниқ ўсиш цикли 7, 11, 23 йил дейилди. 1878 йилда маълум бўлди, Германияда ишлаб чиқариладиган виноларнинг миқдори ва сифати Қуёш додлари билан сирли равищда боғлиқ экан. Рус олими А. Л. Чижевский 1924 йили 50 та давлат ҳалқлари тарихини статистик анализи (бизнинг эрамиздан аввалги 500 йилдан ҳозирги 1914 йилгача бўлган оралиқда) ҳақидаги

фикрларини босмадан чиқарди. Текширишлар күрсатадыки, оммавий ҳодисаларнинг тебраниш цикли ўргача 11 йил. Чижевский бу циклларни Қуёшнинг фаоллиги цикли билан бөглайды: инсонлар рухиятининг интенсивлиги ортиши, таъсирчанлиги, тажовузкорлиги ва бошқалар.

Тарихий жараёнларни Қуёшнинг фаоллиги билан тұғридан-тұгри бөглаб бўлмайды. Бу соддалаشتирини бўлур эди. Иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий факторлар жуда мураккаб, улар доимо ўзгариб боради. Ижтимоий тузумнинг ўзгариши билан Қуёш цикли ўртасидаги бөгланиш аксарият тасодифий бўлиши кузатилган.

4.3. ОЗОН ҚАТЛАМИ

Ўлчашлар күрсатдик, атмосферадаги озон миқдори йилнинг қайси вақти эканлигига ва ўша жойнинг кенглигига бөглиқ экан. Жиғдий изланишлар натижасида атмосферадаги озон миқдори Қуёш фаоллиги билан узвий бөглиқлиги күрсатилди. Мутьадил минтақа кенглигиде Қуёш фаоллиги максимумга етган йили озон миқдори ортиб кетади. Тропик қисмларда Қуёш фаоллиги ортиб кетган йили бошқа йилларга қараганда озон миқдори камаяди.

-Қуёш тирик жонзорларга таъсир қиласими? Албатта.

-Зарядланган заррачалар оқими Ернинг магнит майдонини бузадими? Албатта.

Бир неча кун ёки бирор ой олдин айтаоламизми Ернинг магнит майдонидаги ўзгаришни, айниқса атмосфера босими ва бошқаларни? Айтаолмасак керак, чунки Қуёш чақнашлари тасодифий ҳодиса бўлиб, уларни авваётан айтиб бераолмаймиз. Уларнинг ҳосил бўлиш эҳтимолини башорат қилиш мумкин. Матбуотда эълон қилинадиган воқиевалар кўп ҳолда психолигик таъсирга асосланган.

Қуёшимиз ҳақида охирги 100 йил давомида олимлар томонидан интенсив тадқиқ ишлари олиб борилаётган бўлса ҳам лекин унинг кўп томонлари ноаниқдигича қолмоқда. Жумладан, Қуёшдаги портлаш жараёнидаги энергия юритмаси, тезлатилган элементар заррачаларнинг генерацияси ва шунингдек, айрим атом зарраларининг термоядровий реакцияларда пайдо бўлиши, тақдирни, табиати номаълум бўлиб келмоқда.

Қуёшдаги термоядровий реакцияларда пайдо бўладиган элементар заррачалар нейтрино ва гелийнинг изотопи ҳисобланади. Қуёшдан ёруглик тезлигиде тарқаладиган массаси бор ёки йўқлиги номаълум бўлган сирли заррачалардан бири

нейтринодир. У электр зарядига эга бўлмаганилиги учун ҳарқандай тусиқ жумладан, планеталардан ва Ердан ҳам ўз траекториясини ўзгартирмай тўгри ўтаверади. Нейтринони Ер шароитида тадқиқ қилиш анча мушкул. Шунинг учун сув тагида ёки Ер остида тахминан 2 км. чукурлиқда маҳсус балонларда гелий атомлари орқали аниқлаш мумкин. Нейтриногелий атоми билан учрашганда изотоплар ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган гелий атомининг изотопи орқали нейтринони элементи ҳақида фикр - мулоҳаза қилиш мумкин. Мазкур илмий ишларнинг мақсадларидан яна бири шуки, нейтринони Қуёшда кўп миқдорда синтезланса ҳам Ерга жуда кам келади. Олимларнинг фикрича, нейтринони Қуёшда кам миқдорда ҳосил бўлса ядровий реакциялар тўхташи керак эди, лекин бу тахмин ҳақиқатга тўгри келмайди. Ҳосил бўлган нейтринони қаерга гойиб бўлади? Ёки у бошқа моддаларга айланадими? Бундай саволлар жавобсиз қолмоқда. Бу масалаларга ойдинлик киритиш коинотни, жумладан, Қуёшни билишда ва уни тадқиқ қилишда ҳали кўп янгиликлар очилишининг гувоҳи бўлишимиз шубҳасизdir.

Синов саволлари

1. Қуёш қандай энергия манбаи ҳисобланади.
2. Галлактикамиздаги қуёшнинг ўзига хослиги.
3. Қуёшнинг тузилиши.
4. Қуёшдаги дөглар ва чақнашлар ҳақида маълумот беринг.
5. Қуёш ва Ер ўртасидаги боғланишлар ҳақида нималарни биласиз?
6. Нейтринони заррачаси ҳақида маълумот беринг.

Адабиётлар

1. Бабушкин А. Н. Современные концепции естествознания. Санкт-Петербург, 2001г.
2. Карпенков С. Х. Концепции современного естествознания, «Академический проект» Москва 2000г.
3. Кочаров Г. Е. О загадках солнца. Соровский образовательный журнал, №3, 1998.
4. Камолжўджаев Ш. Н. Табиатшунослик асослари. Ўқув қўлланма, I қисм ТДТУ, Тошкент 2001й.
5. Қосимов А. Х., Ахмедова Г. Ж. Табиатшунослик фанидан маърузалар матни. Тошкент Электротехника Алоқа Институти, Тошкент 2002й.

V-БОБ

5.1. ТАБИАТШУНОСЛИКНИНГ КИМЁВИЙ ТАВСИФИ

Кимё (химия), моддаларнинг таркиби, тузилиши ва ўзгаришларини ўрганадиган фан.

Литосфера ва биосферадаги ҳар қандай моддалар кимёвий элемент, молекула, бирикмалардан ташкил топган. Уларнинг хусусияти, молекуляр таркиби, структураси, кимёвий реакция давридаги термодинамик ва кинетик ҳолатларига боғлиқ.

Кимё табиий фанларнинг ривожланишига ва янги соҳаларнинг шаклланишига сабабчи бўлиб (физикавий кимё, биокимё, геокимё ва ҳоказо) келмоқда.

Ҳозирги кунда 4 млн. органик ва юз мингдан ортиқ анорганик моддалар маълум. Уларни тадқиқ қилишда кимё фани рамзий равишда оддий, мураккаб ва аралашма деб аталувчи атамалар билан атайди.

Кимё фани ўз структураси бўйича икки қисмдан иборат:

а) Анорганик кимё.

б) Органик кимё.

Анорганик кимё аксарият минерал моддаларнинг тузилиши, хоссалари ва ўзгаришларини тадқиқ қиласди.

Органик кимё эса углероди бирикмаларнинг тузилиши, функцияси ва синтезини ўрганувчи фандир.

Умуман, кимё фани табиатдаги учрайдиган, учрамайдиган ашёларни ўрганиш, синтезлаш, улардан турли асбоб-ускуналар яратиш, қурилиш ва ҳалқ хўжалигида кенг истеъмол молларини ишлаб чиқишида, синтетик каучук, пластик моддалар, сунъий тола, ёқилғи, бўёқлар, дори-дармонлар тайёрлашда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Кимё фанининг ўрни кислота, ишқор, тузлар ишлаб чиқаришида, минерал ўѓитлар тайёрлашда, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилишида, озуқа моддаларини консервалашда, металларни кимёвий усуллар билан ажратиб, коррозиядан муҳофаза қилишида мазкур соҳанинг ўрни бениҳоя қаттадир.

Ҳозирги кунда нефтдан 20 мингдан ортиқ, тошкўмирдан эса бундан ҳам ортиқ органик бирикмалар ажратиб олинмоқда.

Дунёда кимё саноати 50 мингдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Ракеталар учун ёқилғи, металларнинг қотишмалари, скафандрлар кимё фанисиз дунёга келмайдилар.

Сайёрамизнинг ҳар қандай ерида яшовчи инсон кимёсиз ҳаёт фаолиятини кўз олдига келтиролмайди.

Кишилик жамияти кимёвий жараёнларни яъни рудалардан металлар олиш, матоларни бўяш, терига ишлов бериш ишларини ўз ҳаётининг ибтидосидан бошлаган. Бу соҳада алкимёгарларнинг хизмати катта.

Алкимё дастлаб Мисрда пайдо бўлиб, (милодий III-IV асрлар) кейинчалик IX-XVI асрларда Фарбий Европада тарқалган. Алкимёгарларнинг мақсади „паст ва норасо“ металларни олтин ва кумушга айлантириш, „оби-ҳаёт“ топиш, универсал эриткич ҳосил қилиш ишларидан иборат бўлган. Алкимёгарларнинг ижобий хизматлари шуки, улар амалий аҳамиятта эга бўлган маҳсулотларни ҳосил қилиш услубиётларини ишлаб чиққанлар. Шунингдек, улар лаборатория асбоб-ускуналарини яраттанлар. Улар кимё фанининг тамал тошларини ўрнатиб катта хизмат қилганлар.

Ўн етгинчи асрнинг иккинчи ярмида Р. Бойл (инглиз олими, физик ва кимёгар) биринчи марта „кимёвий злемент“ деган тушунчанинг илмий таърифини берди. М. Ломоносов, А. Лавуазье́лар ўн саккизинчи асрнинг иккинчи ярмида кимёвий реакцияларда массанинг сақданиши қонунини ишлаб чиқдилар. Кимё фанининг тараққиётида инглиз физик ва кимёгари Ш. Далтон атомизмга, италия олими А. Авагадро эса „молекула“ ағамаларига асос солдилар. XIX асрнинг ўрталарида рус олими А. Бутлеров бирикмаларнинг кимёвий тузилиш назариясини яратиб, мазкур фаннинг тараққиётига улкан ҳисса кўшиди.

Кимёвий элементларни ажратиш, илмий тадқиқ қилиш ўрта асрлардан бошланган. 1900 йилларга келиб 25 та, асрнинг ўрталарида эса яна 19 та кимёвий элемент кашф қилинди.

Кимёвий унсурларнинг кашф қилиниш жараёни, баъзи элементларнинг табиий гурӯҳи мавжудлигини кўрсатди. Масалан, ишқорий, ишқорий-ер металлар, галогенлар ва ҳоказо.



Табиатдаги элементлар ва уларнинг бирикмаларини ўрганиш ва уларни муайян гурӯҳ ва синфларга ажратиш фанга қийин кечди.

Элементларни маълум тизимга келтириш масаласини Д. Менделеев муваффақиятли ҳал қилди. У кимёвий элементларнинг даврий қонунини кашф қилди. Менделеевнинг номи мазкур ихтироси туфайли фан тарихидаги буюк олимлар: Архимед, Нютон, Шредингер, Эйнштейн ва Пастерлар қаторидан жой олди.

Менделеев элементларни атом массаси (протонлари) ортиб бориш тартиби асосида жойлаштириб, муайян системага солди. Хусусиятлари бир-бирига ўхшаш бўлган элементлар борлигини

аниқлаб, улар маълум ўринларни эгаллашларини аниқлади. Олимнинг мазкур услубиёти элементларнинг муайян хоссалари даврий равишда тақорланиши қонуниятининг очилишига сабаб бўлди.

Даврий тизим 8та гурӯҳ ва 7та даврдан иборат. Гурӯҳлар иккига бўлинади; асосий ва ёнакиларга. Бундай бўлиниш энергетик погоналарнинг электронлар билан тўлиш фарқига асосланган. Асосий гурӯҳларда элементларнинг ташқи с ёки р погоналари электронлар билан тўлган ҳолатда бўлади. Ёнаки гурӯҳларда эса элементларнинг иккинчи погонасига қўшимча яна d -деб аталувчи электрон қабати бўлиб, унга электрон қабул килиши ёки ташқарига бериш қобилиятига эга. Масалан:



Даврлар учга-кичик(1, 2, 3), катта (4, 5, 6) ва туталланмаганларга (?) бўлинади. Давр сони мазкур қатордаги элементларнинг нечта электрон қавати борлигини кўрсатади. Масалан, К ва Cu 4-нчи даврда жойлашганлиги учун уларда тўртта электрон қобиги бор.

Гурӯҳларнинг тартиб рақами реакцияларда иштирок этадиган элементлардаги электронларнинг сонини кўрсатади.

Жадвада ўнгдан чапга (горизонтал) ва юқорида истта (вертикал) қараб элементларнинг металлик хоссалари ортиб боради. Чапдан ўнгга ва пастдан юқорига қараб эса металмаслик хоссалари ортиб боради.

Кимёвий элементларнинг тартиб рақами унинг ядроидаги протонлар сонини кўрсатади. 1961 йилда қабул қилинган нисбий атом массалари бирликлари шкаласига асосан атом массаси бирлиги углерод изотопи атоми ^{12}C массасининг 1/12 қисмига тенг. Бром элементида протон сони 35 та бўлиб, ранги жигарранг, суюқ, реакцияларга онсон киришиб турли бирикмаларни ҳосил қиласди. Бромдан кейинги кимёвий элемент криптон бўлиб, унда 36 та протон бор. Мазкур элемент инерт, газ ҳолатида, реакцияларга деярлик киришаолмайди. Навбатдаги элемент рубидий бўлиб, 37 та протони бор-метал, кимёвий реакцияларда фаол иштирок этади. Мисоллардан кўриниб турибдики, элементлардаги битта протон сони уларнинг физика-кимёвий хусусиятларини бутунлай ўзгаришиб юборар экан. Элементлардаги бу миқдор ўзгаришлар сифат ўзгаришларга олиб келишини квант механика нуқтаи назаридан тушунтириш мумкин.

Атом ядросида биттадан 92 тагача протон бўлган элементлар аниқланган. Энг сода элемент бўлган водород атомида иккита элементар зарралар бўлиб улар электрон ва протондан иборат. Водороддан кейин сода элемент гелий (биринчи марта Қуёшда топилгани учун, номи ҳам шу маънени англатади) атоми бўлиб, унинг таркибида 6 та элементар зарралар бор. Улар 2 та протон, 2та нейтрон (ядрода), электрон қобигида 2 та электрон ҳаракатда бўлади.

Табиатда мураккаб кимёвий элемент уран ҳисобланиб, таркибида 92 та протон, 140 та нейтрон ва унинг ядроси атрофида 92 та электрондан иборат Протонлар сони 92 тадан ортиқ бўлган атомлар ҳам бор Улар суний равищда олинган бўлиб, буларга нептуний, плутоний киради. Мазкур элементлар тургун эмас, радиоактив бўлганликлари учун эркин ҳолда учрамайдилар.

Элементларнинг кимёвий хусусиятлари ва жадвалдаги тутган ўрнини тасодифий деб бўлмайди. Агар уларнинг жойланиши жадвалда тасодифий бўлса, янги элементлар топилмаган бўлар эди. Шунинг учун Менделеев ўзи яратган даврий системани даврий қонун деб атади. Кимёвий элементларнинг айримлари ўзаро реакцияга кириша оладилар, баъзилари эса бундай хусусиятта эга эмас. Ишқорий металларнинг атом массалари ортган сари сув билан реакцияга кириш қобилияти ортади, металларда эса камаяди. Бу ва бунга ўхшашибошқа хусусиятлар тасодифий бўлмай, балки даврий жадвалнинг қонуниятидан келиб чиқади. Элементларнинг айримлари рангиз, баъзилари газсимон, бир хиллари суюқ ёки қуюқ, қаттиқ, айримлари енгил, оғир, электр токини ўтказувчан, магнитли хусусиятта эга бўлиб, бошқа хиллари эса буларнинг аксиdir. Шунга қарамай, улар „аълом даврий қонуларга бўйсунадилар. Агар уларнинг тузилишларини эсласак, улардаги жуда кўп умумийлик ва фарқлар тасодифий бўлмай, балки муайян қонун асосида эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Биология фанида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муайян тизимга солиб ўрганиш услубиётини Швед табиатшуноси Карл Линней бинар системасини яратган бўлса, Д. Менделеев эса табиатдаги кимёвий элементларнинг даврий қонуниятини кашф қилиб, моддий дунё тартибсиз бўлмай, маълум мутаносиб-гармония асосида эканлигини кўрсата олди.

Космик фазони спектроскопик усуллар билан тадқиқ қилинганда аксарият водород ва гелий элементлари аниқланган. Ердаги кимёвий элементлар космик жисмларда ва космосда деярлик учрамайди. Коинотнинг ҳар куб метрида олти дона атом

тўтри келар экан. Ердаги оғир элементлар космосда кам учрайди. Заминимиздаги кимёвий элементларнинг ҳосил бўлиши, эволюцияси ўзига хос бўлиб, бошқа планеталардан фарқ қиласди. Фазода жумладан, Ерда ҳам эволюциянинг ибтидосида енгил (водород, гелий) элементлардан вақт ўтиши билан улардан оғир ва мураккаб атомлар синтезланган деб фараз қилинади. Лекин элементларнинг синтезловчи кимёвий «лаборатория» қайси даврдан бошлаб фаолият кўрсата бошлаганлиги ва унинг юритмаси қандай эканлиги табиатшуносликнинг муаммоларидан ҳисобланади.

Замонавий кимё бир модданинг олинишида унинг қандай хусусиятга, структурага эга бўлишини аввалдан бащорат қилаолади. Бу атом-молекуляр назарияси асосида бўлиб, атом тузилишига ва уларнинг ўргасидаги боғларнинг аниқданишига асосланган. Атомдаги электронларнинг электрон қаватларида жойланишига қараб кимёвий боғлар; ковалент, ионли ва металл боғларга бўлинади.

Кимёвий боғларнинг характерлайдиган кўрсатгичлари - уларнинг мустаҳкамлиги ва энергиясидир. Лекин, шуни эсда тутиш керакки, кимёда боғ қанча мустаҳкам бўлса, энергия шунча кўп ҳисобланади. Биологияда, жумладан, биокимёда унинг аксиdir. Масалан, АТФдаги (Адинозин трифосфат) пирофосфат боғи жуда лабил бўлиб боғ узилганда катта миқдорда энергия ажралиб чиқади.

Кимёвий жараёнларнинг содир бўлиши ва уларнинг тезлиги реакцияга киришаётган моддаларнинг концентрациясига, табиатига, муҳитга, хароратга. анерганик ва биологик катализаторларга боғлиқдир.

Кимёвий моддалар „оддий жисм“ ёки эритма деб қаралар эди. Лекин квант меҳеникаси нуқтаи назаридан кимёвий моддаларнинг табиати ўрганилганда, молекулаларни ташкил қилган атомларни бирлаштирувчи ички кучларни эътиборга олиб, квант-механик система деб қарамаш қабул қилинган. Кимёвий боғларни ёки валентликни белгиловчи электрон тўлқин табиатга эга эканлиги олимлар томонидан кўрсатилган.

Электрон бир неча хусусиятга эга. У заррача, тўлқин, нуқтавий заряд, атом ядросининг таъсир доирасида жойлашган булат десак бўлади.

Австралиялик олим, квант механика фанининг асосчиларидан Э.Шредингер булат табиатли водород электронининг жойланиши нуқтасини аниклайдиган дунёга

машхур тенгламани ишлаб чиққанлигини юкорида кайд килган әдик.

Электрон шу пайтгача шар, диск, эллипс ёки чизиқча шаклида эканлиги фанга номағым бўлиб келмоқда.

Микрофизика фани кимёвий реакциялар электронларни ўзаро алмашиниш ҳисобига кетиши, бирикмаларнинг табиатини янгича таҳлил қилишга сабабчи бўлди. Заррачаларнинг асосини молекулалар, комплекслар, монокристаллар, ион агрегатлар, бир ёки бир неча элементлардаги электронларнинг алмашинуви ҳисобига ҳосил бўлган кимёвий боғлар ташкил қилади.

Синов саволари:

1. Кимё фанининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти.
2. Кимё фанининг предмети ва шаклланиш даври.
3. Кимёвий элементларнинг системага солиниши.
4. Элементларнинг даврийлигини белгиловчи омиллар.
5. Даврий система даги ўхшашликлар ва ажратувчи белгилар.
6. Менделсев даврий системасининг дунёни билишдаги аҳамияти.
7. Атом-молекуляр назария.
8. Кимёвий боғларнинг турлари.
9. Квант механика фанининг кимё соҳасига таъсири.

5.2 КИМЁ ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Табиатдаги кимёвий элементлардан фойдаланиш инсониятнинг маданий ҳаётида қадимдан маълум.

Ер қобиги таркибидағи кимёвий элементларнинг 99%ни ташкил қилувчилар асосан 8 хил; кислород-47%, кремний-27, 5%, алюминий-8, 8%, темир-4, 6%, калций-3, 6%, натрий-2, 6%, калий-2, 5% ва магний-2. 1% Бундай кимёвий ашёлар ҳозирги кунда жамият томонидан бир хил фойдаланилмайди.

Масалан, Ерда темир алюминийга нисбатан иккى мартаба кам, аммо саноатда кўп ишлатилади. Металл ашёларнинг 95% дан ортиги-мациналарнинг ҳар хил конструкциялари, механизмлар, транспорт воситаларининг асосий қисми темирдан иборат. Ер қобигини 97% ини ташкил қилувчи селикатлар темирга нисбатан кам ишлатилади. Ваҳдоланки, курилиш ашёларининг асосий қисмини, керамикаларнинг хилмарини тайёрлашда кремний металл билан рақобат қилиш даражасига кўтарилиши лозим.

Кимёниң замонавий ютуқларидан бири, ҳозирги кунда жамиятта ишлатиладиган металнинг ўрнини керамикага алмаштириш мумкинлигини Япония олимлари томонидан исботланаётганлигидир.

Керамик ашёлар кимёвий элементлардан титан, бор, германий, хром, молибден ва волфрамлар маълум нисбатда қўшилиши натижасида ҳосил қилинади. Бу ашёлар ёнгинга, юкори ҳароратга, химикатларга чидамли, ўта пишиқ, қаттиқ бўлиб, улар электрофизикаий нозик асбобларни ясашда ишлатилади.


Кимё фанининг тараққиёт босқичларидан бири реагентларнинг жумладан, макромолекулаларнинг ёки монокристалларнинг структурасини тадқиқ қилиш асосида янги моддаларни синтезлашдир.

Структуравий кимё моддаларни аввалдан мақсадга мувофиқ сифат ўзгаришига мўлжаллаб синтезлашдир. Мазкур услубиёт асосида олимлар органик радикаллар ва бирадикаллар, жумладан, -CH₃, -CH₂, -SON ва ҳоказолар иштирокида рангбаранг моддалар синтезлай бошладилар.

XIX асрнинг 80- йилларида „органик синтез“ атамаси пайдо бўлди. Тошкўмир смолосидан ажратилган углеводород ва амиак асосида олимлар анилин(бўёқ-фуксин), флавонлар, портловчи моддалар, тринитротолуол, тринитрофенол, аспирин, уротропин юрак гликозидлари ва бошқалар синтезланди.

Кимёгарлар синтезлаган, табиатда кўп ишлатиладиган дорилардан бири ацетилсалацил кислота- аспиринидир. Истеъмол қилган бемор унга ўрганиб, боғланиб қолмайди. У bemорларда ҳароратни пасайтиради, шамоллашга ёрдам бериб, сийдик кислотасини чиқаришга ёрдам беради. Сийдик кислота танада кўпайса, бўгинларда оғриқ кучайиб, бу касалликни тиббиётда подагра дейилади,

Табиатда аспирин эркин учрамайди. Кимёгарлар ўсимлиқдан ажратилган салицил кислотасини сирка ангидриди билан ацетиллаб мазкур дорини 1850 йилларда синтезлаганлар.




Огриқ қолдирадиган кучли дорилардан яна бири морфин ҳисобланади. Морфин опийнинг (қора дори) асосий компоненти. У жуда қадимдан маълум. Морфин аспиринга нисбатан 50 марта кучли. Унинг салбий томони- bemor унга ўрганиб гиёхвандга айланади. Нафас олиш йўлларини секин-аста ишдан чиқаради.


Морфин опийдан 1803 йилда ажратилган. 1925 йилда структураси аниқланиб 1952 йилда лабораторияда сунъий равища синтезланди.

Морфинни синтезлаш жараёнида унинг 2 та ҳосиласи кодеин ва героин олинган. Кодеин морфинга ўхшаш, опийнинг таркибида камроқ учрайди. У ҳам огриқни морфинга нисбатан камроқ қолдириб, аксарият йўталга қарши ишлатилади. Одам унга камроқ ўрганади. Лекин у ҳам наркотик моддалар қаторига киради.


Энг кучлиси героин ҳисобланиб, табиатда учрамайди, морфиндан сунъий равища синтезланади. У огриқни тез қолдиради, лекин bemor унга ўрганиб, руҳий ҳолати ўзгариб, гиёхвандга айланиш эҳтимоли жуда кўп. Шунинг учун унинг ишлаб чиқарилиши ва ишлатилиши давлат томонидан назоратга олинган



Морфин




Кодеин



Героин


Кучли наркотик моддалардан яна бири коқаин бўлиб, у Жанубий Америкада ўсадиган кока деб аталадиган бутадан олинади. Бу ҳам огриқ қолдирадиган дори сифатида ишлатилади. Бу дорига ўрганган гиёхванд героинга нисбатан енгилоқ қутилади.



Кокайн

Сурункасига кокайнни истеъмол қилган одам кейинчалик гиёхвандга айланиб, руҳий ҳолати ҳам ўзгариши мумкин. Кимёгарлар кокайннинг структурасини ўзgartириб, гиёхванд қилмайдиган аналогарини синтез қилдилар, жумладан, прокайн (савдодаги номи новокайн) шу қаторга киради (1905й.). Кимёгарлар тарихда кўп ахолининг ёстигини қуритган безгак касалининг олдини олишга муяссар бўлдилар. Касални тарқатувчи чивин чаққанда қонга плазмодиясини юбориб, у жигарда кўпайгандан сўнг қондаги эритроцитларга ҳужум қиладилар. Бу касални тузатувчи номи хинин бўлган дорини дарахт илдизидан олинади. Бу дарахт Перуда ўсади. Олимлар хининнинг структурасини ўрганиб, (1854 йил) 1945 йили лабораторияда синтез қилдилар.

Шундай дориларга пенициллин, стероидлар, витаминалар, ҳид тарқатувчи фирамонлар киради Олимлар бундай дориларни синтезлаб келмоқдалар.



Хинин

Охирги йилларда қаттиқ жисмлар кимёси ҳам тарақкий қилмоқда. Жумладан, кристалларни сунъий синтезлаш йўллари изланмоқда. Тоза, сифатли электрофизикавий ва оптик хусусиятта эга бўлган кристалларни космик орбитада синтезлаш таклиф қилинди.

Ҳаётда кенг тарқалган баъзи реакцияларни шу пайтгача бошқариб бўлмайди, масалан, ёниш ва портлаш.

Кимёвий реакцияларни бошқаришнинг асосан икки хил усули бор: биринчиси, термодинамик иккинчиси эса, кинетик йўллари бўлиб, бу жараёнда катализаторлар катта роль ўйнайдилар.

Реакцияларни ва уларнинг тезлигини бошқаришда Вант Гофф ва Ле Шателе қоидалари қўл келиб, кўп моддалар катализаторлар иштироқида синтезланмоқда.

Кимёвий реакцияларда катализаторлар катта роль ўйнаб, улар кимёвий боғларни бўшаштиришда. реагентларнинг реакцион қобилиятини оширишда асосий омил ҳисобланади. Катализатор ёки ферментлар биологик жараёнларда ҳам асосий ролни ўйнайдилар.

Кимё фанининг бўлимларидан бири бўлган плазмокимё шаҳдам қадамлар билан ривожланмоқда. Плазма-ионланган газ бўлиб, паст ва юқори ҳароратли ҳолатда бўлади. Ионланган газ-плазма ҳароратнинг $1000\text{-}10000^{\circ}\text{C}$ оралиқдаги ҳолатида ўрганилади. Бундай ҳолатда заррачалар қўзғалган бўлиб, молекулаларнинг ўзаро тўқнашиши ўта тезлиқда давом этади. Бундай реакцияларда кимёвий боғларнинг ўрин алмашиниц тезлиги 10^{-13}C га тенг бўлиб, қайталама реакция деярлик бўлмайди. Плазма кимёвий реакциялар саноатда яхши натижалар бериб метан, ацетилин олишда ишлатилмоқда. Плазмокимё усули ёрдамида атмосфера азоти ўтига айлантирилади. Мазкур усул аммияк услубига нисбатан тез ва арzon нархга тушади. Шундай қилиб юқори энергия кимёси, умуман ишлатиладиган энергияни тежашга қаратилган.

Юқоридан кўриниб турибдики, кимё фанининг ютуқлари, услубиёт технологияси халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига, инсоннинг кундалик турмуш тарзига, тиббиётта, доришуносликка, биология ва микрофизика фанларининг илдиз-илдизига сингиб кетган. Ҳозирги кунда инсоният кимёсиз ҳаёт тарзини кўз олдига келтиролмайди. Экологик нуқтаи назардан қаралганда, муҳитни ифлослантиришда кимёнинг салбий томонларини ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозим. Шуларга қарамай, кимё фани жамиятнинг тараққиётида молекуляр физика, тиббиёт ва физико-кимёвий биология фанларининг илмий изланишларида катта аҳамият касб этмоқда.

Синон саволлар

1. Табиатда учрайдиган элементлар ва улардан фойдаланиш.
2. Кимёвий технологияда керамиканинг ўрни.
3. Органик кимёнинг тараққиёти.

4. Кимёгарлар томонидан аниқланган айрим дорилар ва уларнинг ҳосилалари.
5. Кимёвий реакцияларнинг бошқариш усуллари.
1. Қаттиқ жисмлар кимёси ва плазмакимё.

Адабиётлар:

1. Глинка Н. А. «Умумий кимё» Т 1990 й.
2. Карпенков С. Х. «Основные концепции современного естествознания». Москва 1998.
3. Горелов А. А. «Концепция современного естествознания». Москва, 1999.
4. Бабушкин Н. А. «Основные концепции современного естествознания». Санкт-Петербург, 2001.

5.3. КИМЁВИЙ ЭВОЛЮЦИЯ

Олимларнинг фикрича, бундан 15-20 миллиард йил илгари Коинотда «Катта портлаши» юз берган. Натижада бутун олам оловли заррача газлардан иборат бўлган. Катта портлашнинг дастлабки сонияларида Коинотнинг ҳарорати жуда катта бўлиб, бу пайтда молекула, атом, ядро пайдо бўла олмаган. Портлашдан сўнг маълум дақиқалар ўтгач, дунёнинг ҳарорати 1 миллиард градус бўлган. Шундай муҳитда атомларнинг ядроси жумладан, водород ва гелийларнинг атомлари пайдо бўлган деб тахмин қилинади.

Бир неча минг йил давомида Коинот водород ва гелийдан ташкил топган плазма ҳолатида бўлган. Вақт ўтиши билан планеталар ва галактикалар шаклланган. Маълум ҳароратда енгил элементлар ва Ернинг совуши натижасида оғир элементлар пайдо бўлган деган назария мавжуд.

Кимёвий эволюция тушунчаси фанга 50-60 йилларда кириб келган бўлса биология фанида бу соҳа Дарвиндан бошланган эди. Тахминларга қараганда Еримизнинг пайдо бўлганига 4. 6 млрд йил бўлган, ҳаёт белгилари эса 3. 8 млрд йил илгари шаклланган деб қабул қилинган.

Миллиард йил давомида Ерда кимёвий эволюция содир бўлган. У даврларда «Атмосфера» ҳозиргида оксидловчи бўлмай балки қайтарувчи хусусиятта эга бўлган. Вақт ўтиши билан замин аста-секин совий бошлаган углерод атоми ва бўлак сувда эриши қийин бўлган металлар конденсирланиб Ер қобигини ҳосил қила бошлаган. Заминимизнинг ибтидосида гравитация майдони

кучиз бўлганлиги учун ҳосил бўлган енгил элементлар водород, азот, гелий, кислород ва аргон атмосферада бўлмаган. Лекин энг содда бирикмалар абиоген (биологик йўли билан эмас) йўли билан ҳосил бўлган. Мазкур жараёнда аммиак, сув буглари, метан, CO_2 газлари Қуёш нури, электр зарядлар ва вулқонлар иштирок эттан бўлишлари мумкин.

Назарий асосда рус олим А. Опарин органик бирикмалар жумладан, углеводородлар сув муҳитида қуёш радиацияси ва ультрабинафша нур таъсирида ҳосил бўлган бўлиши мумкин деб тахмин қиласди. Олимнинг фикрича абиоген йўл билан океандада ва Ер сатҳида энергиянинг таъсири натижасида органик бирикмалар кўпайиб ҳаётнинг пайдо бўлиши учун «бирламчи бульон» ёки «шўрва» пайдо бўлган.

1953 йили Америка олими Стенли Миллер Опариннинг назариясига асосан ибтидоий ер муҳитини лаборатория шароитида моделлаштириди. У шиша идиш олиб ичидаги ҳавони суриб сув буглари, карбонат ангирид, метан ва аммиак газини киргизиб электр заряди таъсирида айrim аминокислоталар, аденин ва оддий қандлар ҳосил бўлганлигини эълон қилиб, Опарин назариясини дунёда оммалаштириб юборди.

А. Опарин ҳаётнинг пайдо бўлишида оқсилларга асосий ўрин берди. Унинг фикрича, тасодифан ҳосил бўлган пептидлар кўпайиб улар гидрофиллик хусусиятига эга бўлганликлари учун ўз атрофларига сув молекуласини тўплаб яъни коацерват (куйқа, тўплам) ҳолатига ўтиб, ташки муҳит билан ионларни алмаша бошлаган. Коацерватларнинг кейинги тараққиёти ҳужайрага ўҳашаш системани шаклантириди, унинг ички қисмида ўз-ўзидан қайта қурилиш бошланиб ёғлар, углеводдар, нуклеин кислоталар, мембрана ва энг асосий ферментлар синтезлана бошлаган. Мазкур назарияни кўпчилик тан олсалар ҳам лекин охирги йилларда илмий асосда бу тахминни танқид қилувчилар кўпайиб бормокда. Америка олими Ф. Хойл юқоридаги ҳаётнинг пайдо бўлишини танқид қилиб мазкур назария тўтри бўлса кўчадаги чиқинди идиши Қуёш нури, шамол, электр разрядлар, ҳарорат таъсирида вақт ўтиши билан замонавий «Боинг» самолётига айланиши қерак деб киноя қиласди. Ҳозирги замон фанининг эътироф этилишича, она сайёрамизда ҳаётнинг белгилари 3. 8 млрд йил илгари куртак ота бошлаган деб таъкидлаган эдик. Ердаги ҳаётнинг пайдо бўлишида турли тахмин ва назариялар мавжуд. Улардан айримлари қуйидагича:

-Кимёвий ва биологик эволюция бўйича рус олими А. И. Опариннинг тахминиг асосан ҳаёт углеродли бирикмаларнинг узоқ вақтли эволюциясиdir.

-Илоҳий илмларнинг вакиллари ҳаётни Олий ақл засининг каромати деб қарайдилар бу оқимни гарбда Креациёнизм (яратиш) номи билан юритилади.

-Ер ҳар доим мавжуд бўлганлиги учун ҳаёт ҳам мавжуд бўлиб бу жараён чексиз давом эттан ва этаверади. Ҳаётнинг бу кўринишини унинг стационар (доимийлик) ҳолати дейилади.

-Заминимизга ҳаёт коинотдан келган деган тахмин бўлиб бу таълимотни панспермия (пан - ҳаммаёқ сперма - нуфта) номи билан юритилади.

Шунингдек тузилиши ва тараққиёт фаолиятини ўзида мужассамлаштирган тирик молекула тасодифан пайдо бўлган деган фикрлар ҳам мавжуд.

Моддиончилар ҳаётни ўз-ўзидан бошланган, бу жараён материянинг табиий ва қонуний тараққиёти деб ҳисоблайдилар.

Юқоридаги назариялар узоқ йиллар давомида баҳс, мунозараларга сабабчи бўлиб келди. XIX асрга келиб йирик француз микробиологи Л. Пастер ва бошқа олимлар (тажриба асосида) ҳаётнинг ўз-ўзидан пайдо бўлиш назариясига зарба бериб, ҳаёт фақат бор бўлган ҳаётдан пайдо бўлишини илмий асосда исботлаб бердилар.

Кимёвий элементларнинг эволюцияси ер қобигини шакллантириб, тупроқ ҳосил қилишда ва атмосфера таркибини ҳаёт учун мұтаъдил ҳолатта келтиришда етакчи рол ўйнаған. Атмосферадаги ҳавонинг таркиби нафас олишга қулай, айрим газларнинг алоҳида ўzlари эса ҳаёт учун заарлидир. Ҳаводаги кислород ўсимлик ва ҳайвонот дунёси учун зарур бўлиб, унинг нисбати 21 фоизни ташкил қиласи. Кислороднинг миқдори кўрсатилгандан юқори бўлса ҳаёт учун ҳавфли ҳисобланади. Одам кўп вақт тоза кислород билан нафас олса ҳаётий жараёнларга салбий таъсир қиласи.

Агар ҳавода кислород миқдори кўп бўлса ёнувчи ашёлар бир учқун таъсирида алангага айланади. Кислород атмосферада кўрсатилган фойиздан кам бўлса учқундан олов олдириш мумкин бўлмай қолади. Азот ҳавода фақат кислородни сийраклаштирувчи омил бўлмай, унинг кислород билан бирикмаси ўсимликлар учун бебахо ўйтит ҳисобланади. Ҳар куни атмосферада электр зарядлар таъсирида минглаб чақмоқ ва момақадироқлар бўлиб, кўп миқдорда азот кислород билан бирикиб ўйтит сифатида ёмгир билан ерга тушади. Карбонат ангиридан газининг миқдори

атмосферада ўртача 0,03 фоизни ташкил қиласи. Мазкур газнинг миқдори кўп бўлса ҳайвонот дунёси ва атроф муҳит учун зарарлидир. Кўрсатилган газнинг миқдори ҳавода мўлжалдан кам бўлса фотосинтез жараёни тўхтаб, ўсимликларнинг қирилиб кетишига сабабчи бўлади. Ернинг атмосфера қатлами ундаги ҳаётий жараёниларнинг кечишига бевосита алоқадор бўлибгина қолмасдан, у айни пайтда ҳимоя пардаси ҳамдир. Заминимиздан 25 км тепада бор йўғи 1 см бўлган озон қатлами бор бўлиб, у Қўёшдан келаётган ультрабинафша нурларини Ерга ўтказмай ўзида тутиг қолади. Агар акси бўлса, бутун жонзотларнинг ҳаёти ҳавф остида бўлиб, тез орада қирилиб кетади. Булардан ташқари, атмосфера қатлами фазодан келаётган метеоритлар ёмгиридан бизни муҳофаза этади ва ердаги ҳароратнинг бир меъёрда сакланишида кўрпадек хизмат қиласи. Ернинг тортиш кучи атмосферани фазода тарқалиб кетишидан сақлаб, бизнинг бемалол ҳаракат қилишимизга монелик қилмайди.

Кимёвий эволюция Ер қобигига ва унинг атмосферасига таъсир этиб мутьадил ҳолатга (яъни ҳаёт учун зарур бўлган) муҳит яратган. Кимёвий эволюция даврида абиотик йўл билан ҳосил бўлган органик бирикмалар - углеводородлар, содда углеводдар, аминокислоталар ва кимёвий элементлар иштироқида энг содда микроорганизмлар шаклланиб кислородсиз муҳитда фаолият кўрсатганлар. Вақтлар ўтиши билан абиотик йўл билан ҳосил бўлган органик бирикмалар поёнига ета бошлаган даврида мульжиза юз бериб, содда яшил сув ўтлари юзага келиб фотосинтез жараёни бошлиланган. Ерда кислород пайдо бўлиши билан заминимизнинг қиёфаси ўзгаради. Атмосфера энди қайтарувчи эмас, оксидловчи хусусиятга эга бўлиб, муҳит янги бир сифат ўзгаришига юз тутади. Кимёвий эволюция биологик тараққиётга ўз таъсирини ўтказди дейилишига асос бор.

Тирик ҳужайрада 40дан ортиқ кимёвий элементлар ва уларнинг бирикмалари борлиги аниқланган. Литосферада учрайдиган кимёвий элементлар биосферада кам учрайди. Элементларнинг даврий системадаги ўрни билан уларнинг биологик роли ўртасида ҳам маълум боғланишлар бор. Организм асосан енгил, сувда эрувчан, ҳар хил газсимон моддаларни ҳосил қилувчи элементлардан ташкил топган. Енгилдан оғир элементта ўтган сари улар организмга токсик сифатида таъсир қиласи. Даврий системада кичик гурухчадаги элементлар организмда бир-бирининг ўрнини боса оладилар. Айрим кимёвий элементлар биологик фаол моддаларнинг таркибида учрайди. Ҳужайра, тўқима ва аъзолардаги учрайдиган элементларнинг миқдорига

қараб улар макро-, микро-, ва ультрамикро элементларга бўлинади. Организмнинг асосий қисмини, яъни 98-99 фоизини водород, кислород, азот ва фосфор ташкил этади. Ушбу элементларнинг аксарияти кўши бог ҳосил қилиши, атомлар ҳажмининг ихчамлиги, улардан ҳосил бўлган молекулаларнинг ўзига ҳослиги ва атомлараро масофанинг нисбатан қисқалиги билан ажраладилар. Мазкур хусусиятлар туфайли биокимёвий метаболизмда улар етакчи ўринни эгаллади. Улар организмда энергетик функцияни ҳам бажарадилар.

Маълумки, водород ва кислороднинг қўшилишидан обиҳаёт пайдо бўлган. Заминимизнинг учдан икки қисми сувдан иборат, сув атроф-муҳитга об-ҳавога таъсир қилиши билан биргалиқда биокимёвий жараёнлар сувнинг иштирокида амалга ошади. Сувнинг ажойиб хусусиятларидан яна бири табиий шароитда бир неча хил, яъни газ(сув буглари) суюқлик (сув) ва қаттиқ жисм (муз) ҳолатида бўллади. Организмнинг 80 фоиздан ортиғи сувдан иборат. Одам, ҳайвон ва ўсимлик учун зарур бўлган минглаб мoddалар суюқлик ҳолатида кўчирилади. Масалан, ҳайвонларда қон, ўсимликларда эса шира мавжуд. Сувнинг бут, суюқлик, муз ҳамда чучук ва шўр ҳолатида бўлиши унинг мўъжизавий хусусиятидир. Ер, сув, ҳаво, шимолий, жанубий қутбларда ва ҳарорат энг юқори бўлган муҳитда ҳам ҳаётий жараёнларни таъминлашда шу суюқлик асосий омил ҳисобланади.)

СИНОВ САВОЛЛАР

1. Кимёвий элементларнинг эволюцияси.
2. Ҳаётнинг пайдо бўлишида кимёвий эволюция.
3. Кимёвий эволюцияда А. Опарин назарияси.
4. С. Миллер тажрибаси.
5. Ҳаётнинг пайдо бўлиш назариялари ва уларнинг таҳдили
6. Организмда кимёвий элементларнинг жойланиши ва уларнинг функциялари.

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР.

1. Лавренченко В. Н ва бошқалар «Концепции современного естествознания». Москва «Культура и спорт» . Издательское объединение «ЮНИТИ» 1997.
2. Карпенков С. Х «Основные концепции естествознания» Москва «Культура и спорт» Издательское объединение «ЮНИТИ» 1998.
3. Соловьев Е. Ф «Концепции современного естествознания» . Москва, Издательский центр «ВЛАДОС» 1999.

6.1. БИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, СТРУКТУРАСИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Мазкур соҳа мавжудотларнинг турли-туманлиги, тузилиши, функцияси, келиб чиқиши, тараққиёти ва уларнинг бир-бири ҳамда жонсиз табиат билан алоқаси ҳақидаги фанлар йигиндисидан иборат. Биология ҳаётта хос барча хусусиятлар, жумладан метаболизм, кўпайиш, ирсият ўзгарувчанлик, ўсиш, ҳаракатланиш ва бошқа ҳодисаларнинг умумий ва хусусий қонуниятларини ўрганади.

Хозирги замон биологияси олимларнинг кўп асрлик кузатишлари ва тадқиқотларининг маҳсули бўлиб, у XX асрнинг иккинчи ярмида тавсифий йўналишдан экспериментал соҳага айланган фанлар мажмуасидир.

Жамият тараққиётининг ибтидосидан бошлаб инсоният атроф-мухитдаги ранг-баранг ҳайвонот ва наботот дунёсини ўргана бошлаган. Бу соҳада олимлар ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўрганишда маълум қоида ва қонулар ишлаб чиқсанлар. Уларнинг асарлари антик ва ўйғониш даврида (Гиппократ, Арасту, Теофраст) ботаника, зоология, шунингдек, одам анатомияси ва физиологиясига асос бўлди.

Ўрта асрларда табиатшунослик фанинг ривожланишида ўлкамизда Темурий ва Бобурийлар сулолаларига мансуб бўлган олимлар катта ҳисса қўшдилар.

Биологияда гидравлика қонуларининг қўлланиши туфайли қон айланиш юритмаси қашф қилинди (Гарвий). Микроскопнинг ихтиро қилиниши мавжудотлар ҳақидаги билимларни кенгайтирди. Хужайра назарияси (Шванн) ирсият қонуларининг очилиши (Мендель), биология тарихида Ч. Дарвин таълимоти тирик табиатнинг мақсаддга мувофиқ тузилишини материалистик асосда тушунтириб, физика, кимё ва астрономия фанларига ҳам эволюцион таълимотнинг кириб келишига сабабчи бўлди.

Биология фанининг тараққиётида оқсил ва нуклеин кислоталарнинг тадқиқ қилиниши муҳим роль ўйнаб мазкур фанинг тавсифий йўналишдан экспериментал соҳага айлантириди.

Медицина, қишлоқ хўжалиги йўналишларидағи тадқиқотлар, саноат чиқиндилари ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиши ва табиатни муҳофаза қилиш йўналишида биология катта рол ўйнамоқда. Охирги 15-20 йил ичida биологияда инқиlobий ўзаришлар бўлиб, мазкур фанда физик-

кимёвий биология (биокимё, биофизика, ген мухандислиги, молекуляр генетика, биотехнология) фанлари шакланди. Ҳозирги кунда биология тирик табиатни ўрганувчи комплекс фанларнинг мажмусига айланди.

Атроф-муҳитда ҳаёт турларининг турфа хиллигини кузатиш мумкин. Тирикликтининг ҳар хил кўринишларини шимолий, жанубий қутб музликларида, чўл-саҳроларда, дengизларнинг, океанларнинг устки ва қоронгу тубларида, баланд атмосфера қатламларида, шўр, кислотали, вакуумли муҳитда, ҳатто реакторларда учратиш мумкин. Она заминимиз ҳаётнинг ҳар хил шаклларига ўта бой бўлиб, улар ўзаро, бир-бирларига мутаносиб гармония ва мувозанат ҳолатида жойлашиб ҳаёт кечирадилар.

Ҳозирги кунда олимлар томонидан 1 млн. ҳайвон, ярим, миллиондан ортиқ ўсимлик, бир неча юз замбуруғлар ва уч мингдан ортиқ бактерия турлари аниқланган. Таксономик тадқиқот ишларининг биология фанида бошланганига 250 йил бўлган бўлса ҳам ҳайвонот, наботот ва бошқа жонзот хиллари аниқ бўлмай, уларнинг табиатдаги турлари 3 дан 30 млн атрофида деб ҳисобланмоқда. Юқорида кўрсатилган ранг-баранг ҳаётнинг асосида албагта тириклик белгиси ётади. Тириклик ўзи нима? Ўлик табиатдан қандай фарқ қиласди? Шундай фалсафий муаммони ечишда молекуляр биология нуқтаи назаридан ҳозирги кунда тириклик таърифига қониқарли жавоб бериш мумкинми? Та什қи кўринишдан ўлик ва тирик жисмларни бир-бирларидан осонлик билан фарқлаш мумкин. Ҳаёт оқсилларнинг яшаш шакли деган таърифга ҳаммамиз ўрганиб қолганмиз. Энгельс бу таърифни берганда оқсиллар ҳақидаги маълумот жуда кам эди. Улар алоҳида ажратиб олинмаган, структура ва функциялари ҳали номаълум эди. Энгельс, оқсил дейилганда, олимларнинг фикрича, у ҳужайрани кўз оддига келтирган. Генетик ахборотни ташувчи нуклеин кислоталарнинг очилиши ва уларнинг структураларини ўрганиш асосида ҳаёт нуклеопротеинларнинг яшаш шакли деб атала бошланди. Лекин бозордаги гўшт таркибида нуклеопротеинлар етарли миқдорда, аммо улар тириклик гавҳарларидан маҳрумдирлар.

Оқсил ва нуклеин кислоталарнинг макромолекулалари ҳужайра таркибида ўз ҳаётий белгилари ҳали тўлиқ аниқланмаган муҳитда намоён этади.

Ҳаёт-ташқи муҳит билан доимий равишда модда алмасиши хусусиятига эга бўлиш демакдир. Масалан, тирик сичқон ёки ёниб турган шам ташқи муҳит билан модда алмасиниш хусусиятига эга. Сичқон нафас олишида, шам эса ёниш

жараёнида кислород ютиб карбонат ангирид чиқарадилар. Демак, нуклеопротеин ва модда алмашинуви тириклик мезони бўла олмайди. Шифокорлар тирикликни нафас олиш, юрак фаолиятига қараб белгилайдилар. Ҳозир шундай машиналар борки, улар ўпка ва юрак функцияларини ўз зиммаларига оладилар. Ўпка ва юрак функциясини машина бажараётган беморни ўлган десак бўладими? Тирик одам деб сезувчи, фикрловчи ва шу аснода рационал қарорларга келувчи шахсни биламиз. Лекин руҳий хаста ёки ўта бемор, кома ҳолатдаги одамни ўлик деб бўладими? Демак, ҳамма одамларга тегишли ҳаётий белгиларни аниқлаш анча мураккаб масала экан.

Ўсимликларнинг уруглари, замбуруглар, сув ўтлари, лишайниклар, шунингдек бактерияларнинг спорали ўнлаб, баъзи даврларда юзлаб йиллар давомида ҳаётий белгилари сезилмай тураверади. Шароит мос келиб қолса тириклик белгиси намоён бўлиб қолади. Тинч ҳолатдаги спораларни ўлик деб бўлмайди. Тириклик белгиси ўсиш ва кўпайишдан иборат дейилади. Лекин вулқонлар, музликлар, кристаллар ҳам ўсади. Айрим гибрилар, жумладан ҳачирлар ва қари ҳайвонлар кўпайишга қодир эмаслар, уларни ўлик деб бўлмайди. Эволюция назарияси бўйича тириклик билан ўлик ўргасида чегара ҳали аниқланмаган. Эволюциянинг маълум погонасида ўлик материя тирик ҳолатга айланган. Бунинг қандай содир бўлганини ҳеч ким исботлай олган эмас. Дарсликларда ҳаёт материя ва энергиядан иборат бўлиб, ҳаёт ҳам шу унсурларнинг тадрижий маҳсули деб қаралади. Лекин материя ва энергияга боғлиқ бўлган тирикликнинг элементлари-энг содда шакли ҳали аниқланган эмас.

Ҳаётний жараёнларни математик нуқтаи назардан таҳдил қилган, Нобель мукофотининг икки марта совриндори, биоэнергетика фанининг асосчиси, АҚШ биокимёгар олимни Альберт Сент-Дъёрдьи биологик фаолиятни $2+2 < 4$ тенгламаси билан таърифлайди. Ташки. кўринишдан бу тенглама, албатта мантиқсиз ва маъносиз кўринади. Олим ҳаётни таркибий қисмларга ажратиб, уларни алоҳидә ўлчаш ва тавсифлаш мумкин эмас, деган гояни илгари суради. Ҳаёт ўзининг таркибий йигинидисидан юқори ва кўпdir, ҳаёт ва дунё моҳиятини қониқарли даражада таҳдил қилишга бугунги куида фан қодир эмас деган гояни илгари суради. Ҳаётнинг асосини ташкил қилувчи молекулаларни тадқиқ қилиш билан ҳаётний моҳиятни билиб бўлмаслигини таъкидлаб, молекулаларнинг ўзлари ҳаётний фаолияти йўқ анорганик бирикмадир деган фикрни айтади. Сент-Дъёрдьи ҳаётнинг моҳиятини билишда шундай ўхшатиш қиласи.

Мураккабликдан соддалиқка, яъни организмда ҳужайрага, ҳужайрадан бактерияга, бактериядан молекулага, молекуладан элементар заррачаларга ҳаракат қылсак, молекулалар ва элементар заррачалар ҳаёттій белгилари йўқ ашёлардир. Олим ўз сўзини давом этдириб: «Мен ҳаёт моҳиятини тадқиқ қилаёттанимда у панжаларим орасидан чиқиб кетди» дейди.

Ҳар қандай одам ўлиқ билан тирикни ажратса олади, лекин ҳамма биологлар мазкур саволга етарли жавоб берса олмайдилар. Бу муаммонинг мураккаб бўлишига қарамай охирги йилларда олимлар ҳаётта нисбий, қўйидагича таъриф бермоқдалар. Ҳаёт-энергия сарфланишини фаол амалга ошириш билан, специфик структурални системни мунтазам, турғун ҳолатда сақладиган ва кўпайишни таъминлайдиган юритмадан иборат.

Фаол ҳолатда кўпайиш- структурални система ўз-ўзини ва бир бутунлигини сақлашда ташки мухитдаги элементлардан фойдаланиши ва бу жараён энергия ҳисобига содир бўлиши тушунилади.

Специфик структура дейилганда ҳар бир организм ўз структурасига эга бўлишидир. Бегона структурани ҳужайра ёқтиромайди, уни бузиб, сўнг қурилиш ашёси сифатида ишлатади. Мазкур гоя яна давом этиб организм-ҳаёт ўзига хос тартибини ўз-ўзидан яратиб, ўсимлик ёруғликни квант ҳолатда, ҳайвонлар эса озуқа сифатида оксидланувчи бирикмаларни қабул қиладилар. Фотосинтез ва нафас олишда ажралган энергия ҳисобига тартибли, специфик структурални ҳаёттій системалар ҳосил бўлади.

6.2. ҲУЖАЙРА ТАРКИБИ ВА ФУНКЦИЯСИ

Маълумки табиатнинг таркиби ўзига хос бирламчи «гиштлар» дан иборат. Физика фанининг бирламчи асослари «элементар заррачалар» ёки квартклар ҳисобланиб уларнинг ички структуралари, аниқ манзиллари ҳали ҳам аниқ эмас. Кимё соҳасининг бирламчи «гиштлари» эса «ирикроқ заррачалар» бўлиб элементларнинг атомлари ва уларнинг мажмуаси молекулалар ҳисобланади.

Фундаментал заррача биология фанида эса тирик ҳужайрадир. Худди шу тирикликнинг асосий гишти бўлган ҳужайра генетик ахборотни сақловчи ва ташувчи, жонзотларнинг асосий белгиларини ўзида мужассамлантирган мўъжизакор қурилма ҳисобланади. XIX аср фанининг катта ютуқларидан бири биология соҳасида ҳужайра назарияси яратилди. Мазкур

таълимоттің асосан ўсимлик, ҳайвонот дүнёси ва аксарият микрожонзотлар бир-бираға ўхшаш ҳужайралардан ташкил топғанлиги аниқланды. Ҳар бир ҳужайра олий даражадағи структураты зга бўлган, муайян жонзоттинг шаклланиши, тузилиши ва фаолияти учун мутасадди ҳисобланади. Ўргача ёпцаги одам юз триллион ($100\ 000\ 000\ 000\ 000$, яъни 10^{13}) ҳужайрадан иборат. Инсон терисининг ҳар квадрат сантиметрида таҳминан 155000 ҳужайра, миёда эса юз миллиард нейронлардан ташкил топиб, улар олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда, юз триллион синаплардан иборат. Умумий синапларнинг тармоқланиш тизими, яъни хабарларни қабул қилиши ва узатиш имконияти чегараланмаган, астрономик рақамларга тенг бўлиб, инсон ақдидини лол қолдиради.

Ҳар бир ҳужайра ҳаёттый жараёнларнинг асосий қалити бўлиб, худди шу ерда мембрана, макромолекулалар билан сув ва тузлар мажмуаси сирли ҳаёттинг белгиларини намоён қиласи.

Оталанган ҳужайрадан бошланган эмбрион ўз тараққиётіда 200 дан ортиқ ҳужайра хилларини яратади (жинсий, мия, буйрак, юрак, нерв ва ҳоказолар). Лекин, ҳамма ҳужайраларга хос умумий белгилар (тузилиши, модда алмашинуви, функциялари) талайгина ҳисобланади. Жонзотлар бир (амёба) ёки кўп ҳужайрали бўладилар. Айрим ҳужайралар (қизилўнгач) бир неча кунда янгиланади. Асаб ҳужайралари эса янгиланмай инсон умрининг охиригача фаолият кўрсатади. Ҳар қандай ҳужайра бўлининиши, янгиланиши билан кўпайиб боради. Ҳужайраларнинг ўлчами 0, 001 мм дан 10 см гача борлиги аниқланган. Ҳужайралар тўқималарни (асаб, мушак ва ҳоказо), улар ўз навбатида аъзоларни (юрак, жигар ва бошқалар), аъзолар эса организм системасини ҳосил қиласи.

Ҳужайра ўзига ўхшашларни яратади, озуқа моддаларни қабул қилиб, кераксиз чиқиндишларни ташқарига чиқаради. Метаболизм, ирсий белгиларни сақловчи, узатувчи ва энергия манбалари, модда, ионларининг ташилиш ҳолатлари аксарият ҳамма ҳужайраларда бир хил кечади. Уларнинг бошқарилниши жуда мураккаб бўлиб, молекуляр юритма асосида бажарилади.

Ҳужайранинг оддий шароитда, оддий температурада мақсадга мувофиқ, кетма-кет, силлиқ фаолият кўрсатишига сабаб ундаги органоидларнинг матълум тартибда жойлашишига боғлиқ. Ҳужайра сатҳида таркибий қисмларнинг жойланиш ҳолатини уларнинг *компартаменти* (кимёвий системаларнинг ҳужайра сатҳида алоҳида жойланиши) дейилади.

Хужайраннинг ультрамикроскопик тузилишини кўз олдимизга келтирсак, марказда ядро бўлиб, кимёвий жараёнларни бошқарувчи марказий органоидdir. Хужайра мембранныси модда ва ионларнинг фаол ёки пассив равинида ичкарига, ташқарига ташилишида хизмат қилади. *Митохондриялар* хужайраннинг электр станицияси бўлиб, уларни генераторлар, маҳсулотини (АТФ) аккумуляторлар деб энергия билан таъминлаб туради. *Рибосомалар* хужайраннинг оқсил синтезловчи микрофабрикалари ҳисобланади. *Цитоплазма* хужайра суюқлиги бўлиб унда эритан ҳолатда ферментлар учрайди. Эндоплазматик тур рибосомалар билан биргаликда бўлиб, унинг каналчаларида синтезланган оқсиллар ташилади. Ядрочаларда рибосомалар ийғилади. Вакуолларда ҳар хил тузлар, оқсил, углевод ва сув тўпланади. Лизосомаларда парчаловчи ферментациялар учрайди. Годджи комплексидаги қопчаларда оқсиллар тўпланиб керакли манзилларга узатилади. Центриолалар хужайра бўлининида иштирок этади. Ядро таркибида хромосомалар бўлиб, улар ДНКдан (дезоксирибонуклеин кислота) ташкил топиб, организмнинг ҳаётий жараёнида кимёвий режаси мужассамлашган.

Кўрсатилган органоидлар тартибсиз жойлашмай муайян компартаментни ташкил қилади ва улар мақсадга мувофиқ гармония ҳолатда фаолият кўрсатадилар. Ҳар бир хужайра саноати, хўжалиги, коммунал тармоқлари ўта ривожланган замонавий катта бир шаҳарни эслатади. Хужайрада маҳсулот ишловчи, қабул қилувчи, ҳом ашёни ташувчи транспорт воситалари, энергия билан таъминловчи марказлар мавжуд. Чиқиндиларни тезда йўқ қилувчи воситалар, хужайрада бирор агрегат ишдан чиқса уни тузатувчи ферментлар, бугун системанинг иш фаолиятини кузатувчи «компьютер» ядрода назорат қилиб туради. Хужайрадаги кимёвий жараёнлар юзлаб макромолекула, тузлар, ҳар хил ионлар ва энг асосий оқсиллар иштирокида амалга оширилади. Хужайра марказида фақат ўзи эмас, келгусида янги хужайрани ва ундан ҳосил бўладиган бир бутун организм системасининг фаолияти генетик код равинида режалаштирилган. Хужайра ҳақида бундай илмий маълумотлар ўзининг кўлами ва аҳамияти бўйича дунёдаги буюк ихтиrolарга сабабчи бўлган Архимед, Ньютон, Эйнштейн, Лавуазе, Шредингер, Менделеев ва Пастерларнинг очган қонуниятларидан асло кам эмас.

Табиатда шундай жонизотлар борки, улар ҳужайралардан ташкил топган эмаслар. Улар ҳужайрасиз организмлар бўлиб,

фанда вируслар деб аталади. Вируслар оқсил ва нуклеин кислоталаридан ташкил топғанлар. Касалмантриш жараёнида оқсил қаватини ташлаб нуклеин кислотаси билан вирус инфекцияни хужайрага олиб киради.

Айрим хужайраларда ядроси шаклланмаган ва уларни *прокариотлар* деб аталади. Уларга бактериялар, қўқ-яшил сув ўтлари киради. Прокариотларда тўлиқ қимматли ядро бўлмай ўрнига ипсимон нуклеин кислота цитоплазмада бўлиб, хужайранинг фаолиятини бошқариб туради. Ядроли хужайраларни *эукариотлар* деб, уларга ҳайвон ва ўсимликлар мисол бўла олади.

СИНОВ САВОЛЛАРИ

1. Биология фанининг предмети ва вазифалари.
2. Биология фанининг тарихи.
3. Тириклиқ дунёсининг хилма-хиллиги.
4. Ҳаёт нима, тириклиқ чегарасини аниқлаш мумкинми?
5. Ҳаётта Сент-Дъёрдининг таърифи.
6. Ҳужайра таърифи.
7. Ҳужайранинг ултраструктураси ва органоидларнинг функцияси.
8. Ҳужайрадаги органоидларнинг компартаменти.
9. Ҳужайрасиз жонзотлар ва уларнинг тавсифи.
10. Прокариот ва эукариот хужайралар.

6.3. ФИЗИКА-КИМЁВИЙ БИОЛОГИЯ

Биология фанининг тараққиётида физика ва кимё фанларининг ғоялари, услубияти ва асбоб-ускуналари ижобий таъсир қилиб, унинг ривожланишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Биокимё, молекуляр биология, молекуляр генетика, ген мухандислиги ва биотехнология фанларининг биологияда шаклланишида физика ва кимё фанлари асосий рол ўйнади. Организмда содир бўладиган асосий метаболитик жараёнлар, генетик код, ирсий белгиларнинг авлоддан-авлодга узатилиши, мембраналардан мудда ионларнинг кўчирилиши ва энергетик процесслар, ари ёки одамнинг ҳужайрасидан қатъий назар бир хил амалга оширилади. Шундай ҳаётий жараёнларни амалга оширувчи органоидларни ҳужайрадан алоҳида ажратиб лабораторнида тадбиқ қилиш мумкин. Бундай илмий ишларнинг кенг қамровли тараққиёти биология фанида инқилобий ўзгаришларга сабабчи бўлди. Биология фанида сифат жиҳатидан

бутунлай янги бўлган йўналиш шакланиб, физика-кимёвий соҳа вужудга келди. Юқорида таъкидланганидек, физика-кимёвий соҳа биология фанини тавсифий йўналишдан экспериментал фанга айлантириди. Ҳозирги замон биологияси ўзининг аҳамияти бўйича кимё, физика ва математика фанларига етиб, айрим соҳаларда улардан ўтиб кетди. Молекуляр биология соҳасида табиий фанларнинг вакиллари билан биргаликда ҳаётнинг туб моҳияти, табиатшуносликнинг амачий ечимлари устида биологлар тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Физика-кимёвий биология ҳаётий жараёнларни молекуляр нуқтаи назаридан ўрганиш билан характерланади. Биологияда бундай ўзгаришлар табиий фанлар ичида навбатдаги инқилоб ҳисобланади. Бундай инқилоб физика фанида XX асрнинг бошида микрофизика соҳасининг шакланиши билан кўзга ташланади. Физика фанининг XIX асрдаги ютуқлари математик ифодалар асосига қурилган бўлиб, механика, термодинамика соҳалари, яъни макроскопик жисмларнинг у ёки бу хусусиятларини ўрганувчи феноменологик назариялар эди. Микрофизика ютуқлари макрофизика соҳаларини бир-бirlарига узвий боғлиқликларини кўрсатиб, физика фанининг бир бутун эканлигини исботлади. Микрофизика классик назарияни инкор қилмай, балки мазкур соҳада воқеа ва ҳодисаларни атом-молекуляр назария асосида мушоҳада қиладиган янги гоя, тафаккурни шакллантириди. Худди шундай инқилобий ўзгариш биология фанида ҳам содир бўлганлиги сабали, дунёга келган янги соҳани молекуляр биология фани деб атала бошланди.

Анъанавий биология ҳайвонот, ўсимлик дунёсини ўрганишда муайян қоида-тизимлар яратди. Организмларнинг кўпайиши, ўсиши, ривожланиши ва таркибий қисмлардан ташкил топганлиги, ҳамда жонзотлар ҳужайрадан тузилганликларини кўрсатаолди. Тацки кўринишдан зоология, ботаника, физиология ва микробиология фанлари бир-биридан анча узоқ эдилар. Молекуляр биология эса биология фанининг бир бутун эканлигини исботлади. Биология фанида биологик жараёнларни молекуляр нуқтаи назардан мушоҳада қилиш шаклланди. Молекуляр биология фанининг пайдо бўлишида икки хил биополимерларни физика-кимёвий тадқиқ қилиниши сабабчи бўлди. Биополимерлардан биринчиси оқсиллар бўлиб, уларнинг мономерлари аминокислоталардир. Аминокислоталарнинг ўзаро пептид, дисулфид, водород ва ионли бояганишлари туфайли полепептидлар ҳосил бўлади. Полепептидлар ёки оқсиллар тирик

организмнинг ҳақиқий «кора ишчилари»дир. Оқсиллар бирламчи, иккиласми, учламчи ва тўртламчи структурали ҳолатида бўлиб, ранг-барант биологик функцияларни бажарадилар. Улар катализтик ёки ферментатив вазифани ўтаб, кимёвий жараёнларни бошқаришда, моддаларни парчалаш ва синтезлаш рекцияларида энзимлар бевосита иштирок этадилар. Организм структурасининг шаклланишида, янгиланишида, айниқса, ҳужайра структурасини тургун ва бир меёрда ушлаб туришда оқсилларнинг хизмати каттадир. Оқсиллар ҳимоя функциясини ҳам бажарадилар. Ташқаридан организмга антиген тупса уларда ҳимоя қилиш учун антителалар ҳосил бўлади. Антителалар оқсил табиатига эга. Мушакларимиз қисқариши ҳисобига биз ҳаракат қиласиз, шу жараёнда айрим оқсиллар (актомиозин) механо-кимёвий функцияни бажариб, ажралган энергия ҳисобига улар қисқарадилар. Оқсиллар ҳужайрада транспорт воситалари дир. Жумладан, гемоглобин организмни кислород билан таъминлаб туради. Булардан ташқари оқсиллар алоқа, гармонлик ва яна бир қатор функцияларни бажарадилар. Юқорида кўрсатилган протеин ва протеидларнинг функцияси молекуляр асосда амалга ошади. Ҳозирги кунда одамда 5 миллиондан ортиқ оқсил хиллари борлиги аниқданган. Кўпгина оқсилларнинг вазифалари номаълум. Маълумки генларнинг экспрессиясида (фаолиятида) оқсиллар асосий ўринни эгаллайди.

Прокариот ва зукариот геномларнинг қиёсий тавсифи, ҳужайра, ҳужайрааро фаолият, тўқима ва аъзоларнинг шаклланишида оқсилларнинг ролини аниқлаш, биология фанидаги асосий муаммо эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда генларнинг структурасини ўрганиш ўрнини келгусида функционал геномика эгаллаб, бунда асосий ургу оқсилларга берилади.

Протеинларнинг фаоллиги, регуляцияси, функцияси ва оқсилларнинг ўзаро бир-бирига муносабатларининг тадқиқ қилиниши XXI асрга таклиф қилинаётган ҳалқаро «протеом» (протеин - оқсил) режасини ташкил қилмоқда.

Геномика фанининг ривожланиши аста-секин «протеомика» (функционал геномика) соҳасининг шаклланишига сабабчи бўлди. Юқоридагилардан маълум бўладики, оқсиллар ҳаётий жараёнларни ва фенотип белгиларининг намоён қилинишида асосий рол ўйнайди. Материянинг тириклигини белгиловчи омиллар ҳам протеинларга боғлиқ.

Нуклеин кислоталар тирик табиатда учрайдиган иккинчи хил биополимерлар бўлиб, улар организмда кибернетик

функцияни бажарадилар. Нуклеин кислоталар парчаланғанда азот асослари (пурин, пиридин) углевод компонентлари (рибоза, дезоксирибоза) ва фосфор кислоталари ҳосил бўлади. Нуклеин кислоталарнинг мономери ёки қурилиш гишиги нуклеотидлар ҳисобланади. Нуклеотидлар азот асослари, углевод ва фосфор кислоталаридан ташкил топганлар. Ҳужайрада улар моно-, ди- ва трифосфат ҳолатларда бўлиб, эркин ҳолатда улар нуклеин кислоталарининг қурилиш бирлиги ёки мономери, яна ҳар хил биологик функцияларни бажарадилар. Жумладан, аденил системаси ҳужайрада энергетик функцияни бажаради. Нуклеотидлар ўзаро мураккаб эфир бояи орқали боғланиб, юқори молекулали нуклеин кислоталарини ҳосил қиласидар. ДНКда нуклеотидлар бир неча ўн минглаб, РНКда эса 100-6000 атрофида учрайди. Нуклеин кислоталар ҳужайрада асосан икки хил кўринишда кузатилади. Биринчиси, ДНК бўлиб, унинг молекуляр массаси анчагина катта, яъни 10^9 далтонга teng. ДНКнинг ташки кўриниши бир-бирига ўралган икки жияқдан иборат бўлиб, арқонни эслатади. Жияклар углевод, фосфат занжиридан тузиленган, спирал ичидаги азот асослари жойлашган. Бу иккита занжир бир-бирига тўла мос келади ва комплементардир (латинча комплементар - тўлатиши маъносини билдиради). Иккита жияқ бир-бирига қарама-қарши йўналишда бўлса, антипаралел ҳисобланади.

Занжирларнинг бир-бирига мос ва комплементар бўлиши ҳам бир занжирдаги пурин асоси қаршисида иккичи спиралда примидин асоси бўлишини тақозо этади. Биринчи Аденин-Тимин орасида иккита иккичи Гуанин-Цитозин орасида учта водород боғлар ҳосил бўлади.

Ҳужайра хромосомасида ДНКнинг узунлиги 2 метрга боради. Таркиби эса 250-300 млн. дезоксинуклеотид қолдигидан иборат. Инсон вужудидаги ҳужайралар йигиндисида тахминан $2 \cdot 10^{10}$ км ДНК бўлиб, Ер шарининг айланаси $4 \cdot 10^4$ км, Ер билан Қўёш орасидаги масофа эса $1,44 \cdot 10^8$ км ташкил қиласди. Кўриниб турибдики одам танасида қанчалик баҳайбат миқдорда ирсий ахборот бор.

Рибонуклеин кислота (РНК) ҳам ДНК молекуласи каби полинуклеотид занжирдир. РНК молекуласи ДНК занжиридан фарқ қиласди. РНК бир ДНК эса икки занжирли боғга эга. Углеводлардан РНК рибоза ДНКда эса дезоксирибоза азот асосларидан дезоксирибонуклеин кислотада А, Т, Г, Ц бор бўлиб рибонуклеин кислотада А, У, Ц, Г дан иборат. ДНК билан РНК орасидаги бу фарқлар молекулаларнинг катта кичиклиги,

хужайрада жойланиши ва бажарадиган вазифасига мувофиқ келади. ДНК асосан ядрода, РНК эса аксарият цитоплазмада учрайди. РНКнинг уч хили мавжуд: рибосом РНК оқсил синтезловчи рибосоманинг таркибида бўлиб, унинг структура ва функциясини белгилаб, умумий РНКларнинг 80-85 % ини ташкил қиласди. Транспорт РНК молекуляр массаси кичикроқ, оқсил синтезида аминокислоталарни рибосомга ташиб туради. Умумий РНКнинг 8-10 %ини ташкил этади. Информацион РНК, оқсил синтезида ДНКдан рибосомага синтезланадиган оқсил ҳақида ахборот келтиради. Молекуляр массаси оқсилга 2арб ҳар хил, РНК йигинчиларининг 3-5 % ини ташкил этади.

Хужайрада ДНК «меъморлик», РНК эса «курилиш мухандислари» сифатида хизмат қиласди. Нуклеин кислоталарнинг фаоллиги ва функцияси ҳам молекуляр асосда амалга оширилади. Нуклеин кислоталарнинг очилганига мана 100 йил бўлган бўлса ҳам уларни тадқиқ қилиш ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Экспериментал биология фанининг ривожланиши натижасида тирик материянинг асосларидан оқсил ва нуклеин кислоталарнинг уч ўлчамли макромолекуляр структуралари ўрганилди. Хужайрада содир бўладиган метаболизмнинг умумий ва хусусий йўллари аниқланди.

Ранг-баранг жонзотлар, ҳайвон, ўсимлик ва бактериялар кимёвий жараёнларда бир хил қурилиш ащёлари ишлатишларида умумийлик кўплиги аниқланди. Генетик ахборотнинг берилиши, энергетик жараёнлар ҳамма жонзотларда бир хил эканлиги аниқланди.

Биология фанига нишонланган атомлар, рентгеструктуравий таҳдил, электрон микроскоп, ултроцентрефуга ҳар хил хромография усуллари кириб келиши физика-кимёвий биологиянинг имкониятларини янада кенгайтирди.

Физика-кимёвий услубиёт орқали ҳужайра мембраннынинг тадқиқ қилиниши натижасида мембрана назарияси яратилди. Мембраннынг икки томонидан бир-бирига қарама-қарши ионлар ҳаракатида потенциаллар айирмаси ҳосил бўлади. Булар ўзига ҳос насослик вазифасини бажариб, модда ва ионларнинг фаол ташилишига сабабчи бўлади. Ионларнинг фаол ташилиши, албатта энергия ҳисобига содир бўлади.

Ҳужайра мембраннынг структурасини аниқлаш, улардан модда ва ионларнинг ташилиши юритмасини аниқлаш фақат биологияда эмас, балки умуман табиатшуносликда катта аҳамият қасб этди.

Хозирги кунда биология лабораториялари компьютерлар билан жиҳозланган. Тирик материя жуда мураккаб бўлганлиги туфайли уни тадқиқ қилиши замонавий физика-кимёвий услубиётлар орқали муваффақиятли давом этмоқда.

Синов саволлари

1. Табиий фанларнинг ривожланишида инқилобий ўзгаришлар қачон ва қандай содир бўлган?
2. Молекуляр биология фанининг шаклланишига сабабчи бўлган омиллар ҳақида маълумот?
3. Оқсилларнинг структураси ва функцияси ҳақида нима биласиз?
4. Нуклеин кислоталарнинг тузилиши ва уларнинг хиллари ҳақида маълумот беринг.
5. Экспериментал биология фанининг асосий ютуқлари нимадан иборат?

6.4. ҲУЖАЙРАДА ОҚСИЛ СИНТЕЗИ ВА ГЕНЕТИК КОД

Инсоннинг асосий озуқаси оқсил ҳисобланиб, бир кунда 100 г истеъмол қилиши керак. Агар одамда оқсил етишмаса унинг иммун системаси пасайиб, ҳар хил касалликларга чалинади.

Жигарда, қон плазмасида 20-30 кунда оқсиллар бутунлай янгиланади. Ҳар куни 8 гр. гемоглобин, 23 гр. жигар ва 32 гр. мускул оқсиллари синтезланиб, парчаланиб туради. Шунинг учун оқсил синтезини ўрганиши жамият ва фан учун катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Оқсил биосинтези мураккаб кимёвий жараён бўлиб, бир неча босқичлардан иборат. Унинг синтезида 200 дан ортиқ макромолекулали оқсиллар ва нуклеин кислоталари иштирок этади. Оқсил синтезида кимёвий элементлар ва энергия зарурдир. Унинг хом ашёси 20 хил аминокислоталар ҳисобланади. Аминокислоталар ишқорий ва кислота хусусиятларига эга бўлсалар ҳам оддий шароитда боғланиб пептид ҳосил қилаолмайдилар. Пептид ҳосил қилиш учун аминокислоталар АТФ (адезин трифосфат) иштироқида фаолланиб, ферментлар таъсирида транспорти РНКси билан боғланади. Ҳосил бўлган аминокислота ва т-РНК комплекси рибосомага бориб у ерда аминоацил-т-РНКлар боғланиб полипептид ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган полипептид рибосомадан ажralиб, ҳаёт гавҳари бўлган оқсилга айланади. Аминокислоталарнинг рибосомага бориш йўлларини қуйидагича баён қилиш мумкин. Аминокислота биринчи босқичда АТФ иштироқида фаоллашади. Сўнг

фаолланган аминокислота транспорт РНКси орқали рибосомага ташилади. Рибосомада эса аминокислоталар пептид боғлари орқали боғланиб, полипептидларни ҳосил қиласди. 200-300 аминокислота қолдигидан тузилган ўртача оқсил молекуласининг синтези тез, 1-2- минут ичидаги бехато бажарилади.

Рибосома оқсил синтези учун у фаол ҳолатта ўтиши керак.Faол ҳолатда рибосома информацион РНКни қабул қилгандан сўнг оқсил синтезига тайёр бўлади. Информацион РНК, ДНК молекуласида комплементар, кооператив тизим асосида синтезланиб, бу жараён транскрипция (кўчирилиш) деб аталади. Рибосомада оқсилни синтезлаш жараёнини трансляция (таржима) атамаси билан юргизилади. Ҳосил бўлган рибосомадаги оқсиллар, мақсадга мувофиқ бўлиб, ДНКнинг ахборотига асосан синтезланади. Генетик ахборот ДНКдан оқсил синтези ва жонзотнинг белгиси намоён бўлишида қандай восита, тил, гап орқали узатилади? Ҳужайрадаги геном инсоният қўлга киритган ахборотларни узатадиган техникавий воситага эга эмас. У ўзига хос хусусий, кимёвий белгилардан иборат бўлган тилга эга. Генетик ахборотнинг алифбоси 4 хил нуклеотиддан иборат бўлиб, ёзилиш ва узатилиш матни шу тўртта «ҳарф»га асосланган. Мазкур тизимнинг синтаксиси шу 4та «ҳарф» нинг оддинмакейин жойланиш тартибида боғлиқ. ДНК занжирининг ички қисмида 4 хил азот асослари жойлашиб, улар фоалиятини генетик лутат деб ирсий белгиларини ўзида сақлаб, авлоддан-алодга узатилишида хизмат қиласди.

Қандай қилиб ДНКдаги 4 та дезоксинуклеотид 20 хил аминокислоталарни оқсил молекуласида белгилаб туради? Агар 20та аминокислотага 20 хил нуклеотид тўғри келгандан ҳар бир нуклеотид битта аминокислотани оқсил синтезида белгилайди деб тушунилар эди. Демак, ДНКдаги дезоксинуклеотид қатори оқсилдаги аминокислота қаторини белгилаб туради.

Масалан:

$n^1 \cdot n^2 \cdot n^3 \dots n^m$ ДНК, n -нуклеид.

$a^1 \cdot a^2 \cdot a^3 \dots a^n$ оқсил, a -аминокислота.

ДНКдаги нуклеотид қатори ўзгарса оқсилдаги аминокислота ўрни ўзгаради.

Техника соҳасидан ҳам мисол келтириш мумкин. Бир манзидан бошқа жойга телеграф орқали ахборот берилганда мусбат ва манфий зарядларнинг муайян комбинацияси ҳарфларнинг жойланишини ифодалайди (Морзе алифбоси):

- + - + - А

+ + -- + Б

-- + + + B

Демак, ҳарфларнинг жойланиши зарядларнинг тартибига боғлиқ. Шундай қилиб оқсилининг кўриниши ДНҚдаги нуклеотидга, Морзе алифбосидаги ҳарфлар тартиби мусбат ва манфий зарядларнинг жойланишига боғлиқ. Хулоса қилганда, бир объектнинг кўриниши иккинчисига боғлиқ бўлса, бундай тамойилни кибернетикада кодланиш дейилади. Махфий маълумотлар ҳарбий ишларда тўғри ёзилмасдан, балки код, шифр шаклида берилади. ДНҚдаги тўртта нуклеотид ҳам оқсил синтези ҳақидаги ахборотни код шаклида рибосомага узатади. Бундай ишларни информация РНҚдаги 4та нуклеотидларнинг ўзаро комбинацияси код вазифасини ўтайди. Биз 4та нуклеотид қатори бўлганда 2тадан 4 хил комбинация ясашимиз мумкин. Уларнинг умумий сони (4^2) 16га teng бўлади, бу 20та аминокислотани камрай олмайди. Демак, кодларнинг комбинацияси дублет эмас, балки кўпроқ бўлиши керак. 4та нуклеотидларнинг 4 жойдаги 3 тадан комбинациясининг (4^3) сони 64та триплет бўлади. Бу комбинацияда 20 хил аминокислота бемалол етади. 1961 йилда АҚШ биокимёгари Ниренберг генетик коднинг Зта нуклеотиддан, яъни триплет бўлишини экспериментал равишда исботлаб берган.

ДНҚда шаклланган информация РНҚнинг нуклеотид қатори бўлажак синтезланадиган оқсилининг аминокислота қаторини белгилаган ҳолда рибосомага келади. Информация РНҚдаги нуклеотид қаторининг ҳар Зтаси муйян, маълум аминокислотани оқсил синтезида ўрнини белгилайди, буни триплет коди дейилади. Триплет кодларининг ҳар хили оқсил синтезини белгилаб туради.

Рибосомада оқсилининг синтези бир неча босқичлардан иборат, булар *инициация* (бошланиш), *элонгация* (узайиш) ва *терминация* (туталлаш) жараёнлари дейилади. Информация РНҚни қабул қилган рибосомадаги триплетларни кодонлар, транспорт РНҚдаги Зта нуклеотиддан ташкил топган маҳсус жойни антисирион деб аталади. Рибосоманинг динамик ҳолатида кодонга антисирион мос келса (ДНҚ занжиридек) Т-РНҚ ўз аминокислотасини биринкетин ташлаб, оқсил молекуласи шакланиб бораверади. Информация РНҚдаги ахборотни тўла ўқиш учун кўп рибосомалар тизилиб, полисомаларни ҳосил қиласди. Оқсил синтези жараёнида и-РНҚ занжири полисомалар қаторидан ўтади ва бунда рибосома ҳар бир аминокислота боғланган триплет ўқилган янги кодон томон сиљиб ўтади. Бу юритма ахборот тўла ўқилиб бўлгунча давом этади ва и-РНҚдаги

терминирловчи (тугатувчи) триплетта келиб тұхтайди. Рибосомага боғланған янги оқсил ажралиб цитоплазмага ўтади ва макромолекуляр структурага айланади. Охирги текширишлар шуни күрсатдикі, янги синтезланған оқсилда ўзига хос почта конвертларидек „индекс“ бўлиб, худди шу белгига асосан протеин мембранағами, метахондрияғами ёки бошқа органоидларга етиб боради.

Транскрипция ва трансляция жараёнида бир оқсилга ДНКнинг кичик бир қисми тұғри келади, бу участка ген деб аталиб, бир ферментни синтезлаш учун етарлы ахборот сақлады. Ҳар бир аминокислота Зта нуклеотиддан иборат ўртача оқсил молекуласини тузиш учун камидә 900та нуклеоитд қолдиги зарур бўлиб, у битта ген ҳисобланади.

Хужайрада кечадиган кимёвий реакциялар жуда аниқ бошқарилиши туфайли ҳужайрада молекулалар фақат керакли вақтда ва маълум микдорда синтезланади. Бу жараёндаги ирсий, физика-кимёвий ва бошқа омиллар оқсил биосинтезининг бузилишига сабаб бўлади. Оқибатда мутация, наслий касалликлар келиб чиқади. Синтезланыёттан оқсилнинг полипептид занжирига битта аминокислота ўрнига бошқаси кириб қолса, функцияси ўзгарган оқсил молекуласи синтезланади. Бу хатолик оғир оқибатга олиб келиши натижасида фермент, гормон, транспорт қилувчи оқсил етишмаслиги ҳоллари туғилади. Ҳозирги кунда наслдан наслга бериладиган ирсий касалмикларнинг сони 4 миннга етди. Масалан, нормал гемоглобин юздан ортиқ аминокислоталардан иборат, буларнинг ичидә битта глютамин ўрнига валин жойлашиши туфайли ҳосил бўлган хасталикни ўроқсимон камқонлик деб юритилади. Аксарият бу хасталик ёш болаларда учрайди, касалликнинг белгилари иштаҳасининг йўқолиши, ўта инжиқ бўлиб кўпинча ўлимга олиб келади. Оқсил синтезидаги бундай фожиали ўзгариш ДНКдаги, яъни гендаги дефектта боғлик. Рак хасталиги ҳам геном касаллиги ҳисобланади.

6.5. МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕТИКА ВА БИОТЕХНОЛОГИЯ

Генетика-жонзорларнинг кўпайиши, насл қолдириши, авлоддан-авлодга ўтuvчи сифат балгилари қонуниятларини ўрганувчи фан. Мазкур соха барча тирик организмларга хос бўлган ирсият ва ўзгарувчанликни ҳам тадқиқ қиласади. Ирсият ва ўзгарувчанлик ибтидоий даврдан инсониятни қизиқтириб келаёттан бўлса-да, жонзорларнинг характерли хусусият

қонуниятларини чех олими Г.Менделъ томонидан кашф этиб, илмий-тажрибавий генетикага асос солди. У ўсимлиқ организмларининг айрим белгилари бир-биридан мустақил ҳолда насларга ўтишини, ота ва она организми ирсий белгиларни наслга ўтказишда бир хил аҳамиятта эга бўлишини кўрсатди. Насларда тегишли белгилар ва хоссаларни келтириб чиқарадиган ирсият омиллари, яъни генлар қандай қонуниятларга мувофиқ ота-оналарнинг жинсий ҳужайралари (гаметалари) орқали кейинги авлодга ўтишини аниқлади.

Жонзотлардаги генлар мажмуаси- келгуси бўтиналарга жинсий кўпайиш жараёнида, уруғ ва тухум ҳужайралари орқали берилади. Жинсиз ва вегетатив кўпайишда эса генлар кейинги авлодларга споралар ёки тана ҳужайралари орқали ўтади.

Генетиканинг асосий вазифаси ирсиятнинг модий асослари хисобланадиган хромосома, генлар ва нуклеин кислоталарини тадқиқ қилиш орқали организмлар белги ва хусусиятларининг ривожланиши ва келгуси авлодларга ўтишини очиб беришдан иборат. Ҳар хил физик ва кимёвий омиллар таъсирида организмларда ирсий ўзгарувчанликнинг пайдо бўлиши ва унинг жонзотлар эволюциясидаги аҳамиятини тадқиқ қилиш ҳам генетика фанининг вазифалари қаторига киради. Маданий ўсимликларнинг серҳосил навлви, ҳайвонлар ва микроорганизмларнинг маҳсулдор зотлари ва штаммларини яратиш; ирсий қасалликларнинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганиш асосида уларнинг олдини олиш ва даволаш усуларини ишлаб чиқиш; экологик муҳитнинг ирсиятта салбий таъсир этувчи омилларини ўрганиб, генофондни сақлаб қолишини генетик жиҳатдан асослаб бериш мазкур фан тадқиқотларининг амалий муаммоларини ифодалайди.

Қайд этилган вазифаларни ечишда генетика фани бир қатор услубиётлардан фойдаланади. Булар қаторига дурагайлаш, цитогенетик, молекуляр генетик, онтогенетик, ген муҳандислиги ва биотехнология усуллари киради.

Биокимё, молекуляр биология, генетика, микробиология ва биофизика фанларининг ривожланиши асосида биотехнология йўналиши вужудга келди.

Тирик мавжудотлар ёки уларнинг йўналишлари иштирокида саноат миқёсида маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологиялар мажмуасига биотехнология деб атлади. Масалан, кимё фани саноатга кимёвий, технологияни, физика эса оптика, электротехника, толали оптика, лазер технологияси каби қатор техникавий йўналишларга асос солди. Шунга ўхшашиб биология

фани ҳам ҳозирги күнга келиб саноат миқёсида маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтмоқда. Биотехнологиянинг илдизлари инсониятга қадимдан маълум. Жумладан, нон, чой, спиртли ичимликлар, сирка тайёрлаш, сут маҳсулотларини қайта ишлап шулар жумласидандир.

Бактериянинг бир неча марта изчили бўлинниши туфайли ҳосил бўлгани ҳужайралардан бактерия клони (клон юонча сўз бўлиб, „даражат шохи”, „авлод” маъносини англатади) ҳосил бўлади. Клон таркибидағи ҳар бир ҳужайра айнан она ҳужайранинг ирсий хоссларини ўзида акс этирган кўринишдир. Клондан ажратиб олинган ҳар бир ҳужайра бўлингандага ирсий белгилар ўзгармасдан бўлингандаги ҳужайраларга ўтади.

Биотехнология жараёнларида мақсадга мувофиқ хоссаларга эга бўлган бактерия клонлари олиниб кўпайтирилади ва тадқиқот ишларида, саноатда ишлатилади.

Табиатдаги микроорганизмлар ҳар доим тадқиқотчининг мақсадига мос келавермайди. Муайян ирсий хусусиятга эга бўлган бактерия штаммлари (штамм - ирсий ўзгарган клон) хилма-хиллиги мутация чақирувчи моддаларни қўллаш натижасида кўпайтирилади. Клонлаш усули билан мугант штаммларининг мақсадга мувофиқлари селекция (сараплаш) қилинади ва биотехнологик мақсад учун фойдаланилади. Сўнги йилларда ген инженерлиги усули билан хоҳлаган геннинг исталган қисмида ДНК нуклеотидни алмаштириш биотехнологияси ишлаб чиқилган.

Маълум шароитда бир жонзот генининг иккинчи бир организм ирсий молекуласига бирикиси ҳодисасига трансформация деб аталади. Ген мухандислиги усули билан бирор организмнинг ирсиятини ўзгартирисида трансформация кенг кўлланилади.

Махсус тузилишга эга бўлган ДНК бўлагининг хромосома билан бирикиси ва ундан ажралиб чиқиш жараёнига трансдукция деб аталади.

Фаг билан зааралангани бактерия аксарият ҳалок бўлади, яъни лизис (эриб кетиши) бўлади. Айни пайтда фаг билан зааралангани бактерия ҳужайраларнинг айримлари тирик қолиши ҳам кузатилган. Бундай бактерия ичига тушган фагнинг маълум гени бактерия геномининг махсус фаолигини йўқотиши натижасида кўпаяолмайдиган, яъни бактерияни ўлдираолмайдиган нофаол профаг ҳолатига ўтади. Бундай тургун бактерияларни лизоген бактериялар дейилади. Лизоген бактериялардан ўз-ўзидан ёки физика-кимёвий омил натижасида фаг гени ажралиб муҳигдаги

бўлак бактерияларни заарлантарида ёки бактерия хромосомаси билан бирикиб профаг ҳолатига ўтади.

Трансдукцияли ген рекомбинацияси ҳужайра мухандислигида кенг кўлланилади. Генетик инженерия ҳужайра, хромосома, ген даражасида амалга оширилади. Ҳужайра даражасидаги генетик мухандислик икки ҳужайрани ўзаро қўшиш билан олиб борилади. Хромосома даражасидаги генетик мухандислик ҳужайра ядросига қўшимча генлар киритиш орқали амалга оширилади.

Ген инженерияси усули билан ҳар қандай генни кўпайтириш ва бу генлар иштироқида ҳужайрада мақсадга мувофиқ оқсил молекуласини синтез қилиш мумкин. Ҳусусан, қанд қасаллигини даволашда ошқозон ости безининг гормони инсулин, ракли беморларга ишлатиладиган интерферон, ўсиш учун зарур бўлган ўсиш гормонлари ген мухандислиги усули билан синтез қилинмоқда.

Ген инженерияси усули орқали бир ҳужайрадан тўлик ўсимлик олиш мумкин. Бунинг учун такомиллаштирилаёттан ўсимлик нави ҳужайрасига керакли генни киритилиб мазкур ҳужайрадан мақсадга мувофиқли ўсимлик олинади. Муайян бир генни ҳужайрага киритища, бактерия ва тубан эукариот ҳужайраларда асосий хромосомлардан ташқари қўшимча хромосомлар бўлган плазмидалардан фойдаланилади. Бу усулар техник жиҳатдан мураккаб ва қиммат бўлганлиги учун маҳсус ҳоллардагина ишлатилади. Генетик трансформация қилинган ўсимлик ҳужайрасидан трансген ўсимлик олинади. Ген мухандислиги туфайли кўсак қуртига чидамли гўза ва колорадо қўнғизига бардош бераоладиган картошка навлари академик А. Абдукаримов бошчилигидаги олимлар томонидан этиштирилмоқда.

Маълумки, хавфли ўсма-рак тўқимасининг ҳужайралари чексиз бўлиниш ҳусусиятга эга. Шу сабабли рак ҳужайраларини сунъий равища кўп миқдорда кўпайтириш мумкин. Лекин бу ҳужайралар ракка қарши курашадиган оқсил табиатига эга бўлган антитело молекулаларини синтез қилаолмайди.

Инглиз олимлари Келер ва Милштейн сунъий равища антитело синтезловчи лимфоцит ҳужайраси билан чексиз бўлинувчи рак ҳужайрасини бир-бирига қўшиш натижасида тирик табиатда учрамайдиган гибрид ҳужайра олишга мувафак бўлдилар. Бу гибрид ҳужайра *гибридома* деб аталади. Натижада сунъий шароитда антитела синтез қилувчи ҳужайранинг бетўхтов кўпайишига эришилади. Гибридома ҳужайрани фақат лимфоцит

ва рак ҳужайраларини қўшиш натижасида ҳосил қиласдан, балки мақсадга мувофиқ ҳайвон ёки одам тўқималаридан олинган ҳужайрани рак ҳужайраси билан қўшиб гибридома ҳосил қилиш мумкин. Мазкур технологияни оқсил, гормонлар синтезида ген инженерияси билан баробар ишлатиш мумкин. Бундан ташқари, ҳар хил турга мансуб ўсимлик ҳужайраларини қўшиб янги ўсимлик турларини яратиш биотехнологияси ишлаб чиқилган.

Ҳужайра инженериясининг қўлланиши натижасида ҳайвонларнинг клонини олиш биотехнологияси ҳам яратилди. Юксак ўсимликларнинг клонларини сунъий шароитда ҳужайрадан етиштирилади ёки қаламчани пайвандаш йўли билан олинади.

Молекуляр генетика, ҳужайра инженерияси ҳамда ген мухандислиги фанларининг ривожланиши биотехнология фанининг истиқболини яна ҳам оширади. Натижада олимлар генотипини мақсадга мувофиқ ёт генлар киритиш эвазига ҳужайра геномини ўзгартириш имкониятига эга бўладилар.

Мазкур мавзуни тайёрлашда академик Ё. Тўракулов таҳрири остида нашр қилинган „Умумий биология“ дарслигининг айрим бўлимларидан фойдаланилди.

Синов саволлари

1. Оқсил биосинтезини ўрганиш қандай аҳамият касб этади?
2. Оқсил синтезининг асосий босқичлари ҳақида маълумот беринг.
3. Транскрипция ва трансляция жараёнларини айтинг.
4. Генетик кодни тавсифланг.
5. Рибосоманинг динамик ҳолати ҳақида нималарни биласиз?
6. Ген ҳақида тупғунча беринг.
7. Биотехнология фани ҳақида маълумот беринг.
8. Клон тушунчаси ва унинг аҳамияти.
9. Трансформация ва трансдукция тушунчалари ҳақида маълумот беринг.
10. Профаг нима?
11. Генетик мухандислик ҳақида нима биласиз?
12. Гибридома нима?
13. Ген мухандислигининг ҳалқ ҳўжалигидаги аҳамиятини айтинг.

6.6. ҲОЗИРГИ ЗАМОН БИОЛОГИЯСИННИҢ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ ҲАВФ-ХАТАРИ

Биология-молекуляр биология ва биокимёвий генетика фанларининг ютуқлари туғайли табиии фанларнинг ҳақиқий шоҳона маликасига айланди.

Академик Несмеянов А. . Н

XX аср фани инсониятга қатор шундай ихтиrolар совға қылдики, уларнинг ҳар бири жамиятнинг маданий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги мүхим рол йўнаб, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаолди. Буларга «компьютер», «атом», «Ер йўлдоши» ва «ген» лар киради. Бу атамалар бир томондан жамият тараққиётини янги, юқори босқичларга кўтарган бўлса, иккинчи томондан улар социал-иқтисодда ва тадқиқот изланишларда комплекс фанларнинг шаклланишига сабабчи бўлди.

1953 йилда АҚШ биокимёгари Уотсон ва Англия физик олими Крик томонидан ДНК молекуласининг кашф қилиниши биология фанини бутунлай ўзгартириб юборди. Бу музъиззакор молекулани эҳтиёткорлик билан механик равишда тортилганда ДНК яна 2 марта узайиши мумкин. Инсон танаси, тўқима ва аъзоларининг шаклланиши учун ДНК молекуласида ирсий белгиларнинг камидаги 3 миллиард хили жойлашган бўлиши керак. Бу кичик шрифтда ёзилган 500 варақли миннита китобга жойлаштирилган кимёвий маълумот ҳисобланади. Тўқима, аъзоларимиз, соч ва теримизнинг ранги шакланаётганда ДНК нинг репликацияси асосида ирсий ахборот ҳужайрадан ҳужайрага кўчирилганда 500 варақли 1000 та китоб 20 минутда мутлақо хатосиз кўчирилади. ДНК структурасининг аниқданганлигига сал кам 50 йил бўлса ҳам бу ажойиб молекуланинг янги-янги сирларини 2-3 йилда олимлар томонидан кашф қилинмоқда. Коинотнинг «қора қутиси» бундан 15-20 миллиард йил илгари «кatta портглаш» асосида фаолият кўрсатиб келаётган бўлса, ҳар қандай тирик жонзотнинг тириклик фаолияти, унинг ботиний, зоҳирий кўриниши ва яшаш муддати айнан шу ДНК га боғлиқ бўлганлиги учун уни заминимиздаги ҳаётнинг «сирли сандиги» десак хато қилмаймиз. ДНКни тирик жонзотнинг ҳаёт тарзи режалаштирилган компьютернинг дискетига ўхшагиши мумкин.

Сўнгти 10 йилда маркази АҚШ да жойлашган «одам геноми» деб номланган ҳалқаро лойиҳа таъсис этилган. Бу режага асосан одамнинг генетик матни бўлган 3 миллиард нуклеотидларнинг кетма-кет жойланиш тартибини секвенирлапи (аниқлаш) ёки бадийлаштиурсак бу инсоннинг ҳаёт китобини ўқиш демакдир. Бундай баҳайбат, катта сонли генетик ахборотни ўқишни моддий ва техникавий воситалар туфайли амалга ошириш оғир. Робот, автоматлар ва ЭҲМ орқали геномни аниқлаш 2003 йилга келиб маълум бўлди.. Одам геноми аввал 50-100 минг гендан иборат деб қабул қилинган эди. Мазкур илмий иш асосида инсон геноми 30-35 минг генлардан ташкил топганлиги аниқланди. .

Хозирги кунгача генлар ҳақидағи маълумотлар уларни якка ҳолда тадқиқ қилиш асосида олиб борилган. Охирги йилларда эса генетика фанида нуклеотидларнинг алоҳида фаолиятидан фарқли, кенг қамровли бўлган мажмуасини ўрганадиган соҳа шаклланиб, уни геномика деб юргизила бошланди. Олимларни генларнинг алоҳида фаолиятидан кўра кўпроқ уларнинг ўзаро, бир-бирларига таъсир қилувчи омиллар натижасида бир-бутун юритма сифатида ишлаш тизими қизиқтириб келмоқда. Генларнинг бундай фаолиятини ойдинлаштиришда биочип усули қўл келмоқда (кибернетика соҳасидаги микрочипларга ўхшаш). Булар кичик пластинкалар бўлиб, минглаб бир-бирларидан қатъий масофада ўта аниқ асбоблар орқали нуқталар белгиланади. Ҳужайранинг қайси ҳолатида қандай ген фаолият кўрсатишини мазкур биологик усул орқали кузатиш мумкин.

Геномдаги ДНК нинг номаълум томонларидан бири хромосомада унинг жуда кўп микдорда бўлганлиги бўлиб, оқсил синтезида фақат бу молекулаларнинг 3-5 % иштирок этиши аниқланган. Демак биз геннинг ёки ДНК фаолиятининг фақат 3-5% ни биламиз холос. Генларнинг "ортиқча" қисми ҳақида ҳар хил фикрлар бўлиб, молекуляр биология фанининг асосчиларидан Нобель мукофотининг совриндори, ДНК молекуласининг структурасини аниқлашда катта хизмат қилган олим Ф. Крик ДНК нинг номаълум қисмини «чиқинди», «худбин» деб эволюция жараёнида кераксиз бўлиб тўпланиб қолган деб тахмин қилган эди.

Сўнгти йилларда ДНК устидаги тадқиқот ишлари геннинг бу ортиқча қисми ҳар қандай ички ва ташки омилларга ўта тургунлиги, мутацияга берилмайдиганлиги ва эволюция жараёнига уларнинг алоқаси йўқлиги аниқланди. Нуклеин кислотанинг бу «чиқинди»си унинг ажralmas қисми эканлиги аниқ бўлса ҳам, унинг аниқ фаолияти ноаниқ бўлиб келмоқда эди.

Яқында рус олимлари ДНК нинг бу ортиқча қисми устида олиб борган тадқиқот ишлари унинг бўлажак организмнинг шаклланишида замон ва макон вазифасини бажарувчи ўта кучли «генетик компьютер» вазифасини бажарувчи омил эканлиги аниқланди. Демак ДНКнинг бу «чиқинди»си бўлажак организмнинг шаклланишида иштирок этадиган ва генетик ахборотларни заҳирада сақловчи магнит тасмаси десак хато бўлмайди.

Геномика соҳасининг ривожланиши микробиология фанининг катта ютуқларни қўлга киритишига сабабчи бўлди. 20 дан ортиқ биологик турларнинг геноми аниқланди. Буларга хавфли ва юқумли касаллик тарқатувчи (сил, тепкили терлама, ошқозон яраси ва ҳоказо) микроорганизмлар киради. Патогенли бактерияларнинг геном структурасини аниқлаш уларга қарши вакциналар тайёрлашда катта аҳамиятта эга.

Геномика фанининг ривожи тиббиёт генетикасининг тараққиётига ижобий таъсир қилиб, ирсий касалликларнинг юритмасини аниқлашда қўл келмоқда. Геномика усули инсон шахсини кўрсатгичлари орқали ўта юқори аниқлик билан белгилаш ва унинг ҳозирги кунда амалиётда қўлланилаёттанилиги жамият тараққиёти учун ижобий ҳодисадир.

Криминалистика фани бирор шахснинг айборд ёки айборд эмаслигини аниқловчи геномли усул ёки генли дактилоскопия билан бойнди. Мазкур усул учун, томчи қон, сочнинг бир толаси, тирноқнинг кичкина бўлаги, терлаганда ажralган суюқликнинг қолдиги, сперма, сўлак, қазғоқ бўлса бас, булар қайси шахсга тегишли эканлигини кўрсатиши мумкин. Булардан ташқари одамлар ўртасидаги қариндошлилик, фарзанднинг ота ёки онасига алоқадорлигини ёки аксинча, алоқаси йўқлигини геном усули билан ўта юқори аниқлиқда белгилаш мумкин.

Геномика фани ҳозирги кунда жамият тарихи, этнография, лингвистика ва бошқа гуманитар-ижтимоий фанларга кириб бормоқда. Бундай соҳаларга биология фанининг тармоқлари бўлмиш антропология, палеонтология ва эволюция назариялари ҳам жалб қилинмоқда.

Тарих фанидаги баҳсли муаммолар, жумладан қадимда айрим қабила ва элатларнинг келиб чиқиш манзиллари, миллатларга алоқадорлигини аниқлашда тарихчи олимлар эмас, балки нечоғлиқ аниқ тўғрилашда тарихчи олимларнинг фикри билангина эмас, балки геном усуллари билан ҳам ҳал қилиниши мумкин эканлигини кўрсатмоқда. Ҳар бир миллат, элатларнинг геномида уларга тегишли муайян генлар аниқланиб (маркерли

генлар), уларнинг миқдорига қараб айрим ахборотта эга бўлиш мумкин.

Кўриниб турибдикى, бундай биологик режалар ҳозирги кундаги инсоният ўз олдига қўяётган фазони ўзлаштириш программасидан ҳам ўзининг моҳияти ва аҳамияти бўйича кам бўлмасдан, унинг амалга оширилиши анча арzonга тушиши билан фарқланиб, бу режалар XXI асрда заминимиздаги ҳар бир шахстга алоқадорлиги билан қимматлиди.

Табиатда кенг тарқалган вирусларни бегона генларни ташувчи шприцга ўхшатиш мумкин. Улар ҳужайрага яқинлашиб ўз генетик ашёсини худди укол қилгандек юборади. Бегона генни қабул қилган ҳужайра касалланиб, тузалиши ёки ҳалок бўлиши мумкин. Айрим ҳолатларда вирус гени ҳужайра геномига мустаҳкам жойлашиб, унинг компонентига айланиб ўзига ўхшаш вирусларни синтезловчи маконга айлантиради. Шундай қилиб вирусларга тадқиқотчи хоҳдаган генни жойлаб у туфайли ҳужайра геномига ўтказиш мумкин. Демак вируслар бегона генларни тирик ҳужайрага трансформация қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бегона генларни сунъий йўл билан бактерия ва ҳайвонларнинг ҳужайраларига юборишининг бир неча усуллари мавжуд. Масалан, рак касали билан касалланган одам шишидаги ДНК си ажратиб сичқондан ажратилган ҳужайраларга лаборатория шароитида юборилганда унинг геноми ўзгариб, трансформацияга учраган ҳужайралар пайдо бўлган. Айнан шу рак касалини тарқатувчи ҳужайраларни сичқонга юборилганда уларда саратонга хос шиши пайдо бўлган.

Охиригина йилларда Америка ва Европадаги айрим фирма ходимлари трансгенли (бегона генли) ҳайвон ва ўсимликларни яратмоқдалар.

Паразит, заарли замбуруглар туфайли касаллик тарқатувчи организмларга қарши, турғун иммун тизими юқори бўлган трансгенли ўсимлик навлари етиштирилмоқда. Бактериялардан ҳашоратларга қарши синтезланувчи оқсил гени ажратилиб уни нўхат геномига киритилганда унда ҳашоротларга қарши синтезланадиган оқсил ҳосил қилувчи янги нав етиштирилди. Бу ҳашоратлар мазкур ўсимликнинг илдиз, поя, ёки баргини кемирса ўша дақиқаларда ҳалок бўладилар.

Бельгиялик тадқиқотчилар Европа бозорига ҳар қандай гербицидларга чидамли карам нави билан кирмоқдалар. Экилган майдонга ҳар хил гербицид сепилса ўсиб чиққан бегона ўтларнинг ҳаммаси ҳалок бўлиб, кўрсатилган карам нави эса bemalol ўсаберади. Айрим олимлар бундай навга қарши чиқиб,

(уларнинг фикрига кўра) «маълум вақтдан кейин мазкур қарам навининг айнан ўзи Европада бегона ўтта айланади, у билан курашиш учун янги генинженерлик усулларини қидириш керак» дейдилар.

1994 йили Бельгиялик олимлар Херман номли трансгенли буқа зотини етиштирдилар. Мазкур буқа геномига аёл сутидаги оқсил генини жойлаштира оддилар. Бу буқа «қизи»нинг сутаркиби аёлларникига яқин келади ва ёш болалар учун сифатли озуқа ҳисобланмоқда. Оддий сигир сутидан темир ионларини ташувчи оқсил жуда кам. Херман номли трансгенли буқа зотидан пайдо бўлган сигирларда эса кўрсатилган протеин етарли миқдорда бор экан. Агар ёш болани она сутидан ажратиб озуқа сифатида узоқ муддат сигир сути берилса, уларда темир етишмаслиги ва кам қонлик касалликлари кузатилган. Бу касалликка Херман буқанинг «қиз» сигирлари ёрдам бера олиши мумкин.

Заарли генларнинг фаолиятини тўхтатиш, бузин ёки уларнинг маҳсулотлари бўлмиш мақсадли РНК ларни мақсадсиз нусхалари билан алмаштириб, саратон ва вирусли касалликларга қарши кураш ишлари олиб борилмоқда.

Ракли ҳужайраларга алоҳида ёки генлар мажмуасини юбориб уларнинг бўлинишини тўхтатиш ёки уларни бутунлай ҳалок қилиш (апостоз) усули билан рак терапиясини амалга ошириш ишлари йўлга қўйилмоқда.

1997 йили Шотландиялик профессор Я. Бильмуд соматик ҳужайралардан клонлаштириш усули орқали лабораторияда бузоқни ҳосил қилганлиги ҳақида дунёда шов-шувга сабабчи бўлган хабарни эълон қилди. Мазкур бузоқ жинсий йўл билан эмас, балки соматик ҳужайрадан ҳосил бўлгани учун сигирнинг авлоди бўлмай ундан нусха кўчирилиши ёки ксерекопияси деб қаралмоқда. Бу илмий иш олимлар ўртасида кескин тортишувларга сабабчи бўлиб, бир гурӯҳ тадқиқотчилар тажрибанинг тозалигига шубҳаланиб, бундай илмий изланишларни тезда тақиқлашни даъват қилмоқдалар. 1997 йилнинг охириларида Хавай университетининг профессори Я. Мичучи бошчилигидаги бир гурӯҳ олимлар сичқонларнинг соматик ҳужайраларидан клонлаш туфайли 7 дона сичқонни лабораторияда ҳосил қилганликларини илмий жамоатчиликка эълон қилдилар.

1998 йилнинг июн ойида Пердью (АҚШ) университетининг олимлари битта сичқондан 50 дона унинг «бола»ларини клонлаш йўли орқали етиштириб лаборатория шароитида кўрсатилган

ҳайвон бачадонида филнинг тухум ҳужайраси пишиб етилганлиги аниқланган. Бошқача айттанда филнинг дунёга келишида сичқон оналик вазифасини бажарган.

Маълумки, сичқон ва фил оила, тур бўйича бир биридан узоқда турувчи ҳайвонлар бўлиб биологик қонунга кўра жинсий яқинлашиши мутлақо мумкин эмас. Ҳар бир жонзот одатда бегона, ножинс тўқимани қабул қиласайди. Сичқондаги биологик тўсиқни енгиш учун ўлган филлардан жинсий ҳужайрани ажратиб тезлиқда музлатадилар. Қеракли жой ва вақтда музлатилган филнинг тухум ҳужайраларини эритиб бирнечта сичқон аъзосига имплантация қилинган. Ўнлаб имплантация қилинган сичқонларнинг ичидаги фақат бигитасида уруг оталаниб эмбрион ривожлана бошлаган.

Олимлар лаборатория шароитида оддий сичқон организмини ҳар қандай ҳайвонни дунёга келтириш учун «фабрика» сифатида фойдаланиш мумкин деган фикрни амалиётда исботладилар.

Шов-шувга сабабчи бўлган илмий хабарлардан яна бири 1998 йил декабр ойида Жанубий Қуриядан олинган. Сеул университетининг бир гурӯҳ олимлари соматик ҳужайраларни клонлаш усули билан одам эмбрионини олганликлари ҳақида ахборот бердилар. Улар 30 ёшли аёлдан оталанган тухум ҳужайрасидаги ядрони олиб, худди шу аёлнинг соматик ҳужайрасидаги ядро билан алмаштирадилар. Натижада гибрид ҳужайра лаборатория шароитида бўлиниб одам эмбрионининг микроколонияси ҳосил бўла бошлаган. Ҳосил бўлган эмбрион ҳужайраларни бачадонга имплантация қилинса у ерда ҳомила шаклланиши эктимолдан холи эмас, деб ҳисобламоқдалар. Лекин тажрибаларнинг биринчи босқицида гибрид ҳужайра кўпая бошлагандага ҳукумат вакилларининг буйргути ва ахлоқ қоидаларига тўғри келмаганилиги учун мазкур тажриба ишлари тўхтатилган. Олимларнинг айримлари бундай ишларнинг тозалигига шубҳаланмоқдалар. Чунки изланишларнинг услубиёти очик эълон қилинмаган.

Ҳужайранинг геномига ген инженерлиги, биотехнология усуллари билан биологик, кимёвий ва физикавий таъсири қилишининг ижобий томонлари билан бир қаторда кутилмаган салбий натижаларга сабабчи бўлиши мүмкин. Инсоният генетик агентлар таъсирида кутилмаган, янги қасалликлар пайдо бўлишига тайёр бўлиши керак. Дунёдаги тибиёт ходимлари ҳар қандай беморликни енгамиз деб турганда спид хасталиги жамиятга қандай «совға» келтирганини яхши биламиз. Афсуски,

бу касаллик билан жиілдій қурашадыган усуллар ҳали тоңилған әмас.

Мақсадға мұвоғиқ яратылған янги зот, нав ёки генетик агентлар тәдқиқотчиларнинг назоратидан тасодиған ёки атайин чиқиб, жамият үчүн оғатта айланиши мүмкін. Масалан, 1950 йилларнинг охирида олимлар ҳаётчан, касалға чидамли, боли кам бўлған Африка асалариси билан Жанубий Америкада нимжон, касалға чидамсиз, лекин маҳсулоти кўпроқ турларини ўзаро чатиштириш натижасида «одамхўр» асалари зоти дунёга келди. 1960 йилларда тасодиған фанға алоқаси йўқ одам бу ўта агрессив ҳосили жуда кам асалариларга "раҳм" қилиб. ташқарига чиқарип юборади. Улар интенсив равищда кўпайиб тезда Жанубий Америкадаги ерли асалариларни табиатдан сиқиб чиқардилар. Ҳозир эса улар Шимолий Америка, Канадага етиб келдилар. Олимлар бу тасодиғий асалари зотларидан қандай қилиб қутилиш йўлларини бирнече йилдан бери изламоқдалар.

Биотехнология, молекуляр биология ва ген инженерлігі асосида дунё лабораторияларида биологик қуролларни тақомиллаشتираётган олимларнинг йўқлигига ҳеч ким кафолат бераолмайди. Биологик қуролларни тайёрлашга атом ва водород бомбаларига сарфланадыган катта миқдорда инвестиция талаб қилинмайди. Бу даҳшатли қуролга эга бўлған давлат қарши томонга уруш эълон қилмай пинхона рак, вирусли ёки руҳий касаллукларни тарқатувчи микрожонзорларни тарқатиб юбориши мүмкін. Биологик қуролларни кичик гуруҳлар террор ва қўпорувчилик мақсадларида фойдаланиши мүмкін.

Биология фанидаги молекуляр ва ген мухандислигининг ривожланиш жараёни 1938 йилдаги Австрия олимаси Л. Майтнер, немис профессори радиохимик О. Ган билан биргаликда нейтрон таъсирида уран атомининг бўлинишини ихтиро қиласа алганларини эслатади. Уларнинг улкан изланишлари ядро қуролларини тайёрлашга замин бўлди.

Нобель мукофотининг совриндори Британиялик олим Д. Ротблат яқында шундай фикрни билдири: «Фан ва техниканинг ривожи - ядро бомбаларини тайёрлашга нисбатан кам миқдорда маблағ сарфланадыган янги хилдаги ёппасига қирғин қуролларни биз ген инженерліги туфайли пайдо бўлишининг гувоҳи бўлишимиз мүмкін». Австралия университетининг профессори Б. Селинджер: «Келгусида инсониятга қачон, қай хилда оғат келишини билаолмасам ҳам, лекин уни ген инженерліги фанининг ютуқларидан кутиш мүмкін» деган эди. Ядро қуролларининг ихтироочиларидан бўлған АҚШнинг машхур

олими Р. Оппенгеймер ўз хотира дафтарида шундай ёзган: «Водород бомбасини портлатиш ёки портлатмаслик олимларга боғлиқ бўлмайди ва улардан бу ҳақда сўрамайдилар ҳам».

Ген инженерлиги соҳасини ҳозирги кунда ядро энергетикаси вазиятига ўхшатиш мумкин. Ядро энергиясининг хавф-хатарига қарамасдан жамият ундан бутунлай воз кечаолмаяпти. Худди шунга ўхшаш молекуляр, биологиянинг ютуқларидан ҳам юз ўтира олмаймиз. Аммо рус олими молекуляр биология фанининг етакчи мутахассисларидан академик А. Сирин ўз мақоласида: «Биология фанини тавсифий, назарий соҳа деб қарамасдан, ҳукумат раҳбарларини, жамоатчиликни ҳушёр бўлишига чақириб, келгусида кутилмаган салбий воқеаларга тайёр бўлишимиз керак» дейди.

Биз биология фанининг ривожланиш жараёнида молекуляр биология, ген инженерлиги ва биотехнология соҳаларини мужассамлаштира олган ҳалқаро «Инсон геноми» режасини амалиётда тараққиётининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мазкур илмий йўналиш келгуси асрда биология фанидаги асосий гоя бўлиб, унда жаҳоншумул ихтироларнинг очилишига шубҳа йўқ. Лекин биология фанининг ютуқларидан худди физика, кимё соҳаларида рўй берганидек, қора нияти кишиларнинг дунёга ҳоким бўлишни орзу қилувчилар учун оммавий қирғин қуроллари тайёrlашда фойдаланишлари эҳтимолдан холи эмаслигини эсан чиқармаслигимиз керак.

Маълумки, Олий мажлиснинг IX сессиясида «Таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан сўнг, давлат ўқитиш стандартлари қайта кўрилиб, амалиётта тадбиқ этилди. 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб мактаб, лицей, олий ўқув юртлари дастурларига «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» предмети киритилди.

Талабалар учун эса бўлажак мутахассислари билан боғлиқ бўлган молекуляр генетика, биотехнология, кимё, физика ва мухандислик хавф-хатарлари тўғрисида ҳам ундан муҳофазаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш йўллари бўйича маълумот берилиши керак. Бу эса «Таълим тўғрисидаги» қонуннинг амалий натижаси ҳисобланади.

Синов саволлар

1. ДНК молекуласи ҳақида янги маълумотларни айтинг.
2. Одам геномининг ўзига хос томонлари ҳақида нима биласиз?
3. Геномика фани нима?

4. ДНК молекуласининг ортиқча қисми ва унинг аҳамияти ҳақида маълумот беринг.
5. Геномика фанининг криминалистикадаги аҳамияти ҳақида нима биласиз?
6. Геномика фанининг тарихни ўрганишдаги ролини айтинг.
7. Трансгенли ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти ҳақида нималарни биласиз?
8. Ўсимлик, ҳайвон ҳужайралари орқали қўпайтириш (соматик клонлаш) нима?
9. Биология фани ютуқларининг салбий томонларини айтинг.
10. «Ҳаёт ҳавфсизлиги асослари» предмети нимани ўргатади?

6.7. ТИРИКЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЭНЕРГИЯСИ

Юқорида таъкидлаганимиздек, Планетамиздаги барча жонзотлар учун энергетик манба сифатида Қуёш нури ҳисобланади.

Энергия билан тириклик таъминланмас экан у тез орада нозик структурага эга бўлган ҳужайра, тўқима, аъзо ва умуман бутун организм бузилиб, модда алмашинуви тўхтаб ўлимга махкум бўлади. Организмда энергия алмашинуви ҳаётий жараёнларнинг асоси бўлган электр, кимёвий, осмотик ва рангбаранг механик процессларни амалга оширишда хизмат қиласди.

Қуёш нуридан бевосита фойдаланувчи организмларга ўсимликлар, бир ҳужайрали сув ўтлари, ўшил тўқизил рангли бактериялар киради. Улар Қуёш нурининг энергияси ҳисобига органик бирикмалар-углевод, ёғ, оқсил ва нуклеин кислоталарни синтезлайдилар. Ёргулар нури эвазига ҳужайрада биосинтез жараёнларни бажарувчи процессларни фотосинтез деб аталиб, бундай амалиётни бажарувчи организмларни автотрофлар деб аталади.

Фотосинтез жараёнининг хом ашёси сифатида атмосферадаги карбонат ангирид (CO₂) гази, сув ва тупроқдаги азот, фосфор, олтин гутурт тузлари ҳисобланади. Азот манбай сифатида яна атмосферадаги молекуляр азот (N₂) бўлиб, у дуккакли ўсимликлар илдизида бўладиган туганакли бактериялар ёрдамида ўзлаштирилади. Газсимон азот аммияк (NH₃) деб аталувчи молекула таркибига киргандан сўнг ундан аминокислота, оқсил, нуклеин кислота ва бўлак азотли бирикмалар синтезланади. Туганакли бактериялар ва дуккакли

ўсимликларнинг бир-бирларига ёрдам кўрсатиб, ҳамкорликда фаолият кўрсатишига симбиоз деб аталади.


Планетамиздаги тирик жонзотлар жумладан, одам ва ҳайвонлар неорганик бирикмалардан органик моддаларни синтезлай олмайдилар. Бундай организмларни гетеротрофлар деб аталиб, улар Қуёш энергиясининг кимёвий бөғ сифатида тўпланган бирикмаларидан фойдаланадилар.

Маълумки, фотосинтезловчи ҳужайралар карбонат ангирид газини ютиб, кислородни атмосферага чиқарадилар.

Юқорида таъкидлаганимиздек фотосинтез жараёни ўсимликлар дунёсида бошлангандан сўнг, атмосфера кислородга бойиб янгича энергетик тизим шаклланди. Энди кислород ҳисобига озиқа бирикмалар бўлмиш углевод ва ёѓларни оксидланиши натижасида катта миқдорда ҳужайрада энергия ажратиш бошланди. Атмосферада кислороднинг пайдо бўлиши аэробли ҳужайраларнинг шаклланишига сабабчи бўлди.

Маълумки, Қуёшдан келаётган ёруглик ҳар хил тўлқин узунлигига эга бўлган нурлардан иборат. Ўсимлик қабул қилувчи «антенна» - яъни хлорофилл орқали аксарият қизил ва кўк ранги спектрга эга бўлган нурларни қабул қиласди.

Маълумки, Қуёшдан келаётган нурлар квант, дискрет ҳолатда бўлиб, барглардаги хлорофилл уни ютгандан сўнг қўзғолган, энергияга бой электрон ажралиб, оралиқ моддалари орқали ўтиб, сўнг яна ўз ҳолатига қайтади. Энергияга бой электрон оралиқ моддалари орқали ўтиш жараёнида ўз энергиясини АДФ га бериб уни макро эргли, юқори энергияли АТФ га айлантиради.




Е-электрон энергияси, Φ - фосфат кислота

Ўсимлик ҳужайрасида АТФ сув ва тузларнинг транспорти, ҳужайра бўлинниши, ўсиши, ҳаракатланиши (Қуёшга қараб кунгабоқарнинг ҳаракати) учун зарурдир. Ўсимликларда глюкоза, крахмал, целяюлоза ва бўлак органик бирикмаларнинг синтези учун ҳам АТФ энергияси ишлатилади.


Органик бирикмаларнинг синтези учун биологик «аккумулятор»лардан яна бири никотинамидаениндинуклеотид бўлиб бу ҳам Қуёш энергияси таъсирида қайтарилиб макроэрг ҳолатига ўтади (НАДФ, Н).

НАДФ, Н оксидланганда бир атом водород ва электрон йўқотиш жараёнида карбонат ангирид газини сув иштирокида глюкозагача қайтаради. Бу реакцияни яна эслатамиз.



Мазкур жараёнда НАДФ⁺ дан ташқари яна АТФ ва бир қатор ферментлар иштирок этади.

Фотосинтез жараёнида кислород сувнинг парчаланиши(фотолиз) натижасида ҳосил бўлади. Бу реакцияда протон (H^+), электрон (e^-) ва эркин кислород ҳосил бўлади.



Ҳосил бўлган протон ва электронлар хлорофилл, НАДФ⁺ ни қайтаришга (НАДФ⁺, Н) сарф бўлади.

Ўсимлик Күёш нуридан фойдаланиши жараёнида унинг учун кислород зарур эмас. Лекин қоронгуда ўсимлик аэроб ҳолатида бўлиб, кундузи тўплаган углеводдарини кислород иштироқида оксидлаб, бу ҳолати билан ҳайвон организмига ўхшаб қолади. Кўриниб турибдикি фотосинтез реакциялари икки фазадан иборат бўлиб, уларни ёргулек ва қоронгулик ҳолатлари дейилади.

Фотосинтез жараёнининг ёргулек стадиясида асосан кимёвий энергия (АТФ, НАДФ⁺, Н) тўпланади. Энергия тўплангандан сўнг, глюкозанинг синтези бошланиб, бу реакцияларда ёргулекнинг бўлиши шарт эмас. Шунинг учун уни қоронгулик стадияси деб қабул қилинган. Кўрсатилган реакциялар ўсимлик ҳужайрасининг хлоропластлалар деган органоидларида амалага оширилади.

Юкорида таъкидлаганимиздек ҳайвон ва инсон организми Күёш нурининг энергиясидан фойдалана олмайди. Булар энергияни озуқа сифатида тайёр ҳолатда истеъмол қиласилар.

Органик бирикмаларнинг оксидланишидан энергиянинг ажралшиига сабаб, уларнинг молекуласидаги айрим электронлар юқори энергетик погоналарда бўлиб, улар паст орбиталарга кўчирилганда ўз энергиясини ажратади.

Молекулалардан электронларнинг ажралшиига оксидланиш, қабул қилинишига эса қайтарилиш деб аталади.

Паст энергетик погонада бўлувчи электронларни қабул қилувчи акцептор сифатида кислород хизмат қиласади. У ўзига иккита электрон (e^-) ва иккита протонларни (H^+) қабул қилиб сут кислотасига қайтарилади. Ҳужайрада юқори энергетик погонада хизмат қилувчи электрон, протон сифатида органик бирикмалар таркибидаги водород атоми иштирок этади.

Электрон ва протонларнинг акцептори сифатида фақат кислород бўлмай яна НАД⁺ ва НАДФ⁺ бўлиб оксидланган

холатда электрон, протонларни қабул қылғандан сүнг қайтарилиб НАДН⁺, НАДФН⁺ ҳолатига ўтадилар.

Электрон протонларни ташувчи оралиқ моддалариға хужайрада яна ФАД (флавинадениндинуклеотид), цитохром системалари киради.

Юқори энергияга эга бўлган электрон ва протонлар оралиқ моддалари, ёки нафас олиш занжиридан ўтиш жараёнида хужайра ўз энергиясини кичик улушларда (АТФ) тўплайди. Демак энергия ажралиш давомида хужайрада бир вақтнинг ўзида оксидланиш ва қайтарилиш давом этади. Яъни, электрон ва протонларнинг донори ва акцепторлари иштирок этадилар.

Энергия манбаи сифатида хужайрада аксарият ёғлар, утлеводлар хизмат қиласидилар. Биологик оксидланиш, ёниш жараёнига ўхшайди. Ўтин ёнгандан ёғоч таркибидағи целлюлозалар оксидланиб юқори энергияли электронларни кислородга берадилар. Энергия иссиқлик ва олов сифатида ёргулек чиқаради. Ёргулекнинг охири маҳсулі карбонат ангирид (CO₂) гази ва сув бўллари ҳосил бўлади. Биологик оксидланишда ҳам худди шу маҳсулотлар ҳосил бўлади.

Хужайрадаги оксидланишда энергия кичик улушларда кетма-кет погонали шаклда биологик «аккумулятор» лар (АТФ, НАД, Н, НАДФ, Н) шаклида тўпланиб, юқори энергияли электронларнинг бир қисми организм ҳаракатини сақлашга сарфланади.

Кислородсиз муҳитда органик бирикмалар тўлиқ оксидланмайди ва энергия камроқ ажралади. Кислородсиз (анаэроб) шароитда эса глюкозанинг парчаланишини гликолиз (юонча «гликис» - ширин «лизис» - парчаланиш) деб аталади. Бу оддий биологик жараён бўлиб, мушак, жигар, юрак, эритроцит ва эмбрион тўқималарида содир бўлади.

Гликолизнинг биринчи погонасида глюкоза икки молекула пири узум кислотасигача парчаланади. Глюкозадаги энергия қисман ажралиб икки молекула АТФ ҳосил бўлади. Айрим кислородсиз муҳитда яшовчи микроорганизмлар шу кичик улущдаги энергия ҳисобига ҳаёт кечирадилар. Бу жараённи ачиш деб ҳам аталади.

Хужайрада кислород етишмаса ёки йўқ бўлса пироузум кислотаси сут кислотасигача икки молекула НАД, Н ҳисобига қайтарилиб гликолиз нихоясига етади.

Пироузум кислота кислородли муҳитда сут кислотасига қайтарилемай митохондрияларга кўчирилиб, CO₂ ва H₂O га тўлиқ оксидланади. Уч углеродли проузум кислотасидан икки углеродли


сирка кислотасининг фаол молекуласи ҳосил бўлади. Умуман, ўрта ёплик одам бир кунда 600 гр. углевод, 100 гр оқсили, 70 гр ёғ истеъмол қилганда, 300 гр дан ортиқ сирка кислотаси ҳосил бўлади. Унинг заҳар сифатида таъсир қиласлигига сабаб, сирка кислота эркин ҳосил бўлмай фаол шаклида яъни ацетилкофермент А («ацетум» юонча сирка дегани) ҳолатида синтезланади. Демак, сирка кислотасининг ҳосиласи фақат углеводдан бўлмай балки ёғ, оқсили ва бўлак озуқа моддаларидан ҳам ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган сирка кислотасининг ҳосиласи ацетил кофермент А ҳужайранинг энергетик «тегирмонида» парчаланади.

1937 йилда инглиз олим Г. Крепс озуқа моддаларининг митохондрияда кислородли муҳитда оксидланишида катта миқдорда энергиянинг АТФ шаклида синтезланишини аниqlаган. Биология фанидаги бу ихтиро инқилобий ўзгаришларга сабабчи бўлиб, ҳужайранинг универсал энергетик «тегирмони» ёки Крепс ҳалқаси деб атала бошланди. Олим ушбу илмий - тадқиқот иши учун 1953 йилда Ҳалқаро Нобель мукофотига сазовор бўлган. Крепс ҳалқасида бир бирига боғланган 10 та реакцияда органик кислоталар иштирок этади. Пироузум кислотасидан ҳосил бўдган сирка кислотасининг ҳосиласи Крепс ҳалқасида тўлиқ оксидланиб CO_2 ва H_2O ажралади.

Шундай қилиб пироузум кислотасининг оксидланишида энергия АТФ ва НАД H^+ шаклида тўпланиб, улар ҳужайранинг асосий ёқилгиси ва энергетик ифодасидир.

Пироузум кислотасидаги юқори энергиялик водород атомининг (NAД. H^+) митохондрияларда нафас олиш жараёнида электрон ва протонларининг узатилишида ҳар гал учтагача АТФ молекуласи синтезланади.

Кислородга 4 та электрон ва протонларнинг қўшилишидан сув молекуласи ҳосил бўлади.



Крепс ҳалқасида глюкоза тўлиқ оксидланиб CO_2 ва H_2O га айланади. 1 гр молекула глюкозадан 38 молекула АТФ синтезланади. Ҳужайранинг энергетик нуқтайи назардан фойдали иш коэффициенти 55% дан юқори ҳисобланади. Ҳарқандай замонавий машинанинг энергия ҳисобида фойдали иш коэффициенти 38% дан юқори бўлмайди. Шунинг учун биз тириқ организмдан энергияни самарали фойдаланиш усувларини кўпроқ ўрганишимиз зарур.

Айрим бактерияларда энергия ажратиб олишнинг яна бир усулини хемосинтез деб аталади. Бактериялар (темир,

олтингутурт, нитрит ва нитратли бактериялар) неорганик бирикмаларни оксидлаш ҳисобига ажралган энергияни АТФ га айлантиради.

Шундай қилиб жонзотларда энергия ажратиб олишнинг ранг-баранг усуллари мавжуд экан. Биз фақат айрим тизимларни кўриб чиқдик. Жумладан, энергияни фотосинтетик усули орқали ажратиш, озиқа моддаларини кислородсиз (анэроб) ва кислородли (аэроб) муҳитда парчаланиши, оксидланиши орқали АТФ ҳосил бўлади. Энергия ажратиб олишнинг яна бир усулини хемосинтез деб аталар экан.

Юқоридаги мълумотлардан аниқ бўладики тирик ҳужайра тўқима, аъзо ва организмда ҳар дақиқа, сонияларда юзлаб кимёвий реакциялар содир бўлиб туради. Ҳужайрадаги реакциялар оддий шароитда, оддий тмпература, босим, водород кўрсаткичининг кичик улушиларида амалга ошиб ундаги органоидлар жуда нозик структурага эга. Ҳужайрадаги метаболитик реакциялар, органоидларнинг нозик жойланиши, тузилиши фақат энергия ҳисобига содир бўлади. Энергия таъминланиши тўхтаса, ҳужайрадаги ажойиб тизим тезда ишдан чиқиб, органоидлар деструктурага учраб, организмнинг ҳаётий фаолияти ниҳоясига етади.

Организмдаги энергия олманишуви физика-кимёвий жумладан, термодинамика қонунларига бўйсинади.

Термодинамиканинг биринчи қонунига асосан ёпиқ системадаги энергиянинг физиковий ўзгариши ҳар доим бир хил бўлади. Термодинамик системага маълум ΔQ миқдорда иссиқлик берилганда системанинг ички энергияси (ΔU) ортади ва ташки кучларга қарши (ΔA) иш бажарилади.

$$\Delta Q = \Delta U + \Delta A$$

Мазкур формула энергиянинг ўзгариши ва сақданиш қонунининг иссиқлик жараёнларига қўлланилишининг ифодасидир.

Демак, табиатда юз берадиган ҳамма жараёнларда энергия ҳосил бўлавермайди ва йўқ бўлмайди ҳам; у фақат бир турдан иккинчига ўзгарамади, холос.

Термодинамиканинг иккинчи қонунига асосан энергия икки ҳолатда «эркин» фойдали ёки фойдасиз иссиқлик сифатида тарқалиб кетадиган шаклларда бўлиши мумкин Мазкур қонунга асосан энергия ҳарқандай физиковий ўзгаришга юз туттганда у тарқалишига яъни эркин энергиянинг камайишига ва

энтропиянинг ортиб боришига сабабчи бўлади. Тирик ҳужайра эса доим эркин энергияга муҳтождир.

Биологик тизим ҳар дақиқада эркин энергияни қабул килмас экан, у тезда неорганик табиат билан мувозанат ҳолатига келиб қолади. Бу эса ўлим билан баробардир. Тирик организм неорганик табиат билан номутаносибликини, мувозанатсизликни ушлаб туради. Бу ҳолат эркин энергия ҳисобига содир бўлади.

АҚШ нинг машхур олими А. Азимов термодинамиканинг иккинчи қонуни ҳақида шундай фикр билдирган: «Коинот тартибга эмас тартибсизликка мойил. Агар уйингизни тозалаб, таъмирлаб турмасдан ўз ҳолатига ташлаб қўйсангиз тез орада уйда чанг тартибсизлик ва бузилиш бошланади. Ўзингизга қарамасангиз ҳам саломатлигингиз ёмонлашади». Моддий нарсалар бузилишга, парчаланишга қаратилган. Демак табиат тартибсизликка, бузилишга, хаосга мойил экан. Мазкур қонунга қарши курашиш учун биз доим овқатланамиз, шифжокорларга мурожат қиласиз, уйларни таъмирлаб, маълум тартибда ушлаб туришга ҳаракат қиласиз.

Физик олимлардан лорд Кельвин шундай дейди: «Фойдали энергия дунёда борган сари камайиб бораверади, натижада шундай ҳолат келадики Коинот «Иссиклик ўлимига» маҳкум бўлади».

Термодинамиканинг иккинчи қонунига асосан табиат бузилишга хаосга мойил бўлса, эволюцион таълимот бўйича, ҳайтнинг пайдо бўлиши молекулаларнинг ўз ўзидан мураккаблашиши асосида содир бўлган дейилади. Кўриниб турибдики, термодинамиканинг иккинчи қонуни ва эволюцион назария ўртасида маълум зиддият бор.

Нобель мукофотининг совриндори И. Пригожин номувозанат ёки тартибсиз ҳолатдан тартибли фаолиятга ўз ўзидан ўтиш мумкинлигини диссилатив структуралар деб атаган. Унинг фикрича, система энергия йўқотиш (диссиляция) ва қайтарилмайдиган ҳолатда бўлса унда ўз-ўзидан тартибли тизимга ўтиши мумкин деган назарияга асос солди. Пригожиннинг фикрича, диссилатив структуралар турғун, стационар ҳолатларда бўлиши мумкин.

Табиатдаги ҳодисаларни бирнечча түрухларга (мувозанатли ва мувозанатсиз) ажратиш мумкин. Айрим тизимлар мувозанат ҳолатда (энергия, масса, заряд, модда алмашинуви) бўлиши мумкин. Агар системада заряд, энергия масса кўчирилса, концентрация ва температуранинг градиенти намоён бўлса,

мувозанатсиз ҳолат кузатилади. Бунга мисол диффузия, иссиқдикнийнинг узатилиши, электр зарядларининг кўчиши ва б.

Термодинамик нуқтайи назардан табиатдаги системалар яна қайтариладиган ва қайтарилимайдиган ҳолатларда бўлиши мумкин. Булар бир-бирларидан кескин фарқ қиласидилар. Қайтарилимайдиган жараёнларга диффузия асосида, массанинг бир хил тақсимланиши, иссиқ жисмдан ҳароратнинг совук жисмга кўчирилиши, концентрация юқоридан пастга интилиши ва х. з. Булар тескари фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Масалан, муз уйни исита олмайди. Вақтни орқага қайтариб бўлмайди.

Қайтарилаудиган системага эса математик маятникнинг ҳарекати мисол бўлаолади. Демак табиатдаги шундай мураккаб термодинамик тизимларда тартибсизликдан ўз ўзидан энергия асосида тартиб пайдо бўлиб, одийликдан мураккабликка ривожланиши мумкин, эволюция ҳам шу аснода фаолият кўрсатиб келмоқда деган фикрлар фанда мавжуд. Бу гояга мисол тариқасида Бенар уйчаларини (катакларини) келтирилади. Бирор суюқлик тувидан қиздирилса иссиқлик пастдан юқорига суюқдикнинг ўтказгичлик ҳисобига маълум вақтгача давом этади лекин ҳароратнинг маълум градиентида тўсатдан, ҳеч қандай ташқаридан таъсир қилмаган ҳолда суюқлик (конвектив) даврий равишда ҳаракатта келганда Бенар уйчалари пайдо бўлабошлиди. Демак номувозанат системада, тартибга эга бўлган структура ҳосил бўлади. Бундай ҳодисани туви қалин сувли идишни қайнатиш жараёнида кузатили мумкин.

Тартибсизликдан, хаосдан тартибли структуранинг ҳосил бўлишини қаттиқ совуқда ойналарда ўз ўзидан гулларнинг шакллари пайдо бўлишини ҳам мисол тариқасида келтирилади.

Маълумки, ёпиқ тизим энтропиясининг ўсиши максимумга еттанди, барча жараёнлар тўхтаб, коинот эса «иссиқлик ўлими» ҳолатига ўтади. Бунда Коинотнинг ҳамма қисмида ҳарорат тенглашади. Кўп олимлар бу назариянинг нотўғри эканлигини исботлашга ҳаракат қилмоқдалар. Биринчидан, термодинамиканинг иккинчи, энтропиянинг ошиш қонуни, фақат чегараланган системаларга тегиши бўлиб, уни бутун Коинотта табиқ қилишга асос йўқ. Иккинчидан, Коинот ёпиқ эмас, очиқ система бўлиб, иккинчи қонун ёпиқ системага тегишилдири, деган гояни илгари сурмоқдалар.

Г. Хакин ва И. Пригожинларнинг фикрича, емирилиш ва яратувчанлик, деградация ва эволюцион жараёнлар Коинотда бир хил фаолиятта эга. Хаос фақат бузувчи эмас, балки конструктив

яратувчи ҳамдир деган фикрни юқорида номлари тилга олингган олимлар билдирадилар. Демак, муайян тизимларга юқоридаги деңгээл ёндашиб талқин қилиниши фанда синергетик йўналишнинг шаклланишига сабабчи бўлди. Мазкур атаманинг маъноси ҳам «биргалиқдаги ҳаракат» демақдир. Шуни таъкидлаш керакки, бу тояни илмий равишда танқид қилувчилар ҳам оз эмас. Маълумки, фан қарама-қарши фикрлар асосида ривожланади. Машхур рус олими, Нобель мукофотининг совриндори Капица - агар фаннинг ривожи қарама-қарши фикрлар асосида ривожланмаса, унда бундай соҳа ўлимга маҳкумдир дейди. Бу фикрлар фанда ҳикматли бўлиб, одатда ҳақиқатнинг қарама-қарши фикрлар асосида юзага келишига тарихдан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

Синов саволлари

1. Тирик организм учун энергиянинг аҳамияти.
2. Энергия ажратиб олишининг фотосинтетик усули.
3. Фотосинтез жараёнининг қисқача тавсифи.
4. Гликолиз - ачиш жараёнининг энергетик аҳамияти.
5. Ҳужайранинг энергетик фаолиятида кислороднинг роли.
6. Нафас олиш занжири ҳақида маълумот.
7. Хемосинтез жараёни нималардан иборат?
8. Термодинамика қонуллари.
9. Термодинамикани биологик системага тадбиқи.
10. Термодинамика ва эволюцион таълимот.
11. Эволюцион системанинг фаолиятида Хакинг ва Пригожинларнинг назариялари.

Адабиётлар

1. Умумий биология, Ё. Тўрақулов таҳрири остида. Тошкент, «Шарқ», 1999.
2. Корпенков С. Х. Концепции современного естествознания. Москва 2002.
3. Скулачев В. П. Законы биоэнергетики. Соросовский образовательный журнал, №1, 1997.

6.8. ЖОНЗОТЛАРНИ ШАКЛАНТИРУВЧИ БОШ - ОНА ХУЖАЙРА

Табиатда шундай мўъжизалар борки, миллионлаб одамларни ўйлантириб, хайратта солиб келмоқда. Шулардан бири, бир томчи микроскопик суюқиқда бутун организмнинг шаклланиши режаси жойлашига бўлиб, кейинчалик бу миллионлаб

хужайраларга узатилади ва айнан шу режа асосида шаклланади. Шу давргача тадқиқотчилар жонзотнинг энг биринчи, ҳали муайян, маълум юмушга мўлжалланмаган биринчи ҳужайрани ажратиб олган эмас эдилар. Одамда эмбрион бирламчи (стволовые) ҳужайраларни тухум оталангандан 5-7 кундан сўнг, шар шаклида (blastocyst) бўлиб, уларнинг сони тахминан 140 та атрофида бўлади.

Ўсимлик тўқималаридан эмбрион, муртак ҳосил қилиш йўллари аниқланган. Бир қисм муртак тўқималари сабзи ёки женшендан олиниб, улардан бир бутун жинсий ҳўжайрларга эга бўлган ўсимликларни етиштириш мумкин. Лекин ҳайвоннинг эмбрионал бирламчи ҳўжайларини биринчи марта 1981 иили АҚШ олимни М. Эванс сичқонлардан ажратиб олган. Фақат 1998 йилда икки Америкалик профессорлар Д. Томпсон ва Ж. Беккерлар одам эмбрионидан бирламчи ҳужайраларни ажратиб олишга мувофиқ бўлдилар.

Эмбрионал бирламчи ҳужайраларнинг ўзларига хос хусусияти шуки, улардан генетик аҳборот бошлангич нуқта ҳолатида бўлади. Маълумки, жинсий бўлмаган тана (соматик) ҳужайралари организмда ҳар хил вазифаларни бажарадилар. Жумладан, суяқ тўқималари склетни ҳосил қилишда, қон ҳужайралари иммунитетга, кислородни ташишига, нерв ҳужайралари эса электр импульсларини ўtkазишга мулжалланган. Шуларга ўхшаш ҳар бир бирламчи ҳужайра маҳсус "мутахассислик"га ажralиб, ўз вазифаларини бажара бошлайдилар.

Эмбрионал бирламчи ҳужайрада режалаштирилган маълумотларни амалга оширувчи ирсий юритма "тинч" ҳолатида бўлади. Бундай ҳужайралар ҳар қандай ирсий аҳборотни қабул қилишга тайёр бўлиб, улар 200 га яқин маҳсус ҳужайра бўлишга тайёр ҳолатида бўладилар. Уларни "исми" ва "фамилияси" йўқ ҳужайралар десак тўғри бўлади.

Тўқима, аъзоларимиз аслида шаклланган маҳсус ва бирламчи ҳужайраларнинг мажмуасидан иборат. Ҳозирги кунда тадқиқотчилар бош миёдан эмбрионал бирламчи ҳужайралар билан бир қаторда улардан ташкил топган муртак тўқималарни ажратиб олмоқдалар. Маълумки, бутун бир жонзот ёки организм айнан шундай тўқималарнинг йигиндисидан иборат. Эмбрион тўқималарни ҳарорати $0\text{--}4^{\circ}\text{C}$ совуттичларда 4-5 соат сақланса ҳамма маҳсус ҳужайралар ўлиб фақат бирламчилари тирик қолади.

ХХ асрда Уотсон, Криклар молекуляр биология ва молекуляр генетика фанларига ассо солған бўлсалар, Томисон ва Беккерлар эса икки минг биринчи юз йиллиқда функционал геномика соҳасига йўл очиб бердилар. Эмбрионал бирламчи ҳужайраларни иҳтиро қилиниши ХХ аср биология фанинг учинчى инқилобий (парадигмали) ютуғи ҳисобланади.

1953 йилда Уотсон ва Крик томонидан ДНК молекуласини иҳтиро қилиниши, трик ҳужайрада ирсий белгиларни сақланиши ва уларни авлоддан-авлодга узатилиш юритмаси аниқланди. Юқорида номлари зикр қилинган олимлар бир ҳужайра худудида ирсият қонунларнинг фаолиятини очиб бердилар. Шу аснода 2001 йилда олимлар инсон танасидаги геномини, яъни ДНК структурасини тўлиқ аниқлашга мувофиқ бўлдилар. Лекин одам танасидаги генларнинг бир-бирига муносабати, мувофиқлиги ва ишлаш тизимининг юритмасини олмилар аниқлай олмадилар. Ҳозирги кунда эмбриогенезда иштирок этадиган 5000 дан ортиқ генларнинг маҳсус ҳужайраларга айлантирувчи ва бир ҳужайрадан 10^{13} таси ҳосил бўлишда, генетик ахборотни узатилиш юритмасини аниқлашда эмбрионал бирламчи ҳужайралар асосий модел сифатида тадқиқотчиларга хизмат қиласидилар.

Организмдаги геномнинг иш фаолиятини маҳсус генларнинг "назорати" остида, аввал ҳужайранинг асоси, унинг ички структурасини (органоиддар) ва охирида унинг тўлиқ геномини шаклланиши билан якунланади. Мазкур фаолият компютерчилар тили билан баён қилинса аввал ҳужайрани таркибий қисмлари яъни hardware - компютерни деталлари билан таъминланиши тушунилади. Кейинчалик эса компютерга генетик дастурни жойлаштириш - software иши бўлиб, организмда унинг маҳсус иш фаолиятини белгилаб турувчи юритма юклатилиди. Соддороқ қилиб гапирғанимизда, ҳужайрага қандай дастур киритилса у маҳсус ҳужайра, тўқима ва аъзоларга айланади.

Инсон танасидаги генларнинг мажмуаси деярлик бир хил бўлса ҳам, лекин 350 дан ортиқ ҳужайралар ҳар хил генетик режа бўйича фаолият кўрсатадилар.

Матъумки, битта ҳужайрадан миллиардлаб ҳужайралар мажмуаси бўлган бутун организм шакилланади. Эмбриогенез жараёнини амалга оширишда 5000 дан ортиқ генлар иштирок этади. Эмбрион фаолиятини ибтидосида оталанган тухум ҳужайраси бўлина бошлийди, ҳосил бўлган ҳужайралар маҳсус тўқима, аъзо бўлишга нолойиқ бўлиб, генетик ахборотни РНК сифатида ташиш хусусиятига эга бўладилар ҳолос. Генетик

ахборот ҳужайрага етарли миқдорда қелгандан сўнг генлар ишга тушиб "мутахассислиги" бўйича бирламчи ҳужайралардан эмбрионнинг сегментланиши (бўлажак аъзолар ўрни ва структурасининг шаклланиши) бошланади. Бўлажак аъзолардаги (сегментлардаги) ҳужайралар сони генетик режалаштирилган бўлади. Шунинг учун эмбрионал бирламчи ҳужайраларни кўпайтириш жараёнида олимлар учун сегментлардаги генларнинг "тинч" ҳолатини топиб ажратиш катта аҳамият қасб этади.

Томпсон ва Беккерлар ҳозирги кунда чекланмаган миқдорда, ҳар доим барҳаёт эмбрионал бирламчи ҳужайраларнинг йигинди кутиси (банк) га эга.

Эмбрионал бирламчи ҳужайраларнинг "ихтисос" ли ҳужайрага айланиши учун улардаги генларнинг етарли миқдорда РНК си бўлиши керак. Бирламчи эмбрионал ҳужайраларнинг яна бир, тадқиқотчи учун, қимматли фазилати цитоплазмадаги унинг суюқ ҳолатида бўлишидир. Шу ҳолатида уларни клонлаш мумкин. Ҳар қандай жонзот ҳужайрасидаги ядрони ажратиб тухум ҳужайрасининг қобигига жойлаштирилса донордан олинган генетик ахборот бўйича янги ҳужайра, тўқима, аъзо шаклланиши мумкин, эканлигини олимлар ҳозирги кунда исботладилар. Эмбрионал бирламчи ҳужайраларнинг бундай зохирий ва ботиний ўзгариши тиббиёт учун катта аҳамиятта эга.

Бирламчи ҳужайралар орқали сунъий равища тўқима ва инсон аъзоларини лаборатория шароитида ўстириб кўпайтириш истиқболлари очилмоқда. Аъзоларни клонлаш учун эмбрионал бирламчи ҳужайраларни ўзлари етарли эмас экан. Бунинг учун ҳужайраро суюқликни етказиб берадиган яна маҳсус бирламчи ҳужайралар ҳам бўлиши зарур бўлиб, улардан қейинчалик қон томирлар тизими шаклланиши аниқланди. Ҳозирги кунда бирламчи эмбрионал ҳужайраларни "мақсадли йўлга" йўналтириш асносида лаборатория шароитида аъзоларни ўстириш ишлари бошланиб кетган. Лабораториядаги эмбрионал бирламчи ҳужайрани жароҳатланган тўқима ва аъзоларга ўтказилса улардан соглом, тўлиқ қимматли ҳужайра, тўқима ва аъзолар шаклланишда қўлланадиган услубиётлар аниқланган. Бу илмий-тадқиқот ишлари кўп ва оғир касалликларни даволашда малҳам бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Ҳалқаро "Инсон геноми" деб аталган режа кўрсатдики, одам маймунлардан эмбриогенез генлари билан кескин фарқ қилас экан. Яъни муртакнинг дастлабки ривожланишидаги бирламчи ҳужайранинг ривожланишини бошқарадиган генлар одам билан

приматлар ўртасида фарқлар бор эканлигини кўрсатди. Бу фарқлар ҳамма ҳужайраларга тегишли бўлмай фақат миянинг шакилланишида иштирок этувчи ген ва ҳужайрага хос экан. Одам миясининг бошқа жонзотлардан фарқи шуки, миянинг олдинги қисми ривожланиш жараёниг бошланишида уларда қанча ҳужайра бўлишини белгилайдиган генлар "тинч" ҳолатда бўлганлиги учун инсон мияси эркин ўсиш ва ривожланиш хусусиятига эга. Миянинг ривожланишида ҳосил бўлган нейронлар бир жойда турмай улар миграция, яъни жойдан - жойга кўчиб янги ҳужайрараларни ҳосил қиласди. бундай хусусият фақат инсон миясига тегишли бўлиб, бошқа ҳайвонларда кузатилган эамас.

Одам ва бошқа сут эмизувчилар мия эмбрионининг фаолиятида янги генлар асосида нерв тароги деган аъзо пайдо бўлар экан. Унинг ҳужайралари бир неча метрга юрувчи "марофчилар" ҳисобланиб, улардан юз кўринишининг суккумушак системаси, тимус, ички қулоқ таркиби, юракдаги ўтказиш тизими, перефериқ нерв системаси ва буйрак устки безлари ҳосил бўлишини олимлар томонидан исботланган.

Эмбрионал бирламчи ҳужайраларнинг тўқима, аъзо ва бир бутун организм ўртасида бир-бирига ўтиши ва муносабатларнинг ўзига хослигини таъжжуб билан кузатиш мумкин.

АҚШнинг собиқ президенти Клинтон ўзининг сайлов олди ваъдаларидан бирида американлик беш миллион диабетли беъморларгقا икки йил мобайнинда инсулин дорисини етарли даражада етказиб беришни ваъда қилган. Президентнинг бундай ваъда беришига сабаб американлик олим Ро Маккей асаб ҳужайраларини ҳосил қилувчи - нейронал бирламчи ҳужайраларни ўстириш давомида ҳужайра аро мухитда етарли микдорда инсулин пайдо бўлишини аниқланганлиги асос бўлди. Нейронал эмбрионнинг бирламчи ҳужайралари маҳсус шароитда инсулин синтезловчи оциқозон ости безидаги бета-ҳужайраларга айланишини Маккей томонидан 2001 йил баҳор ойида АҚШнинг "Science" журналида зълон қилган эди. Мазкур илмий ишнинг яна бир қизиқарли томони шундаки, бета-ҳужайралар миянинг асосий қисми бўлган стриатум билан "яқин қариндош" ҳисобланади. Стриатум эса мухим биологик жараёниларнинг бошқаришща иштирок этади. Мазкур боғланишдан олимлар келгусида янги-янги ихтиrolар кутмоқдалар.

Эмбрионал бирламчи ҳужайраларнинг тадқиқ қилиниши биология ва тиббиётда катта ахамият касб этаётган бўлса ҳам АҚШ ва Германияда тақиқланган. Англия, Япония, Австралия ва

айрим ривожланган мамлакатларда давом этмоқда. Ушбу илмий - тадқиқот ишларини тұхтатилишига сабаб, ахлоқий бўлиб католик черковининг намоёндалари томонидан хукумат раҳбарларига таъзиқ қилиши асосида юзага келди. Маълумки хозирги кунда эмбрионал бирламчи ҳужайралар сунъий оталанишдан, тиббиёт соҳасида abortlar жараёнида фитал тўқималардан олинади. Шунинг учун христиан дин ахиллари айёлларнинг abort қилишини ва эмбрионал бирламчи ҳужайралар орқали даволаш усуларини тақиқлашга зўр бериб даъват қилмоқдалар.

Яқинда АҚШ президенти Ж. Бушта қирқта Нобель мукофотининг совриндорлари кўл қўйиб эмбрионал бирламчи ҳужайралар устидаги тадқиқот ишларини давом эттиришини сўраганлар. Мактубда таъкиданишича мазкур илмий ишда диний ва ахлоқий муаммоларни бўлишига қарамай бу соҳадаги илмий изланишлар инсониятта сўзсиз фойда келтиришини таъкидлаганлар. Ким хақ эканлигини албатта вақт кўрсатади.

Синонаволлари

1. Эмбрионал бирламчи ҳужайраларга таъриф беринг.
2. Генларнинг фаолигида эмбрионал бирламчи ҳужайраларнинг роли?
3. Тиббиётда, клонлаш жараёнида эмбрионал ҳужайраларнинг аҳамияти?
4. Эмбрионал бирламчи ҳужайралар ва инсон мияси.
5. Эмбрионал бирламчи ҳужайраларнинг тадқиқот ишларида ахлоқий - биоэтика томонлари нималардан иборат?

Адабиётлар

1. Белоконева О., Праметр всех клеток Наука и жизнь №10, 2001.
2. Труды американской национальной Академии наук, 1998.
3. Ро Маккей, Science, 3 2001.

6.9. ЭВОЛЮЦИОН ТАЪЛИМОТ ВА УНИНГ ҲАҚИДА БАЪЗИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР

Она Заминимиз ҳаётнинг ҳар хил шаклларига ўта бой дедик. Атрофимизда наборот ва ҳайвонот оламининг турли кўринишларини кузатиш мумкин. Хўш, шу ҳаётнинг бошланиши қандай бўлган? У ўз-ўзидан ривожланиб тубан ва олий ўсимликларгача, ёки энг содда жонзотлар- ҳайвонларга, улар эса одамларгача ривожланганмилар? Аксинчә, ер юзида илоҳий вакиллар таъкидлаганидек маълум макон ва замонда муайян режа

асосида олий Яратувчи томонидан бунёд этилганми?. Бундай муаммолар инсон ақлинин мине йиллардан бери банд қилиб келмоқда.

Инсоният тарихида табиий фанларнинг ривожланиши, моддий дүнёни билиш ва уни таңқиқ қилиш асрлар оша кучайиб бораверган. Ўсимлик ва ҳайвонот дүнёсини маълум бир тартибга солиш, ўрганиш швед табиатшуноси К. Линейдан бошлиланган. У барча ўсимликларни чангдоллари сонига, чангчиларининг узун-қисқалигига ва бирлашишига қараб 24 синфга, ҳайвонларни эса 6 синфга бўлди. К. Линей метафизик дунёқарашни ҳимоя қилган ва турлар ўзгармайди деган. Унинг томонидан тузилган система сун'ий бўлса-да, кейинчалик органик оламни ўрганишда ижобий натижа берди. Бу эса ўз навбатида эволюцион гипотезани яратишда олимларга хизмат қилди.

Эволюцион парадигмани (фандаги инқилобий кашфиётлар: Ньютон меҳаникаси, Эйнштейннинг нисбийлик назарияси, Менделеевнинг даврий системаси, молекуляр биология парадигмали ўзгаришиларга мисол бўлади) XVIII асрда франсуз табиатшуноси Ж. Ламарк томонидан биология фанига сингдира бошлиланди. «Биология» атамаси ҳам Ламарк томонидан фанга киритилган. Унинг фикрича, содда мавжудотлар ўз-ўзидан анерганик табиатдан пайдо бўлади. Кейинчалик, ташки мухит таъсири остида улар ўзгариб даврлар ўтиши билан такомиллашиб, тузилиши юксак бўлган жонзоротларга айланади. Эволюцион жараёнда асосий омилни вақт ҳал қиласи дейди. Ламаркнинг фикрича, барча тирик организмлар ўз тузилишини мураккаблаштириш ва такомиллаштириш бўйича ички интилишта эга. Бу илоҳий тушунча эди.

Марксизм асосчилари Ламаркнинг сўзларига таяниб «Одамни меҳнат яраттан» деган бояни кўтариб чиқишиди: Инсон кўли, унинг маҳсулни ва меҳнати туфайли пайдо бўлган. Меҳнат натижасида қўлни ҳар хил юмушларга ишлатиш зарурияти юзага келган, алоҳида мушак, тўқима ва суюкларнинг ривожланиши ирсият орқали берилганлиги натижасида эса одам кўли ривожланиб мўъжиза яратувчи қуролга айланган... (К. Маркс ва Ф. Энгельс асарлари, 20том, 428 бет).

Ламаркчиларнинг бу гоясини инглиз табиатшуноси Ч. Дарвин яна ривожлантирди. У 1859 йили «Турларнинг келиб чиқиши» деган китобини нашрдан чиқарди. Бу китобда ҳаёт аста-секин ривожланиб, мураккаблашиб, олий даражадаги ҳайвонга айланди, деган боя илгари сурилган эди.

Энгелс ўзининг «Табиат диалектикаси» деган асарида «Маркс жамиятнинг тараққиёт қонунларини кашф қилган бўлса, Дарвин органик дунё эволюциясини очиб берди». деган эди. Бу назариялар бир-бирини тўлдирувчи, мутаносиб гоялар деб тарғиб этила бошланди. Аслида эса дарвинизм ва марксизм деб аталган бу икки таълимот бир-бирини инкор этади. Марксизмнинг назарияси эксплуатацияга барҳам беришнинг бирдан-бир йўли хусусий мулкни йўқотиб, унинг ўрнига умумхалқ мулкини жорий этиши ва шу асосда инсонпарвар жамият тузилишидан иборат. Бундай жамиятда меҳнат қилиш биринчи эҳтиёжга айланади, ҳар ким қобилиятига яраша ишлаб, керагича истеъмол қилаверади. Дарвинизм эса буларнинг айнан тескарисини айтади: «Тирик жонзот борки, ўз ҳаётини, зотини давом эттиришга ҳаракат қиласди, бунинг учун кучини сарфлайди. Кучли бўлса, яшаб қолади. Кучсизи эса четта сурилиб, охир-оқибатда ҳаёт билан видолашиб, зоти ҳам йўқолиб кетиши мумкин». Дарвиннинг бу гаплари худди бозор иқтисодиёти қонунларини эслатади.

Дарвиннинг гояси фақат табиий фанларга таъсир этиб қолмай, балки ижтимоий соҳаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Энди жамият тараққиётини ҳам эволюция назарияси билан таҳлил қилиш одат тусига қирабошлади.

Биология фанидаги эволюцион таълимот табиий фанларнинг айрим ютуқларига, аксарият назарияга ва тахминларга асосланган. Биология фанининг мазкур назарий қисми, тирик табиатнинг ранг-баранглигини учта бир-бирига боғлиқ омиллар асосида шаклланган деган гояни илгари суради. Булар ирсият, ўзгарувчанлик ва табиий танлаш бўлиб, эволюциянинг юритмаси ҳеб ҳисобланади.

Ч. Дарвиннинг «Турларнинг келиб чиқиши» деган асарининг нашр қилинганига 130 йилдан ошди. Шу давр ичида биология, палеонтология ва умуман табиий фанларда катта ютуқлар қўлга киритилди. Бундай катта сифат ўзгаришлари биология фанининг асосий бўлимларидан бўлган эволюция назариясини кенгайтиришга, бойитишга ва ашёвий далиллар билан тасдиқлашга ҳисса кўша олдими?

1986 йилда Чикагодаги (АҚШ) эволюционистларнинг ҳалқаро конференциясида яқдиллик билан шундай умумий хулоса қилинди: «Эволюция назарияси охирги 50 йил ичида сифат ўзгаришларига юз тутиб, мазкур таълимотнинг ривожланиш жараёни олимлар ўртасида вақт ўтган сари кескин тортишув, муқобил баҳсларга сабабчи бўлмоқда, юритмаси эса ҳали ҳам ноъмалум».

Ч. Дарвин таълимотига кўра, тур шароитта мослашади, аъзоларда ўзгаришлар рўй бериб, у авлоддан-авлодга узатилади деб ўргатади. АҚШ профессори В. Ламертанинг фикрича, бу жараён узоқ муддатни талаб этади, тирик жон эса ҳар дақиқада ўлимга маҳкум, шунинг учун у насл қолдиришга шошилади, чунки унинг ҳалоқ бўлиши олдиндан режалаштирилган.

1991 йилда Москванинг «Мир» нашриёти машхур швед биологи Лима де Фарианинг «Танлашсиз эволюция» деган монографиясини чоп этди. Мазкур рисолада муаллифнинг ёзишича «органик дунёдаги табиий танлаш жуда мураккаб ва чалкаш масалалардан биридир». У таъкидлайдики, дарвинизмдаги тасодифлик, мутация жараёнлари физико-кимёвий нуқтаи назардан қараганда нотўғри эканлигини кўрсатади. Шунингдек, олим эволюциянинг юритмаси ҳозирги кунда номаълум эканлигини исботлашга ҳаракат килади. Лима де Фарианинг ёзишича, дарвинизм органик дунё эволюциясини бошидан эмас, охиридан бошлайди. Бу таълимотнинг бошлангич қисми куруқ тахминдан иборат, дейди. Ҳакиқатан ҳам, биология аниқ фанлар қаторига кирганлиги учун улардаги моддийлик, бирор ўлчамга эга бўлиши керак. Дарвинизм таълимотининг бошлангич қисми бундай қолипларга сигмайди. Ушбу китобда дарвинизм табиий танлаш, тасодифлик билан ҳар қандай биологик муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилиши асоссиз деб кўрсатилади. Юқорида қайд этилган илмий асарнинг муаллифи мазкур рисолада биология, кимё, физика ва кристаллография фанларининг ютуқлари асосида дарвинизмнинг ўзаги бўлмиш табиий танлашни танқид қиласди.

Дарвин таълимоти бўйича организмда аста-секинлик билан бўладиган ўзгаришлар авлоддан-авлодга суюк суриб, янги турни ҳосил қиласди.

Мутация эволюциянинг омили ҳисобланади. Об-ҳаво, тупроқ, сувнинг кимёвий таркиби, заҳарли моддалар, рельефнинг ўзгариши, вулқонлар, электр зарядлари, чақмоқлар ва ҳарорат таъсирида мутация юзага келиши мумкин. Ушбу омиллар жонзорларда айрим ўзгаришларга сабабчи бўлади, уларнинг бир улуши наслдан наслга берилиши мумкин. Эволюционистлар мутацияни янги турни тасодифан тез ҳосил қилувчи, генларнинг ўзгаришидаги пневматик болга деб қарайдилар.

Мутациялар хужайраларнинг бўлинишида намоён бўлади. Лекин ўзгаришлар ташки омиллар масалан, кимё, радиация таъсирида бўлиши мумкин. Генларнинг ўзи жуда турғун, ўта аниқлик билан хужайрага кўчирилади. Табиий ҳолатда ДНҚдаги ўзгариш 10^5 (миллиондан бир) га teng, бу жуда кам учрайдиган

ҳодиса бўлиб, уни тузатадиган ферментлар мавжуд. Агар, мутация чегарадан чиқса, организм геномида фалокат содир бўлади.

«Ҳаёт манбалари» деган китобида АҚШ профессори А. Азимов «Мутацияларнинг кўпчилиги зааралидир» дейди. Лекин, деб фикрини давом эттиради олим, «узоқ муддатли мутация эволюцияга ижобий таъсир қилиб организмни такомиллаштиради» деб, эволюция жараёнига ижобий жавоб беради.

Эволюцияга асосан, тасодифий мутациялар янги ген ҳосил қилиб, улар эса бошқача оқсиларни синтезлаб генотипдаги ўзгаришлар фенотипда намоён бўлади ва шу йўл янги турни ҳосил қилиши мумкин.

Эволюция тарафдорларининг асосий гоялари ҳар хил турлардаги тўқима, аъзоларнинг бир-бирига ташқи кўринишидан ўхшашлигидир. Жумладан, бош мия суклари, оёқлар, кўз, юрак, буйрак ва ҳоказолар ҳар тур ҳайвонларида бир-бирига ўхшайди. Ташқи кўриниши бир-бирларига ўхшаш бўлган аъзолар физиология, генетика, биокимё ва молекуляр биология фани орқали Ч. Дарвин даврида тадқиқ қилинган эмас. Турлар орасидаги ўхшаш аъзолар бир-бирларидан узоқ бўлиб, алоҳида генлар орқали фаолияти белгиланиши ҳозирги кунда тасдиқланган.

Биз табиатдаги эволюцион жараённи бугунлай инкор қилмаймиз, чунки одам эмбрионининг тараққиёти, уругнинг униб чиқиши янги зот ва навларни етиширища унга дуч келамиз. Лекин янги турларнинг ҳосил бўлиши замонавий фанларнинг гояси асосида тушунтирилиши жуда қийин ва шубҳали.

Дарвин эволюцион назарияни яратишни билан биргаликда унинг фандаги хизматларидан яна бири у органик дунёни ўрганишдаги қўллаган услубиётлар, жумладан кузатиш, индукция (хусусий кузатишга асосан умумий холоса чиқариш) ва дедукция (умумий холосадан хусусий гоялар чиқариш) фалсафа ва педагогика йўналишларида фойдаланилди. Мазкур усуллар фанда мантиқий холосалар яратишда жуда қўл келади.

6.10. АНТРОПОГЕНЕЗ МУАММОСИ

*Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз
Ақл кўзи қораси-жавҳари ҳам биз.
Тўтарак жаҳонни узук деб билсак
Шаксиз унинг кўзи-гавҳари ҳам биз.*

Умар Ҳаём

Одам - биологик ва социал компонентларнинг энг мураккаб мажмусидан иборат. У жонзотларнинг ичида сарвари бўлиб, унга боинқа маҳлуқотлардан фарқи ўлароқ ақд, тафаккур ато этилган. Инсон мўжизакор жонзот бўлиб, унинг нутқи, ақди, руҳий ҳолати, ўзига хос жинсий фаолияти ва бўлак хусусиятлари билан оддий сут эмизуви ҳайвонлардан кескин фарқ қиласди.

Антрапогенез муаммолари шу пайттacha аниқ эмас. Одамни ўрганиш, оламни ўрганиш билан баробар. Инсонни ўрганиш, билиш социал, ижтимойи ва табиий фанларнинг асосий предмети ҳисобланниб келган ва келмоқда.

XIX асрда ва ҳозирги кунда ҳам одамнинг пайдо бўлишида креацион-антропологик ақида мавжуд бўлиб, бу назарияга асосан, инсон Яратувчининг буюк маҳсули ҳисобланади. Бу ҳақда Қуръони Карим ва Ҳадису-шарифларда баён қилинган.

Моддий томондан одамнинг пайдо бўлишини тадқиқ қилиш XIX асрда эволюция назарясининг пайдо бўлиши билан бошланган. Айниқса, юқорида номлари зикр қиласланади. Лекин мазкур олимларнинг одам ҳақидаги назарияларида табиий танлаш биринчи ўринда туриб, социал омиллар ҳисобга олинган эмас. Айниқса Дарвин назариясида инсоннинг ақл-тафаккури ҳайвонницидан сифат жиҳатидан фарқи ва унинг шаклланишида умуман меҳнатнинг роли ҳисобга олинган эмас.

Генетика фанининг ривожланиши ва унинг ютуқлари асосида дарвинизмни танқид қилишнинг (ҳар галгидек) янги тўлқини XX аср бошларида бошланди. Хуто де Фриз назариясига асосан эволюция геном бирликларида мутация асосида содир бўлади деган таълимот шаклланди. . Бу назария Дарвиннинг табиий танлаш гоясига боғлиқ эмас эди.

20-йилларнинг охирларида Дарвиннинг гояси мутацион ўзгаришлар бирлашиб органик дунёнинг тараққиётида синтетик назария вужудга келади. Бу назариянинг яратилишида популляция (муайян худудда узоқ йиллар давомида яшаб, кўпайиб келаётган ва бир турга мансуб индивиддар мажмун) генетикаси катта аҳамият касб этди. Янги назарияга асосан биологик система очиқ

бўлиб, ташқи муҳит билан алоқадорликда ўз-ўзидан мураккаблашиб флюктуация (сакраш) асосида янги тур ҳосил бўлади дейилади. Бу назария асосчилари эволюциядаги мутациялар тасодифан пайдо бўлади деган гояни илгари суреб кемоқдалар. Шу назарияга асосан одам ҳам тасодифан пайдо бўлган деган тахмин мавжуд.

Системанинг ўз-ўзидан мураккаблашиб, такомиллашиб бориши назарияси фанда *синергетика* (хаосдан тартибга ўз-ўзидан ўтиш) йўналишининг пайдо бўлишига сабабчи бўлади. Шундай қилиб эволюция энг содда ҳайвон «Амёба + мутация + вақт + энергия + тасодиф баробар одамга тенг» деган назарияни олга сурадилар.

Эволюция назариясига кўра. балиқлардан қуруқда юрувчилар, улардан судралувчилар, сўнг қушлар, уларнинг кетидан сут эмизувчилар ва ниҳоят охирида эса одамлар пайдо бўлган, деб тахмин қилинади.

Дарсликларда Одамнинг авлодини эволюционистлар 70 миллион йил илгари яшаган ҳашоратхўр, тўрт оёқли ташқи кўриниши каламушсимон маймунлардан бошлайдилар.

Ердан қазиб топилган суяқ қолдиқларидан бири Миср маймуни дарсликларда егелтопитеқ деб аталади. Бу маҳлукот 30 миллион йил илгари яшаган деб тахмин қилинади. 1970 йилларда инглиз газети «Тайм», Америка ҳафтаномаси, «Ню-Йорк Таймс»лар инсониятнинг авлоди деб Миср маймуни расмини чизиб нашр қилишган.

Палеонтология йилномасининг тадқиқотлари бўйича бундан 50 йил оддин Ҳиндистонда топилган маймунни бош суюгига асосан одамнинг биринчи икки оёқли авлоди деб ҳисобланади. Уни ҳинд афсоналаридағи қаҳрамонлардан бирининг номи билан Рамапитеқ деб аташган. Эволюция тарафдорлари уни 14 миллион йил илгари яшаган деб маймуннинг фақат жағ суяклари ва бир неча тиш қолдиқлари топилган.

Мичиган университетининг антропология соҳасидаги олими Гринфелд (АҚШ), Ҳиндистон ва Кения музейларидағи Рамапитеқ деб аталувчи мавжудотларнинг жағ суяклари бир неча йиллар давомида тадқиқ қилиниши натижасида улар одамницидан қўра орангутанг деб аталувчи маймунларнига жуда ўхшашлигини исботлаган.

Одамнинг қадимий авлодидан маймунодам деб аталмиш австралоцитекни (Жанубий маймун) кўрсатилади. Бу маймуннинг суяқ қолдиқлари 1920 йилда Жанубий Африкада топилган бўлиб, жағ суяклари катта, икки оёқда юрадиган, олди

томонга энгашған, танаси жүп билан қопланған, ташқи күриниши маймунга үхшайды, деб таърифлаганлар. Тахминларға асосан мазкур маймун 3-4- миллион йил илгари яшаб үттән. Эволюционистларнинг күпчилиги австралиялык бевосита одам авлоди деб санаганлар. Унинг ҳаётий шажара давомида «Хомо сапиенс»га яъни замонавий одамга айланғанлиги ҳақида оммавий нашрларда узок йиллар давомида ахборотлар бериб келдилар.

1920-40 йилларда топилған «Хомо эректус» ни (тик юрувчи одам) Пекин петикантропи, Синантроп (Хитой), уни «Нелли» деб ҳам деб аташған. Одам билан маймун үртасидаги boglovchi маймунодам сифатида «Нелли»ни мисол тариқасида күрсатиб келмоқдалар. Кейинги қазилма ишларида «Хомо эректус» деб аталған жонзорларнинг сұяклари топилған жойдан ҳозирги замон одамларнинг бош сұяклари ҳам топилған. Синантроплар бош сұягининг бир нечтаси бир жойда түпленгандырыла алған. Демек, овчилар «Нелли»нинг бир нечтасини үлдириб бош қысмларини бир жойға түплаб миясини тановул қылғанлар. Хулоса қылғанда, овчилар одам, синантроплар эса маймун бўлган.

Дарслерларда одам авлодига яқин деб Неандертал (Германиядаги водийнинг номи) одаммаймунни мисол келтириб у мавжудотни «Маймуннинг боласи, ҳозирги замон одамининг отаси» сифатида тасвиrlайдилар. Гавда тузилиши олдинга эгилган, юз, баданлари юнг билан қопланған бу маҳлук ҳам одам билан маймун үртасидаги boglovchi күпприк сифатида талқин қилинади.

Мичиган (АҚШ) университетининг антропология профессори К. Брейс Неандертал одаммаймуннинг бош сұяги ўзига хослиги, улар ҳозирги Европанинг Шимол-Жанубида (Дания, Норвегия) яшайдиган ахолига ўхшашигина таъкидлайдилар.

Илмий адабиётларида кенг тарғиб қилинадиган маймунодам авлоди деб аталмиш маҳлукни Кроманьон (Жанубий Франциядаги жой номи) деб юритилади.

Дарвин даврида одам билан маймун үртасида boglovchi маймунодам деб аталмиш маҳлукларнинг сұяклари топилға: эмас эди. Шу мақсадда нидерландиялык профессор Дюба астримизнинг бошларида Ява (Малайзия архипелагидаги орол, Индонезия худудида) оролида маймунодамнинг бош, сон ва Зта тиши сұяклари, яъни питекантроп эректус (тик турувчи маймунлар) топдим деб, бир неча мақола ва рисолалар ёзди. Дарслерларда

унинг номи ўрин олди. Кейинги тадқиқотчилар Дюба топган суяклар шубҳали, кўпроқ йирик маймун бўлган гибонга тегишли эканлиги аниқланган.

1912 йил Англиядаги бир тошилма илм аҳмлари ўртасида катта шов-шувга сабабчи бўлади. Эволюция тарафдорлари «Биз маймун билан одам ўртасидаги жонзотнинг қолдигини тоғдик» деб ёзадилар. Унинг номи фанда «Пилтдаун (Англиядаги жойнинг номи) одами» деб аталган. Унинг муляжлари тузилиб, дунёдаги йирик кўргазма ва музейларда 40 йил давомида намойиш қилинган.

Инглиз олимни Д. Волшанинг «Пилтдаун қаллоблиги» (1997) деган китоби нашрдан чиқди. Рисоладан шу нарса маълум бўлдики, Пилтдаун Англиянинг эски ташландик конларидан бири экан. Ҳаваскор табиатшунос Ч. Доулсон шу конда маймун билан одамини боғловчи мавжудотнинг бош суюгини топдим, деб эълон қиласди. Мазкур бош суюкнинг ёшини ярим миллион йил деб (у даврда Англия Евropa материгидан ажралган деб фараз қилинади) Буюк Британия оролининг биринчи одами деб эълон қиласдилар. Бу тўғрида юзлаб илмий мақолалар, ўнлаб рисола, китоблар нашр қилинган. Пилтдаун одамининг бош суюгидаги мия ҳажми ҳозирги инсонларнидан ҳеч фарқи йўқ эди.

Дарсликлардан маълумки, эволюция жараёнида маймунларнинг қўл-оёқлари ва айниқса мушакларнинг ривожланиши уларни тик юриш ҳолатига келтириб, сўнг бош мия ривожланган деган тахминга асосланган. Пилтдаун одамининг бош суюги эса бунинг тескарисини кўрсатади. Эволюция соҳасидаги олимлар мазкур «хужжатга» асосан демак маймун тўрт оёқлаб юрганида, мускуллари ҳали яхши ривожланмаган давридаёқ мияси тараққий қилиб шакланган деб, ўнлаб мақолалар ёзишиб, аввалги эволюция назариясининг тескарисини тарғиб қиласбослаганлар. 1950 йиллар бошида тадқиқотчилар, Пилтдаун одамининг суюгини қайта тадқиқ қилинганда бош қисмининг ёши 300 ва пастки жағ қисмининг эса 200 йил бўлганлиги аниқланди. Текширув давомида жағ ва бош суяклар бир хил рангга сунъий бўялганлиги тишлар эса арраланиб, силлиқданиб жойлаштирилганлиги аниқланди. Англия табиат музейи ходимларининг аниқлашича Пилтдаун одамининг бош суюги ҳақиқий одамники, жағ суяклари ва тишлари эса маймунларники бўлиб чиқди. Д. Волшанинг ёзиича, мазкур ёлғончилик фандаги XX аср қаллоблиги деб аталган.

Маймунларнинг оёқ кафти ва қўллари одам аъзоларига ўхшамайди. Маймунлар сувдан жуда кўрқадилар, аксинча, янги

туғилған қақалоқни маълум кунгача сувга солинса у суза бошлайди, кейинчалик бу туғма хусусият йўқолиб кетади. Инсоннинг ақлий ва нутқ қобилияти бош миянинг маълум марказида жойлашган, ҳайвонларда эса йўқ. Тўгри айрим ҳайвонларни ҳам сўзларга ўргатиш мумкин, лекин грамматик қонун асосида гап тузолмайдилар. Одамда эса бу фазилат геномида режалаштирилган.

Эволюционистлар одам билан маймуннинг геноми бир-бирига яқинлигига урғу берадилар, лекин инсоннинг генлар мажмуаси академик А. Баевнинг маълумотига қараганда қаламушнинг геномига ҳам ўхшар экан. Умуртқасиз чувалчангсимон саламандра ва лолагуллilar оиласига мансуб нибуфарларнинг геноми одамницидан 20 марта катталиги аниқланган.

Одамдаги хромосомлар сони олимларнинг тасдиқлашича, доимий бўлиб, эволюцияга учрамаган. Хромосомлар сони бўйича одам тўртинчи, маймун эса олтинчи ўринда (48 та хромосома бор). Биринчи ўринда эволюцион тараққиёт бўйича энг ривожланган чаён бўлиб хромосомалар сони юзгадир. Албатта бу маълумотлар эволюцион мантиққа тўғри келмайди.

Голланд олими Болкнинг илмий кузатишилари ҳам дикқатга сазовордир. У одам ва одамсимон маймунлар деб аталмиш горилла ва шимпанзе ҳомилаларининг она қорнидаги тараққиётини бир неча йиллар давомида ўрганиб, қуидаги хуласаларга келади: одамсимон маймунларининг бош ва оғиз атрофидаги соchlар дунёга келишидан один йўқолиб кетади, одам ҳомиласида умр бўйича қолади. Ҳомиланинг қорнидаги тараққиёти кўрсатилган маймунларда ва одамларда деярли бир хил кечади. Одам танаси маълум қисмидаги соchlарнинг йўқолиши ташки сабаблар ёки муҳитта мослашув бўлмай, балки олимнинг фикрича, ички ирсий омилларга боғлиқ. Горилла ва шимпанзе ҳомилаларининг кўз-қовоғидаги ажин туғилганидан сўнг йўқолиб кетади, одамларда эса қолади. Одамсимон маймунларнинг умуртқа погонасининг дум, қуироқ қисми одамга нисбатан бугунлай йўқолиб кетган. Одам умуртқа погонасининг қуироқ қисмидаги бурама қатлар умр бўйича сакланиб келади, балоғатта етган горилла ва шимпанзелардаги қуироқ қисмининг умуртқа погоналари эса бир текисда тўгри жойлашган. Горилла ва шимпанзе ҳомилаларида бош мия суякларининг шаклланиши айнан одамларницидек бўлиб, туғилгандан сўнг жағ суякларида ва тишларида ўзгаришлар бўлар экан: «Одамсимон маймунлар бўлмиш горилла ва шимпанзе ҳомилаларининг тараққиёти

маълум мудатгача айнан одамницидек ўтади» деб таъкиддайди Болқ.

Чикаго университетети (АҚШ) қошидаги приматларни тадқиқ қилувчи Йеркс иммий марказининг директори Д. Борн ўзининг кўп ийллик иммий изланишлари асосида қуйидаги холосага келган: «Питекантроп маймунлар одамдан анча илгари яшаган. Одам билан маймуннинг ўртасидаги жонзот питекантроп деб қабул қиласак, иккинчиси биринчисидан ҳосил бўлиб, кейинги эволюция жараёнида одамдан одам, питекантропдан маймун ҳосил бўлган». Демак, Д. Борн маймун одамдан пайдо бўлган деган гарб олимлари учун кутилмаган холосага келди.

Австралия олимлари С. Истил ва Ш. Хеберт иммий тадқиқот асосида одам ва шимпанзе «молекула соатлари» нинг изланишлари бу икки жонзот геномининг 99% бир-бирига ўхшашлигини, уларнинг ажralиш вақтларининг 3-4 миљлон йилга тўғри келишини таъкидлайдилар. Тўрт миллион йил илгари ўтган одам ёки шимпанзе маймуннинг қодиклари бир хил бўлган деган холосага келдилар. Австрологитек деб аталмиш маймунодамнинг скелет бўтимлари айнан одамнигига ўхшашлиги мазкур назариянинг ҳақиқатта яқин эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб голланд олими Болқ, америка профессори Борн, Австралия тадқиқотчилари Истил ва Хеберглар эволюционистларнинг ҳаммага таниш бўлган фикрларига тескари бўлган гояни асослаб, одам маймундан эмас, балки маймун одамдан пайдо бўлганлиги ҳақида холосага келдилар.

Айрим олимлар одам билан маймун ўртасида қандайдир жонзотлар бўлган инсон ўшалардан тарқалган, кейинчалик улар йўқ бўлиб кетганлар дейдилар.

Кўриниб турибдики, антропогенез муаммоси қоронги, чигал, баҳсли бўлиб келган ва шундай бўлиб фанда ҳал қилинмаган очиқ масала бўлиб қолмоқда.

Синов саволлари

1. Эволюцион назариянинг дастлабки белгилари (К. Линей, Ж. Ламарк);
2. Парадигма атамаси ҳақида тушунча.
3. Дарвин яратган эволюцион назариянинг можияти.
4. Дарвин назариясининг ижобий томонлари ва камчиликлари.
5. Эволюция жараёнида мутациянинг роли.
6. Одамнинг пайдо бўлишидаги ҳар хил назариялар.
7. Одамнинг қадимий авлодлари.
8. Одамнинг пайдо бўлиш назариясининг танқидий томонлари.

Асосий адабиётлар:

1. Лавриенко В. Н. ва бошқалар «Концепции современного естествознания», Москва «Культура и спорт», изд-во «ЮНИТИ», 1997.
2. Карпенков С. Х. «Основные концепции естествознания», Москва, «Культура и спорт», изд-во «ЮНИТИ», 1998.
3. Солопов Е. Ф. «Концепции современного естествознания», Москва, изд-во «ВЛАДОС», 1999.
4. Грин Н. ва бошқалар «Биология», изд. «мир», 1990 в 3-х томах.
5. Тўракулов Ё. Х. ва бошқалар «Умумий биология», Тошкент 1995.

Қўшимча адабиётлар:

1. Тўракулов Ё. Х. «Биохимия», Ўзбекистон, 1996.
2. Брем З. Ва бошқалар «Биология», Справочник школьника и студента. Москва, изд. «Дрофа», 1999 .
3. Струминский В. «Новое мировоззрение», Вестник РАН, 1993, т. 63, №2.
4. Лима де Фария «Эволюция без отбора», Москва, изд. «Мир», 1991.
5. Аўстмуҳамедов Қ. «Икки йўлу бир манзил», шарқ юлдузи, 1992й. 7
6. Тросников В. «Научная картина мира», Звезда Востока, 1993, 10, 1994, 5-6.

7.1. ТУПРОҚШУНОСЛИК ФЛНИНГИГ АҲАМИЯТИ

Мазкур соҳа тупроқ ҳақидағи фан бўлиб, унинг келиб чиқини, ривожланиши, тузилиши, таркиби, хоссалари, унумдорлиги, географик тарқалиши ва ундан рационал фойдаланишини тадқиқ қиласди.

Атмосферанинг атмосфера билан чегараланган қисмини тупроқ ташкил қиласди. У генетик болгандан кесмалардан иборат бўлған табиий бирикма бўлиб сув, ҳаво ва жонзотлар таъсирида шаклланади.

Рус олими В. В. Докучаевнинг фикрича «тупроқ табиий - тарихий жараёнда алоҳида шаклланган табиатнинг мужизавий маҳсул бўлиб, унинг кесимларида жонли ва жонсиз дунёнинг бир бутун мутаносиб, гармония эканлигини пайқаш мумкин». Тупроқ хилларини кузаттган одам унинг иқлим, ўсимлик, ҳайвонот, вақт ва рельеф билан боғлиқ ҳолда бўлғанлигига ишонч ҳосил қиласди.

Тупроқ табиатдаги органик бирикмалар ҳосил қилувчи, яна унга қайтишини даврий равишда амалга оширувчи юритма бўлиб, ишониятни озиқ-овқат билан таъминловчи асосий омиллариди.

Рус олими, профессор М. И. Афонин «тупроқ Яратувчининг мужизалари ичida энг мураккаб бўлған мужизадир» деб таъриф берган эди.

Машҳур олимлардан В. И. Вернадский «атмосфера, биосфера ва гидросфералар тасирида шаклланган тупроқ бу ернинг заковатли зангиdir» деган. Тупроқ занти деганда Олим төг жинслари қайта ишланган ҳосиласини кўз олдига келтириб ўсимликларни ўсиш ва ривожланиш мухити деб тушунтирган.

Академик В. Р. Вилямс эса «тупроқ дейилганда қуруқлиқдаги ернинг юмшатиш мумкин бўлған ва ўсимликлар ҳосил берадиган қисми «деб атаган.

Тупроқнинг төг жинсларидан фарқи унинг унумдорлигидир. Тупроқнинг табиий унумдорлиги унинг таркибидағи минерал, органик бирикмалар захираси ва унинг гидротермик хусусиятлари билан белгиланаади. Тупроқнинг суний унумдорлиги дейилганда унга берилган ўтилар ва агротехник тадбир, чораларининг мажмуи тушунилади. Тупроқ ҳосилдорлигининг самарафдорлиги унда пишиб етилган ҳосилнинг миқдори ва сифати орқали аниқланади. Ҳосилдорликнинг самарафдорлиги

ҳозирги кунда илм- фан ва техниканинг ривожига ҳам боғлиқ бўлиб бормоқда

Тўртта компонент тупроқ таркибини белгилайди: улар минерал қисми (тупроқни 60% гача ташкил қиласди), органик бирикмалар (10%), ҳаво (25%) ва сув (35%) ташкил қиласди. Булардан ташқари яна тупроқда жонзотлардан ташкил тоғган биотик компонент ҳам мавжуд.

Тупроқнинг минерал скелети она жинсларнинг физика-химёвий омиллари асосида шаклланади. Тупроқдаги заррачаларнинг ҳажми асосида улар маълум синфларга бўлинади.

| Лой, гил, тупроқ | Лойқа балчик тупроқ | Майда қум | Йирик қум | Шагал |
|------------------|---------------------|-----------|-----------|-------|
| 0, 002 мм | 0, 02мм | 0, 2 мм | | 2 мм |

Ҳосилдор тупроқ таркибида баробар миқдорда қум, лой ва улар ўртасидаги заррачалар учрайди. Шундай тупроқ заррачалари дона-дона ва ғовакли бўлади. Хўжалик нуқтаи назаридан тупроқлар оғир (лойли), қумоқли ва енгил (қумли) хилларга бўлинади.

Тупроқ ҳавоси, суви заррача ғоваклар орасида бўлиб, ўсимлик ва микроорганизмларнинг ҳаётий фаолиятини белгилайди. Сув ва газ тупроқда антогонистик ҳолатида бўлади. Тупроқдаги газ атмосферадаги ҳаводан кескин фарқ қиласди. Тупроқда карбонат ангидрит газининг миқдори ҳавога нисбатан бир, икки марта кўн, кислород деярлик учрамайди (1%гача). Тупроқдан углерод икки оксиди, метан, водород, азот, бирикмалари ва енгил органик бирикмалар ажralиб туради.

Тупроқ типларига - катта гуруҳдаги тупроқлар кириб, бир хил биологик, иқлимий, гидрологик шароитда ҳосил бўлиши кўзда тутилади. Масалан, тупроқ типларига чернозём (қора), серозём (сур), краснозём (қизил) ва подзол (кулранг) тупроқлар мисол бўлади

Тупроқнинг марфологияси асосида унинг сифатини ва бўлак хусусиятларини аниқласа бўлади. Тупроқнинг ранги унинг муҳим морфологик хусусиятларидан ҳисбланаади. Жумладан, қора рангли тупроқлар сифати ва ҳосилдорлиги билан ажralиб туради. Бундай тупроқлар органик бирикмалар бўлган гумусга бой бўлиб, ранги қора бўлади.

Ҳосилдорликни белгилапида тупроқнинг сувга нисбатан муносабати ҳам катта аҳамият қасб этади. Оптимал намлиқда

тупроқнинг ўз-ўзидан бўлакчаларга ажралиши ҳам унинг хусусиятларидан ҳисобланади.

Профессор С. А. Захаровнинг таклифига асосан тупроқдарнинг ташки тузилиши бўйича улар асосан уч гурухга бўлинади: куб, призма ва плита каби заррачалардан иборат бўлган тупроқлардир. Тупроқнинг юқори қатламидаги ҳосилдор қисми аксарият куб шаклида бўлиб, у ўсимликни ўсиши ва ривожланишида ўзининг сув-ҳаво режими бўйича қулай шароит яратади. Бўлак ҳилдаги тупроқлар сувнинг ювилиш қобиљиятига чидаш бераолмайдилар. Тупроқнинг ювилиш жараёнида (элювиирланиш) унинг юқори қатламидаги жинслар пастки ёки ўрта қисмларига (иллювиирланиш) тўпланадилар. Бундай ҳолат тупроқда намлик ва ювилиш шароити яхши бўлганда кузатилади. Элювиирланишда плита, иллювиирланиш жараёнида эса призма шаклидаги тупроқлар ҳосил бўлади.

Тупроқ қатламининг ҳосил бўлиши тўғрисидаги маълумотлар Юнон, Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё олимлари ва аломалари жумладан, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абу Бақр Наршахий асарларида келтирилган.

Тупроқ-органик, минерал моддалар, она жинс, ўсимлик, ҳайвонот, иқдим, замон ва релефнинг таъсиридан ҳосил бўлган маҳсулотдир. Тупроқ ҳосил бўлиш жараёнини профессор Ҳ. Ҳ. Турсунов қуйидагича тасвирлайди: «Биз тог жинслари ва ётқизиқлар устида, табиий шароитда, тупроқ қатламининг ҳосил бўлиши, ҳамда табиий ва инсон таъсирида унинг ривожланиш эволюциясидир». Олимларнинг фикрича, тупроқ ҳосил бўлишининг биринчи босқичи тог жинслари, магматик, метаморфик ва чўкинди жинсларнинг емирилиш даврига тўғри келади.

Геологик жараённинг абиотик даврида ҳосил бўлган ётқизиқларда тупроқлар бўлмай фақат тог жинсларининг емирилган қисмлари бўлган деб, тахмин қилинади. Дастрлабки геологик жараёнларда фақат тог жинслари емирилиб, минераллар ўзгариб, майдаланиб, муайян сув оқимлар таъсирида йўналиб, ернинг рельефи бўйича йиғилма ва тўпламлар ҳосил қилганлар. Тупроқ абиотик, биотик тизим маҳсулиниң гумусли, генетик кесма қатламларидан иборат, маълум морфологик тузилишга эга бўлиб, унумдорлиги билан ажралиб турадиган табиий, тарихий маҳсулотдир.

Тог жинслари ва уларнинг емирилишидан ҳосил бўлган ётқизиқлар, чўкиндилар ва умуман емирилган жинсларнинг барчаси геологик жараён ҳисобланиб, ер юзида элювиал, ўтувчи

(транзит) ёки аккумулятив (ефма) ер қобигини ҳосил қилиб, тупроқ қатламини шакллантирувчи она жинслар ҳисобланади.

Айрим тупроқлар ўтказувчанлиги, бирламчи ва иккиласмачи қаллоид минералларни мавжудлиги, биофильтр үнсурларнинг тұпланиши билан фарқ қиласы. Ҳосил бўлган етқизиқлар устида дастлабки содда тупроқлар шаклланади. Юқоридаги омиллар таъсирида тупроқнинг кесмалари ва генетик қатламлари ҳосил бўлади. Тупроқларнинг эволюцияси натижасида шаклланган кесмалар ва тўлик қатламлар ҳосил бўлиши билан биргаликда, тескари жараёнлар эррозия (ювилиш) ва шўрланиши ҳам мумкин.

Тупроқ ҳосил бўлиш жараёнлари яна рельеф, геокимёвий омилларга боғлиқ. Буларга адлар, дарё пилла-поялари мисол бўлади.

7.2. Табиатда тупроқнинг роли

Тупроқ қатлами ернинг геофизик қобугларидан бўлиб, уни педосфера дейилади. Тупроқнинг геосфера функцияларидан бири шуки у тириклик билан жонсиз табиат ўртасида боғловчи ришта вазифасини бажаради. Тупроқнинг асосий вазифаси ерда ҳаётий жараёнларнинг даврилиги ва давомийлигини таъминлайди.

Тупроқда ўсимликлар илдиз отиб, ўсиб ривожланади, майда ҳайвонлар ва кўп миқдордаги микрожонзорлар учун ҳаётый манзилдир. Тупроқнинг шаклланишида метаболизм учун сув, минерал элементлар асосида ўзлаштириш онсон бўлган кимёвий бирикмалар синтезланади. Шундай қилиб, тупроқ жонзорларнинг ҳаётий сабабчиси бўлса, айнан ҳаётнинг ўзи эса унинг оқибати сифатида талқин қилиш мумкин. Шунинг учун, тупроқ биосферанинг асосий қисми бўлиб ҳисобланади.

Энергияни захира сифатида тўплаш тупроқнинг хизматларидан ҳисобланади. Ўсимликлардаги фотосинтез жараёни тупроқда энергия тўпашнинг асосий омилидир. Рус олимни В. А. Ковданинг маълумотига қараганда ҳар йили иссиқлик, озиқ-овқат ва ем-ҳашак сифатида $7 \cdot 10^{12}$ кВтс энергия кўмир, нефт, газ ва торф сифатида ишлатилади. Мазкур энергия ҳам геологик даврларнинг ибтидосида ўсимликардаги фотосинтез жараёнига боғлиқ бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Дарё, шамол ва ядрорий энергиялар тупроқдагиларга нисбатан жуда оз қисмини ташкил қиласы. Ҳозир ва келгусида, узоқ йиллар давомида инсоният учун асосий энергетик манба сифатида Қуёш

ҳароратининг тупроқ--ўсимлик--ҳайвонот дунёси тизимидағи трансформирланган шакли ҳизмат қилади. Жонзотларнинг қодиклари табиатда тез парчаланиб минерал ҳолатига айланадилар. Уларнинг оз қисми гумус сифатида тупроқнинг биосферада фаолият кўрсатишида асосий рол ўйнайди.

Тупроқнинг глобал функцияларидан яна бири кимёвий ва биофильтр элементларнинг катта геологик, кичик биологик жараёнда даврий равишда айланиш қонуниятларини таъминлашдан иборат. Муҳим биофильтр элементлар бўлмиш углерод, азот, кислородларнинг биогеокимёвий айланиш ҳалқаси тупроқ орқали амалга ошади. Бу элементлар ўсимликларда органик бирикмаларнинг синтезида асосий ҳом ашё ҳисобланади. Улар тупроқда мураккаб жараёнлардан ўтиб, маълум улушлари атмосфера ва гидросфрага қўшилади. Шу аснода, тупроқ атмосфера ва гидросфера таркибини ҳам бошқарib турища иштирок этади.

Тупроқнинг глобал ўрни қаторига биосферадаги жонзотларнинг тарқалиши ва самарадорлигини бошқарища иштирок этишидир. Тупроқнинг фақат ҳосилдорлик фазилати эмас балки айрим жонзотларнинг ҳаётий фаолиятини ҳам таъминлашда иштирок этади. Масалан, ибтидоий цивилизация ҳосилдорлиги юқори бўлган тупроқли худудларда шаклланиб ривожланган.

Шундай қилиб, тупроқ ишлаб чиқариш воситаси, қишлоқ хўжалигида эса меҳнат қуроли бўлиб, биосферадаги аҳамияти унинг планетамиз худудларидаги чегараланган тарқалиши жиiddий ижтимоий ва сиёсий келишмовчиликларга сабабчи бўлганлиги ва бўлаёттанлигига тарих гувоҳдир.

7.3. Инсон фаолиятида тупроқнинг аҳамияти

Инсон ҳаётida табиий муҳитнинг асосий қисмини тупроқ эгаллайди. Таъкидлаганимиздек, тупроқ қишлоқ хўжалигининг асосий воситаси сифатида, табиий ресурсларнинг тезда янгиланмайдиган категорияларига кириб, табиатнинг мужизавий иномидир. Шунинг учун ҳозирги кунда табиат ва атроф-муҳитни асраш, улардан рационал фойдаланиш ҳақида хақаро уюшмалар жумладан, «Дунё тупроқ ҳаритаси», «Халқаро тупроқ сиёсати» мавжуд. Халқаро тупроқ ҳақидаги қонун, режалар инсон учун муҳим аҳамият касб этиб, у мураккаб комплекс муаммоларни хусусан, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳам қамраб олган. Мазкур муаммолар ерга бўлган хусусий мулкчилик унга тегишли

мажбурният ва миллий ҳуқуқлар ерларнинг иқтисодий кўрсаткичларига киради.

Атроф-мухитга нисбатан тупроқ протекторлик вазифасини ҳам ўтаб келмоқда. Тупроқ атроф - муҳитни ифлос қаладиган моддаларни жумладан, радионуклитларни физика - кимёвий йўл билан биринчириб, табиатда ўзига ҳос филтирик вазифасини бажаради. Лекин тупроқнинг заҳарли модда, газлар ва радиоактив элементларнинг ютиш, нейтраллаш, заҳарсизлантириш имконияти чексиз эмас. Мазкур техноген прессинг жараёнларининг тўхтовсиз қўпайиши, айрим ҳудудларда тупроқнинг заҳарланиши натижасида одамларнинг касалланишига сабабчи бўлмоқда.

Ҳар бир инсоннинг сиҳат - саломатлиги кўп жихатдан унинг мажбур бўлиб яшайдиган муҳитига ҳам боғлиқ. Бу жараёнда тупроқ ҳам ўз аҳамиятига эга. Илгарилари номаълум бўлган касалликларнинг сабаби тупроқ шароитига боғлиқ эканлиги кейинчалик аниқланди. Айрим кимёвий элементларнинг тупроқда камлиги, етишмаслиги ёки уларнинг ўзаро нисбатлари бузилганилиги одамларда турли касалликни тарқалишига олиб келади. Мисол тариқасида кенг тарқалган қалқонсимон безлар касаллиги (буқоқ, базедов), тишлардаги эмал пардасининг зарарланиши (кариес ва флюороз). Тупроқ қатламишининг айрим хусусиятлари онкологик касалликларга сабабчи бўлиши ҳам аниқланган. Ошқозон раки Англия, Франция, АҚШ га нисбатан Тунис, Миср ва Авғонистонда кам учрашишига сабаб тупроқ таркибида магний ионининг миқдорига боғлиқдиги аниқланган. Тупроқда магний иони кам бўлса у табиий озиқ-овқат таркибида ҳам оз миқдорда учраб, инсонда рак касаллигини келиб чиқишига сабабчи эканлиги шифокорлар томонидан аниқланган. Тупроқ таркибида калций, магний ва марганец элементларининг ўзаро нисбати бузилса ҳам юқорида кўрсатилган бедаво касалликни пайдо бўлишини онкологлар тупроқшунослар билан ҳамкорликда яқинда аниқладилар.

Айрим ҳудудлар тупроқларидағи кимёвий элементлар миқдорининг аномал ҳолати сабабли учрайдиган касалликларни эндемик деб, уларни биогеокимёвий ҳудудлари асосида алоҳида ҳариталар тузилган. Тупроқ ва сувининг биогеокимёвий хусусиятлари асосида инсон ва ҳайвонларнинг касалланган манзиллари ажратилиб, режа асосида даволаш чоралари кўрилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, миллионлаб микроорганизмларнинг макони тупроқ ҳисобланади. Тупроқдаги

микрожонзотларнинг айримлари ажратилиб, улардан тиббиётта зарур бўлган дори-дармонлар жумладан, антибиотиклар тайёрланади. Тупроқ микрофлорасида мироорганизмларнинг патогенли хиллари ҳам бўлиб, улар оғир касалликлар бўлган хусусан, одамни тириштириб, қотириб қўядиган юқумли қоқшол (*b. tetani*), Сибир куйдиргиси (*b. antracis*), ракли шиш (*b. oedematis maligni*) ва бўлак дардларга сабабчи бўлиши мумкин. Одам ва ҳайвонларда учрайдиган айрим касалликлар маълум, муайян тупроқ худудларида яшовчи ҳайвонларга боғлиқлиги аниқланган. Қум, қумлоқ, даشت, чўл тупроқларида яшовчи ҳашорот ва кемириувчилар ҳавфли касалликлар бўлган туляремия ва ваболарни тарқалишига сабабчи бўладилар.

Пахтачилиқда атроф мухитни ва умуман экологик ҳолатни бузувчи сабаблардан бири, бу ҳар гектар ерга сепиладиган заҳарли моддалар миқдорининг ниҳоятда кўплигиадир. Бегона ўсимликларга қарши ишлатиладиган гербицидлар, зааркунанда ҳашоратларга қарши курашадиган инсектицидлар, пахта терими олдидан баргларни тўкиш учун қўлланиладиган дефолиантлар, уларнинг барчаси дала майдонларида тупроққа тушиб, экологик вазиятта салбий таъсир кўрсатади.

Заҳарланишга қарши курашиш ва экологик вазиятни сақлаб туриш мақсадида пахтачилиқда ишлатиладиган 'кўплаб кучли кимёвий дорилар тақиқланади ва тақиқланмоқда. Республика соғлиқни сақлашни Вазирлигининг руҳсатисиз янги заҳарли моддаларни синааб кўриш ҳам ман қилинган.

Шундай қилиб медицина ва ветеринарияларнинг мұхим муаммолари тупроқ қатламишининг таркибига боғлиқ бўлиб, тупроқшуносларнинг иштирокисиз ҳал қилиб бўлмайди. Шунинг учун 1986 йилда тупроқшуносларнинг Халқаро жамияти қошида «Тупроқ ва геомедицина» ишчи гурӯҳи ташкил қилинган. Шу ҳаракатлар асосида тупроқшунослик фанининг янги йўналиши медицина соҳаси шаклланди.

Жамият фаолиятининг яна бир мұхим соҳаси тупроқ қатламишининг хусусиятларига боғлиқ. Бу ҳам бўлса, тупроқ ҳар хил мұхандислик ва геологик хусусиятларга эга. Ёғоч, метал ва бетон конструкциялари, биноларнинг пойdevори ва уларнинг узок йилларга чидамлилиги тупроқнинг кимёвий таркиби, намалилиги улар ўртасидаги ўзаро муносабатларга боғлиқ. Йул, аэрородром ва катта кўприкларнинг қурилишлари ҳам тупроқшуносларнинг илмий маълумотлари асосида амалга оширилади.

В. В. Докучаевнинг фикрича келгусида табиатшунослик фанининг (геология, иқлимшунослик, ботаника, зоология, инсон

ҳақида фанлар) ядросида тупроқшунослик фани эгаллайди деб башорат қилган эди. Ҳақиқатдан бирнеча ўн йилликлардан сўнг биосфера ҳақида таълимот яратилди. Бу янги фаннинг таъмал тоцини эса В. В. Докучаевнинг шогирди машхур рус олими В. И. Вернадский қўйди.

Хулоса қилиб айтганда тупроқни ҳар хил модда ва зарарли унсурлар билан ифлослантирмасдан тоза ҳолда сақлаб туриш муҳим аҳамиятта эга. Тупроқ ҳалқимизнинг Миллий бойлиги бўлиб, уни авайлаб асрар келгуси авлодга яроқли тупроқни етказиш учун таълим-тарбия ишларини мактабдан бошлашимиз зарур. Дунё жамотчилиги бу муҳим масалани англагаш ҳолда амалий қадамларни бошлаб юборган. Ўқувчи, ўқитувчи, талаба ва олимларни бирлаштирувчи «Global Project» режаси АҚШ да тузилиб, унинг вазифаларидан бири мактаб ўқув режасига тупроқшунослик фанини киргизицдан иборат бўлди. 1997 йилдаёк 64 мамлакатдан беш минг мактаб жамоаси юқорида кўрсатилган режага рози бўлиб, рўйхатдан ўтказилган.

Республикамиз аҳолисининг 70% қишлоқ ҳудудларида истиқомат қиладилар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етишириш, қайта ишлаш билан банд бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда Халқ таълим мининг маъсул ходимлари мактаб, лицей, коледж ўқув режаларига «Тупроқшунослик асослари» фани киритилишига бош қўшиб, ташабус кўрсатсалар ҳалқимиз ва айниқса ёшлар учун фойдаладан ҳоли бўлмаган бўлур эди.

7.4. Ўзбекистон Республикасида тупроқларнинг муҳтасар тавсифи

Республикамиз миқёсида 4, 9 млн Га ҳайдаладиган ёр бўлиб, шундан 4 млн 280 минг Га сугориладиган, 620 минг Га ер ламикор ерлар ташкил қиласди. Ўлкамиз тупроқларидан тўғри, одилона фойдаланиш максадида маҳаллий тупроқшунос олимлар томонидан Республикализнинг сугориб экиладиган ҳудудларига жойлашган хўжаликлар учун ва ламикор зонадаги ерларнинг кўпчилик қисмлари учун хариталар тузилиб даврий равища фойдаланиш учун топширилади. Тупроқ хариталида ҳар бир хўжалик майдонида учрайдиган ва бир-биридан фарқ қилувчи бир неча тупроқ типлари, онлалари ва турлари кўрсатилиб, уларнинг сифати, кимёвий таркиби, физик хоссалари, ниҳоят ҳар қайси тупроқ турларидан тўғри фойдаланиш услубиётлари қайд этилади.

Тупроқ типи эңг қатта таксономик бирлик бўлиб, бунда бир хил иқдимий, биологик ва гидрогоеологик шароитда ривожланган тупроқлар мужассамлантирилган. Ҳар бир тупроқни тўғри ва пухта ўрганиш учун дастлаб биз уни қайси тип ёки оиласа мансуб эканлигини аниқлаб олишимиз керак.

Ўзбекистон Республикасида доцент Х. Абдулаевнинг маълумотига қараганда 40 га яқин тупроқ типи, юзлаб оила, тур ва турчалари мавжуд бўлиб, улар бир-бирларидан фарқ қиладилар.

Умумлаштирилган ҳолда ҳудудимизда учрайдиган асосий тупроқ типлари ҳакида қисқача тўхталиб ўтамиш.

Шимолдаги тундра-глейли тупроклардан бошлаб, субтропик кенгликлардаги қизил ва сарик тупроқларга қадарли бўлган деярлик барча тупроқ типлари учрайди.

Сур тусли қўнгир тупроқлар асосан сахро ҳудудлари, Устюрт платоси, Қарши, Малик, Қизилқум чўлининг жануби ва чўл зонаси билан туташган қадимги төғ ости баланд текисликларида (Фаргона водийси) кенг тарқалган.

Мазкур тупроқларнинг ўзига хослиги шуки, қатламсимон говак қатқалоқ қатлам, лойлашган ва зичлашган темирли қатқалоқ ости қатлами чиринди миқдорининг озлиги, тупроқ қатламларида кичик бўлиши, тупроқ остки қатламларида гипс минералларининг тўпланиши билан характерланади. Кўрсатилган ҳудудларда иқдимнинг қуруқлиги тупроқларнинг шўрхоклик ва шўртобликка мойиллигини кучайтиради. Бундай тупроқларда гипс қатлами ер бетига жуда яқин жойлашганилиги учун унумсиз тупроқлар қаторига киритилган.

Сур тусли қўнгир тупроқлардан асосан, чорвачилиқда ва айниқса, қоракўлчилиқда кенг фойдаланилади. Бу тупроқларда ўсуви шувоқ ва шўра ўсимликларини чорва моллари истеъмол қиладилар. Қиш ойларида қор узоқ турмаганлигидан бу яйловларда йил бўйи мол боқиш мумкин.

Тақирисимон тупроқлар асосан дарё водийларига яқин, лекин тоинкин сувларининг таъсири тўхтаган ерларда лой, қум ва қумоқ ётқизиқлардан ташкил топган аллювиал ва пролювиал текисликларда пайдо бўлади.

Тақирисимон тупроқларда чиринди миқдори 0, 3 - 0, 5 % атрофида бўлиб, чукурлашган сари у камайиб боради. Мазкур тупроқлар аксари шўрланган бўлиб (0, 3 - 2 %) уларнинг маълум қисми унумдор сугориладиган ерларга айлантирилган.

Тақирисимон тупроқлар сув манбаларига яқин паст текисликларда тарқалган. Амударёнинг қуий оқими ва Қарши чўлларида бундай тупроқларнинг бир қисмига сув чиқарилиб,

улар пахта майдонларига айлантирилган. Бу тупроқлар структурасыз бўлганлиги учун сугорилгандан сўнг қатқалоқ ҳосил қиласди. Бунинг одини олиш учун тупроқнинг етилган вақтида агротехник ишларини тўғри баҳарилиши керак. Шўрланган ерларни ювиш, тупроқда нам тўплаш мақсадида яхоб суви бериш, сизот сувларининг оқими учун зовурлар (дренаж) қазиб, шўрланишининг одини олиш каби ишлар ҳам бу тупроқларда олиб бориласди.

Кумли ва қумлоқ тупроқлар Қизилкум, Қарши, Бухоро, Хоразм, Марказий Фарғона ва шунга ўхшаш қумли чўлларда кенг тарқалган. Қумлар бўш ва говак бўлганлигидан ёғин-сочин сувлари тўлиқ шимилганлиги учун у ерлар ўсимликларнинг ўсиши учун қулагай ҳисобланади. Релефи текис бўлган қумли тупроқларга сув чиқариб дәхқончилик қилиш мумкин. Сизот сувлари чуқур бўлмаган қумли тупроқларда зовурлар қазилиб даҳқончилик ишлари ривожланмоқда.

Тақирлар чўл ҳудудининг тупроқлари бўлиб, улар кичик-кичик майдонлар шаклида йирик қум ораликларидағи паст текисликлар, дарё делталари атрофидаги тошқин сувлари ёйиладиган майдонлар, қадимги аллювиал текисликларнинг пастқам ерларида тарқалгандир. У ерларда палахса-палахса ёриқлар бўлиб, олий ўсимликлар деярли ўスマЙДИ. Бундай тупроқларнинг умумий қалинлiği 25-35 см атрофида бўлиб, таркибида 0,4 - 0,7 % чиринди бўлади.

Тақирлар структурасиз тупроқлар ҳисобланиб, ўзидан намни ёмон ўтказади. Қуруқ ва зич тақирларнинг устки қисми ёз ойларида 80°C гача қизийди. Уларнинг физик хоссалари ёмон, чиринди ва озиқа моддалари оз, биологик фаоллиги суст, шўрхокланган ва шўртблланган бўлганликлари учун дәхқончиликда яроқсиз ҳисобланади.

Тақирларни унумдор ерларга айлантириш учун уни дастлаб чуқур ҳайдаш, зич ва шўрланган устки қатламларини пастки қатламлар билан аралаштириш, шўр ювиш, баъзи ерларга эса гипс, қум солиш, соя ва кўп илдиз берувчи ўтлар экиш, органик ўритлардан фойдаланиш ижобий натижалар беради.

Чўл зонасида учраши мумкин бўлган интrozонал тупроқлар ҳам бўлиб, уларга ўтлоқи, ботқоқли-ўтлоқ, аллювиал ўтлоқи, аллювиал ботқоқли ўтлоқ ва шўрхок тупроқлар киради. Торғ олди, чўл-дашт минтақасининг тупроқлари тор ҳудуди тупроқларининг биринчи погонаси ҳисобланиб, буларга торғ олди ва торғ ости баланд текисликлари киради. Бу зона мураккаб релефли ерлар

бўлиб, кўпчилик қисми лёсс, лёссимон шагалли-соз, чагир тошли ва шагалли пролювиал ва делювиал ётқизиқлари билан қопланган.

Чўл-дашт ҳудудларида лалмикор дехқончилик ишларини олиб бориши имконияти бўлгани ҳолда сунъий сугориш ишларини ўюшибтириш мумкин. Бундай зоналарнинг асосий тупроғи бўз тупроқлардир.

Чўл-дашт зонасининг ичидаги бўз тупроқлардан ташқари зоналаро(интразонал) тупроқлар ҳам учрайди. Буларга дарё воҳаларида бўлувчи ўтлоқи, аллювиал-ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи, гилли ботқоқ-ўтлоқи, торфли ботқоқ-ўтлоқи ва шўрхок тупроқлар киради. Бундай ҳудудларда сугориш ишлари анча ривожланганлиги учун сугориладиган бўз тупроқлар ҳам кенг тарқалган.

Ўлкамизда тузлари кўп бўлган ва ер ости сувлари яхши оқиб кетмайдиган ерлар ҳам бор (Хоразм, ҚҚАР, Бухоро, Қашқадарё, Марказий Фарғона, Мирзачўл).

Тоғ тупроқларини бир-биридан фарқ қиливчи бир неча минтақаларга ажратиш мумкин. Пастки тоғ минтақасининг қуруқ дашт ва йирик ўтили ярим саванналарининг жигарранг тупроқлари дengiz сатҳидан 900 - 1200 метргача баландлиқда жойлашган.

Бу ерларда ёгин-сочин асосан баҳор ва куз фаслларига тўтри келиб, баланд бўйли ўтлар, буталар, ёввойи бодом ва тоғ олчалари ўсади.

Жигарранг тоғ тупроқлари яхши физик хоссаларига эга бўлиб, структурали, серковак, юқори сув ўтказувчанлик қобилиятига ҳамда катта нам сигимига эга. Бундай ерларда кенг тарқалган сув эрозиясининг олдини олиш учун асосан, табиий ўсимламжаларни сақлаш, бутазорлар ва мевали дараҳтзорлар барпо қилинади.

Ўрта тоғ минтақасининг ўтлоқи дашт ва ўрмон тупроқлари дengiz сатҳидан 1200—2300 метр баландлиқда жойлашган бўлиб, ҳар хил тупроқ типлари учрайди.

а) Жигарранг тоғ - ўрмон тупроқлари. Бу тупроқларда чиринди миқдори 3-6 % атрофида бўлиб, серунум ҳисобланади. Бу ерларда боғдорлик кенг суръатда ривожланган.

б) Қора-қўнғир тоғ ўрмон тупроқлари дengiz сатҳидан 1350-2400 метр баландлиқда жойлашган. Ўрмонлар бу ерда яхши ривожланган. Бундай тупроқлар чириндига бой (5 - 15 %).

Сувга чидамли структуранинг мавжудлиги, юқори нам ўтказувчанлик ҳамда катта нам сигимига эга бўлиш, бу тупроқларнинг ижобий физик хоссаларига эга эканлигидан

далолат беради. Улар юқори табиий унумдорликка эга бўлиб, кўп дараҳтзорлар ҳам шу тупроқларда тарқалган.

Баланд тог минтақасининг субалпик зоналарида қора тог-ўтлоқи, типик тог-ўтлоқи ва ўтлоқи-дашт тупроқлари тарқалган.

Тог ўтлоқи қора тупроқлар тогларнинг шимолий сернам қияликларида бўлиб, буларда баланд бўйли ўсимликлар ўсади. Бу тупроқлар тўқ бўз ёки қора рангли, донадор стрктурали, чим қатламишининг мовжудлиги билан характерланади. Пастга томон тупроқ бир оз очроқ ранга эга бўлиб, кейинчалик шагалли ёки дағал механик таркибли қатламга ўтади. Мазкур тупроқ хилида чиринди 11 - 14 % ни ташкил қиласди.

Субалпик тог-ўтлоқи-дашт тупроқлари жуда яхши агрономик хоссаларига эга бўлишига қарамай, дехқончилиқда фойдаланилмай, яйловлар сифатида чорвочиликни ривожлантиришда хизмат қиласди.

Баланд тог минтақасининг алпик тог-ўтлоқи ва ўтлоқи-дашт тупроқлари дентиз сатҳидан 3000 - 3500 метр баландлиқда жойлашган. Бу минтақасининг тупроқлари хилма-хил тупроқ ҳосил қилувчи она жинслар устида пайдо бўлган. Тупроқ жараёни бу минтақада паст харорат ҳамда вегетация даври жуда қисқа бўлган шароитда ўтади. Бу минтақада тупроқ таркибида чириндиларнинг кўп бўлнишлигига қарамай, улар структурасиз ва енгил механик таркиблидир..

Алп минтақасининг булоқ сувлари ёки тог дарё ирмоқ сувлари таъсир қилувчи сернам ерларида ўтлоқи-соз торфлашган тупроқлар пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикаси шароитида баланд тог алп минтақасидан сўнг абадий қорлик ва музликлар бошланади. У ерларда аксарият, тупроқ йўқ, тошлоқликлар ва тик қоялардан иборат.

Ватанимиз майдонининг 73 % чўл зonasида, 14 % тог олди ва тог ости чўл-дашт зonasида ва 12, 7 % тог ҳудудида жойлашган.

Сугориб экиладиган ерлар фақат умумий ер майдонининг 6, 5 фоизини ташкил қиласди. Умумий ер майдонимизнинг фақат 10 % дехқончилиқда фойдаланилади. Бу, албатта, жуда оз. Бундан ташқари сугориб экиладиган ерларимизнинг қарийиб 50 фоизидан ортиги шўрланган тупроқлар қаторига киради. Шунинг учун тупроқшуносларнинг олдидағи асосий вазифа лалмикор ва сугориб экиладиган ерларимизнинг сифатини тубдан яхшилаш ва уларнинг унумдорлигини ошириш йўларини изчиллик билан илмий тадқиқ қилишдан иборат.

Мазкур бўлимни баён қилишда марҳум устозимиз Х. Абдуллаевнинг «Ўзбекистон тупроқлари» деган ўқув қўлланмаларидан фойдаланилди.

Синов саволлари

1. Тупроқ деб нимага айтилади?
2. Тупроқ таркиби қандай компонентлардан ташкил топган?
3. Тупроқ хосил қилувчи омиллар.
4. Табиятда тупроқнинг роли.
5. Инсон фаолиятида тупроқнинг аҳамияти.
6. Ўзбекистонда учрайдиган тупроқ хиллари.
7. Тупроқ ва экология.

Адабиётлар

1. Абдуллаев Х. Ўзбекистон тупроқлари, Тошкент, ТашГУ, 1973.
2. Абдуллаев Х., Турсунов Л. Тупроқшунослик асослари. Тошкент, ТацГУ, 1975
3. Бобохўжаев И., Узоқов П. Тупроқшунослик, Тошкент, «Меҳнат», 1995.
4. Безуглова О. С. Почва, её место и роль в природе. Соровский образовательный журнал. Москва, 1999, № 12.
5. Ковда В. В. Основы учения о почвах 1-2т. Москва, Изд-во «Наука», 1972.
6. Турсунов Х. Х. Тупроқшунослик, Тошкент, 2000
7. Турсунов Х. Х. Тупроқ менеролигияси. Ўзбекистон нашириёти. Тошкент 2000

VIII - БОБ

8.1. ТАБИАТНИНГ ГЕОЛОГИК ТАВСИФИ

Табиий фанларнинг тармоқларидан бўлган геология ер ҳақида айниқса, унинг қаттиқ қисми тўғрисидаги соҳа ҳисобланади.

✓ Геология йўналишининг энг яқин «қариндоши» география соҳаси бўлиб, у ер устининг тузилиши, океан ва атмосфераларнинг бир-бирларига боғлиқлигини ва ўзаро муносабатларини ўрганувчи фандир. Геология, география соҳалари табиий фанлар бўлмиш астрономия билан биология ўртасидан жой олган муҳим фан йўналишларидандир.

Астрономия ва геология фанларини туташтирувчи ришта она заминимиз Ер бўлиб, Қуёш тизимининг тузилиши ва пайдо бўлиш муаммоларини ҳал қилишда Еримиз муҳим илмий лаборатория вазифасини ўтайди.

Биология билан геологиянинг умумий мақсадлари талайгина бўлиб жумладан, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва унинг эволюцияси ҳақидаги маълумотлар шу икки фан ютуқлари асосида шаклланган. Ер қатламларининг қобигларида ибтидоий даврдаги ҳайвон ва ўсимликларнинг тош бўлиб қотган қолдиқлари асосида геологик қатламларнинг ўртача ёшлиари аниқланади. Умуман дунёни билишда, англайша геологик маълумотлар муҳим аҳамиятга эга.

Геология фани инсон фаолияти учун зарур бўлган фойдали қазилмаларни жумладан кўмирдан тортиб то уранли рудалар ва нодир элементларгача бўлган ашёларни ҳалқ хўжалигига етказишида муҳим касб этиб келмоқда. Ҳозирги кунда Ер қобигларидан ажратиб олинган фойдали қазилмалар таркиби Менделеев жадвалидаги элементларнинг асосий қисмини ташкил қиласди.

Геология фанининг ҳалқ хўжалигидаги ананавий юмушларидан ташқари ўтган асрдан бошлаб мазкур соҳанинг илмий асосланган қўлланмалари йирик муҳандислик иншоотлари бўлмиш гидроэлектрстанция, атом электростанциялари, каналлар ва сув ҳавзаларини лоийҳалаш ва қуриш ишларида хизмат қилиб келмоқда.

Охирги йилларда табиатда содир бўлиб турадиган фожиали катастрофалар бўлмиш тоглардаги ер кўчии, вулканларнинг отилиши ва зилзилаларни олдини олишда геология фани инсониятга амалий ёрдам бермоқда.

Ҳозирги кунда мазкур фан экология соҳаси билан биргалиқда геологик муҳит ва унинг компонентларни муҳофаза қилувчи геоэкология ёки экогеология бўлими шаклланди.

Назарий геология фанининг пайдо бўлганига 200 йил бўлган бўлса ҳам ернинг пайдо бўлиши ва унинг эволюцияси асосий масала бўлиб келмоқда. Шотландиялик олим Ж. Хаттон 1796 йили «Ер назарияси» деган китобни нашр қилдирган бўлса ҳам XX асрнинг ўрталариғача мазкур муаммога оид илмий асосланган назария деярлик йўқ эди.

Ўттан асрнинг 60 йилларида геология соҳасида литосфера плиталарининг (тоштахта) тектоник концепцияси парадигмали ўзгаришларга сабабчи бўлди. Жумладан, океан тубидаги қатламларнинг тузилиши ва улардаги кетадиган геологик жараёнлар ҳақида янги маълумотлар олимлар томонидан қўлга киритилди. Дунё океанлари тубидаги муайян қисмларни эгаллаб турган төг ва баландликларнинг ўртача тизмаси, уларнинг ўзак қисмида базалт қатламлари ҳақида илмий янгиликлар билан геология фани бойиди. Океан остидаги қатламлар, континентал қаватлардан кескин фарқланиши аниқланди. Океандаги пластлар чизиқли магнит аномалияри билан ҳарактерланиб, төг тизмаларининг ўқларига паралел ва жойланишлари эса симметрик эканлиги аниқланди. Қатламлардаги жинсларда уларнинг пайдо бўлиш давридаги магнит майдонлари сақланиб қолганлиги олимлар томонидан исботланган. Мазкур маълумотлар геология фанида янги соҳа палеомагнетизмни шакллантиришга сабабчи бўлди. Бу соҳанинг ютуқларига асосан қадимий даврда дунё қитъалари бир бутун суперконтинент бўлиб даврлар ўтиши билан у бўлиниб., океанларнинг ҳосил бўлишига сабабчи бўлган.

1960 йилларда океан остидаги тизмалардаги базалт магмалар билан қопланган рифтли ёруғларнинг кенгайини (спрединг) натижасида янги океанларнинг ҳосил бўлиш назарияси ишлаб чиқилди. Океан остидаги чуқур кавлашлар спрединг ғоясини тасдиқлади. Ердаги магнит майдонининг даврий айланиши (инверсия) океанларга хос бўлган чизиқли магнит аномалияларини ҳосил бўлиш сабабларини кўрсатди. Спрединг назарияси океан ости қатламларида вулканли оролларнинг шаклланиш ғояларига асос бўлди.

Океандаги қатламлар сейсмофаол зоналар томон, яъни Ернинг чуқур мантия қисмига қараб ҳаракатда бўлганлиги аниқланган. Зилзила марказларини ердаги жойланиш татқиқоти шу нарсани кўрсатди, заминимиз қобиги ва умуман литосфера

йирик ва ўртача ҳажмдаги қаттиқ, монолит плиталардан ташкил топғанligини исботлади. Уларнинг ўзаро оралари эса фаол тектоник, сейсмик ва вулканли жойлар эканлиги аниқланди. Юқоридаги гоя ва амалий тажрибалар асосида тектоник плиталарнинг мобил концепцияси геология фанида тез орада оммалашишга сабабчи бўлди.

Материкларнинг дрейф назарияси бўйича ер юзидағи қитъалар ҳар йили 5-10 см атрофида ҳаракатда бўлиб, геологик даврда улар бирнечча марта бирлашиб яна ажралишган. Мазкур гоя юқорида таъкидлаганимиздек литосферали плиталарнинг тектоник концепциясига асос бўлиб, ер эволюциясини ҳам ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда йирик литосферали плиталар қуийдаги манзилларда мавжуд: Тинч океан, Шимолий Америка, Жанубий Америка, Африка, Евросиё, Хиндистон (Хиндистон ва Хинд-Австралия) ва Антартикалардан иборат.

Буидан 200-600 млн йил илгари полеозой ва мезозой эраларида Гондвана деган қитъа бўлиб, унинг бўлиниши натижасида ҳозирги даврдаги материклар бўлмиш Америка, Африка, Осиё, Австралия ва Антарктидалар пайдо бўлган. Ер ўзининг тектоник жараёнлари туфайли даврий равишда суперконтинентларни ҳосил қилиб турган. Бирнечча миллиард йиллар давомида замин ичидағи энергия сарф бўлгандан сўнг, ер тектоник сукунатга юз туттан. Тектоник жараёнлар тўхтагандан сўнг, магматик ҳаракатлар ҳам бўлмай, ер тезда совийбошлаган. Ҳар хил жинслар парчалалиб, рельеф шаклланиб, аста секин атмосфера ва гидросфералар шаклланган.

Ернинг геосфераси ички ва ташқи қисмлардан иборат. Ички қисм ўз ҳудудига ядро (радиуси 3500 км), мантия (Ер марказидан 3500-6300 км атрофида) ва Ер қобигидан (5-75 км) иборат. Ернинг ташқи геосфераси ўз ичига гидросфера (чуқурлиги 17 км гача), атмосфера эса икки қисмдан иборат: тропосфера 8-16 км атрофида бўлиб, ундан 45-55 км тепада стратосфера қатламидан иборат.

Ер қобиги ҳам икки қисмдан океан (59%) ва континентал (41%) бўлаклардан иборат. Океанлардаги қатламларнинг чуқурлиги 5-6 км континенталларда бу рақам 40-75 км атрофида бўлади.

Мантиянинг юқори қисми ва ер қобигини литосфера (тошқотган қатлам) деб аталади. Литосфера ўзига ҳос плиталарнинг мажмуасидан иборат бўлиб, бу геологик қатлам доим ҳаракатда бўлади.

Ер мантиясининг юмшоқроқ ва эгилиувчанлик хусусияти юқори бўлган қатламига астеносфера деб аталади. Мазкур қобур континентларнинг таҳминан 100км чуқурлигига, океан тубининг эса 50км да жойлашган. Айнаш шу муҳитда литосферали плиталар ҳаракат қиласидилар.

Ернинг ички тузилишини ўрганиш XX аср бошларида геофизика ва сейсмик услубиётлар орқали эффектив равишда тадқиқ қилинабошлианди.

Ер ядроининг радиуси 3500 км атрофида бўлиб, асосан темир элементидан ташкил тонган. Ер марказида радиуси 1300 км бўлган қаттиқ ядро, суюқ қобур ичида бўлиб, унинг юқори чегараси замин марказидан 3500 км бўлган масофани ташкил этади. Ер ядроининг марказида ҳарорат 4000°C эканлиги олимлар турли усуллар орқали аниқлашган. Минераллар ер юзида ва қаърида физика-кимёвий жараёнлар натижасида вужудга келган. Уларнинг кимёвий таркиби ва физиковий хусусиятлари жиҳатидан деярли бир хил бўлган жисмлардир. Минералларнинг 3000 га яқин турлари маълум; энг кўп тарқалганлари: силикат, оксид, гидрооксид, сульфидлардир. Минералларнинг физика ва кимёвий хоссалари уларнинг кристалл структураси ва кимёвий таркибига bogliq. Минералларнинг диагностик белгилари: ажралиб чиқишидаги шакли, ранги, зичлиги, қаттиқлиги, механик, оптик, магнит ва электрик хусусиятлари орқали аниқланади.

Минераллар асосан қаттиқ ҳолда бўлсалар ҳам, табиатда суюқ (симоб) шаклдагилар учрайди. Метеоритлар таркибида ҳам минераллар борлиги аниқланган.

Палеонтология юқорида таъкидлаганимиздек қирилиб битган, қазилма қолдиқлари ва ҳаёт фаолиятидан қолган излари сақланган ўсимлик ва ҳайвонлар, уларнинг вақт ва фазода алмашиниши, ўтмишидаги барча яшаш шакллари ҳақидаги геология фанининг муҳим шаҳобчаси ҳисобланади. Тадқиқот обьектига кўра палентология биология соҳаси билан геология фани ўртасида XIX асрнинг бошларида вужудга келган. Мазкур фанининг асосчиси француз табиатшунос олими Ж. Кюве ҳисобланади. Палеонтология фани палеоботаника ва палеозоологияга бўлинади.

Ернинг геологик тарихини ўрганишда палентология фани алоҳида ўрин эгаллайди. Маълумки, Ч. Дарвин органик дунёнинг эволюцион назарияси бўйича ҳаёт соддалиқдан аста - секин мураккабликка ривожланиб борган. Дунёдаги ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ранг-баранглигини кузаттан одам Дарвиннинг эволюцион назарияси мантиқан ҳақиқатта яқин

күринади. Лекин, охирги йилларда биологиядаги органик материянинг макроструктурасини тадқиқ қилиниши молекуланинг одам эволюциясигача бўлган давр Дарвин назариясига асосан ҳозирги ер тарихидан бирнечча марта кўп вақтни талаб қиласди. Дарвин гипотезасининг иккинчи заиф томони турлар аро оралиқ жонзотларнинг камлиги ва борлари ҳам баҳсли эканликлари билан ҳарактерланади.

Худди шу ўринда Дарвин назариясига муқобил ҳисобланадиган, ҳаётнинг глобал катастрофалар асосида ривожланиш гипотезасини яраттан Кювени эслаш мумкин. Олимнинг кузатишига қараганда, ернинг бирнечча қатламларида аксарият, бир-бирларига ўхшамайдиган қадимий ҳайвон суюкларининг қолдиқлари кўзга ташланади. Демак, Кювенинг фикрacha ернинг муайян ҳар қатламида аввалги пластларида учрамайиган ҳайвонлар яшаб, сўнг геологик ўзгаришлар туфайли йўқолиб кетганлар. Ер қатламларидағи суюкларни кузатган Кюве - ҳозирги ҳайвонлар геологик ҳалокатлар таъсирида ўзгарган қадимий аждодлари ёки катастрофалардан кейин аввалги жонзотларга алоқаси йўқ янги ҳайвон турлари шаклланган бўлиши мумкин деган фояни илгари суради.

Тўрт тур ҳайвонлар (умуртқали, бўгимли, юмшоқ танли ва нурлилар) бир-бирларидан мустасно, алоҳида ажralган ҳолда ривожланган деб тахмин қилган эди Кюве. Қадимда ердаги глобал геологик ўзгаришлар ҳаёт занжирини даврий равища ўзgartириб, бузиб юбораберган. Кювенинг таҳминига қараганда қандайдир номаълум кучлар таъсирида ернинг қобуги бир хил жойларда кўтарилиб, айrim ерларда эса чўкмалар ҳосил қилган. Ҳаётнинг эволюциясида глобал ва сирли геологик кучлар таъсирида жонзотларнинг такомиллашган шакллари пайдо бўлган. Олимнинг палеонтология фани асосида органик дунёнинг эволюциясида уни тезлатувчи ва вақти-вақти билан даврий равища тормозловчи сирли юритмалар бўлган деган худосага келади. Масалан, геологик тарихнинг муайян бир даврида тормозловчи омил «эволюция конвойер»ини тўхтатиши айrim ҳайвонларни жумладан, диназаврларни қирилиб кетишинга сабабчи бўлса бир хил жозодларни тараққиётига кенг йўл очиб берган.

Органик эволюцияни тезлатувчи ёки уни тормозловчи геологик омилларни палеонтология фанига ер қатламларидағи кўплаб тошқотган қадимий ҳайвон суюкларини кузатиш асосида Кюве томонидан фанга киритилган. Лекин, органик эволюцияни тезлатувчи ёки тормозловчи омилларнинг табиати фанга сирли

бўлиб қолмоқда деб ёзган эди Кюве ўзининг «Ер шарининг устки қисмидаги тўнтиришлар ва уларнинг ҳайвонот дунёсига таъсири» деган китобида.

Геология фанининг геохронология соҳаси ер пўстини ташкил қилган тоғ жинслари пайдо бўлишининг хронологик тартиби ва уларнинг ёши ҳақидаги таълимотдир. Абсолют геохронологияда геологик замонлар минг ва миллион йиллар билан ҳисобланниб, бунда бир қанча элементларнинг бир хил тезлик билан содир бўлувчи ва ташки шароит таъсиридан ўзгармайдиган радиоактив емирилишдан фойдаланилади. Абсолют геохронологик жадвал (шкала) бирнечча эраларни ўз ичига олган икки эона даврларидан иборат: Фанерозой иони геологик тарихнинг энг йирик босқичи бўлиб, Палеозой, Мезозой ва Кайнозой эраларини ўз ичига олади. Тахминан бу давр 570 млн йил давом этган. Криптозой иони эса докембрининг ҳайвонлар склети қолдиқлари бўлмаган қатламлари шалланган вақт. Криптозой Фанерозой ионидан оддин келади. Криптозой иони архей, протерозой ва венд эраларига бўлинади. Архей билан протерозой оралиги 2500 млрд йил илгари бўлган бўлса, протерозой ва вендерга таҳминан 650 - 690 млн йил бўлган.

Палеозой эраси ўз ичига қўйдаги даврларни олади: Кембрий, Ордовик, Сиур, Карбон, Девон ва Пермлардан иборат. Палеозой эрасида тогларнинг пайдо бўлиши фаол кечган. Бу даврда дengizlарнинг пайдо бўлиши ва чекиниши бирнечча марта такрорланиб турган. Мазкур эранинг биринчи даврларида ҳаёт сувда бўлиб, палеозойнинг иккинчи қисмида қуруқликда ўсимлик ва ҳайвонлар пайдо бўла бошлаган.

Кўрсатилган эранинг бошлангич даврларида сув ўтлари, сувда ҳаёт кечиравчи умуртқасизлар ва балиқлар дунёга келган. Сиур даврларида юқори ўсимликларнинг эволюцияси фаол бошланган. Ҳудудларни плаунсимонлар, папоротниклар ва игнабаргли дараҳтлар эгаллай бошлаганлар. Бу даврга келиб, ҳамма тур ва синфларга мансуб бўлган умуртқасизлар ва умуртқалилар пайдо бўлган деб таҳмин қилинади. Қуш ва сут эмизувчилар бу эрада бўлган эмаслар.

Мезозой эраси Триас, Юра ва Бўр даврларини ўз ичига олади. Бу эрада тогларнинг ҳосил бўлиши фаол давом этиб айниқса, Тинч, Атлантик ва Хинд океанларининг қирғоқларида бу жараён кучли бўлган. Бу даврда дengizlарнинг трангрессияси (okean tubinинг кўтарилиши ёки океан ҳавзасида сув ҳажмининг кўпайиши, қуруқликнинг чўкиши ва б.) кучли бўлиб, Пангея суперконтинентининг парчаланиши натижасида ҳозирги

материклар шакилланган. Бу эрада очиқуруғли ва папоротник каби ўсимлик дунёси ривожланиб, ҳайвонлардан эса судралиб юрувчилар даври бўлган. Юра даврида диназаврлар хукмронлик қилган. Эра бошида катталаги қаламушдек бўлган сут эмизувчилар, ўртасида эса қушлар пайдо бўлган. Мезозой эрасининг охирида ёпиқ уруғли (гулли) ўсимликлар шакланган. Ҳозирги даврдан 65 млн йил илгари диназоврлар, аммонит, белемнит, қориноёқдикларнинг кўп қисми, айрим молюскалар ва денгиз рептилиялари ҳозирча аниқ бўлмаган сабабларга асосан кирилиб кеттан.

Кайнозой эраси Палеоген, Неоген ва Антропоген даврларидан иборат . Мазкур эрада замонавий ландшафтлар ва климатик минтақалар шакланган. Антропоген даврида бирнечча марта жуда катта бўлган музланишлар содир бўлган. Кайнозой эрасида замонавий ўсимлик дунёси шакланниб, ёпиқ ургилилар флораси қуруқликни асосий қисмини эгаллаган. Бу даврга келиб замонавий сутэмизувчи ва қушлар фаунада доминат ҳолатда бўлганлар. Ҳашаротлар кенг тарқалиб, приматлар пайдо бўла бошлаган.

Синов саволлари

1. Геология соҳасининг таърифи ва унинг бошқа табиий фанлар орасидаги ўзига хос ўрни.
2. Литосфера плиталарининг тектоник концепцияси хақида маълумот беринг?.
3. Материкларнинг дрейф назарияси нималардан иборат?
4. Ернинг геологик қатламлари ва уларнинг вазифалари.
5. Минералларга таъриф беринг.
6. Палеонтология фанининг вазифаси.
7. Жорж Кюве таълимотининг асосий мазмунин нимадан иборат?
8. Геология фанининг геохронология соҳаси хақида маълумот беринг.
9. Геологик эра ва даврлар тавсифи, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг шаклланиш босқичлари.

Адабиётлар

1. Карпенков С. Х. Основные концепции естествознания. Москва «Культура и спорт» Издательской объединение «ЮНИТИ» 2000 .
2. Девятова С. В., Купцов В. И. Концепции естествознания. Вопросы и ответы, Мосава изд-во МНЭПУ, 2002

3. Хайн В. Е. Современная геология: проблемы и перспективы
Соровский образовательный журнал 1996, №1.

4. Ўзбекистон Миллӣй энциклопедияси. № 1, 2, 3, 4, 5 Тошкент,
2000-2003

8.2. ГИДРОСФЕРА

Табиатда жуда күп моддалар жумладан, жонзотлар ҳам сувдан пайдо бўлиб, сувга қайтади деб такидлаган эди Юнон файласўфи Фалес. Қадимдан сувни тирикликнинг асосий омили деб қаралган. Аристотел табиатнинг тўртта субстанциялардан (ер, олов, ҳаво) бири сув деб қабул қиласан. Ушбу тўртта «бошланғич» омиллар иштироқида дунёning хилма-хиллиги шаклланади деб Юнон олимлари тафаккур қиласанлар.

Сув молекуласини структурасига аҳамият берилса у эритма сифатида ва аксарият ҳар қандай моддаларни заррачалари билан ранг-баранг боғлар ҳосил қилишини пайқаш мумкин. Сувнинг ажойиб фазилатларидан бири молекула ҳажмининг кичиклiği, кутубланганлиги (молекулада электр зарядининг нотекис тақсимоти) ва лабил водород боғларининг мавжудлиги билан ҳарактерланади.

Ерда ҳаётнинг асосини белгиловчи омилларнинг заминида сув туради. Сувга кимёвий тузилиши яқин бўлган олtingугурт гидриди ($H_2 S$) ва селен ($H_2 Se$) оддий атмосфера босими, уй ҳароратида газ ҳолатида бўладилар. Суюқ ҳолатта газ ўтиши учун ҳарорат --80°Cдан --95°C атрофида бўлиши керак. Лекин амалиётда сув бундай физика-кимёвий талабга. мос келмайди. Сувнинг муз ҳолатида суюқлиқдан енгил бўлиши сув ҳавзаларида ҳаётий жараёнларнинг сабабчиси эканлигига ўз вақтида Г. Галилей алоҳида этибор берган эди. Иссиқлик сигими сувнинг ҳаётий жараёнларида муҳим рол ўйнайди. Сувнинг бугланиши учун катта миқдорда энргия сарф бўлади. Айниқса, биз учун сезилмайдиган бугланиши, кристалланишида ҳароратнинг ҳаётий жараёнларни кетишига қулий шароит яратади. Сув ҳароратнинг озгина ўзгариши учун катта миқдорда энергия сарф бўлади. Кечакундуз ва фаслардаги ҳарорат ўзгаришини маълум меёрда сақланиб туришида денгиз, океан сувлари ўзларига хос термостат вазифасини ўтайдилар. Катта миқдордаги сув ҳавзалари об-ҳавони кескин совиб ёки исиб кетишими силлиқлаб, юмшатиб туради. Чўлу -саҳроларда кечакундуз ҳароратнинг кескин ўзгаришига ҳаводаги сув бугларининг кам ёки йўқлиги сабабчи бўлади. Сув буглари бўлмаган ҳаво, тундаги совиши тезлигини камайтира олмайди.

Сирт таранглиги юқори бўлганлиги учун сувнинг устки қисмларида кўплаб мироорганизмлар ҳаётини қулай ҳолида таъминлаш ва майда томирларда эса қоннинг эркин ҳаракатига монелик қилмайди. Ҳужайранинг 90% сувдан иборат. Юқорида таъкидлаганимиздек модда ва ионларнинг ҳужайрада ҳаракати сув муҳитида амалга ошади. Одам 1% вазнига нисбатан сувни йўқотса ташналиктни сезади. Агар инсон сувни 5% йўқотса хушдан кетади, 10% сарф қилса ҳалок бўлади.

Фотосинтез жараёнида сув водород манбаи бўлиб, ҳужайрадаги гидролитик реакцияларни амалга оширади. Сув кучсиз электролит ҳамдир. Ҳаддан ташқари тоза 5 миллиард ($2 \cdot 10^{-10}$) молекуласининг бўлмагандаги биттаси H^+ водород катиони ва OH^- анионига диссоциланган бўлади.

Ер тўхтовсиз Қуёшдан энергия олиб, ўзи ҳам атроф-мухитта ҳарорат тарқатиб туради. Шимолий яримшарнинг 38- параллел ва Кутб орасидаги ҳудудларда ернинг ажратадиган энергияси Қуёшдан олган ҳароратга нисбатан кўпdir. Экваторда эса бу ҳолатнинг тескариси содир бўлади. Ҳароратнинг мутадил ҳолати фақат сув оқимининг айланишига боғлиқ.

Сувнинг солиштирма сифими., ҳар қандай модданикidan юқори туради. Юқорида таъкидлаганимиздек атмосферада ҳаво массасининг циркуляцияси ва денгиз оқими туфайли ҳарорат иссиқ ҳудудлардан совуқ вилоятларга кўчирилади. Қутбдаги музликларнинг эриши туфайли ер Қуёшдан келган энергияни ютиб туради.

Заминимиздаги қор ва музликларнинг ҳажми ер массасига нисбатан 0,0004% ни ташкил қилади. Шу кўрсатилган қор, музликларни ер сатҳига ётқизилса унинг қалинлиги 53 метрни ташкил қилади. Агар ҳаммаси иссиқлик таъсирида бутунлай эриб кетса, океан сатҳи 64 метрга кўтарилар экан. Музликларнинг 99% Антарктида ва Греландияда жойлашган. Шунинг учун Қутбда энергиянинг қайтариш хусусияти катта бўлиб, ютилиш ва қайтариш нисбати салбий бўлганлиги учун планетамизда терморегуляция жараёни бўлади.

Сувнинг умумий массаси ерникига нисбатан 1/4000 ташкил қилиб (тажминан 1, 5. 10^{13} тонна) у юқорида таъкидлаганимиздек суюқ, қттиқ ва буғ ҳолатларида бўлади.

Ердаги сувнинг ҳолати

| Сувнинг ҳолатлари(фазалар) | Умумий массаса нисбатан % |
|----------------------------|---------------------------|
| Суюқ сув | 98, 85 - |
| Қаттиқ сув (муз) | 2, 15 |
| Атмосферадаги сув бүглари | $85 \cdot 10^{-1}$ |

Сувнинг заминимиздаги аксарият массаси шўр бўлиб, у асосан Атлантика, Тинч, Хинд ва Шимолий муз океанларида жойлашган.

Океанларнинг асосий тавсифлари

| Океанлар | Умумий сув массаси нинг фоизи | Минг кв. км. сатхи | Чуқурлиги м ҳисобида | Үртacha харорат °C | Йил ҳисобида кутарилиш мм |
|----------------|-------------------------------------|--------------------------|-------------------------|--------------------------|------------------------------|
| Тинч | 52, 8 | 178684 | 4028 | 19, 4 | 1, 5 |
| Атлантик | 24, 7 | 91655 | 3627 | 16, 5 | 1, 7 |
| Хинд | 21, 3 | 76174 | 3897 | 17, 0 | 0, 9 |
| Шимолий муз | 1, 2 | 14699 | 1296 | -0, 8 | - |

Планетамизнинг 70 фоизидан ортиқрогини дengiz ва океанлар ташкил қилади. Океанларнинг ўртacha чуқурлиги 3795 метр бўлиб, Тинч океандаги Мариан дунёда энг чуқур ҳисобланиб 11022 м ни ташкил қилади. Ўртacha сув чуқурлиги 3000 м дан 6000 м гача бўлган ўлчамлар дengiz сатҳини 76 %ни ташкил қилади. Дунёда чучук суюқ сувлар сув массасининг фақат бир фоизидан камроргини ташкил қилади. Планетамиздаги ҳамма сувлар бир бутун тизимни ташкил қилиб, даврий равишда айланиб туради. Шўр сувларга океан, дengiz, айрим минтақалардаги сув ҳавзалари (вулқонлар туфайли ҳосил бўлган, чўллардаги кўллар ва қадимий дengиз қолдиқлари) киради. Шўр сувлардаги тузларнинг фоизи ўртacha 3, 5 % ни ташкил қилиб, бир литр сувда 35 гр атрофида туз бўлади. Планетамизнинг ҳарорат режимини таъминлашда атмосферадаги ҳаво массасини океанлардаги сувлар ўртасидаги муносабати асосий ролни ўйнайди. Мазкур даврий айланиш ҳалқасининг бузилиши ва океанлардаги сув сатҳининг ўзгариши ерда музликлар ва иссиқлик даврларини келтириб чиқарган.

Дунёда йиллик сув баланси минг куб километрда ҳисобланиб, у сувнинг сарфи ва қайта тушиш йигиндисидан иборат. Бир йилда ер юзи ва океан сатхидан 505 минг куб километр сув сарфланиб қайта тушиши эса ёғингарчилик туфайли 458 ва

дарёлардан 47 км³ миқдорда тушиб, мувозанат ҳолатини таъминлайди.

Сувнинг иссиқлик сигими юқори бўлганлиги учун дунё океанлари Қуёш энергиясини захира сифатида сақловчи бўлиб хизмат қиласди. Сув сатхининг 1 см қалинидаги қисми Қуёшдан келаётган энергиянинг 94% ни ютиш қобилиятига эга.

Океанларда кечакундузги ҳароратнинг ўзгариши 1°C, йиллик эса 10°C дан ошмайди. Сув сатхидан чуқурлашган сари температура пасайиб, 100 дан 700 метргача бўлган ораликда ҳарорат кескин ўзгаради, мазкур жойни асосий термоклин қатлами деб аталади. У ерлардаги сув қатламининг ҳарорати 1-3° С бўлиб, кутб худудларида эса 0° С дан -1, 5° С гача бўлади. Дунё океанларида 200 метр сув қатлами ярим градусга совиб кетса шу жараён туфайли ҳосил бўлган энергия Европа қитъасини баландлиги 4000 метр бўлган ҳавоси билан 10° С гача иситиш мумкин.

Ернинг тектоник фаоллиги туфайли унинг қаъридан қадимий давридан бошлиб, ер юзига сув чиқиб турган ва ҳозир ҳам чиқмоқда. Архея эрасининг бошланишида (таксинан 3, 9 млрд йил илгари) ер сатхидан сув ҳавзалари кўп бўлиб уларнинг чуқурлиги 20 м гача бўлган. Бу пайтларда бир бутун океан бўлган эмас. Архея эрасининг охири (2, 6 млрд йил илгари) даврларида дунё океани шакланишиб, унинг чуқурлиги 700 метр атрофида бўлганлиги аниқланган. Таксинан 1, 2 млрд йил илгари океаннинг чуқурлиги 2900 метрга етган.

Ернинг ички қобиги бўлмиш мантиядан сувнинг дегазацияси, 5 млрд йил аввал ийлига 1, 5 куб км бўлиб, бу курсатгич секинаста камайиб ҳозир эса бу 0, 26 куб км ни ташкил қиласди. Тўрт млрд йил илгари ер юзида сувнинг ҳажми тахсинан 20 млн куб км бўлган. Олимларнинг ҳисоб китобига қараганда келгусида планетамизда сувнинг кўпайиши кутилади.

Геологик тадқиқот ишларига асосан охири 200 миллион йил давомида ерда сув сатхининг ҳозиргача нисбатан ўзгариши ±100 метрдан ошган эмас.

Дунё океанларининг юқори қисмидаги бир литр сувда 50 мл карбонат ангирид, 13 мл азот ва 8 мл кислород эриган ҳолатда бўлади.

Океанларнинг маҳсулоти чўлу-саҳроларга нисбатан бирнеча марта юқори ҳисобланади. Дунё океанларининг фақат 17% и озиқ-овқат маҳсулотлари етказища хизмат қиласди. Океанларнинг мазкур қисмларини литорал худудлар (уларга маржон рифлари, денгиз ва океанларнинг саёз ерлари киради)

деб Қүёш нурлари сув чуқурлигининг 500 метргача етиб борадиган зонаси тушунилади. Океанлар 35% нинг маҳсулдорлиги кам миқдрда бўлиб, қолган 50% и биологик чўллик ҳисобанади. Океанлардаги биомассанинг учдан икки қисми 500 м чуқурликкача бўлган қисмларда учрайди.

Чучук сувлардаги тузларнинг миқдори 0, 5 г/л (0, 005 %) ошмаслиги керак. Сувлар оқава ва ҳавза ҳолатида бўладилар. Дарёларнинг ҳаётий ҳолати кўп жихатдан қирғоқларга боғлиқ. Чучук сувларнинг асосий заҳираси ер ости сувлари ҳисобланади. Мутахасисларнинг ҳисоб китобига қараганда ер остида чучук сувларнинг миқдори 28, 5млрд. куб. км бўлиб, океанлардаги сувга нисбатан 15 марта кўп эканлиги аниқланган. Демак ер ости сувлари денгиз ва океанларни сув билан таъминловчи асосий заҳира ёки резервуар ҳисобланади.

Ер остидаги гидросферани беş хилдаги ҳудудларга бўлиш мумкин:

а) Ер остидаги музликларни Криозона деб аталади. Бундай ҳудудлар ер остининг ҳар хил чуқурликларгача чўзилади. Ер остининг шундай жойлари борки, у ерда замин қаъридан чиқкан ҳарорат туфайли музликлар эриб туради.

Крозоналар асосан Қутб ҳудудларида учрайди. У ерларда яна намакоп, тузга бой сувлар ер остида бўлиб, абадий музликларни ҳосил қилишда иштирок этиб, уларнинг чуқурлиги бир км гача боради.

б) Суюқ сувлар ер қатламининг деярлик ҳамма қисмини ташкил қиласди.

г) Ер остидаги буғ ҳолатида бўлган сув қатламининг ҳарорати 450 - 700 °С бўлиб, чуқурлиги 160 км га боради.

д) Сувнинг ер остидаги шакли мономер ҳолатида бўлиб, бу зонанинг ҳарорати 700 - 1000 °С атрофида ҳисобланиб чуқурлиги эса 270 км гача чўзилади.

е) Сувнинг ўта зич ҳолатидаги ҳудуди 3000 км чуқурликда бўлиб, ернинг ҳарорати 4000° С атрофида бўлиб, бундай мухитда сув диссоциранган водорд ва кислород ионлари ҳолатида бўладилар.

9.1. ТАБИЛТШУНОСЛИКНИНГ ГЕОГРАФИК ТАВФСИФИ ·

География табии фанлардан бири, у юонча сўз бўлиб Ер тасвири демакдир. География деб ном қўйилган китоб бундан 2000 йил Искандариялик олим Эротосфен томонидан ёзилган.

География фанининг ривожланишига ўрта осиёлик олимлар ўрта асрларда салмоқли ҳисса қўшишганлар, улар қомусчи (энциклопедист) олим бўлганлари учун география (жўтрофия) соҳасида ҳам ишлаганлар. Булар хақида юқорида маълумотлар келтирилган.

География фанининг муҳим соҳаларидан бири Қуёш тизмидаги Ер тадқиқотига багишланади:

Ер юзаси 510 000, 000 км

Экватор узунлиги 40676 км

Экваториал радиус 5378, 2 км

Қутб радиуси 6356, 8 км

Икки радиус фарқи 21, 5 км га teng.

Ер бошқа сайёralарга ўхшаш шарсимон шаклга эга, аммо аниқ геометрик шар эмас. Ер ўзига хос геоид шаклига эга. Ер узоқ вақт ўз ўқи атрофида айланиши натижасида марказдан қочирма куч қонунига биноан, экватор атрофи бўртиб, кутблар томони сиқилган буни икки радиус фарқида кўриш мумкин. Ер ўз эволюцияси натижасида геосфералар ҳосил қилган, булар ҳаво қатлами, атмосфера сув қатлами, гидросфера, тош қатлами литосферадан иборат. Геосфералар бир-бирлари билан доимий алоқада бўлиб, бир-бирларига боғлиқ бўлган ҳолдадир. Ернинг реълефи шаклланишида геосфераларнинг ўзаро алоқа ва таъсирлари асосий омил бўлган. Геосфералар орасида модда алмашинуви мавжуд бўлиб, унинг натижасида ердаги табиий жараёнлар географик қобиқни вужудга келтирган. Географик қобиқда боғлиқ ҳолда минтақалар ҳосил бўлган, улар ер шарида камарбаста бўлиб айланиб чиқади. Улар тропик, субтропик, мўътадил ва арктик минтақалардан иборат. Минтақалар ўз навбатида зоналарга бўлинади.

* Уишибу бўлим Низомий номли Тошкент, Ҷавлат Педагогика Университетининг доценти, педагогика фанларни номзоди М. Набиҳонов томонидан ёзилган.

шыман масоғы доиралар түрдән бир қисмими, яғни 90° ни ташкил қылади. Градуслар ҳисобиң өзекитордан 0° күтбек, яғни 90° ни ташкил бўйича (90°)нинг булади. Демак, масоғ экваторни ташкил қылати. Экваторни ташкил қылати.

Қуёш атизимидағи барча сайёralар ўз ўқи ва Қуёш теврагидә айланадилар ж XvIаср ўрталари гача геоцентрик назария мавжуд эди; Николай Коперник, Улугбек, гелиоцентрик назарияни яратдилар, бунга биноан сайёralар Ер атрофида эмас Қуёш атрофида айланадилар. Ернинг ўз ўқи атрофида бир марта тўлиқ айланиб чиқиши вақти 23 соат 56 минут 4 секундга тенг, буни сутқа деб юритилади. Унинг оқибати кеча ва кундуз алмашиниши натижасида бриз ва маҳаллий жамоалар пайдо бўлиши, океан, очиқ денгизларда сувнинг кўтарилиши ва қайтиши кузатилади. Ҳар қандай ҳаракатланаётган жисм Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши натижасида дастлабки йўналишдан шимолий ярим шардан ўнга, жанубий ярим шардан чаңга бурилади. Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши туфайли Ер шарида икки ажойиб нуқта мавжуд. Уларни кутблар дейилади. Улар Ер ўқининг (тасаввури) учлари бўлиб, Ер айланганда ўз жойларида тураверадилар.

Икки кутблар ўртасидан, тенг икки бўлакка бўлган чизик экватор деб юритилади. Ер шарида ҳаёлий чизиқлар ўтказилиши мумкин, улар экваторга параллел бўлганидан параллелар деб юритилади. Параллелар узунлиги кутбларга борган сари қисқариб боради, кутбларда у 0 га тенг бўлади. Ер шарини ҳаёлий (ер ўқи орқали) ўтадиган сатхларга бўлиш мумкин уларни меридиан юзалари, қисқа қилиб меридиан дейилади. Меридианнинг лугавий маъноси туш чизиги демак, меридианлар иккала кутбларни бирлаштиради. Англияning пойтахти Лондонда Гринвичдан ўтадиган Меридианни 0 чи ёки бош Меридиан деб қабул қилинган.

Харита глобусда параллел меридианлар кесишишидан тўр ҳосил бўлади, уни градус тўри деб юритилади. Экватордан ҳар қутбгача бўлган масофа доиранинг тўрдан бир қисмини, яғни 90° ни ташкил қылади. Градуслар ҳисоби экватордан (0°) кутбга томон меридиан бўйича (90°)нинг бўлади. Демак, масоға экватордан кутбларгача градусларда ифодаланади. Экватордан Шимолий қутбгача бўлган градусларда бўтан масоға Шимолий кенглик деб юритилади, Экватордан жанубий қутбгача бўлгани Жанубий кенглик дейилади. Шимолий кенглик Ш. К ёки + белгиси билан, Жанубий кенглик Ж. К ёки - белгиси билан кўрсатилади.

Бош Гринвич Меридиандан Шарқقا томон 180° гача бўлган масоға Шарқий узоқлик (узунлик), Фарбагча бўлган шунчак масоға Фарбий узоқлик дейилади. Шарқий узоқлик Ш. У ёки + белгиси билан Жанубий узоқлик Ж У ёки- белгиси билан

ифодаланади. Масалан, Тошкент $41^{\circ} 31'$ Ш. К. $69^{\circ} 19'$ Ш. У. да жойлашган.

Ҳар бир жойнинг кенглик ва узоқлигидағы қиммати географик координатаси дейилади. Кенглик ёки узоқлиқдан фойдаланиб Ер юзасидаги ҳар бир нүктанинг ўрнини аниқлашимиз мүмкін. Экватор бүйича бир градус 111 . З км, меридиан бүйича 111 км га тең.

Бошқа сайёralар сингари Ер Қуёш атрофида эллипс бүйича айланади, буни орбита узунлиги 930 млн. км. Ер Қуёш атрофида секундига 30 км га яқин ($29,5$ км) тезлик билан айланади. Қуёш атрофини Ер 365 күн 5 соат 48 минут, 46 секунтта тұлық айланиб чиқади уни йил дейилади. Буни оддийлаштириб йилни 365 күн 6 соат деб олинган. Бунда хато 11 минут, 14 секундга тең. Календар тузищда 365 күндан, 4 чи йил 366 күн яъни феврал 29 күндан иборат бўлади. Буни кабиса йили деб юритилади.

Ернинг (ҳаёлий) ўқи орбита текслигига $66^{\circ} 30'$ қия, бу қиялик йил давомида ўзгармайди, бунинг натижасида кечакундуз, узун-қисқалиги, турли кенгликларда (экватордан ташқари) йил давомида турлича бўлади. Кеча кундузнинг энг катта фарқи 22 чи июнь, (қуёшнинг ёзги туриши) ва 22 чи декабрда Қуёшнинг қиши туришида рўй беради.

Қуёшнинг ёзги туриш кунида ер ўқи Шимолий қутбга $23^{\circ} 30'$ қия бўлади, параллел эса $23^{\circ} 30'$ ўтган манзиллар, шимолий тропик дейилади. Қуёш тушіда зенитда бўлади, шу куни шимолий Қутб атрофидаги ерлар, яъни $66^{\circ} 30'$ гача Қуёш ботмайди, бу кенгликка Шимолий қутб доираси дейилади. Бунда қутб кундузи бўлади. Жанубий ярим шарда яъни $66^{\circ} 30'$ Жанубий кенгликда Қуёш кўринмайди - кенглик Жанубий қутб доираси дейилади. 22 декабрда Жанубий кенгликнинг $23^{\circ} -30'$ да Қуёш ботмайди, зенитда бўлади, буни Жанубий қутб доираси дейилади. Ернинг йиллик харакати натижасида фасллар алмашинади, муссон шамоллари ҳосил бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ер юзасининг 71% га яқини океан ва денгизлар билан қопланган, 29% ни қуруқлик ташкил қиласди. Океан ва денгизлар туташ бўлиб узлуксиз сув қобигини ҳосил қилган. Қуруқлик бўлаклардан, йириклари материк (континент) кичиклари ороллардан иборат. Материклар 6 та:

1. Евросиё
2. Африка
3. Шимолий Америка
4. Жанубий Америка
5. Антиарктида

6. Австралия

Материк түшүнчеси ўрнига Қытъа номи ишлатилади. Қытъа түшүнчеси нисбийдир. Масалан: Евросиё материги Европа ва Осиё қытъаларидан иборат бўлса айни вактда Шимолий Америка ва Жанубий Америка бир қитъанинг ташкил қиласи. Энг катта материк Евросиё 50, 7 млн км энг кичкинаси Австралия 7, 6 млн км энг катта қытъа Америка 42млн км . Энг кичкина қытъа Австралия-окиания 8, 9млн км. Ороллар материқдан бир неча марта кичик, энг катта орол Гренландия (2, 2млн км²). Барча оролларнинг майдони 10млн км² га тенг.

Атмосфера

Ернинг ҳаво қавати Атмосфера деб юритилади. У газларнинг механик аралашмасидан иборат, ер сатхидан кўтарилигани сари, ҳаво аста-секин сийраклашади, охири тугайди. Атмосфера қалинлиги XII асрдан араб олими Алхасан, кечки гира-ширанинг давом этишига қараб Атмосфера қалинлиги 70 км га тенг деб ҳисоблаган. Ҳозирда Атмосфера қалинлиги 1000км га этиши мумкин деб қаралмоқда. Денгиз сатхидаги атмосфера босими симоб устининг 760 мм га тенг, 5 км баландликда 400 мм, 20 км да 40 мм, 30 км бмм га тенг бўлади. Атмосфера массасининг ярмига яқини 10 км гача бўлган баландликда тўпланган.

Ҳаво температурасини кузатишлари шуни кўрсатадики, мўътадил минтақада ҳавога кўтарилигани сари ҳарорат аста пасаяр экан, аммо 10-11 км баландликда бир ҳил бўлар экан, об-ҳаво ўзгариши шу баландликда рўй бераради, атмосферани бу қисмини тропосфера дейилади, ундан юқориси стратосфера дейилади, унда ҳарорат доим бир ҳил бўлади.

Атмосферанинг 60 км гача бўлган қисми ионосфера дейилади, бунда бўлган ионлар радио тўлқинларини дунё бўйича тарқалишига сабабчи бўлади. Бу қисмida қалинлиги бир неча см бўлган аzon қатлами бор.

Атмосфера Қуёш радиациясининг анчагина қисмини ушлаб қолса (ютса) ҳам, жуда кам қизиди, бунга сабаб ҳавонинг шаффофлиги. Қуёш радиациясидан аввало ер юзаси исиди, исиган ҳаво юқорига кўтарилади. Ҳаво ҳарорати сутка давомида, фаслларда ўзгариб туради, ҳаво температураси нурнинг тушиш бурчагига боғлиқ.

Куруқлик ва сувнинг исиши ва совиши бир ҳил эмас. Сувнинг иссиқлик сигими қуруқликниги қараганда икки марта юқори. Сув секин исиди ва секин совийди, қуруқлик эса аксинча.

Ҳаво енгил бўлса ҳам, муаян оғирлиги бор, бунда атмосфера босими ҳосил бўлади. 1 m^3 ҳаво 1, 3 кг га тенг. Баландликка кўтарилиган сари босим камаяди, чунки ҳаво сийраклашади. Босим ўлчов бирлиги қилиб «бар» қабул қилинган 1cm^2 юзага 100 000 дина куч билан таъсир этса 1 «бар»ни ташкил қиласи. 1 бар 750 мм симоб устунига тенг. Барниң мингдан бири милли бар дейилади, қисқача «МБ» деб ёзилади.

Ҳаво босими симоб устунидан иборат барометрда ўлчанади ҳамда барометр-анероид асбобидан ҳам фойдаланилади. Атмосфера босими бошқа метеорология элементлар сингари сутка ва фаслларда ўзгариб туради. Материкларда қищада юқори босим, ёзда эса паст босим кузатилади. Паст босим экватор бўйлаб жойлашган уни барик экватор (1010 mb ёки 758 mm) дейилади. Экватордан $30\text{-}35^\circ$ кенгликларда Шимол ва Жанубда юқори босим зонаси жойлашган (1020mb ёки 765mm). Булардан ташқари барик вилоятлар мавжуд, улар ичида Азор максимуми Европа об-ҳавосига кагта таъсир кўрсатади. Осиё қитъаси ичида Сибирда қищада юқори босими Сибир максимуми (антициклони) ҳосил бўлади, у атрофга шу жумладан Ўрта Осиёга совуқ қуруқ ҳаво келтириб туради. Ҳудудларда босим фарқлариниг бўлиши ҳаво массаларини ҳаракатга келтиради.

Шамоллар

Ҳаво массасини горизантал ҳаракатларига шамол дейилади. Шамол ҳаво босими фарқидан ҳосил бўлади. Шамоллар турли тезлиқда ва турли йўналишда эсади. Шамол йўналиши ва тезлиги флюгер ва анимометр асбоблари билан ўлчанади. Шамол худудида ҳаво босим фарқи йўқолгунича эсади, бинобарин шамол тезлиги ва кучи босим фарқига боғлиқ. Шамол ҳосил бўлишига қараб турлича бўлади, маҳаллий шароитга боғлиқ ҳолда ҳосил бўлганини маҳаллий шамол дейиади. Унинг оддий вакили бризлар. Бриз сув ҳавзалари қиргоқларида рўй беради. Кундузи сувдан қиргоқча, кечаси эса қиргоқдан сувга қараб эсади. Бризлар сув омборлари кўллар ва денгиз бўйларида кузатилади.

Об-ҳаво ўзгарганда эсадиган циклон ва антициклон шамоллари бўлади. Атмосфера умумий циркуляцияси шамоли бизнинг ўлкамизда атмосферанинг юқори қисмида бўлади. Ундан пассат ва антапассат шамоллари ҳосил бўлади. Атмосфера паст босимли вилоятлар учрайди, уларда шамоллар атрофдан марказга интилади, уларни циклонлар деб юритилади. Циклонлар мўътадил минтақада кўп бўлиб туради. Ёгингарчиликни ҳосил бўлиши циклонларга боғлиқ. Циклонларга қарама-қарши юқори босимли

вилоятлар бўлиб, уларда шамоллар марказдан атрофга эсади. Бундайларни антициклонлар дейилади. Антициклон марказида юқори босим бўғани учун об-ҳаво тинч бўлади. Циклонлар мўътадил минтақалардан ташқари тропик минтақаларда ҳам учрайди. Улар катта тезлик ва куч билан эсади, улар табиий оғатларга (вайронагарчиликларга) сабабчи бўлади.

Атмосферанинг қуий қисмида мұайян миқдорда сув буглари бўлади, улар ер юзидан кўтарилиб туради. Энг кўп сув бугларини атмосфера океан, денгиз, дарё ва кўллардан олади. Сув буглари атмосферада гоят катта иш бажаради. Сувни бугланиши турлича тезлиқда бўлади. У ҳаво температурасига ва шамолга боғлиқ, Қуруқлик юзасидан сувнинг бутганиши ўсимлик қопламига ҳам боғлиқ. Сув бугланиши шунингдек тупроқ хусусиятига ҳам тегишили, яъни тупроқнинг ранги ҳайдалгани, намлигига қарайди.

Ҳаво сув бугларини мұайян миқдорда қабул қила олади, сўнгра тўйиниб қолади. Ҳавонинг туйиниш қобилияти унинг температурасига боғлиқ Ҳаво ҳарорати юқори бўлса тўйиниш кеч рўй беради, аксинча ҳарорат паст бўлса тез тўйинади. Ҳаво тўйинганда сув буглари сув томчилари, муз кристалларга айланади, бу жараён конденсация дейилади. Маълум пайтда ҳавода бўлган сув буглари миқдори обсалот намлик дейилади, у симоб устуни билан ёки 1m^3 ҳаводаги нам миқдори грамм билан ифодаланади. Ҳавода бўлган сув буглари миқдорининг тўйинишига бўлган нисбати нисбий камлик дейилади, фоиз билан ифодаланади. Масалан, ҳавонинг абсолют намлиги 8мл тенг бўлса (тўйиниши учун 10мл бўлиши керак) унинг нисбий намлиги 80% га тенг бўлади. Нисбий намлик 100 % га яқинлашганда атмосфера ёгинлари ҳосил бўла бошлади. ($8/10 \cdot 100 = 80\%$)

Атмосферада ҳаво юқорига кўтарилиб совииди, натижада нисбий намлик ошиб конденсацияга олиб келади. Конденсация бир мунча мураккаб жараён, ҳаво тўйиниб дастлабки томчилар ҳосил бўлишида ҳаводаги қаттиқ моддалар иштирок қиласи яъни, улар атмосферада томчи ва муз кристаллар пайдо бўлади, уларни конденсация ядролари дейилади.

Туман пастқам ерларда эрталаб, кечқурун ҳосил бўлади, ҳавонинг пастки қисми совуб кетини орқасида нисбий намлик ортиб туман ҳосил бўлади, буни радиация тумани дейилади. Иккинчи ҳил туман турлича ҳавонинг горизантал тўқнашишдан ҳосил бўлади, буни адвектив туман дейилади. Булатлар ҳам туман бўлиб улар атмосферанинг бирмунча баланд қисмида ҳосил бўлади. Атмосферада булатлар температура ва намлик шароитига боғлиқ ҳолда ҳосил бўлади, улар сув томчилари ва муз

кристаллардан иборатдир. Булутлар турли шаклда бўлади, улар асосан уч хил: биринчи хил патсимон булутлар улар 6-8 км баланд бўлади, иккинчи хил тўп-тўп, улар пахта уйумларига ўхшайди 4-6 км баландликда ҳосил бўлади, учинчи хили қатlam булутлар 2 км гача баландликда ҳосил бўлиб, қатlam булутлардан ёгинлар ҳосил бўлади.

Булутларнинг оралиқ хиллари ҳам бўлади. Ёгинлар ер курасида нотекс тақсимланган энг кўп ёгин экваторял зонага тушади, бу ўртacha йиллик миқдори 1000-2000 мм га етади. Бу зонадан Шимол ва Жанубга борган сари ёгин миқдори астасекин камаяди. Тропик зонада ёгин кам тушади, унга сабаб пассат шамоллари бу зонада чўллар ҳосил қилган.

Мўътадил минтақада турли ҳаво массалари тўқнашиб, ёгин кўпаяди, ўртacha ёгин миқдори 500мм га етади. Ўрта Осиёда ёгин кам тушади, ўрта ҳисобда 100-300 мм атрофида. Арктика минтақасида ҳам ёгин кам бўлади, чунки бугланиш паст. Ер курасига энг кўп ёгин Ҳимолай тогларининг ён бағрига тушади жумладан, Черрапунжида 12000 мм га етади.

ОБ - ҲАВО

Маълум бир жойда, шу вақтда атмосферанинг қуий қисмида рўй бераётган жараёнларни йигиндиси об-ҳаво дейилади. У тез-тез ўзгариб туради. Об-ҳавонинг элементлари, ҳарорат, босим, шамол, ёгин бир-бирига боғлиқ ва бир-бирига таъсир кўрсатади. Об-ҳаво бирқанча жойларда бир вақтда ўзгаради. Об-ҳавони ўрганиш, кузатиш асосида муаян ҳulosалар қилинади. Об-ҳаво метеорология станцияларида сутка давомида 4 марта кузатилади, кузатиш натижаси метеорология бош-бошқармасига юборилади, уни мутахассислар (синоптиклар) харитага маҳсус белгилар билан қўядилар, буни синоптик харита дейилади, уни таҳдил қилиб об-ҳаво хақида маълумот берилади.

Об-ҳавога таъсир кўрсатадиган ҳаво массалари қўйдагилар:

1. Арктик ҳаво.
2. Қутб ҳавоси
3. Тропик ҳаво.
4. Экваториал ҳаво.

Ўрта Осиё арктик, қутб ва тропик ҳаво таъсирида бўлади. Арктик ҳаво ҳарорати паст, босими юқори, намлиги кам бўлади. Бу ҳаво Шимолий муз океан устида таркиб топади. Мазкур ҳаво массаси эсганда совуқ об-ҳаво бўлади, кузда ва баҳорда улар ўсимликларга заарли таъсир қиласи.

Мўътадил минтаقا (күтб) ҳавоси ўртача кенгликарда таркиб топади. Бу икки ҳил бўлади дengiz ва континентал ҳаво. Dengiz күтб ҳавоси ўртача кенгликининг dengiz устида ҳосил бўлади. Ўрта Осиёга dengiz ҳавоси Farbdan келади ва ёгингарчилликка сабабчи бўлади. Континентал күтб ҳавоси ўртача кенгликининг материк устида ҳосил бўлади. Бу ҳаво температураси қишида жуда паст, ёзда эса юқори бўлади. Ушбу ҳаво Ўрта Осиёда кузда ва қишида эсив, қуруқ, совуқ олиб келади. Тропик ҳаво субтропик кенгликларда таркиб топади, бу ҳаво ҳам икки ҳил бўлади. Dengiz тропик ҳавоси, Азор ороллари устида ҳосил бўлиб Ўрта dengiz орқали Ўрта Осиёга етиб келади. Бу ҳавонинг ҳарорати юқори бўлади.

Континентал тропик ҳаво Кичик Осиё ва Арабистон ярим оролларида ҳосил бўлиб Ўрта Осиёга иссиқ ҳаво олиб келади. Айрим йилларда ҳаво қишида ҳаво 20°C гача кўтарилиши кузатилади.

Экваториял ҳаво экваториал минтақада ҳосил бўлади, Ўрта Осиёга етиб келмайди.

Иқлим

Об-ҳаво йил давомида одаттагидек такрорланиши иқлим дейилади. Иқлимга таъсир этадиган сабаблар кўп, муҳим иқлим ҳосил қилювчи омилларга жойининг ўрни (қайси кенглиқда жойлашганлиги), океан дengизларга яқин-узоқлиги, рельефи, атмосфера церкуляцияси ва бошқалар. Иқлим ер шари юзасининг шаклланишида жуда катта роль ўйнайди.

Ернинг шарсимионлиги суткалик ва йиллик харакати иқлим минтақаларининг шаклланишига олиб келган. Иссиқ, мўътадил ва совуқ иқлим минтақалари мавжуд. Иқлим dengiz ва континентал иқлиmlарга бўлинади. Dengiz иқлимида температуранинг суткалик ва йиллик амплитудаси кичик бўлади, континентал иқлимда аксинча. Кичик худудлардаги иқлимий хусусиятлар йиғиндиси микроиқлим деб юритилади. Иқлим ўзгариб туради, ҳар 11-12 йилда такрорланиши кўп кузатилган бўлиб, Қуёшдаги дөгларнинг даврий ҳосил бўлишига боғлиқ. Иқлим узоқ геологик даврларда кескин ўзгарган.

Дарёлар

Қуруқлиқдаги сувлар хилма-хил, оқар сувлар, жилға, ирмок, сой, дарё деб юритилади. Табиий чуқурлиқда оқар сувлар дарё бўлади, унинг бошланиши (манба) қўйилиш жойи бўлади.

Ўрта Осиё дарёлари (Тяньшань, Олой, . Помир) тоглардан бошланади. Катта дарёлар бир қанча кичик дарёлар қўшилишдан ҳосил бўлади. Дунёning энг узун дарёси Нил, энг серсув дарё

Амазонка. Ўрта Осиёнинг энг йирик дарёлари Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Или, Чирчик, Оҳангарон ва бошқалар. Ўрга Осиё дарёлари тоглардаги музлик, қор ва ёмғир сувларидан тўйинади, уларнинг сувлари баҳорда, ёзда кўпаяди.

Дарё ўзани (оқар жойи) бўйича харакатланиб муайян иш бажараи. Дарёлар ўзининг юқори оқимида тез оқади, ўзанини чукурлатади ва кенгайтиради, буни эрозия дейилади. Кўчириган жинсларни оқизиб секинлашган жойига етказади, буни аккумуляция дейилади. Эрозия натижасида сув тоғ жинсларига механик ва кимёвий таъсир кўрсатади. Аккумуляция натижасида ҳосил бўлган жинсларни аллювиал ётқизиқлар дейилади. Дарё ўзининг узоқ вақт эрозион иши туфайли дарё водийсини ҳосил қиласди. Водийда дарё ўзани ва бир неча террасалари бўлади. Террасалар аллювиал ва туб жинслардан тузилган бўлиши мумкин. Дарё ўзани ҳар ҳил жинслардан ўтиши ва улар турлича ювилиши мумкин. Қаттиқ жинслар секин ювилади, сув юқоридан пастга шовиллаб тушади, уни шаршаралар дейилади. Уларга электр станциялари қуриш мумкин. Бир неча электр станциялар қурилса каскад дейилади. Чирчиқ каскадида 19 та ГЭС бор. Дунёдаги энг кучли шаршара АҚШда Ниагара шаршараси, унга қурилган ГЭС икки мамлакатта (АҚШва Канада)га хизмат қиласди.

Дарёлардан инсонлар қадим вақтлардан бери фойдаланиб келадилар. Дарё инсонга сув, балиқ бериб келади. Марказий Осиё, Хитой, Хиндистон, Мессапатамия, Миср каби мамлакатларда деҳқончилик сунъий суторишга асосланган. Дарёлардан транспорт мақсадларида фойдаланилади. Дарёларга каналлар, сув омборлари қуриб, улардан кенг фойдаланиш натижасида бундай ишлар баъзан салбий оқибатларга олиб келмоқда. Амударё ва Сирдарё сувидан меъёрдан ортиқ суториш ва сув омборларида тўплаш натижасида, Орол денгизига кам сув бориб, қурий бошлиди, Орол дастлабки юзасидан (60 йиллардаги) 15 метр пасайиб, ярмидан ортиги очилиб, шўрхоқ чўлга айланди.

Баланд тогларга ёғтан қорнинг ҳаммаси эриб кетмайди. Эриб улгурмаган қорнинг пастки чегараси қор чизиги дейилади. Қор чизигидан юқорига ёғтан қор, тўпланиб ҳаво, температура таъсирида ўзгариб муз қатламига айланади, буни музликлар деб юритилади. Музликлар оғирлик кучи таъсирида пастга сурилади. Қор чизигидан пастга сурилиб тушиб, дарёлар ҳосил қиласди. Марказий Осиё тогларининг баланд «қор чизигидан юқорида» музликлар мавжуд, энг катта «Федченко» музлиги Помир тогида бўлиб, узунлиги 70 км дан ортиқ, Тяньшань тогида Инелчек музлик

50 км атрофида. Музликлар ўлкамизнинг табиий ресурсларидан бири бўлиб, Амударё, Зарафшон, . Сирдарё музликлар ва қорлардан тўйинади. Уларни муҳофаза қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Кўллар

Турғун сув билан тўлган табиий чуқурлик кўл дейилади. Уларнинг чуқурлиги турлича йўллар билан ҳосил бўлган. Чуқур кўллар тектоник жараёнлар натижасида шакилланган. Касбий, Орол, Иссиккўл, Болхаш каби кўллар шундай йўл билан ҳосил бўлган. Каспий ва Оролни дengiz деб ҳам аталган, одатда дengиз бўлиши учун улар дунё океанига тулаш бўлиши керак. Дунёдаги барча кўлларнинг майдони 2,5 млн км² teng.

Инсонлар қадим вақтлардан бери сунъий кўллар яратиб келадилар. Ҳозир Ўзбекистонда 50 дан ортиқ катта-кичик кўллар яратилган, каттаси Қуйи Амадарёдаги Тумумин сув омбори, сигими эса 7, 2 млрд м³. Кўллардан иригация мақсадларида фойдаланиш билан бирга, балиқчиликда фойдаланилади.

Денгизлар

Океан сувининг қуруқлик ичкарисига кирган ёки океан сувининг ороллар ва ярим ороллар орқали ажralиб туришидан ҳосил бўлган қисмини денгизлар дейилади. Улар асосан иккита: ички ва ташки денгизларга бўлинади. Ўрта, Балтика, Қора, Қизил, Оқ денгизлар ички денгизларга киради. Баренц, Норвегия, Япон ва бошқалар чекка денгизларга мисол бўла олади.

Денгиз суви камдан-кам ҳолларда тинч бўлади, кўп ҳолларда тўлқиниб туради, уларни келтириб чиқарадиган куч шамоллардир. Тўлқинлар денгиз ҳаётida катта роль ўйнайди. Қирғоқларни емиради, кучли тўлқинлар кемалар қатновига ҳавф тугдиради. Кучли ва давомли шамоллар океан ва денгизларда оқимларни ҳосил қиласди. Уларнинг ҳажми катта, кенглиги бир неча 10 км, узунлиги минглаб километрни ташкил қиласди, тезлиги соатига 1 км дан 3 км га етади. Денгиз (океан) оқимлари экватордан бошланса илиқ оқим бўлади, масалан, Гольфстрим (Шимолий Атлантика). Оқим қутб томонидан бошланса совук оқим бўлади, масалан, Лабрадор оқими. Оқимлар қирғоқлар иқлимига таъсир кўрсатади. Гольфстрим оқими туфайли Европа иқлими мулоим ва серёгин. Лабрадор оқими туфайли Канаданинг иқлими бирмунча совук.

Океан ва чекка денгиз қирғоқларда сув бир сутка давомида икки маротаба кўтариб икки маротаба қайтади, буни сув

күтарилиши ва қайтиши (қалқиши) дейилади. Бу ҳодисанинг сабаби бутун дунё жисмларининг бир-бирини тортишидир. Ой чиққаңда сув күтарилиши бир неча марта юқори бўлади, чунки Ер Ойга яқин, Қуёш чиққаңда пастроқ бўлади, чунки масофа жуда олис.

Вулқон

Жинсларини ер юзасига отилиб чиқкан жойни вулқон дейилади. Вулқон каналидан газ, лава ва қаттиқ жинслар отилиб чиқади. Буларни вулқон маҳсулотлари дейилади, булар отилиб чиқадиган жой кратер дейилади. Вулқон отилиши жараёнида кучли товуш ва ер қимирлаш (зилзила) рўй беради. Вулқон маҳсулоти отилишидан (лавадан) кўпинча конуссимон шакл ҳосил бўлади. Вулқонлар ҳаракатдаги ва сўнганларга бўлинади. Ҳаракатдаги вулқонга отилиб турган ва отилгани эсланадаган вулқонлар киради. Вулқон отилган вақти эсланмаса сўнган вулқонлар деб юритилади. Италия жанубидаги Везувий вулқони мелоднинг 79 йилида отилганда уч шаҳар (Геракаланум, Помпея ва Стабия) вулқон маҳсулотлари тагида кўмилиб қолган.

Сўнган вулқонларнинг конуслари сақданиб қолган, улар Тинч Океан ҳалқасида кўп. Баъзан лава суюқ отилиши мумкин унда конус ҳосил бўлмайди.

Зилзила

Зилзила ўз кучига қараб турлича бўлади. Баъзи ер қимирлаш билинар-билинмас бўлса, айримлари кучли ваҳимали бўлиб, фалокат, қурбонларга сабаб бўлади.

1693 йилдаги Сицилия зилзиласида 60000

1730 йилдаги Япония зилзиласида 137000

1908 йилдаги Италия зилзиласида 130000

1923 йилдаги Япония зилзиласида 500000

1966 йилдаги Тошкент зилзиласида бир неча ўн

1948 йилдаги Ашхабад зилзиласида бир неча минг киши ҳалок бўлган.

Зилзила келтирган вайронагарчилик, қурбонлар ҳажми унинг эпицентрига боғлиқ. Зилзила рўй берадиган сейсимилик фаол жойлар, Ер курасида нотекис жойлашган. Рўй берган зизилаларни кузатганда, уларнинг кўпчилиги 50% тоғлик минтақалар (ёш тоғларга) тўғри келади. Ер қимирлаш кучи сейсмограф асбоби билан ўлчанади. Илгари 12 балл шкала билан ўлчанар эди, кейинги вақтда 9 балл Рихтер шкаласи билан

ўлчанмоқда. Сейсмик актив миңтақаларда, зилзилага бардошли иморат-иншоатлар қурилади.

Тоғлар

Құруқлик юзасини шаклари хилма-хил. Түзилиши мұраккаблиги билан тоғлар ажралып туради. Этаги, ёнбагри ва тепаси билиниб турған баландлық тоғ деб аталади. Тоғлар якка тартибда кам учрайди, улар күпинча гурухи, тұдаси билан учрайди. Тоғлар түрлича бұллади, баландлығы 1000 метргача бұлғани паст тоғ дейилади, масалан, Қизилқұм чүлидаги тоғлар. Баландлығы 1000-2000 бұлғани ўрта тоғлар деб юритилади, масалан Урал тоғи, уңдан баланд бұлғани баланд тоғлар дейилади. Масалан, Тяньшан Помир ва бошқалар. Узун (чүзилған) тоғларни тоғ тизмаси, ғуч бұлса тоғ массиви дейилади. Тоғлар тузилишига қараб бурмали, палахсалы, вулканик, эрозион тоғларға бўлинади.

Тоғлар ташқи (экзоген) күчлар таъсирида емирилади (нурайди) түлиқ емирилип паст-тексликка айланса пенеплен дейилади. Тоғлар ҳосил бўлишига қараб, калидон, герцин ва алъп даврларидан ҳосил бўлган, калидон даврида ҳосил бўлғанларига Скандинавия, Шотландия тоғлари, герцин даврига Урал, Тяньшан, Алл тоғларига Помир, Ҳиндукүш ва бошқалар мисол бўлади.

Тексликлар

Тексликлар деб қўшни майдонлардан баландлығи жиҳатидан кам фарқ қиласынан кенг майдонни айтилади, унинг яққол мисоли Фарбий Сибир паст текслигидир. Тексликларнинг баландлығы 200 метргача бўлса, паст текслик дейилади, агар 200-500 метргача бўлса баланд текслик дейилади, 500 метрдан ортиқ бўлса ясси тоғ дейилади, масалан Ўрта Сибир ясси тоғи. Тексликлар ҳосил бўлишига қараб дастлабки, аллювиал, флювиогляциал, дельта ва бошқа ҳилларга бўлинади. Дастлабки тексликлар ўтмишда (геологик даврида) денгиз туби бўлган, бунга шарқий Европа текслигиги мисол бўлади. Каспий бўйи паст текслиги ҳам дастлабки тексликка киради. Аллювиал тексликлар дарё ётқизиқларидан ҳосил бўлган. Бунга Месопотамия, Ҳинди-Ганг ва дельта тексликлари мисол бўла олади.

Флювиогляциал тексликлар музликлар иши (харакати) натижасида ҳосил бўлган, улар музликлар чеккасида учрайди. Булардан ташқари кўл, денгиз бўйи, лава платоси каби тексликлар ҳам бўлади.

Текслик ташқи күчлар, айниқса сув оқимлари таъсирида тез ўзгаради, чунки улар аксарият юмшоқ жинслардан тузилган. Вақтингачалик оқимларнинг эрозион иши натижасида жарлар

хосил бўлади. Тексликлар шамол таъсирида ҳам ўзгарамади. Қумли чўлларда барҳанлар, денгиз бўйларида дюналар ҳосил бўлади.

Денгиз қиргоқлари

Кемалар қатнови, кириб ва чиқиши учун денгиз қиргоқларининг тузилиши мухим аҳамиятга эга. Евросиё ва Шимолий Америка материкларнинг қиргоқлари кўп бўлакланган, улар кема қатнови учун қулай. Африка, Австралия ва Жанубий Америка қиргоқлари кам бўлакланганини сабабли сув транспортига улар ноқулай. Қиргоқда Лиман, Қўлтиқ (кўрпаз) лар бўлиши кемалар учун қулайлик тутдирса, текис саёз қиргоқлар ноқулай бўлади.

Ороллар ва ярим ороллар

Материқдан кичик бўлган қуруқликлар ороллардан иборат, уларнинг умумий майони 10 млн. км². Ороллар турли катта-кичиқликларда бўлади энг катта Гренландия ороли (2 млн км²) ҳисобланади. Ороллар ҳосил бўлиши ва жойланиши бўйича ҳам улар ҳар-хил. Катта оролларнинг кўпчилиги материқ ороллардан иборат, улар материклар яқинидаги жойлашган бўлиб, геологик тузилиши жихатидан материқ билан бир ҳил бўлади. Британия, Новея Земля, Сахалин, Япон, Ирландия ва бошқалар материқ ороллардан иборат. Баъзи ороллар материкларга борлиқ бўлмаган ҳолда мустақил ҳосил бўлган, уларни мустақил ороллар дейилади. Мустақил оролларга вулқонли, Маржон (каралловий), ороллари киради. Айрим ороллар, дарё лойқаларидан ҳосил бўлади, улар ҳам мустақил оролларга киради.

Синов саволлари

1. Марказий осиё олимларининг география фанига қўшилган ҳиссалари.
2. Ернинг ҳажми, градус тўри, экватор узунлиги ва меридиан тушунчаларига изоҳ беринг.
3. Атмосферадаги ҳаво таркиби.
4. Булатлар уларнинг ҳиллари, ёғингарчиликнинг ҳосил бўлиши.
5. Об-ҳаво маълумоти нималарга асосланган?
6. Иқлим ва унинг омиллари.
7. Марказий осиё дарёлари.
8. Музликлар ва уларнинг аҳамияти.
9. Денгизлар - ҳиллари ва улардаги сувнинг динамикаси.
10. Вулқонлар, зилзила тоглар ва текисликлар.

Адабиётлар

1. Баратов П. Ер билими ва ўлкашунослик. Тошкент, 1990.
2. Паловкин А. А. Обшая физическая география, Москва 1952
3. Баранский Н. Н. Очерки по школьной методики географии, Москва 1954
4. Журнал «География в Школе»

9.2. ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ

Маълумки география фани икки қисмдан табиий ва иқтисодий бўлимлардан иборат. Юқорида баён қилинган билимлар табиий географияга мансубdir. Иқтисодий география фани аҳоли ва хўжаликни жойланиши ва ривожланиш қонуниятларини ўргатади. Иқтисодий ва ижтимоий география ҳалқаро муносабатлар ва глобал муаммоларни ҳам ўз ичига олади.

Дунё сиёсий ҳаритаси

Дунёда 230 га яқин мамлакат бор, шулардан ўз қонун чиқарувчи олий органи ва ижро этувчи ҳукумати бўлган давлатлар 191 та. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси. Давлатлар иқтисодий тараққиёти жихатидан турлича, улар икки кагта гурухга бўлинади. Ривожланган капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлар. Ривожланган капиталистик мамлакатлар қўйдаги гурухларга бўлинадилар:

1. Юқори даражада ривожланган капиталистик мамлакатлар, булар АҚШ, Япония, ГФР, Франция, Буюк Британия, Италия, Швецария, Бельгия, Нидерландия, Дания, Норвегия. Буларнинг бир йилда жон бошига даромади 9 мингдан 13 минг долларга етади.
2. Ўртacha ривожланган капиталистик мамлакатлар булар, Испания, Португалия, Греция, Ирландия буларнинг жон бошига тўғри келадиган бир йиллик даромади 4 мингдан 8 минг долларга етади.
3. Капитализм кўчириб келтирган мамлакатлар булар, Канада Австралия, Янги Зеландия, ЖАР ва Истроил. Буларнинг ҳам йиллик даромати юқори.

Қолган мамлакатларнинг барчаси ривожланаётган мамлакатлар гурухига киради. Булар ҳам турлича бўлиб, бир-

биридан фарқ қиласи. Ривожланаётган мамлакатлар учта: Осиё, Африка ва Лотин Америка регионларига бўлинади. Иқтисодий даражаси жиҳатидан Лотин Америка олдинда, регионнинг мустақил тараққиёт йўлига бошқа регионлардан олдин кирганлиги билан изоҳланади. Африка бундай йўлга ҳаммадан кейин кирди.

Ривожланаётган мамлакатлар турлича суръат билан тараққий этмоқдалар. Бразилия, Жанубий Корея, Саудия Арабистони шаҳдам қадамлар билан ривожланмоқда, айни вақтда Мали, Нигер, Чад каби мамлакатлар жуда орқада бормоқда. Буларда йиллик жон бошига даромад 100-200 долларни ташкил қилмоқда.

Иккинчи дунё ривожланишига таъсир этаёттан омиллардан бири табиий ресурслардир. Ривожланаётган мамлакатлар дунё ҳудудининг 1/2 қалай дунё заҳирасининг 93%, нефтганинг 90%, марганец 85%, кобалтнинг 73%, табиий газнинг 72% га эгалар. Дунё ахолисининг 63% иккинчи дунёда, бинобарин арzon ишчи кучи мўл бўлган ривожланаётган мамлакатларда. Ушбу мамлакатларда иқтисодий ривожланиш табиий ресурслардан оқилона фойдаланишига боғлиқ.

Дунё мамлакатлари турлича давлат сиёсий тузумига эгалар. Тарихий давом этиб келаётган тузум Монархия, давлат бошлиги наслдан-наслага ўтади. Бунга Буюк Британия, Голландия, Бельгия, Дания, Норвегия, Швеция, Япония, Саудия Арабистони ва бошқалар мисол бўлади. Кўпчилик давлатлар Республика тузумига эга, бунда давлат бошлиги сайлов йўли белгиланади. Республика тузумидаги давлатларга АҚШ, Франция, Ўзбекистон ва бошқалар мисол бўлади.

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси, у Евросиё материгининг ичкарисида Ўрта Осиёning деярли ўртасида жойлашган. Ўзбекистон Республикасининг ўрни қўшни давлатлар билан алоқа қилиш қулай, аммо дунё денизий йўлига бевосита чиқолмайди. Ўзбекистон Республикаси маъмурий жихатдан 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасидан иборат. Унинг таркибида қўйдаги вилоятлар бор: Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхандарё, Наманганд, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм.

Ўзбекистон республикасининг ҳудуди 447, 4 минг км², катталиги бўйича Қозогистон ва Туркманистондан кейин,

аҳолиси жиҳатидан Ўрта Осиёда биринчи ўринда (аҳолиси 25 млн кишига яқин) туради

Ўзбекистон 1991 йил 31 августда мустақил республика деб эълон қилинган, пойтахти Тошкент шаҳри.

Табиий ресурслари

Ўзбекистон ҳудудининг 70% текслик, 30% тог, тог олди зонасидан иборат. Тог олди ва тог этакларида водийлар жойлашган Фарғона, Зарафшон, Чирчиқ-Оҳангарон, Қашқадарё, Сурхандарё ва Хоразм воҳаси ўзининг тупроқ, сув ва иқдими ресурсларининг қуалайлиги билан катта хўжалик аҳамитта эга. Республиkaning текслик қисмида, кенг яйловлар ва обикор дехқончилиқдан фойдаланади.

Ўзбекистонда турли фойдали қазилмалар мавжуд. Ёқилиги ресурслардан табиий газ, энг катта кони Шўртсанда, нефть (Кўқдумалоқ), кўмир (Ангрен) ва бошқа жойларда. Республикамиз рангли қиммат баҳо металл рудаларига бой, мис (Олмалиқ), полиметалл (Маржон булоқ), олтин (Мурунтоғ) ва бошқаларда топилган.

Кимёвий ресурслар: фосфорит (Қизил қум), туз (Хўжан кон) ва яна бўлак жойларда жойлашган.

Газни тозалашдан кўп миқдорда олtingутурт ажратиб олиниади. Курилиш материаллари барча вилоятларда учрайди, энг катта мар-мар кони Фазонда жойлашган. Шифобаҳш минерал сувлар деярли барча вилоятларда топилган, улардан даволаш мақсадларида фойдаланилмоқда.

Аҳолиси

Жамиятимизнинг асосий ишлаб чиқариш кучи бўлган аҳоли тез суръатлар билан кўпайиб бормоқда.

1897 йилда Ўзбекистонда 4млнга яқин киши.

1940 йилда Ўзбекистондаб, 5 млн, дан ортиқ

1970 йилда Ўзбекистонда 11, 7 млн киши. Ҳозирда 25 млн. дан ортиқ киши яшайди. Аҳолининг кўпайиши табиий ўсиш ҳисобига рўй бермоқда.

Ўзбекистон аҳолиси кўп миллатли бўлиб, 100 дан ортиқ миллат-элатлар бор, шуларнинг 85% яқини ўзбеклар, қолганлари руслар, қозоклар, тоҷиклар, қорақалпоқ, қирғиз, татарлар, корейс ва бошқалар. Аҳолининг 70% дан ортиги қишлоқ жойларда 30% га яқини шаҳарларда, энг катта шаҳарлар: Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Фарғона, Бухоро ва бошқалар.

Хўжалиги

Ўзбекистон иқтисодиётининг ўрни, салмоги жиҳатидан дунёда пахта етиштирилган ва экспорт қиладиган давлатлардан бири. Пахтадан ташқари бир қатор саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ҳам машхур.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан сўнг айрим саноат тармоқлари тез ривожланмоқда. Тор-кон саноати, олтин, автомобилсозлик, самалётсозлик, кимё саноати дунёга маълум. Республика саноатининг кўпчилик тармоқлари пахта мажмуи билан боғлиқ. Пахта тозалаш, тўқимачилик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кимё, озиқ-овқат ва бошқалар мазкур тизимга мансуб. Пахта тозалаш заводлари барча вилоятларда барпо этилган, йирик тўқимачилик марказлари. Тошкент, Фарғона, Бухоро, Андижон, Нукус шаҳарларида жойлашган.

Ўзбекистон энергетикаси табиий газ, кўумир, сув кучига ва нефтига таянади. Электр станцияларининг кўпи иссиқдик станциялари. Энг каттаси Ширин шаҳридаги Сирдарё ГРЭСИ, қурулётгани Толимаржон ГРЭСИ. Чирчик каскидида 19 та гидроэлектр станцияси ишлаб турибди.

Ўзбекистон металургияси рангли металл рудалари ва темир-терсакка таянади. Рангли металургия марказлари Олмалиқ ва Чирчик шаҳарлари ҳисобланади. Қора металургия Бекобод заводидан иборат. Машинасозлиги кўпроқ пахтачиликка ихтисослашган, пахтани экишдан тортиб териб олишгacha бўлган ишлар бажаради. Қишлоқ хўжалик машинасозлик марказлари Тошкент, Чирчик, Самарқанд шаҳарларидан иборат.

Ўзбекистон Мустақиллик йилларида дунёдаги 28-автомобилсозлик мамлакатига айланди. Автомобилсозлик маркази Асака (Андижон) ва Самарқанд шаҳарларида, самалётсозлик эса Тошкентда.

Кимё саноати Чирчик, Олмалиқ, Фарғона ва Навоийда бўлиб минерал ўтилар, сунъий толалар, гербидизиллар ишлаб чиқарилмоқда.

Озиқ-овқат саноати йирик шаҳарларда жумладан ўсимлик мойи Янги йўл, Тошкент, Катта Қўргон, Қўқон, Андижон, Қарши, Алимкент шаҳарларида жойлашган. Чой фабрикалари Самарқанд ва Тошкентда, тикувчилик корхоналари барча шаҳарларда барпо этилган. Уларда уйсозлик ҳам бор.

Юкларнинг кўпи темир йўл ва автобомиль транспортларида ташилади. Ўзбекистонда қувур транспорти ривожланган, унда газ ва нефть ташилмоқда.

Синов саволари

1. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий географик ўрни қандай?
2. Ўзбекистон маъмурий бўлиниши, қачон мустақилликка эришган?
3. Ўзбекистон табиий ресурслари?
4. Ўзбекистон аҳолиси ва миллий таркиби?
5. Ўзбекистон энергетикаси?
6. Ўзбекистон металургияси?
7. Ўзбекистон машинасозлиги?
8. Пахтачилик мажмуи?
9. Ўзбекистон Кимё маркази?
10. Ўзбекистон озиқ-овқат саноати?

Адабиётлар

1. Г. Асанов, М. Набиходонов, И. Сафаров. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. Тошкент 1994 йил.
2. Э Набиев, А. Қаюмов. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти. Тошкент 2000 йил.
3. П. Баратов. Ер билими ва ўлкашунослик. 1990йил.

X - БОБ

10.1. ЭКОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАБИЙ - ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Экология сўзи юонча (эйкос-яшаш манзили, логос-фан сўзларидан олинган) бўлиб, ўсимлик ва ҳайвон организмлари, улар ҳосил қилган жамоаларнинг ўз-аро ҳамда атроф мухит билан муносабатлари ҳақидаги фандир.

Экология фани алоҳидаги особ (ҳар бир жон эгаси, организм), популяция (муайян ҳудудда узоқ муддат давомида яшаб келаётган, бир турга мансуб бўлган индивидлар мажмун), туркум (яқин тур ва оиласлар) ва экотизимларга (организмлар билан уларнинг яшаш мухити ҳосил қилган табиий комплекс) тегишли тадқиқот ишларини олиб боради. Мазкур соҳа мухитнинг тирик жонзорларга ва аксинча организмларнинг атроф мухитга таъсирини ўрганади. Популяция асосида экологлар алоҳида турлар ва уларнинг жамоадаги сони ва ўзгаришлари ҳақида маълумот ишлаб чиқадилар. Шулар билан бир қаторда туркумларнинг функционал ҳолатлари ҳам аниқланди. Биологик бойликлардан оқилона фойдаланиш, одам фаолияти таъсирида табиат ўзгаришларини олдиндан кўра олиш, зараркунандаларга қарши курашнинг усулларини яратиш, саноат корхоналарида чиқиндисиз тхнологияни ишлаб чиқиш ва жорий этиши муаммолари билан шугуllandи.

Экология генетика, эволюция таълимоти, систематика, физиология ва этология (хулқ ҳақидаги фан) каби биологик фанлар билан узвий боғланган. Экология фанининг ўрганиши предмети тирикликтининг ҳар хил тузилган погоналари-популяция, тур, биогеоценоз, биосфера даражаларини ҳам ўз ичига олади.

«Экология» тушунчаси жуда кенг тарқалган бўлиб, инсон, табиат ва хўжалик фаолиятининг атроф- мухитга таъсири, миқдор, сифат жиҳатдан бузилини тушунилади. Экология атроф-мухитнинг сифат ҳолатини белгиловчи омил бўлганлиги учун у иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт, давлатларнинг ички ва ташки сиёсатига ҳам кириб борди.

Муайян ҳудудий мухитда яшайдиган айрим турлар тўплами экосистемалар ёки биоценоз тушунчаларини ҳосил қиласади.

Куёни орқали энергия алмашини ўзатида бўлган Ердаги ҳамма тирик организмлар комплекси биосферани ёки экосферани ташкил қиласади. Биосфера ўз чегарасига литосфера, гидросфера, атмосфераларни қамраб Ер чуқурлиги 10 км ва

устидаги 33 км масофани эгаллайды. Мазкур худудларда раңг-баранг ҳаёт фаолиятини күзатиш мүмкін.

Жонзотларга таъсир құлувчи мұхиттің таркибий қисмлари экологик омиллар бўлиб, улар асосан үч гурухга бўлинади:

1. Абиотик омиллар - анерганик бўлган комплекс мұхиттің жонзотларга таъсири. Булар кимёвий (атмосфера таркиби, сув, тупроқ, рельеф ва ҳокозо), физиковий (босим, намлік, шамол, ҳарорат, радиация ва ҳоаозо) омилларга бўлинади.
2. Биотик омиллар-ҳаёттй жараёнларнинг бир организмга у орқали иккинчи жонзотларга ва уларнинг яшаш мұхитига таъсири тушинулади. Масалан бактериялар фаолияти тупроқ таркибига алоқодор бўлса, табиатдаги оҳактошлар аксарият ўлган ҳайвонларнинг скелетларидан шакланган.
3. Антропоген омиллар - инсон фаолиятини органик ва неорганик дунёга бевосита алоқодорлиги тушинулади. Одам ибтидоий даврдан ҳозирги кунгача табиатта ва атроф-мұхитта етарли ларажада таъсир кўрсата одди.

Нафас олиш жараёнида ҳар йили атмосферага $1, 1 \cdot 10^{12}$ кг карбонат ангириди ажралади. Инсоннинг бир йилдаги озиқ-овқатта эҳтиёжи 10^{16} Дж га teng. Табиатта инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти катта таъсир қилиб, бу борган сари ошиб бормоқда. Ҳар бир тирик организм учун маълум экологик омилнинг ўз максимуми ва оптимуми бўлади. Масалан дарёдаги балиқлар учун сувдаги кислород миқдори 2 мг/л, уй пашласи 7° дан 50°C гача ялаши мүмкін. Улар учун оптималь кислород 2 мг/л ва $36\text{-}40^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Жонзотларнинг ҳаёт фаолиятини пасайтирувчи, сусайтирувчи сабабларга чекловчи омил дейилади. Омилнинг фақат етишмаслиги эмас, балки ҳаддан ортиқаси ҳам чекловчи сифатида таъсир этади. Омилнинг энг қулай шароити биологик оптимум дейилади. Биологик оптимумни ўсимлик ва ҳайвонлар учун аниқлаш амалиёт учун жуда катта аҳамият касб этади.

Организмларнинг у ёки бу диапазонли омилларига мослашув ҳолатини жонзотларнинг экологик пластик хусусиятлари дейилади. Экологик омиллар қанча кенг бўлса, муайян турға тегипши экологик пластиклiği қулай бўлиб, яшаш диапазони турғун ҳисобланади. Экологик омиллар бир-бирлари билан боғлиқ ҳолда бўлганлиги учун, ҳар қандай жонзот буларга бефарқ бўлаолмайди. Организмларнинг популяциясига ёки турларга омилларнинг таъсири сезиларли бўлса ҳам, лекин қабуя қилиши ҳар хил бўлади. Айрим экологик омил бир турни кўпайишига ижобий таъсир қиласа, бошқасига тўсқинлик қилиши мүмкін.

Экологик омилларга мосланиш ҳар бир тур учун аксарият мустақил, мустасно ҳолатда кечади.

Экологик тизимдүй энергия

Еримиз ҳар квадрат метри секундига Қүёшдан 1370 Дж энергия олиб туради. Мазкур энергиянинг спектрал диапозони бўйича бир хил тарқалмайди. Қўёшдан келаётган нурланишининг 10% и қисқа тўлқинли(ултрабинафша), 45%и кўринадиган, 45 фоизи эса инфрақизил нурларга тўгри келади. Ултрабинафша нурларнинг тўлқин узунлиги 0, 3 мкм дан кам қисми озон қатламида ютилади.

Қуёпдан келаётган энергиянинг бир қисмини ер қайтаради. Ерга тушаётган ва қайтарилган энергиянинг нисбати албедо деб аталади. Албедо қиймати энергия қайтарилаётган юзага боғлиқ. Тоза қуруқ қор энергияни 90-95%ини қайтаради. Шунинг учун тоглик ҳудудларда ҳимоя кўзойнаксиз юриш, кўзнинг ожиз бўлиб қолининг сабабчи бўлади. Ҳўл қор 40-45%, текис ер 10-25%энергияни қайтаради.

Умумлан Қуёшдан келаётган энергиянинг 30% қайтарилади, 69%и эса ер устини иситишга ва сувларни бугланишига сарф бўлади. Энергиянинг 0, 2% и тўлқинларнинг механик ишига, шамолларнинг оқимига, фақат ҳароратнинг 0, 8 фоизи биологик жараёнларга жумладан, фотосинтез фаолиятига сарф бўлади. Энергиянинг асосий қисми анорганик табиатта сарф бўлади.

Ўсимлик баргига тушган Қуёш энергиясининг фақат бир фоизигина иотенциал энергияга яъни кимёвий боғ шаклида тўпланадиган органик бирикмалар синтезига ишлатилади. Кўрсатилган энергиянинг 0, 5%и ўсимликларнинг ўзлари учун, ҳаётий фаолиятларини бир меорда давом этдиришга сарфланади.

Фотосинтез жараёнининг самарадориги муайян бирлиқда, маълум муддатда, юза бирлигига тўгри келадиган органик бирикмаларнинг синтези тушунилади. Шу нуқтаи назардан, бир квадрат метр ернинг самарадорлиги йилига 0, 3 кг га teng. Бу кўрсатгич кам ҳисобланади. Юқори минтақаларда мазкур кўрсаттич 75%, жанубий кенгликларда эса 40%ни ташкил этади. Демак, юқори кенгликларда фотосинтез фаолиятининг самарадорлиги сезиларли даражада юқори экан. Биосфаранинг самарадорлиги умум тизим қондаларига боғлиқ. Энергетик нуқтаи назаридан бирор структурали тизимни бир меёрда фаолият кўрсатиши аксарият, унинг ўлчамига боғлиқ. Агар система қанчалик катта ва мураккаб бўлса шунга яраша кўп

миқдорда (күриш, нафас олиш, ҳаракат, ҳароратни бир мейрда ушлаб туриши) энергия талаб қиласы.

Үсицининг чеклаш воситаси сифатида түпланган ва сарфланган энергиянинг нисбати қабул қилинган. Бундай нисбат тенг бўлса биологик тизимнинг үсими тұхтайди. Шундай шароитда фаолият кўрсатувчи жонзотларни максимал сигим мухити дейилади. Оптимал сигим максимал ҳажмнинг ярмисидан кўп бўлмаслиги керак.

Кимёвий элементларнинг ёлиқ тизимда такрори равища циркуляцияси биогеокимёвий айланиши ёки даври дейилади. Фақат иккита кимёвий элемент водород ва гелий ерни тарк этади. Қолган элементлар ер тасарруфида бўлиб, биогеокимёвий жараёнларда даврий равища қатнашади. Кимёвий элементларнинг бир бирикмадан иккинчисига, ер қобиги таркибидан тирик организмларга, кейин эса уларнинг анорганик бирикмаларга ва кимёвий элементларга парчаланиб, яна ер қобиги таркибиға ўтиши моддалар ва энергиянинг даврий айланиши деб қабул қилинган. Ҳар қайси даврий айланиш икки қисмдан иборат:

а) Төг жинсларининг таркибida жойлашган кимёвий элементларнинг аста-секин бир ҳолатдан иккинчисига алмашинуви.

б) Тирик табиатдаги элементларнинг даврий айланиши.

Даврий айланиш уч асосий кўрсаттичдан ташкил топган:

1. Моддаларнинг даврий равища айланиш тезлиги.
2. Айланиш вақти (модданинг органик дунёда бир марта түлиқ церкуляцияси).
3. Рецеркуляция коэффициентининг кўрсаттичи (бирор модданинг даврий алмашинувидан ҳосил бўлган миқдорини умумий церкуляцияга қатнашаётган массага нисбати).

Модда ва элементлар доимий равища бир жонзотдан иккинчисига тупроқ, атмосфера, гидросферадан тирик организмларга, улардан эса яна атроф-мухитта ўтиб, биосферанинг анорганик моддалар таркибини түлдиради. Бу жараёнлар тинимсиз, даврий ва чексиз давом этади. Масалан, гидросфера 3000 дан иккি миллион йил, куруқлиқдаги сувлар 5000 йил, тупроқ намлиги бир йилда даврий айланади. Атмоферадаги кислороднинг ҳаммаси 2000 йил давомида, карбонат ангидрид гази 200-300 йил давомида жонзотлар орқали ўтади.

Ўрмонларда органик бирикмаларнинг тезлик билан даврий равища олмашиниши тупроқда чириндиларни сезиларли

даражада түпланишига монелик қиласы. Шунинг учун ўрмонлар кесиб ташланса у ер тезда чўлга айланади. Кимёвий элементларнинг концентрацияси ўсимлик ва ҳайвонларда ташқи муҳтдагига нисбатан юқори бўлади. Ўсимликларда углероднинг миқдори ер қобигига нисбатан 200, азотники эса 30 марта юқоридир. Маълум бўлган кимёвий элементларнинг 40 тага яқин биоген миграциясида фаол иштирок этади.

Қуёшдан келадиган инфрақизил нурлар асосий иссиқлик манбаидир. Пешин пайтидаги Қуёш нурлари таркибида, улар кўп бўлади.

Қуёш энергияси жонзотлар орқали бир марта фойдаланилади. У ўсимлик барглари орқали борганиб, озуқа занжири (бира иккинчисига озуқа бўладиган организмларнинг кетма-кет келадиган бўгини) орқали жумладан, ўтхўр, йиртқич ҳайвонлардан ўтиб, деструктив микроорганизм ва замбуруглар иштирокида циркуляция жараёнинг учрайди. Озуқа занжирининг интиҳосида Қуёш энергияси кимёвий боғ ва иссиқлик сифатида ажralади. Озуқа занжири узун бўлса Қуёш энергияси кўп марта организимда модда олмашинувида иштирок этади. Озуқа занжирининг узун бўлиши мақсадда муюфиқ эмас, чунки алмашинувда иштирок этаётган модда бир занжирдан иккинчисига ўтганда бор йўги 10% фойдаланилади. Шу туфайли ҳар бир кейинги озиқа даражасида индивидлар сони ҳам камаяди. Масалан тўрт гектарли беда майдонида моллар овқатланганда улардан ёш болалар озиқланади. Ҳисоб-китоблар кўрсатадики, майдондаги бедалар Қуёш энергиясини 0, 24% фойдаланиб, унбу кўрсаттични 8% молларда тўпланади. Чорва молларида йигилган энергиянинг фақат 0, 7% болаларнинг ўсиши учун озиқа сифатида ишлатилиди. Ёки 1000 кг ўсимликни еганда ҳайвон 100 кг гача семиради. Бундай масссани ўтхўр ҳайвон истемол қилган йиртқичнинг биомассаси 10 кг гача ортиши мумкин, навбатдаги йиртқичларники эса фақат ўртача 1 кг гача ортади.

Шундай қилиб, озиқа даражаларида модда ва энергияни фаол камайиб бориши кузатилади. Бу қонуният экологик пирамида қоидаси деб аталади. Пирамидалар қоидаси модда ва энергиянинг биосферадаги даврий алмашинувини объектив ва унверсал кўрсаттичи ҳисобланади.

Пирамиданинг асосини - неорганик моддалардан органик бирикмалар ҳосил қилувчи - автотроф организмлар ташкил қиласы, улардан юқорида ўтхўр ҳайвонлар; ундан ҳам тепада

йиртқичлар, пирамиданинг чўққисида эса йирик йиртқич ҳайвонлар жойлашади.

Мұхитнинг ўзгариши натижасида бир биогеоценоз иккинчисига айланиши мүмкін. Ёнгидан кейин ўрмон ўрнида ўтлоқ биогеоценози пайдо бўлади. Биогеоценозлар алмашиниши аксарият инсон фаолиятига ҳам боғлиқ бўлиши мүмкін.

Бир-бiri ва атроф-мухит билан ўзаро муносабатда бўлган жонзотларнинг популяциялари экологик тизимларни (экосистемалар) ёки юқорида такидлаганимиздек биогеоценозларни ташкил этади. Биогеоценоз-бир-бирига боғлиқ биотик ва абиотик деб аталадиган таркибий қисмлардан иборат бўлган ер юзасининг бир қисмидир. Экосистемалар табиий ва сунъий бўлади. Сунъий экосистемалар инсон фаолияти натижасида пайдо бўлади. Табиий экосистемаларга чўл, адр, тоғ, яйлов, ўрмон ва чакалакзорларни мисол тариқасида келтириш мүмкін. Ҳар хил аквариумлар, гул ўтказилган туваклар сунний экосистемаларни кичик моделлари ҳисобланади.

Биз учун мухим бўлган регион бу Марказий Осиё экосистемаларидир. Мазкур худуднинг об-ҳавоси, физика-географик шароити ва ландшафти жуда хилема-хилдири. Шимолгарбий қисмлар айнан чўл ва чала чўллардан иборат, қуруқ ёзи иссиқ, қиши жуда совук, ёгингарчилиги эса кам бўлиши билан характерланади. Қишлоқ-хўжалик маҳсулдарлигининг чекловчи омил намликтининг камлиги ҳисобланади. Ёгингарчилик бир йилда 200 мм дан ошмайди. Ўсимликлар бу ерларда аксарият бир ва кўп йиллик бўлиб, уларга чала бута, буга, бутачалар киради. Жумладан, янтоқ кўп ўсиб, илдизи 15-20 м чуқурликкача боради. Шунингдек саксовул ва бир қанча чўл ўсимликлари учрайди. Тялар, сайгоқдар ва айрим чўл ҳайвонлари узоқ вақт сувсизликка чидамли жонзотлар ҳисобланади. Чўллардаги ёргуларнинг кўп бўлганлиги серҳосил экин майдонларини яратишга имкон беради. Лекин бундай мухитда сувнинг тез буғаниши натижасида тупроқнинг шурланишига сабабчи бўлиб, шўрни ювиш ва ҳосилдорликни таъминлаш учун яна қўшимча сув талаб қиласиди.

Юртимиизда тоғ олди ва тогли вилоятларда чала, қуруқ чўллар, тўқайлар, арчали ўрмонлар, алп ўтлоқлари ҳамда совук тоғ чўллари каби биомлар учрайди.

Биоценоз ва биогеоценоз

Популяция атамаси 1905 йилда даниялик генетик олим В. Иогансен томонидан фанга киритилган. Табиатдаги барча

жонзотлар популяция ҳолатида ҳаёт кечирадилар. Ҳар қандай жонзот турлари популяцияга бирлашиб, уларнинг минимал, максимал миқдори ва кўпайиш меёrlари билан характерланадилар. Популяцияларнинг яшаш манзилларини ареал (лотинча «агеа»-майдон, кенглик демакдир) деб аталади.

Ареалларнинг чегаралари ўзгарувчан ва жимжимадорлик шакллари билан жумладан, тасма (жияк), ороллар ва диффузия кўринишларида учратиш мумкин. Фанда «ареал тўри» деган атама ҳам учрайди.

Биоценоз (юонча «bios»-ҳаёт, «коинос»-умумий), куруқлик ёки сув ҳавзвсининг маълум қисмида ўсадиган ва яшайдиган, ўзаро муносабатда бўлиб, ташки мухит шароитига мослашган ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмлар мажмуи ҳисобланади. Биоцензда яшайдиган жонзотлар доим бир-бирига маълум муносабатда бўлади. Уларнинг мазкур муносабати ҳаёт кечириши шароитига ҳам таъсир кўрсатиб туради. Ушбу атама 1877 йилда немис олими К. Мебиус томонидан фанта киритилган. Популяция ичida турларни муносабати ҳар хил бўлиб, булар антогонизм, конкуренция, кооперация ва паразитизм каби кўринишларда содир бўлади. Биологик миграцияда қатнашувчи организмларнинг қайта ишлани ва ўзлаштириш бўйича уч гурӯхга бўлинади:

1. Неорганик моддалардан органик бирикмаларни ҳосил қилувчилар, буларни прудентлар деб уларга фотосинтезловчи ўсимликлар, сув ўtlари ва микроорганизмлар мисол бўлади.
2. Продуцентларни қайта инилаб истемол қилувчи жозодларни консументлар дейилади. Буларга ўтхўр ҳайвонлар ва айрим мироорганизмлар киради.
3. Консументлар ҳисобига ҳаёт кечиравчи биологик турларни редуцентлар деб, тасарруфларига йиртқичлар ва паразит организмлар киради.

Кўрсатилган уч погонада моддаларнинг табиатда даврий алмасиниши давом этиб, ҳаётий жараёнларнинг бевосита иштироқида ўзлаштирилади, қайта ишланади, парчаланади ва яна синтезланиб, атомларнинг биоген миграцияси янги, янги ҳалقا асосида эстафета шаклида давом этади.

Дунёдаги биоценозларни эколог Ю. Одум қуйидаги қисмларга ажратади:

1. Биогеоценозларнинг денгизлардаги ҳар хил тарқалган манзиллари.

2. Дарёларнинг қуюлиш жойлари, кўрғазлар ва денгизланинг қиргоқдари ранг-баранг биогеоценозларга бой бўлиб, улар дениз ва қуруқлик ўргаларидағи боғловчи ўзларига хос кўпrik ҳисобланади. Улар энг самарали биогеоценозлар қаторига кириб у ерларда ҳайвон ва ўсимликлар ўртасида озиқа моддаларнинг фаол циркуляцияси кузатилиди.

3. Дарёлар ва уларнинг ирмоқлари алоҳида чучук сувли биоценозларни ташкил қилиб, улар инсон томонидан тўлиқ фойдаланилади.

4. Кўл, ҳавзалар ҳам ўзларига хос биогеоценозларни ташкил қилиб, сувлари чучук ёки шўр бўлиб, уларни хили кўп эмас.

5. Чучук сувли ботқоқлик биогеоценозлар бўлиб, уларда сувнинг сатхи ўзгариб, дарёлар ёки кўрғазларга яқинлашиши мумкин. Сув қуриб қолса у ерларда дараҳтзорлар пайдо бўлади.

6. Чўлларга хос биогеоценозлар намликлар йилда 250 мм дан кам бўлса шаклланади. Бундай биогеоценозлар иссиқ минтақа ва намликлар кам бўладиган ерларда учрайди.

7. Тундрали биогеоценозлар ўрмон ва муз океани орасидаги ерлар шунингдек, тоғли ҳудудларни ўз ичига олади.

8. Ўсимликларга бой ландшафтлар йиллик ёғингарчилик 250-750 мм атрофида бўлганда шаклланади.

9. Ўрмон биогеоценозлари ўзларининг маҳсулоти, биомассаси ва биологик бошқарилишдаги ўрни бўйича жуда катта аҳамият касб этиб самараси бўйича океанлардан кейинги ўринда туради.

Қуруқликдаги биогеоценозларнинг айрим тавсифлари

| Биогеоценозлар (экосистема) | Майдон | | Махсулот т/Га | Энергия миқдори 10^{14} Дж |
|--------------------------------|----------------------|----|------------------|---------------------------------|
| | млн. км ² | % | | |
| Ўрмонлар | 41 | 28 | 7 | 48 |
| Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар | 15 | 10 | 6 | 15 |
| Чўл ва ўтлоқлар | 26 | 17 | 1,5 | 18 |
| Дашт, саҳролар | 54 | 36 | 1 | 9 |
| Қутбли ҳудудлар | 13 | 9 | 0 | - |

Заминдаги иқлимининг мувозанати

Бирнеча минг йилліклар давомида ердаги геологик жараёнлар, об-ҳаво ва иқлимининг эволюцияси ассоцияда иқлиmlар мұайян мувозанат ҳолига келгандар. Лекин кейинги бир неча ўн йилліклар давомида техниковий инқилоблар, хусусан антропоген омиллар ердаги иқлим мувозанатига таъсири сезиларлы бўлиб, олимларнинг башорат қилишларича келгусида бу омил яна ҳам кучли бўлиши куттилмоқда.

Полиоиқлимишуносларнинг фикрича, ерда келгусида «Иссик ҳона эфекти» карбонат антидрид таъсирида ошиб кетаберса заминимизнинг иқдими тузатиб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетиши мумкин.

Греландиядаги музликларнинг 3 км чуқурлиқдаги қатламлари кузатилганда охирги муз қобутларининг шаклланганига 250000 йил бўлғанлиги аниқданди. Муз таркибидаги ҳаво пуфакчалари кўп илмий маълумотлар берини кўрсатди. Пуфакчаардаги кислороднинг изотонига қараб, сув музга айланадиган пайтда ҳавонинг ҳарорати қандай эканligини аниқласа бўлар экан.

Муз қатламларидағи пуфакчалар ҳавосининг тадқиқи 125 000 йиллик музликлар маълум даврларда ернинг илиқ ҳаво таъсирида бўлғанлигидан дарак беради. Иқлимишунослар қадимий музликларни кузатиш ассоцияда мұайян қонуниятлар калиф қилдилар. Қадимда ҳавонинг ўртача ҳарорати бирнеча ўн йил давомида 14°C бўлиб, сўнг кескин пастга тушиб 70 йилдан кейин яна мутадил ҳолатига қайтган. Маълум вактдан сўнг, ҳаво даврий равишда бир исиб, яна совиб турган. Шундай қонуният фақат Греландияда кузатилмай, балки, Европа мамлакатларидағи музликларда ҳам аниқланган. Демак музликлардаги ҳаво пуфакчалари қадимий геологик даврда об-ҳаво ва иқлим ҳолатини кўрсатувчи ўзига хос «кундалик дафттар» вазифасини ўтамоқда.

Греландия, Европа об-ҳавосининг «қозон»и хисобланади. Демак бир неча ўн йилліклар давомида Европа континенти даврий равишда Сибир об-ҳавосидек совуқ бўлиб, яна тропик мамлакатларидек иссиқлик билан алмашиб турган. Иқлимини шундай даврий равишда 125 000 йил давомида ўзгариб туришига яъни иссиқ даврларнинг бўлишига ҳавонинг ҳозирги кундагига нисбатан ҳарорат бор йўти 3°C юқори бўлиши сабабчи бўлган. Демак «иссиқ ҳона эфекти» еримизда ортиб бораверса ҳарорат кўтарилиб, ер иқдими ўзгариб, мутадил ҳолати бузулиб, бир совиб, яна исиб бу ҳолат даврий равишда музликлар тарихида кузатилгандек ҳозирги кунда яна қайтарилиши мумкин. Агар

европаликлар шундай вазиятта тушиб қолсалар улар чўлу, саҳро ва музлик даврларини бошларидан кечиришлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Иқлимининг бу даражада кескин ўзгариши Европа континенти учун ўта салбий мұхиттинг вужудга келишига сабабчи бўлади. Үмуниқлимининг бироз кўтарилишига қишлоқ хўжалик экинлари ва умуман ўсимламклар мослаша олиши мумкин. Лекин ҳароратнинг кескин ўзгариши унинг юқори ёки паст бўлиб қолишига ўсимлак дунёси мослаша олмайди. Олимларнинг фикрича иқлимининг ўзгариши Атлантик океанидаги ҳозирги кунда мутадил бўлиб келаётган оқимларнинг йўналишига кескин монелик қилиши мумкин. Атлантика океанидаги Исландия, Греландия ҳудудларида «иссиқлик вали» (уюм, тўлқин, долга) айланиб туради. Океаннинг устки оқими ердаги ҳамма дарёларнинг сувга нисбатан 20 марта ба кўп бўлган сув уюмини ҳаракатта келтирувчи илиқ Голфстрим оқими ҳудди шу ерда совиб яна жануб томонга қараб ҳаракатини давом этдиради.

Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, иқлимининг ўзгариши океан фаолиятига кескин таъсир қилиб, Голфстрим оқимининг циркуляцияси тўхтаб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас экан. Шимолга ҳаракат қилаётган оқимнинг қаршисида музликлардан ҳосил бўлган чучук сув уюми пайдо бўлса Голфстрим таъсирида келаётган шўр сувнинг тузи камайиб, чучуклашиб, оғирлиги енгиллашиб ҳаракати тўхтаб қолиши мумкин. Бу ҳодиса иқлимининг ҳарорат таъсирида кўтарилишидан бўлиб, шимолга илиқ оқимнинг ҳаракатлантирувчи «юритма» тўхтаб, Европа Аляскадаги иқлимга айланади. Бу жараён Голфстрим оқимининг шимолдаги қисми яна дастлабки сув шўр ҳолатига келмагунча давом этади.

Охирги 10 000 йил ичида ердаги иқлим мутадил, стабил ҳолида фаолият кўрсатиб келмоқда. Сабаби эса номаълум. Минг йилликлар давомида муайян музознат ҳолатта келган иқлимини «иссиқ хона» гази билан бузишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

10.2. ЭКОЛОГИЯНИНГ ИЖТИМОИЙ -ГУМАНИТАР ФАНЛАРГА АЛОҚАДОРЛИГИ

Маълумки дунёда экологик муаммоларнинг жиддийлашиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Одатда экологик таранглиқ энергетик, металургия, кимё саноатлари тўпланган ҳудудларда, йирик шахарлар ва улардаги тадбиркорлар фаолият кўрсатаётган корхоналар, катта миқдордаги транспорт воситалари атроф-

мухитни салбий ҳолатта келишига сабабчи бўлмоқда. Бундай вазиятни келиб чиқишига сабаб- биринчидан тадбиркорлардаги маънавиятнинг пастлиги бўлса, иккинчидан корхоналарнинг иқтисодий ожизлигини кўрсатиш мумкин. Кўпчилик корхона раҳбарларида экологик тушунчаларнинг йўқлиги ва аксарият билишни истамаслиги ачинарли ҳолдир. Атроф-мухитни тозалиги экологик ҳолатни нормал ҳолатда бўлиши фақат ташкилот, корхона раҳбарлари учун тегишли бўлмай балки, оддий фуқаролар ҳам мазкур муаммолага мутасадди ҳисобланади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар асосида кўп мамлакатларнинг Олий ўқув юртларида экология фани ижтимоий-гуманитар йўналишдаги бўлажак мутахасисларга ҳам киритилган бўлиб, аксарият бу соҳа фақат биология таълим асосида ўқитилмоқда.

Маълумки бундан 10-15 йил аввал экология фани биология соҳасининг бир бўлими ҳисобланар эди. Хозирги кунда экология мустақил фан дарражасига кўтарилиган бўлиб, унинг ўзига хос обьекти, услугиёти, тили ва мақсади шаклланган. Шунинг учун экология дарси ижтимоий-гуманитар факултетларда муайян тизим, аксиомотик фан асосида берилиши лозим. Мазкур ўқув тизим биосферарадаги локаль ва глобаль ўзгаришиларни қарама-қаршиликсиз, мутаносиб ҳолда, мустақил гоя сифатида талқин қилиш мумкин. Биология аспектларни эса ўқув жараёнда мисоллар тариқасида фойдаланиши ижобий натижалар беради.

Ҳар бир Олий ўқув юртининг йўналилигига қараб жумладан, муҳандислик, социаль, хуқукий экологияларга бўлинishi мумкин. Табиийки бўлажак иш билармон, менеджерлар ва умуман ташкилотчи раҳбарлар экологик муаммолардан хабардор бўлишилари лозим. Хозирги кунда ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлар учун экологик нуқтаи назардан, янгича хужжат, мезон ва экспертиза талаблари ишлаб чиқилган. Хусусан, ишлабчиқариш шаҳобчалари учун қўйдаги экологик паспортлар тавсия этилади:

1. Бирор қурилманинг техниковий иш фаолиятини белгиловчи экологик паспорт;
 2. Технологик жараённи кўрсатувчи экологик паспорт;
 3. Техноген маълумотга эга бўлган экологик паспорт.
- Муҳим хужжатлардан яна бири ишлаб чиқариш корхонасининг хавсизлиги баён қилинган экологик паспорт бўлиши мазкур ташкилотнинг ракобат бардошигини кўрсатувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Жамиятнинг янгича парадигмали тараққиётида бўлажак мутахасисларнинг профессионал саводхонлиги, маънавияти ва дунё қарашини кенгайтиришига экология фани хизмат қилиши лозим. Мазкур жуда муҳим ва долзарб вазифани бажариш жараёни бир-бирини тўлдириш ва ўзаро боғлиқлик асосида бажарилиши лозим.

Биринчи йўналиш экологик муаммоларни ҳал қилишда янги янги мутахасислар ташкил қилиш. Жумладан, «Тадбиркорлик ва атроф-муҳит». Ушбу «Менеджмент» йўналишида янги курслар киритиш таклиф этилади. Масалан, «Экологик иқтисодий география», «Экологик кризислар назарияси ва уларни олдиндан башорат қилиш» ва б. Иккинчи йўналиш экологик мавзу бўйича ўтиладиган фанларни муайян бир тизимга солишдан иборат. Жумладан, замонавий технологиянинг табиий -иммий асослари, технологик шахобчаларнинг тизими ва уларнинг қисмларини мутаносиб бўлишини таъминлашдан иборат.

Бўлажак мутахасисларга экологик нуқтаи назардан, бевосита қасбий вазифалар қўйилиши лозим. Масалан, бўлажак иқтисодчиларга «Экология» курси асосида қўйдаги профессиональ масалалар тавсия этилади:

1. Ишлаб чиқариш корхонанинг оптималь моделини тузиш, унинг атроф-муҳитда тутган ўрни ва уларнинг ўзоро алоқадорлиги;
2. Объектнинг айни ва келгусидаги экологик потенциали, ўзгариши унинг сабаблари ва оқибати;
3. Техник ва технологик жараёнларнинг айнан регион учун экологик паспортини тузиш;
4. Ҳом ашёларнинг сарифланишига қараб экотизимнинг хаётчанлик стратегияси;
5. Экосистемаларнинг хаётчанлик стратегиясини аниқловчи экспертиза лойиҳаларини тузиш;
6. Экологик муаммоларнинг хуқуқий аспекти.

Шуларни хисобга олган ҳолда экологик масалалар тор доирада бўлмасдан кенг, хаётий гоя ва фалсафий мушоҳада асосида талқин қилиниши лозим. Албатта, бундай кенг маънода экологик муаммони ҳал қилишда назарий масалалар билан бир қаторда амалий вазифалар ҳам четда қолмаслиги лозим.

Экологиянинг сўз калитларидан «техникавий тизим», «технология», «чиқинди», «ифлосланиш», «ҳавсизлик» каби сўзларнинг том маъноларини талабалар англайолмасалар экология ҳақидаги фан қоронгу бўлиб қолаверади.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда экология фанининг асосий стратегияси шаклланиб, у ҳар ҳил фанлар билан бевосита алоқада бўлганилиги учун янги фундаменталь гояларни пайдо бўлишига сабабчи бўлмоқда.

Дунёда экологик муаммоларни ҳал қилиш энди бошланмоқда. Мазкур соҳада уч ҳил бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи масалалар мавжуд. Ўтган асрнинг саксонинчى йилларида экология ва менеджмент иккита алоҳида ўзларига хос предмет ва услубиётлари бўлган фанлар ҳисобланар эди. Ҳозирги кунга келиб, уларнинг гоялари бир-бирларига яқинлашиб, экологик услубиётлар менеджмент фаолиятига сингиб менеджмент экологияси деган йўналиш вужудга келди.

Экология фани дунёни билишда ва англашдаги соҳа бўлиб, инсонни индивидуум сифатида ривожланишини, инсониятни эса биосферанинг элементи ва тўлдирувчи қисми сифатида қарайди. Шунинг учун экология экосистеманинг хаётий фаолиятини белгиловчи стратегик омил бўлиб хизмат қиласи. Мазкур муаммо экологиянинг иккинчى стратегияси бўлиб, унинг дунёда тарқалиши компютерлар орқали амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда дунёда саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши экологик муаммоларсиз ҳал қилиб бўлмайди. Шундай қилиб, экология ишлаб чиқаришнинг глобаль тараққиетини белгиловчи учинчи стратегик омил ҳисобланади. Орол фожиаси ҳакида муҳтасар маълумот Марказий Осиёда йирик икки буюк дарё Аму ва Сирдарёлар ўз сувларини минг йиллар давомида Орол денгизига кутиб келган, аммо кейинги йилларда суториладиган қишлоқ хўжалик ишлари ривожланиб, ламкор ерлар ўзлаштирилиб, бу дарё сувлари тўғонлар орқали жиловланиб каналлар ва сув омборларига йигиладиган бўлди. Дарё сувлари кейинги 20 - 30 йил ичida Орол денгизига етиб бормади. Натижада денгизнинг сатхи 14 метрга пасайиб, майдони 35 % га қисқариб, сув микдори эса 54 % га камайди. Сувнинг минерализацияси 36 г/л га кўпайиб кетди. Сувдан бўшаган ер майдони 25 минг km^2 ташаил қилиб, қирғоқдан 80 - 100 км узоқлашди. Қуий Амударё данбасида кўллар майдони ўтган асрнинг 40 - 50 йилларида 12 % ни ташкил қиласи бўлса, тўқай ва қамишзорлар ҳозирги кунда аввалгидан 90 % га қисқариб кетди. Сизот сувларининг сатхи пасайиб, шўрланиш даражаси ошиб бормоқда. Орол атрофидаги худудларда ҳаво харорати ёз

ойларида + 2, + 3⁰С, қишда эса -2, -4⁰С даражасигача ўзгариб, қурғоқданиш жараёни ривожланиб кетмоқда.

Ўзбекистон Республикасига қарашли Орол дengизи сувидан бўшаган ерлар 2,5 минг гектарни ташкил қилади. Бу худудларда шамол туфайли туз, чанг зарралари атмосферага тўзан сифатида кўтарилиб, Орол бўйи мамлакатларининг сугориладиган тупроқларига ҳар йили 250 - 450 кг/га сувда эрийдиган тузлар тўплланмоқда.

Орол дengизини қайта тиклаш тўғрисида ҳар йили бир неча амалий таклифлар матбуотларда эълон қилинмоқда, улардан айримларини келтириш мумкин:

1. Орол дengизини Каспий сувлари ҳисобига тўлдириш.
2. Ер ости артезиан сувлари ёрдамида Орол дengизини тўлдириш.
3. Марказий Осиё давлатларида коллектор ва зовур, оқава сувлари ҳисобига Оролни тўлдириш.
4. Қишлоқ хўжалик экинлари учун ишлатилаётган сувларни тежаш ҳисобидан Оролни тўлдириш.

Ҳозирги кунда, муҳим муаммолардан бири Орол дengизидаги сув ҳажмини пасайиш жараёнини тўхтатиш ва айнан шу ҳолатда узок йиллар давомида сақлаб қолиш. Мазкур масалани амалий ҳал қилишда САНИИРИ ҳодимлари томонидан тақдим этилган полдер тизими, яъни дарё сувлари билан Орол дengизидан бўшаган ерларни табақалантириб босқичма-босқич сув бостиришдир.

Орол муаммоси фақат Марказий Осиё мамлакатлари учун фожия бўлиб қолмасдан балки дунё мамлакатларининг атроф муҳитига ва умуман экологияга салбий таъсир этаётганлиги туфайли, яқин йилларда ҳал қилинши зарур бўлган жиiddий масаладир.

Орол дengизи хақидаги маълумотла баён қилинишида муаллиф профессор X. X. Турсуновнинг «Тупроқшунослик» ўқув қўлланмасидан фойдаланди.

Синов саволлари

1. Сувнинг физика-кимёвий хоссалари.
2. Биологик жараёnlарда сувнинг аҳамияти.
3. Ерда об-ҳавони ва иқлимининг ўзгариши ёки мутаъдил бўлишида сувнинг роли.
4. Ер шарида сувнинг тақсимланиш нисбати.
5. Сувнинг даврий айланиш ҳалқасини тушунтиринг.

6. Шўр ва чучук сувларнинг ерда тақсимланиши ва уларнинг фарқлари.

7. Ер ости сувларининг тавсифи.

8. Орол денгизи сувининг қуриш сабаблари ва уни тўлдирувчи амалий тадбирлар.

Адабиётлар

1. Бабушкин А. Н. Современные концепции естествознания
Санкт - Петербург, 2001

2. Девятова С. В., Купцов В. И. Концепции естествознания
Вопросы и ответы, Москва, Изд-во МНЭПУ, 2002ҳ

3. Турсунов Х. Тупроқшунослик, Тошкент - 2000

Табиатни муҳофаза қилиш

Атроф-муҳитни қўриқлаш жонли (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) ва жонсиз (тупроқ, сув, атмосфера, иқдим), табиат бойликларини муҳофаза қилиш, улардан одилона, рационал фойдаланиш ва тиклашдан иборат комплекс тадбирлардир.

Биосферани ва инсониятни сақлаш, нормал фаолиятини давом этдириш учун табиий бойликлардан тежаб фойдаланадиган ишлабчиқариш ва қишлоқ, хўжалик технологиясига ўтиш зарур бўлиб қолди. Бунинг учун қўйдаги шартларни бажарилиши зарур:

а) Табиий бойликларни исроф қиласдан тўлиқ фойдаланиши.

б) Саноат ва хўжаликда ҳосил бўлган чиқиндилардан қайта фойдаланиши.

в) Энергия ажратиб олиш ва ундан фойдаланишда экологик тоза манбалардан оқилона фойдаланиш (Қуёш, шамол, океанларнинг кинетик энергияси, ер ости иссиқ сувлари ва б.).

г) Чиқиндисиз технологияни ҳар томонлама кенг қўллаш. Чиқиндиларни атмосферага чиқармай ёки сувларга оқизмай яна қайта ўша тизмнинг ўзида фойдаланишдан иборат.

Охириг ўн ийлilikларда саноат, транспорт, энергетиканинг интенсив равишда ривожланиши, қишлоқ хўжалиги, кундалик турмушда кимёвий моддаларнинг кенг қўлланиши, шахарларнинг кўпайинши ҳамда ўсиб бориши ва бошқа омиллар инсоннинг атрой-муҳитта, умуман табиатта бўлган таъсирини янада тезлаштирирди. Бундай омиллар ўз навбатида табиий ресурсларнинг камайиши ҳафими туғдирмоқда. Атмосфера ҳавоси, чучук сув, унумдор тупроқнинг ифлосланиши ва эрозияга учрашии глобал муаммога айланмоқда. Тупроқнинг агро-

мелиоратив ҳолатини яхшилашга ва эрозияни олдини олиш соҳасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўсимлик ва ҳайвонларнинг камайиб ёки йўқолиб кетиш хавфи остида турган турларни «Қизил китоб» га киритилган. Бу китобга киритилган нодир турлар қонун билан ҳимоя қилинади. Табиатни муҳофаза қилиш учун қўриқҳоналар, кичик қўриқҳоналар, табиат ёдгорликлари, доривор ўсимликлар ўсадиган жойлар, миллий боғлар каби хилма-хил шаклларидан фойдаланилади.

Тоғ жинслари ва ердаги қазилма бойликлардан интенсив фойдаланиш натижасида айрим ҳудудлар»саноат чўлларига» айланиб бормоқда. Шундай ерларни ҳосилдор тупроқлар билан ётқизилиб, дараҳтлар ўтказилиб, ўрмон ёки қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган зоналарга айлантирилмоқда. Қишлоқ хўжалик экинлари учун сарф бўладиган кимёвий элементлар ўрнини минерал ўгитлар билан ерларни бойитиш натижасида ҳосилдорликни қирқ фоизга ошириш мумкин. Қишлоқ хўжалигида зараркунандаларга қарши курашишда биологик усуллардан кенг фойдаланилса заҳарли химикатларга бўлгаан эҳтиёж кескин камаяди.

Экологик масалалар юқорида такидлаганимиздек, фақат биология фанига тегишли бўлган бўлса бутунги кунга келиб, иждимоий-гуманитар соҳаларни ўз ичига олган ва умуман инсониятнинг социал муаммосига айланди.

Табиий бойликларни асраш, кўпайтириш, улардан рационал фойдаланиш ва биосферани муҳофаза қилиш ҳар бир фуқарони бурчи эканлигини эсда сақлаш лозим.

Экологик онг тушунчаси дейилганда биосфера, ишлаб чиқариш ва жамиятни ўз ичига олган бир бутун тизим тушинилади. Мазкур системани бузиш онсон, лекин уни қайта тиклаш инсоният учун жуда қимматта тушиб, тузатиш, табиий ҳолатига келтириш эса узоқ йилларни талаб этади.

Экологик онг бу ҳар бир инсоннинг жамият ва табиат олдиғаги масулияти бўлиб, ўзи эса унинг бир кичик элементи эканлигини англаши зарур. Экологик масулият, онг бирдан одамларда пайдо бўлиб қолмайди. Уни аста-секин узлуксиз равишда ҳар бир инсонга ва бўлажак мутахасисларга сингдирилиб борилиши зарур. Экологик тарбиянинг самараси ишлабчиқаришдан чиқсан чиқиндишларни қайта ишлашда, транспорт воситаларидан ва сув ресурсларидан фойдаланишда, атроф-мухитни тоза ҳолатда сақлашда намоён бўлади.

Табиатни, атроф-муҳит ундағы ўсимлик ҳайвонот дүнёсінинг ранг-баранғыларни асраш, муҳофаза қилиш бутунги кунда ҳаёттій муаммога айланды. Мәзкур соңға тегишли халқаро қонун ва үтешмеларга атэо бўлиб, фаол иштирок этишимиз зарур. Худди шу мақсадни кўзлаб халқаро «Биосфера ва инсон» дастури қабул қилинган. Бу режа доирасида Ўзбекистон Республикасида ҳам алоҳида дастур олимлар томонидан тузилган. Бу дастурнинг асосий вазифаси ҳозирги даврдаги инсон хўжалик фаолиятининг келажакда қандай оқибатларга олиб келипни мумкинлигини аниқлаш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, уни асраш чораларини ишлаб чиқишидир.

Табиий бойликларни келажак, авлодларга ҳам қолдириш зарур эканлигини ҳар бир инсон ўзининг муқаддас бурчи эканлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Синов саволлари

1. Экология фанига таъриф беринг.
2. Экология фанининг вазифалари ва услубиётларини баён қилинг.
3. Экологик омиллар ва уларнинг гуруҳларга бўлиниши.
4. Ерга тушадиган Қуёш энергиясининг балансини таърифланг.
5. Озиқ-овқат занжирини тушунтириб беринг.
6. Биоценоз, биогеоценоз тушунчаларини таърифланг.
7. Экосистемаларга мисоллар келтиринг.
8. Марказий Осиё экосистемалар тизими нималардан иборат?
9. Ердаги иқлим музанатига таъсир қилувчи омиллар.
10. Табиатни муҳофаза қилиш.

11. Экология фанининг биология йўналишидан мустақил ҳолда шаклланиши.

12. Олий ўқув юртларининг ижтимоий гуманитар соҳасидаги талабаларига экология фанининг киритиш сабаблари..

13. Саноат ва қишлоқ хўжалигида экологик паспорт тузиш тизими.

14. Экология фанининг асосий стратегияси
Адабиётлар

1. Умумий биология, Ё. Тўракулов таҳрири остида. Тошкент, «Шарқ», 1999

2. Бабушкин А. Н., Современные концепции естествознания. Санкт-Петербург, 2001

3. Горелов А. А., Концепции современного естествознания. Издательство «Центр», Москва, 2000
4. Корленков С. Х., Концепции современного естествознания. Москва, 2002
5. Девятова С . В ., Купцов В. И., Концепции естествознания, Вопросы и ответы, Москва, 2002.

ХУЛОСА

Табиатшуносликнинг асосий илмий-тадқиқот объекти табиат бўлиб, у жуда мураккаб, кўп қиррали, хилма-хил йўналишларда ўз аксини намоён қиласди. Атроф-муҳит ва дунё тўхтовсиз ҳаракатда бўлиб, унда доимо ўзгаришлар содир бўлиб туради. Демак, табиат ҳақидаги фанларнинг доираси диалектик равишда кенгайиб, илмий гоялар билан бойиб бораверади. Илмий гояларнинг бир қисми фанда инқилобий ўзгаришларга сабабчи бўлган бўлса, айримлари фан тарихи сифатида қолаберади. Фанларнинг асосий мақсади - инсон ўз-ўзини билиши, атроф-муҳитни, дунёни англаши ва табиатни бўйсундиришидан иборат.

XVIII асрдан бошлаб фан шу қадар жадаллашади, у ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига таъсирини ўтказабошлайди. Бу асрда бугдвигатели (1781-84 йиллар, Ш. Уатт) ихтироси билан саноат инқилоби бошланади. Шу билан бирга АҚШ олими Э. Тофффернинг фикрича, ҳалқларнинг мустабид ва мустамлака тоифаларга бўлиннишига хизмат қилабошлайди - географик ҳариталар муқаммал ҷашуви, навигация асбоблари ва миљиқнинг ихтиро қилиниши мустамлакачиликка кўмаклашади.

XIX асрдан бошлаб фан жадал ихтирочилик негизида ривожланабошлайди. Электр энергиясининг ўзлаптирилиши (М. Фарадей, 1820 йил) ва бензин двигатели (Г. Даймлер К. Бенц, 1885 йил) каби қашфиётлар техника инқилобини юзага келтиради, лекин худди шу даврда у кучли омилга айланиб, Нобель динамити(1867 йил) Максим пулемёти(1883 йил) ва бошқа ихтиrolар туфайли унинг айиравчилик функцияси ҳам кучаяди.

Юқорида зикр этилган олим (Д. Тофффернинг ёзишича, фаннинг бу икки қарама-қарши қирраси, атом, космос ва электроника инсонга хизмат қилабошлайди. Иккинчи томондан эса, ҳалқлар ядро қуролига эга бўлган ва эга бўлмаган тоифаларга бўлниди. Таъқидлаш лозимки, фанларнинг бундай даҳнатли маҳсулларини қўлга киритишга муваффақ бўлган давлатлар қай даражада наф топгани номаълум. Ядро, кимёвий ва биологик қуроллар ҳеч кимга хотиржамлик келтираётгани йўқ. Беихтиёр шундай қиёс кўз олдимизга келади: ҳаддан ташқари маст одам, ўзи кўтараолмайдиган даражада қуролланиб олгану, ўза эса, музлаган соҳил устида кетиб бораётибди

Юқоридаги келтирилган айрим салбий татбиқларга қарамай фан, моҳиятнан ҳақиқат томон интилиш-ки, пировард мақсади

эзгулиқдан иборат. Иккинчи томондан, у хозирча ўз муаммоларини ҳал этишда ўзи «малҳам» ихтиро қилиб келган.

Бугунги компьютерлар фан тараққиети учун мисли йўқ восита, ҳатто сунъий интеллект даражасидаги қуролга айланган бўлса, ҳозир Ер юзини «ўргимчак тўри» дай қоплаб олаётган Интернет ва космик-электр телекоммуникация воситалари эса илмий ахборот узатишнинг самарали қуроли сифатида кенг ёйилмоқда. Ишончимиз комилки, XXI асрда фан қуролли инсониятни эзгулик йўлида бирлаштирувчи мавқесига яна қайтади.

Бу вазифа билим тарқатиш орқали амалга ошиши, билим эса таълим ва маърифат воситасида умуминсоний қадрията айланиши мүқаррардир.

XX асрнинг ниҳоясига келиб, ўзбек мутахасисларининг чет эл университетларида дарс бериши ва илмий тадқиқот ишлари учун таклиф этилиши одат тусига кирди. Умид қиласизки, XXI асрда мустақил Ўзбекистон ёшлиари яна ўзининг буюк ажоддлари Ал-Хоразмий, Беруний, Улугбеклар каби юксак заковат чўққиларини забт этади, улардан Нобель ва бўлак халқаро мукофотлар совриндорлари етишиб чиқади.

МАХСУС АТАМАЛарНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Абберация (лот. aberratio-огиш, четлашиш) - 1) умумий маънода- меъёридан оғиши, меъёрдаги қийматлардан фарқланиш; 2) оптик тизимлар идеал бўлмаслиги туфайли тасвиirlарнинг бузилиши: тасвир аниқ, равшан бўлмайди, объектта аниқ мос келмайди ёки рангдор (бўялган) бўлади.

Абиотик мұхит - Қуёш ёруғлиги, ҳарорат, электр зарядлари (чақмоқ, яшин), тупроқ, намлик ва бошқалар туфайли вужудга келган «жонсиз» табиат.

Автотроф - фотосинтез ёки хемосинтез йўли билан неорганик моддалардан органик бирикмалар ҳосил қилувчи жонзотлар.

Адаптация (лот. adaptatio-мослашиш)-жонзотларнинг тузилиши ва функцияларини яшаш мұхитига мослашуви.

Аденин - пурин ҳилидаги азот асосларини ҳосиласи бўлиб, ҳамма организмларда учрайдиган нуклеин кислоталар таркибида учраб, генетик код «ҳарф»ларидан бири.

Адреналин-хайвонлар ва одамнинг буйрак усти бези магз қаватининг гормони. Қонга қўшилиши билан кислород истеъмоли ва қон босими, қондаги қанд миқдорини оширади. Эҳтирос туйғулар кучайганда, мушаклар фаол ишлаганда унинг қондаги миқдори ортади.

Адронлар (юн. adros-кучли)-кучли ўзаро таъсирида иштирок этувчи элементар зарралар. Буларга барионлар, мезонлар шунингдек резонанс зарралар киради.

Адсорбция (лот.)-қаттиқ жисм (адсорбент) ёки суюқлик сиртига газ ёки суюқ мұхитдаги мoddанинг ютилиши.

Азимут (араб. -йўл, йўналиш) (осмон ёритқичи Ердаги бирор нарса ва шимолий кенглик азимути)-кузатиш жойининг меридиан текислиги билан кузатилаётган объектдан ўтган вертикал текислик орасидаги бурчак. Азимут астрономияда уфқнинг жанубий нуқтасидан гарбга томон, геодезияда уфқнинг шимолий нуқтасидан шарққа томон уфқ ёйи билан ўлчанади.

Аккреция (юн. accretio-олмошиш, кўпайиш)-космик жисмларнинг гравитация куч асосида, атроф мұхитда ёки қўшни объектлардан қўшилиши ва тушиб бориш жараёни. Мазкур ҳодисалар оқ митти, пульсар ва қора ўра каби объектлар учун ўрганилган.

Алкалоидлар (лот. alcali-ишқор ва юн. eidos-тур)-асосан ўсимликларда учрайдиган азотли циклик бирикмаларнинг кенг груҳи.

Аминокислоталар - молекуласида амин (- NH₂) ва карбоксил (- COOH) группалари бўлган органик бирикмалар синфи бўлиб, оқсилларнинг мономерлари ҳисобланади.

Ампер (A)-ток кучининг бирлиги. 1А шундай ток қучики, унинг таъсирида узунлиги 1м бўлган паралел ўтказгичлар ўзаро 2. 1O⁻⁷Н (0,000002Н) куч билан таъсир қиласди.

Амиерметр - занжирдаги ток кучини ўлчайдиган асбоб, электр занжирига кетма-кет уланади.

Анизотропия (юн. anisos-бир хил бўлмаган ва tropos-йўналиш)- модда физик хоссаларининг ҳар хил йўналиш ва кесимларда бирнечча хил бўлиши. Масалан, кристалларнинг қаттиқлик, иссиқлик, оптик, магнит, электр ва б. хоссалари учун хос. Мазкур ҳодиса минералларнинг оптик хусусиятини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Аннигиляция (лот. annihiatio-йўқотиши)- зарранинг антизарра билан тўқнашиши натижасида бошиқа зарраларга айланиши жараёни. Бунда янги зарраларнинг сони ва тури сақланиши қонуналари билан белгиланади. Масалан, электрон-позитрон аннигиляциясидан фотонлар, нуклон-антинуклон жараёнидан мезонлар пайдо бўлади.

Антибиотиклар (анти ва юн. bios-хаёт)-баъзи микроорганизмлар (замбруглар, бактериялар), ҳайвон тўқималари ва айрим юксак ўсимликлар ҳаёт фаолияти натижасида ҳосил бўладиган ва турли хил микробларнинг ўсиши ҳамда ривожланишини тўхтатадиган органик моддалар.

Антизарралар - массаси, спини, изотопик спини, жуфт - тоқлиги ўзининг «эгизак» заррасининг мос параметрларига ўзаро тенг бўлиб, бир-биридан фақат электр ва нуклон зарядлари, ўзига хослиги, магнит моментларининг ишоралари билан фарқ қиласдиган элементтар зарралар.

Антимодда - антизарралардан тузилган материя. Уларда атомларининг ядролари антипротонлар ва антинейтронлардан, атом қобиқлари эса позитронлардан иборат. Зарядли зарралар тезлаткичида антидайтирий ва антигелий ядролари ҳосил қилинган.

Антропоген таъсир-инсон ҳўжалик фаолияти натижасида табиат ва унинг ресурсларига кўрсатиладиган таъсир.

Антропогенез-инсон вужудининг шаклланиши, тили, меҳнат фаолияти ва жамиятнинг дастлабки эволюцион ривожланиш жараёни.

Антропология (юн. ἄνθρωπος - одамнинг келиб чиқиши, инсон ирқларининг пайдо бўлиши, одамнинг тана тузилишидаги нормал фарқ-тафовут, ўзгарувчанлик ҳақидаги фан). Мазкур соҳа ижтимоий фанларга яқин турадиган биология фанидир.

Архимед қонуни - суюқлик ёки газга бутунлай ботирилган жисмни итариб чиқарувчи кучнинг қиймати. Суюқлик(ёки газ) ичига ботирилган жисмга ўзининг суюқлик (газ) оғирлигига тенг бўлган, пастдан юқорига йўналган куч таъсир қиласди.

Ацетилен - рангиз, табиий газлар ва кальций карбиддан олинади. Металларни пайвандлашда ва кесишда ёқилги сифатида ишлатилади.

Аэроб организмлар - атмосфера кислороди бор жойдагина яшаш қобилиятига эга бўлган ҳайвонлар, ўсимликлар ва қўптина микроорганизмлар. Ҳаёт фаолияти учун керак бўлган энергияни атмосфера кислороди иштироқидаги оксидланиш жараёни натижасида олади.

Барийонлар (юн. *barys-* оғир) -массаси протон массасидан кичик бўлмаган, барийон заряди бирга тенг бўлган, ярим бутун спинли «оғир» элементар зарралар. Бу гурӯхга нуклонлар (нейтрон ва протон) ва гиперонлар киради.

Биогеоценоз (био. . . ва юн. *koinos-* умумий), экосистема- Ер юзининг муайян бир қисми доирасида шакилланган табиат системаларининг ўзаро боғланган ва бир-бирини тақозо этадиган мураккаб мажмуи.

Биосинтез - жонзорлар учун зарур моддаларнинг тирик ҳужайраларида ферментлар иштироқи билан ҳосил бўлиш жараёни.

Биосфера (био. . . ва юн. *sphaira-* шар) - Ернинг тирик жонзорлар тарқалган қобиги. Атмосферанинг қуий, гидросфера ва литосфераларнинг организмлар билан қоплаган қисмлари киради.

Биота (юн. *biote-* ҳаёт) - маълум бир чегара доирасида тарқалган ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмлар турларининг мажмуи. Биоценоздан - фарқли равишда, биотада турлараро экологик алоқалар бўлмайди.

Биотехнология (био. . . ва юн. *technē-* маҳорат, *logos-* сўз) - қишлоқ хўжалиги, саноат ва тиббиётнинг турли соҳаларида тирик организм ва биологик жараёнлардан фойдаланадиган саноат усулларининг егиндиси. Кимё фани кимё саноатини, физика

илеми эса электроника, оптика ва муҳандислик фанларини шакиллантирган. Биология эса XX аср охири ва XXI аср бошларидан технологик усуллар орқали саноат маҳсулотларини берабошлаб, биотехнология фанига асос солинди.

Биоценоз - шарт-шароити бир хилдаги мухитга мослашиб ва бир жойнинг ўзида бирга яшайдиган организмлар. Биоценозда яшайдиган ўсимлик ҳамда ҳайвонлар доим бир-бирига маълум мунисабатда бўлади. Уларнинг бу фаолияти ҳаёт кечириш шароитига ҳам таъсир этади (кўл, ўрмон, чўл биоценозлари).

Бифуркация (лот. bifurcus- иккига ажралиш) - баъзи аъзолар ёки қон томирларининг айри сингари иккига бўлиниши. География фанида эса дарёларнинг икки тармоққа ажралиб, кейинчалик бир-бирига қўшилмасдан турли ҳавзаларга қўйилиши.

Браконъерлик - ҳайвонот оламини мухофаза этиш тўғрисидаги қонунларида белгиланган ов қилиш, балиқ тутиш қоидаларини ва бошқа талабларни бузган ҳолда ёввойи ҳайвонларни овлаш ва ўлдириш.

Бриз (фр.) - дентиз ва каттә кўлларнинг соҳилрида суткада даврий ўзгариб турадиган шамол. Кундузги бриз сув ҳавзасидан исиган соҳил томонга, кечаси аксинча, совиган соҳилдан сув ҳавзаси томонга эсади.

Вакцина (лот. vaccina-сигирга оид)- эмлашда ишлатиладиган моддалар-инфекцион касалликларнинг олдини олиш ёки даволаш мақсадида кўлланиладиган препараллар.

Валентлик (лот. valentia-куч)-кимёвий элемент атоми (ёки атом груҳи) нинг бошқа атомлар (ёки атом группалари) билан қанчалик кимёвий бирика олиш қобилияти. Валентлик билан бир қаторда оксидланиш даражаси, координация сони каби тушунчалардан ҳам фойдаланилади.

Ватт-куват бирлиги. 1ватт 1секундда 1Ж иш бажара оладиган қувватта тенг.

Вируслар (лот. virus-заҳар)-фақат тирик ҳужайраларда кўпайиб, ўсимлик, ҳайвон ва одамда юқумли касаллик қўзгатувчи микроорганизмлар.

Витаминалар (лот. vita-ҳаёт)-ўсимлик, ҳайвон ва одам организмида ҳосил бўладиган ёки организмга овқат билан оз миқдорда кирадиган ва нормал мόдда алманиши ҳамда ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган органик моддалар.

Вольт(B)-кучланиш бирлиги. 1В ўтказгич учларидағи шундай электр кучланишига тенгки, бунда 1Кл зарядни шу ўтказгич

бүйича күчиришда бажарилган иш 1Ж га тенг бўлади. $1B = 1J/1K$.

Галактикалар(юн. galaktikos-сутли, сутсимон)-умумий ўзаро тортиш кучи билан боғланган ҳамда Қўёшни ҳам ўз ичига олган 200 млрд. дан ортиқ юлдузларнинг улкан гравитацион системаси. Галактикалар эллипс, спираль ва ногутри шакллардаги гурухларга бўлинадилар. Бизга яқин галактикалардан Магеллан ва Андромедалар ҳисобланади.

Гармония (юн. harmonia-боғланиш, муганосиблик)-қисмларнинг ўзаро мувофиқлиги, объектдаги турли таркибий қисмларнинг ягона узвий бир бугунга бирлашганилиги. Қадимий Юнон фалсафасида коинотнинг уйгунилиги (тартибсизликнинг зиди).

Гемоглобин(гемо. . . ва лот. globus-шар)-одам, умуртқали ва баъзи умуртқасиз ҳайвонлар қонида бўладиган нафас пигменти, мураккаб оқсили. Қонга қизил тус беради, нафас аъзоларида тўқималарга кислород ва тўқималардан нафас аъзоларига карбонат ангирид олиб боради.

Ген(юн. genos-уруг, авлод)-ирсиятнинг элементар бирлиги ва моддий асоси. Ген организм белги ва хусусиятларини наслдан наслага ўтказиш функциясини бажаради. Ҳужайра ядроидаги дезоксирибонуклеин кислотанинг(ДНК) бир қисми, сегменти.

Геном (нем. genom)-хромосомалар (унда жойлашган генлар билан бирга) гаплоид тўплами; индивид генетик тузилишнинг асосий элементлари мажмуи.

Геоид (гео. . ва юн. eidos -кўриниш)-океан сувларининг ўртача сатҳи даражасида текис деб олинган Ер шакли геоид юзаси Ернинг табиий юзасидагидан фарқ қиласди, чунки Ер юзасидаги тоғлар билан океан ботиқлари ўртасидаги тафовут каттадир.

Гербицитлар. (лот. herba-ўт, ўсимлик ва caedo-ўлдираман)-бегона ўтларни йўқотишида қўлланиладиган кимёвий моддалар. Қишлоқ хўжалигига дала, боя ва токзорлар, ўтлоқлардаги, йўл ёқаларидағи begona ўтларга қарши қўлланилади.

Геронтология (юн. gerontos -кекса, қари ва . . . логия)-тирик организмлар, жумладан, одамнинг қариш жараёшини ўрганадиган фан; тиббиёт ва биология фанларининг бир бўлими.

Герц-СИ ва СГС бирликлар системасида частота бирлиги. Гц билан белгиланади. 1Гц даврий жараён частотаси бўлиб, бунда 1 секундда процесснинг 1 цикли амалга ошади. Герц каррали биримларда ҳам ифодаланади - килогерц ($1\text{кГц} = 10^3 \text{ Гц}$), мегогерц($1\text{МГц} = 10^6 \text{ Гц}$).

Гидролиз (юн. ἡγρός - бирималарнинг сув иштирокида парчаланиши ёки алмашиниши бўлиб, биологик ва технологик жараёнларнинг асоси.

Гиросфера (гидро. . . ва сфера)-Ер қуррасидаги барча сув-океан ва дengizlar, дарё, кўллар ва ботқоқликлар, доимий қорлик, музликлар, тупроқдаги намлиқ ҳамда ер ости суви мажмуи.

Гармонлар (юн. ἡμονία - қўзгатаман) - ички секреция безлари (эндокртин безлар) да ишланиб, қонга ва тўқима суюқлигига ўтадиган биологик фаол моддалар. Улар бошқа тўқима ва аъзолар фаолиятини ҳам бошқаради.

Гравитация (лот. gravitas - оғирлик, ўзаро, таъсир)-физиковий материянинг ҳар қандай тури (одатдаги модда, физиковий майдонлар) орасидаги унверсал, ўзаро тортишиш таъсири.

Гравитон-тортишиш майдони квенти, сокинлик массаси ва электр заряди ноль, спини икки. Тажриба йўли билан ҳали аниқланмаган.

Гуанин-пурин ҳилидаги азот асослари хосилаларидан бири бўлиб, нуклеин кислоталар таркибида учраб аденинга ўхшаб, генетик код «ҳарф» ларидан бири.

Детерминизм (лот. determinatio - аниқлайман)- барча ҳодисаларнинг ўзаро объектив қонуни алоқадорлиги ва сабабий боғланиши тўғрисидаги фалсафай таҳлимот. Индетерминизмнинг қарама-қаршиси. Детерминизм мазмуни сабабият тушунчасида ифодаланади, яъни бунда бир ҳодиса (сабаб) муайян шароитда заруринятни тутдиради, бу эса бошқа ҳодиса (оқибат) ни вужудга келтиради.

Деформация (лот. deformatio -бузилиш)-ташқи таъсир натижасида қаттиқ жисм нукталари ўрнининг ўзгариши. Деформация турлари -чўзилиш, сиқилиш, эгилиш, бурилиш ва б.

Динамика (юн. dynamis -куч)-жисмларнинг уларга қўйиладиган куч таъсири остида қиласидаган ҳаракатни ўрганадиган механиканинг бўлими. Динамиканинг асоси - механикадаги Ньютон қонунлари.

Дискретлик (лот. discretus -ажратилган)-узлуклилик, бир миқдорнинг вақт жиҳатидан дискрет ўзгариши -бирор вақт орамигидан кейин сакраш билан содир бўладиган ўзгариш.

Диссиляция (лот. dissipatio -тарқалиб, сочилиб кеттан)- ҳаракат давомида механик энергия узлуксиз камая бориб, бошқа энергия шаклларига айлана борадиган динамик ҳолат.

Диссоциация (лот. dissociatio -ажралиш)-модда молекулалари, радикаллари ёки ионларининг бирнече оддийроқ зарраларга парчаланиши.

Диффузия (лот. diffusio -тарқалиш, ёйилиш)-мухит зарраларининг ҳаракати; модданинг кўчишига ва муҳитда муайян ҳилдаги зарралар концентрацияларининг тенглостиши ёки улар миқдорининг тенг тақсимланишига сабаб бўлади.

ДНК-дезоксирибонуклеин кислота-хужайра ядроидаги юқори полимерли бирикма бўлиб, ирсий белгиларни сақлаш ва наслдан-наслга ўтказиш вазифасини бажаради.

Евгеника (юн. eugenēs -яхши зурриёт) -одам саломатлиги, ирсияти ва уни яхшилаш түгрисидаги таълимот.

Ернинг магнит майдони - Ер атрофида мавжуд бўлган магнит майдон. Ернинг магнит қутблари унинг географик қутблари билан мос келмайди.

Жисмнинг оғирлиги -Ернинг тортишиши туфайли жисмнинг таянчга ёки осмага таъсир қиласидиган куч.

Жоуль иш бирлиги. 1Жоуль- 1Ньютон кучнинг 1м га тенг йўлда бажарган ишга тенг. (1Ж = 1Н. 1м)

Иерархия (юн. hierarchia, hieros - авлиё ва arche-хукмронлик, ҳокимият) -бир бутун нарса ёки ҳодисалар айрим қисмлари ёки элементларининг юқоридан қўйига томон бир тартибда жой олиши. Христиан чerkовининг тузилишини ифодалайди.

Изомерия (изо. . . ва юн. mēros -қисм, бўлакча)-таркиби ва молекуляр массаси бир хил бўлиб, тузилиши, физик ҳамда кимёвий хоссалари ҳар хил бирикмалар.

Изостазия (изо. . . ва юн. stasíon -тенг оғирлик)- Ер пўстидаги тоз жинсларининг мувозанат ҳолати. Ер қаърининг муайян чуқурилигига (100-150 км) юқоридаги горизонтлардан бўладиган босим баробарлашади. Бунга кўра, Ер пўсти, унинг нисбатан йирик (100-200 км) бўлаклари Ер пўстининг остидаги қаттиқ ва оғирроқ пластик қатламида гўё сузиг юргандек бўлиб, мувозанат ҳолатига эришади.

Изотоплар (изо. . . ва юн. topos -жой, ўрин) -битта кимёвий элементнинг тартиб рақамлари тенг, атом массалари ҳар хил бўлган атом турлари. Изотопларнинг атом ядроидаги протонлар сони тенг, нейтронлар сони эса ҳар хил (электронлар сони ҳам тенг) бўлганлиги сабабли уларнинг физик ва кимёвий хоссалари деярли бир хил бўлади.

Изотроплик (изо. . . ва юн. ἴτορος -бурилиш, йўналиш)-мухит (жисм) физик хоссаларининг турли йўналишларида бир хил

бўлиши. Хоссалари барча йўналишларда бир хил миқдор билан ифодаланадиган жисм изотроп жисм дейилади.

Иммунитет (лот. *immunitas* - бирон нарсадан ҳалос, озод бўлиш, қутилиш) биологик индивидуалликини сақлагани ҳолда касаллик туғдирувчи омиллар ёт моддаларга нисбатан чидамлилиги; организмнинг ҳимоя реакциялари.

Имилантация (лот. *im... in-ичида ва plantatio* - ўтказиш, кўчириб ўтказиш)-одам ва ҳайвонларда ҳужайралар ва тўқима элементларининг ўз-ўзидан кўчириб ўтказилиши ва ёпиштирилиши. Жумладан, оталантирилган тухум ҳужайрани бачадонга ёпиштириб қўйиш.

Инвариант (лот. *invarians* - ўзгармайдиган)-муайян алмаштиришларда ўзгармайдиган миқдор.

Инсектицидлар (лот. *insectum-ҳашарот ва caedo-ўлдираман*)-зааркунанда ҳашоротларни йўқотиш учун ишлатиладиган кимёвий моддалар.

Интеграция (лот *integratio* - тиклаш, тўлдириш *integer-* бутун)-система ёки организмнинг айrim қисмлари ва функцияларининг ўзаро боғлиқлик ҳолатини ва шундай ҳолатта олиборувчи жараённи ифодалайдиган тушунча. Ҳамда фанларнинг яқинлашиш ва ўзаро алоқа жараёнлари.

Изолятор ёки диэлектрик - нейтрал атом ва молекулалардан тузилган. Нейтрал атомда электр зарядлари бир-бирига боғланган бўлиб, майдон таъсирида модданинг бутун ҳажми бўйлаб кўчиб юра олмайди.

Ионланиш - атомлар ва молекулаларнинг ионларга айланиши.

Ионлар (юн. *ion-* бораётган, ҳаракатланаётган) - зарядланган зарралар; атом ёки атомлар гурухи (молекулалар, радикаллар ва б.) электор (ёки б. зарядланган зарра) қабул қилганда ёки йўқотганда ҳосил бўлади.

Ирсият - организмларнинг индивидуал ривожланиш борасидаги белги ва хусусиятларининг наслдан- наслга ўтиб такрорланиши.

Конниболизм (франц. *cannibale* - одамхўр) - одам гўштини одам истеъмол қилиши. Тош даврининг энг қадимий босқичида яшаган ибтидоий одамларга хос.

Канцероген моддалар (лот. *cancer-* рак ва *genes-* келтириб чиқармоқ) - канцерогенлар, онкоген моддалар - маълум шароитда организмга таъсир қилганда рак ва б. ўсимталар пайдо қилувчии кимёвий моддалар.

Катализ (юн. *katalysis* - бузилиш, парчаланиш) - кимёвий реакциялар тезлигининг баъзи моддалар (катализаторлар)

таъсирида ўзгариши. Катализатор кимёвий реакцияга киришувчи моддалар билан бир қанча оралиқ бирикмалар ҳосил қилиб, реакция ниҳоясида микдори ва таркиби ўзгармасдан ажралиб чиқади.

Катастрофа (юн. katastrophe - ҳалокат, бузилиш) - тўсатдан оғир оқибатларга сабабчи ҳодисалар.

Квазарлар (инг. quasistellar, radiosource - квази юлдузли радиоманба) - бурчак ўлчамлари жуда кичик космик объектлар. Галлактикамиздан анча узоқда жойлашган кучли нурланиш манбаи бўлиб - оптик диапозонда хира юлдузсимон кўринишга эга.

Кварклар (инг. quark- номаълум, сирли нарса) - адронлар гурухига мансуб мезонлар нуклонлар ва гиперонларнинг таркибий қисмини ташкил этувчи элементар зарралар. Улар 1/2 спинга, бутундан кичик электр ва борион зарядларига тенг.

Кибернетика(юн. Kibernetike-бошқариш санъати)-ахборотни қабул қилиш, сақлаш, уни қайта ишлаш ҳамда ундан турли жараёнларни бошқаришда фойдаланиш билан шуғулланадиган фан. Автоматик бошқариш, ҳисоблаш техникаси, нейрофизиология ва математик мантиқларнинг назаря ҳамда амалиётларининг ривожланиш натижалари сифатида вужудга келган.

Клон (юн. Klon-шоҳ, новда)-ирсий жиҳатдан бир хил организм (ўсимлик, ҳайвон, микроорганизм)ларнинг жинсиз кўтпайиши натижасида кетма-кет пайдо бўладиган бир неча бўгини (авлоди).

Коацервация (лот. coacervatio -тўпланш, қуйқа)-эритмаларда эриган моддалар билан тўйинган тамчилар. Оқсил ва полисахариди эритмаларга электролит қўшилса коацервация ходисаси рўй беради.

Корпускула (лот. corpusculum-зарра)-классик физикада зарра.

Концепция (лот. conceptio-мажмуа, тизим)-бирор соҳага оид қарашлар, тамойиллар тизими, факт ва ҳодисаларни тушиниш, англаш ва изоҳлашнинг муайян усули, асосий нуқтаи назар.

Коррозия (лот. corrīdere -ўймоқ, емирмоқ)-жинсларнинг ташки муҳит билан биологик, кимёвий ёки электр-кимёвий таъсиrlашуви оқибатида емирилиши.

Лазер (инг. оптик квант генератори)-ултрабинафша, инфракизил ва кўзга кўринадиган соҳа диапозонидаги нурланишларни ҳосил қилувчи қурилма. Лазернинг газли, суюқликли ва қаттиқ жисмли (диэлектрик, кристаллар, шишалар,

яrimүтказгичлар құллапиладиган) турлари бор. Лазерда ҳар хил энергиялар лазер нурланиш энергиясига айланади.

Лейкоцитлар (лейко. . . ва юн. *sytus* -хужайра)-одам ва ҳайвонлар қонидаги рангсиз ҳужайралар. Улар фаол равища ҳаракатланиш лаекатига эга. Организмда бактериялар ва үлган ҳужайраларни ютади, антителлар ишлаб чиқаради.

Леңтоналар (юн. *leptos* -енгил, күчсиз)-кучли үзаро таъсиirlарда қатнашмайдиган элементар зарралар; 1/2 спинга эга.

Лишиллар (юн. *lipos* -ёғ)-табиий органик бирикмаларнинг көнт группаси; ёғ, мой ва ёғсимон моддаларни ўз ичига олади.

Литосфера (юн. *lithos* -тош ва сфера)-Ернинт ташқи сфераси, бунга Ер пўсти, мантиянинг юқори қатлами киради.

Мантия (Ер мантияси)-«қаттиқ» Ер қобики. Ер пўсти билан унинг ядроси орасида жойлашган қатлам.

Мезонлар (юн. *mesos* -ўрта, оралиқ)-ноль ёки бутун спинли, адронлар синfiga мансуб бўлган, барион зарядига эга бўлмаган бекарор элементар заралар.

Метагалактика (мета. . . ва галактика)-юддуз система (галактика)лар мажмуи. Коинотнинг ҳозирги замон астрономия усуллари билан теклирини мумкин бўлган қисми. Метагалактикада бир неча млрд. галактикалар бор.

Метафизика(юн. *meta ta physika*-физикадан сўнг)-борлиқнинг сезгилардан юқори турувчи принциплари ва умумий асослари тўғрисидаги фан.

Метеоритлар -Қуёш системасининг сайёralараро фазодан Ерга келиб тушадиган кичик жисмлари. Энг каг'та метеоритлардан бири-1920 йили Жанубий - Фарбий Африка (Намибия)га тушган метеоритнинг оғирлиги тахминан 60 000 кг, темир ва тошли метеоритлар бўлади.

Механика(юн. *mechanike(teche)*-қарол, иншоот)- ташқи куч таъсирида жасмнинг фазода ҳаракатланиши ва мувозанатини ўрганиш билан шукулланадиган фан. Классик механика Ньютон қонунларига асосланади.

Мониторинг -инсоннинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳолда атроф -муҳит ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва прогноз қилиш.

Мутациялар (юн.)-организм ирсий ҳусусиятларининг табиий ёки сунъий йўл билан ҳосил қилинадиган ўзгаришлари; жонзорларнинг генетик материали- хромосомалар ва генларда қайта тузилиш ва бузилиш натижасида содир бўлади.

Нейрон (юн. *neuron*-нерв)-нерв ҳужайраси. Нейрон тана ва ундан чиққан ўсимталар- бирмунча калта дендрейлар ва узун аксондан иборат.

Нейтрино (итал. *neutrino*) - зарядсиз барқарор элементар зарра. Спини $1/2$; массаси нолга тенг бўлган, лептонлар синфиға киради.

Нуклеин кислоталар-нуклеотидлардан ташкил топган юкори молекулали органик бирикмалар. Организмда ирсий белгиларни сақлаб, авлодларга узатиб туради.

Нуклеотидлар-азот асослари, углевод компонентлари ва фосфор кислотадан ташкил топган органик бирикмалар. Ирсий аҳборотнинг элементар структура бирлиги.

Нуклон (лот. *nucleon*) -атом ядроларининг таркибий қисмлари бўлган протон ва нейтронларнинг умумий номи.

Нурланим -иссиқлик узатилишининг бир тури. Қизиган ҳамма жисмлар нурланади. Бу усууда мутлоқ бўшилиқдан ҳам энергия узатилаверади.

Озон (юн. *ozone*-ҳидри) -киалороднинг аллотроп модификацияси (O_3). Атмосферада O_3 нинг массаси қатлам шаклида 10 км дан 50 км гача баландлиқда жойлашган. Бу қатлам Ердаги тирик жонзотларни Қўёшдан келаётган қисқа тўлқинли ультрабинафша нурланишининг зарарли таъсиридан сақлайди.

Октан -раегиз суюқлик, нефтда ва синтетик ёнилғиларда кўп миқдорда бўлади. Детонацияга бардошлиги паст (октан сон 17-19).

Октан сони -карбюраторли ички ёнув двигателларида ишлатиладиган мотор ёнилғиларининг детонацияга тургунлигини ифодаловчи шартли миқдор. Энг кўп тарқалган давлат автобензинлари маркасида октан сони 76-89, авиобензинларда эса 91-95.

Онтогенез (юн. *ontogeny*) -организмнинг индивидуал ривожланиши, унинг пайдо бўлган давридан ҳаётининг охиригача бўлган даврдаги ўзгаришлар мажмуи.

Оптика алоқа-одатда лазер ишлатиб, оптика диапазон (10^{13} - 10^{15} Гц) даги электромагнит тебранишлар ёрдамида амалга ошириладиган алоқа.

Органеллалар -энг содда организмлар «органлари»; ҳаракат қилиш ва қисқариш, рецепция, ҳужум қилиш ва ҳимояланиш, овқат ҳазм қилиш, экскреция ва секреция каби турли функцияларни бажаради.

Органоидлар (аъзо, юн. *eidos* -тур) ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳужайраларидағи муайян вазифани бажарадиган доимий структуралар. Улар митохондриялар, Голджи комплекси, ядро,

эндоплазматик түр, рибосомалар ва б., булардан таңқари ўсимликлар хужайраларидағи пластилларни ҳам үз ишіга олади.

Нарсек -астрономияда құлланиладыган узунлик үлчов бирилигі бўлиб, 3, 26 ёрутлик йилига teng (ёрутлик йили = 3, 09. 10^{16} м).

Пептид боги-(-CO-NH-), пептид ва оқсилларнинг молекуласида бир аминокислота аминогурухини иккинчи аминокислотанинг карбоксил группаси билан боғлайдыган кимёвий боғ.

Пестицидлар -(лат. pestis -юқумли касал, мараз ва саедо - ўлдираман)-бегона ўтларга (гербицитлар), қишлоқ хўжалик ўсимликлари зараркунандаларига (инсектицидлар); касалликларига (фунгицидлар) қарши курашда қўлланиладыган кимёвий моддалар киради.

Плазма кимёси-нисбатан паст температуралы плазмадаги кимёвий жараёнлар ва шу жарёналарга хос кимёвий технология асосларини ўрганади. Табиий газдан ацетелинни синтезлаб олиш, ўта тоза материаллар (ярим ўтказгичлар электроникасида фойдаланиладыган кремний пардаси) ишлаб чиқариш мисол бўлади.

Пластидалар (юн. plastos -арчмоқ, бақраймоқ)-ўсимлик хужайраларидағи цитоплазматик органоидлар. Улар таркибида ранг берадыган пигментлар бор. Юксак ўсимликларда яшил (хлоропластлар), рангсиз -(лейкопластлар) ва турли рангдаги пластидалар бўлади.

Платмассалар-табиий ёки синтетик полимерлар асосида олинадыган, босим остида қиздириб ишлов берилганда маълум шаклга кириш ва совигандан кейин ҳам шу шаклни сақлаш хусусиятига эга бўлган материаллар.

Поливинилхлорид $(-\text{CH}_2-\text{CHCl}-)_n$, синтетик полимер, винилхлориднинг полимерланиш маҳсулоти; оқ қаттиқ (винипласт ва юмшоқ {пластикат} хоссалари яхши, иссиқлик ва ёрутликка чидамлилиги нисбатан паст. Поливинилхлорид асосида (қаттиқ винипласт ва юмшоқ пластикат) пластмассалар, пластизоллар, тола олинади.

Полимерлар (юн. poly- ва metos -улуш, қисм)-молекулалари кўп сонли такрорланувчи звенолардан ибрат моддалар. Полимерларнинг молекуляр массаси бир неча мингдан бир неча мли. гача бўлиши мумкин. Ҳосил бўлишига қараб табиий полимерлар ёки биополимерлар (оқсил, углевод, нуклеин кислоталар)га ва полимерланиш ҳамда поликонденсация методлари билан ҳосил қилинадыган моддалар.

Полистирол (-CH₂-CH-(C₆H₅)-)_n-синтетик полимер, стиролнинг полимерланини маҳсулоти; қаттиқ ишишасимон модда. Яхши диэлектрик. Кимёвий реагентларга чидамли; иссиқбардошлиги юқори, лекин бирмунча мўрт. Полистироллар пенопластлар, радиоаппарат ва телевизорлар корпуслари, автомобилнинг турли деталларини ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Популяция (лот. *populus* -халқ, жамоа)-муайян ҳудудда узоқ муддат, кўп наслар давомида яшаб келаётган, бир турга мансуб бўлган индивидлар мажмуи.

Постулат (лот. *postulatum*-талаб қилиш)-бирор илмий назарияда исботсиз қабул қилинадиган, лекин унинг воситалари билан исботлаб бўлмайдиган хукм. Постулат одатда, аксиома вазифасини ўтайди.

Приматлар (лот. *primates* -юксак тузилган)- сут эмизуви ҳайвонлар туркуми. Юқори ривожланган бош мия ва тўрига қаровчи такомиллашган кўзга эга. Буларга лемурлар, маймунлар киради.

Прокариатлар(лот. *pro* -олдинга, бирга ва юн. *kogouon*-ядро)-ядроси шаклланмаган, бир ҳужайрали организмлар. Булаarda ядро қобиги йўқ. ДНК си биргина ҳалқадан иборат бўлиб, цитоплазмада учрайди, ривожланган мембрана тизими ҳам йўқ. Буларга содда тузилишга эга бўлган вируслар, бактериялар, айрим сув ўтлари киради.

Пропан -рангсиз газ. Табиий ва нефть газларида бўлади. Нефть маҳсулотларини крекинглашда ҳосил бўлади. Бутан билан аралашмасидан рўзгорда ишлатиладиган газ сифатида фойдаланилади.

Пульсарлар (инг. *pulsars* -радионурланишини тарқатувчи пульсарлар)-импульсли электромагнит нурланишининг космик манбалари. Пульсарларнинг импульслари сек. нинг бир неча улушиларидан то бир неча юз сек. гача кагта аниқлиқда тақрорланади.

Рационализм (лот. *rationalis* -ақлни, билишнинг ва кинилар хулқ-атворининг асоси деб ҳисобловчи фалсафий йўналиш.

Редукционизм -мураккабликни таҳдил ёки ҳал қилиши учун соддалаштириш, оддий англанадиган, тушунарли ҳолга келтириш.

Рекомбинация -тирик организмларнинг комбинатив ўзгарувчанлиги. Мейоз ва митоз жараёнида ирсий белгиларнинг қайта тақсимланиши (реқомбинацияси) натижасида генларнинг янги ўзгарган бириқишилари ҳосил бўлади.

Реликт нурланиш -спектри қарийб ЗК температурали абсолюттің қоралынан тұннанған спектрига яқын бўлган космик нурланиш. Бир неча міндан бир неча ўн см гача бўлган тўлқинларда кузатилади. Ушбу нурланишнинг пайдо бўлишини ўтмишда жуда юқори температура ва нурланишга эга бўлган Коинот эволюцияси билан боргайдалар.

Рецепторлар (лот. receptor -қабул қилиш)-ташқаридан ёки организмнинг ички мухитидан таъсиротни қабул қилиб ва уни нерв импульсларига айлантириб, марказий нерв системасига ўтказиб берадиган сезувчи нерв толаларининг учлари ёки маҳсус хужайралар (кўз тўр пардаси, ички қулоқ ва б.).

Рибонуклен кислота (РНК) -юқори молекулали органик бирикма нуклеин кислотанинг бир тури. Барча тирик организмлар хужайрасида генетик информация ташувчи сифатида қатнашади.

Рибосомалар-хужайра ичидаги зарралар. РНК ва оқсиллардан иборат. Оқсиллар биосинтезида қатнашади.

Селекция (лот. selectio -танлаш, сайлаш) - фойдалы белгилари бўлган ўсимликларнинг янги навлари ва дурагайларини, ҳайвонларнинг янги зотларини ва микроорганизмларнинг янги штаммларини етишириш, яратиш усуллари ҳақидаги фан. Селекциянинг назарий асоси генетикадир.

Синергетика (юн. synergētikos -хамкорлик)-ўз ўзини ташкил этишининг умумий қонуниятларини ва принципларини асос қилиб олган фанлараро йўналиш.

Спектроскопия -физиканинг электромагнит нурланишлар спектрларини ўрганадиган бўлими.

Спин (инг. spin-айланыш)-квант табиатига эга бўлган микрозарралар ҳаракат миқдорининг хусусий ҳолати.

Стратосфера (лот. stratum -қатлам ва сфера) тропосферадан юқорида ётган атмосфера қатлами, юқори кенгликларда 8-10 км ва экватор яқинида 16-18 км дан 50-55 км гача бўлади. Стратосферада күти ва юқори қатламлардагига нисбатан озон кўп.

Тимин-пиримидин асослари. Барча тирик организмлардаги ДНК таркибида учрайди.

Товуш тезлиги-ҳавода 0°C ҳароратда 331 м/с га тенг. Сувда товуш тезлиги ҳаводагига қарашанда таҳминан уч марта, металларда ўн беш марта катта.

Ток кучи- ўтказгичнинг кўндаланг кесимидан Δt вақт ичидаги ўттан Δq заряднинг шу Δt вақт нисбатига тенг бўлган физик катталик.

Тритий (лот. Tritium, юн. tritos -учинчи)-водороднинг масса сони З бўлган жуда оғир радиоактив изотопи. Атом ядроси 1 протон ва икки нейтрондан тузилган.

Унифицирлаш (лот. unio -бирлик ва facere - бажарни)-умумтілекка, бирликка келтириш.

Урацил-пиримидин асослари; РНК ва эркин нуклеотидлар таркибига киради.

Урбанизация (лот. urbanus -шахарга хослик)-жамият тарвқиётида шахарлар ролининг ортиб бориш жараёни.

Утилитаризм(лот. utilis - фойдалы)-барча ҳодисаларни уларнинг фақат фойда келтириши, муайян мақсадга эришиш учун восита бўлиб хизмат қилиш имконияти нуқтаи назаридан баҳолаш тизими.

Фауна (лот. Fauna -Рим мифологиясида урмон, дала ва ҳайвонларнинг асрорчи мобуданинг номи)- азалдан маълум ҳудудда яшовчи ҳайвон турларининг мажмуи

Фаянс (франс. faience-Италиядаги шахарнинг номи Фаэнца)-керамик маҳсулот бўлиб, чинни билан сопол ўртасидаги идиш, асбоб, плита ва б.

Фенотип (юн. phaino-ўзим, топаман)- жонзорларнинг индивидуал ривожланиш жараёнида шаклланадиган ҳамма белгилари ва хусусиятлари мажмуюи.

Ферментлар (лот. fermentum-ачитқи, ачиш)-барча тирик организмларда ҳосил бўладиган ва катализаторлик вазифасини бажарадиган оқсил табиатли моддалар.

Феромонлар (юн. pherу -олиб бораман ва hormao-ҳаракатлантираман, қўзгатаман)-ҳайвон организми ишлаб чиқарадиган, асосан ҳидли биологик фаол моддалар. Маълум систематик категория индивидларига (ривожланиши ва ҳатти-ҳаракатига) таъсир қилиш хусусиятига эга.

Флора (лот. Flora-Рим мифологиясидаги гуллар мобудаси)- ўсимлик турларининг тарихан таркиб топган, бирон-бир ҳудудни эгаллаган мажмуи.

Флуктуация (лот. fluctuatio -тебраниш)- кўп сонли зарралардан ташкил топган системага ҳос бўлган физиковий катталикларнинг ўртача қийматидан тасодифий оғиши.

Функцийлар(лот.) -қишлоқ ҳўжалик ўсимликлари касалликларини қўзгатувчи патоген замбуруғларни йўқотиш ёки уларнинг ривожланишини тўхтатиб қўйишида қўлланиладиган кимёвий препаратлар.

Хемосорбция -модданинг бирор жисм (хемосорбент) юзасига ютилиши; модда молекуласи билан хемосорбент ўртасида кимёвий боғ ҳосил бўлиши натижасида содир бўлади.

Хроматография (юн. chromatos-ранг ва графия)-ҳаракатли ва ҳаракатсиз фазалар орқали аралашмадаги моддаларни ажратиш услубиети

Хромосомалар- ҳужайра ядроининг структура элементлари, таркибида жонзотдаги ирсий белгиларни ташийдиган ДНК бўлиб, унинг қисмларини генлар деб аталади.

Целлюлоза-полисахарид, глюкоза қолдиқларидан ташкил топган ўсимлик ҳужайрасининг қобиги асосан целлюлозадан ташкил топган. Қоғоз, картон, пластмасс, лак ишлаб чиқаришда целлюлоза исплатилади.

Цитозин-пириимидин азот асосларидан. нуклеин кислоталар таркибида учрайди.

Цитоплазма-ҳужайранинг ядроидан бошқа асосий таркибий қисми.

Штамм(нем. Stamm)-маълум манбадан олинган микроорганизмнинг генетик жиҳатдан бир хилдаги (тоза) культураси.

Эволюция (лот. evalutio -ёйилмоқ, очилмоқ)-тирик табиатнинг тақрорланмас ва йўналтирилган тарихий ривожланиши. Табиат ва жамиятдаги аста-секин, тўхтовсиз миқдорий ўзгаришлар.

Экосистема (юн. oikos -манзил, турар жой ва тизим) - жонзотларнинг ҳар қандай уюшмаси билан улар яшаётган мухитнинг биргалиқдаги мажмуми

Электр заряди-зарядданган зарраларнинг электромагнит ўзаро таъсири интенсивигини аниқлайдиган катталик.

Электр токи-зарядли зарраларнинг тартибли (бир томонга йўналанган) ҳаракати. Ток йўналиши қилиб мусбат зарядли зарралар ҳаракатининг йўналиши қабул қилинган.

Электр ўтказгичлар- барча металлар, тупроқ, туз ва кислоталарнинг сувдаги эритмалари. Барча жонзотлар танаси ҳам электрни яхши ўтказади. Бунга сабаб уларнинг таркибида кўп миқдорда ҳаракатчан зарядданган заррачаларнинг мавжудлигидир.

Эукариотлар (юн. eu-яхши ва karyon-ядро)-ҳужайрасида ядро бўлган организмлар. Буларга ядро қобуги ва бошқа ҳужайра органоидларининг мавжуддиги ҳосдир. Ўксак ўсимликлар, кўп ҳужайрали ҳайвонлар, замбурулар ва амёбалар киради.

Ўзгармас ток-вақт ўтиши билан (ток кучи) ўзгармайдиган ток.

Үзгарувчан ток-кенг маңнода-вақт давомида үзгармайдыган ток; тор маңнода -үртатача қийматы маңлым даврда нолға тенг бўлган даврий ток.

Ҳароратнинг абсолют шкаласи (ёки термодинамик шкала) - бу ўлчамни инглиз олими У. Кельвин жорий этташ. Абсолют шкаладаги нол ҳаракат абсолют нолга мос келади. Абсолют ҳароратнинг бирлиги «СИ» да Кельвин (К). Бир Кельвин Цельсий шкаласидаги бир градусга тенг.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| Кириш | 5 |
| I - БОБ.1.1.Дунё ва жағынан билишда илм-фан | 11 |
| 1.2.Илмий инқимблар | 17 |
| 1.3.Табиатшунослик фанининг ривожланиши ва илмий услубиётлар | 20 |
| II - БОБ. 2.1.Марказий Ծиёлик машхур олимлар | 29 |
| 2.2.Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фан | 38 |
| 2.3.Бобур ва Бобурийлар томонидан яратилган табиатшуносликнинг баъзи қирралари | 50 |
| III - БОБ 3.1.Табиатшуносликнинг физикавий концепсияси | 57 |
| 3.2.Микрофизиканинг замонавий концепсияси | 62 |
| 3.3.Корігускула тўлқин дуализми | 63 |
| 3.4. Материянинг структура тузилиши | 67 |
| 3.5.Замон, макон ва нисбийлик назарияси | 73 |
| 3.6.Мураккаб тизимлар ҳақидағи фан-кибернетика | 78 |
| IV - БОБ. 4.1.Мегадүнёнинг ранг-баранглiği ва бирлиги | 78 |
| 4.2.Ҳаммамиз учун энг яқин ва қадрли юлдуз бўлган қуёш ҳақида | 85 |
| V - БОБ. 5.1 Табиатшуносликнинг кимёвий тавсифи | 94 |
| 5.2.Кимё фанининг тараққиёти | 99 |
| 5.3.Кимёвий эволюция | 104 |
| VI - БОБ 6.1.Биология фанининг предмети, структураси ва ривожланиши босқичлари | 109 |
| 6.2.Физика-кимёвий биология | 115 |
| 6.3.Молекуляр генетика ва биотехнология | 123 |
| 6.4.Ҳозирги замон биологиясининг тараққиёти ва унинг хавф-хатари | 128 |
| 6.5.Тирикликтининг ўзига хос энергияси | 136 |
| 6.6.Жонзотларни шакллантирувчи бош - она ҳужайра | 144 |
| 6.7.Эволюцион таълимот ва унинг ҳақида баъзи фикр-мулоҳазалар | 149 |
| 6.8.Антропогенез муаммоси | 154 |
| VII - БОБ.7.1.Тупроқшунослик фанининг аҳамияти | 161 |
| VIII - БОБ. 8.1.Табиатнинг геологик тавсифи | 174 |
| 8.2.Гидросфера | 181 |
| IX - БОБ.9.1.Табиатшуносликнинг географик тавфиси | 186 |
| 9.2. Иқтисодий география | 199 |
| X - БОБ. 10.1.Экология фанининг табиий - илмий асослари | 204 |
| 10.2.Экологиянинг ижтимоий-гуманитар фанларга алоқадорлиги . | 213 |
| Холоса | 222 |
| Махсус атамаларпинг қисқача изоҳди лутати | 224 |

Босиша руҳсат этилди 2.01.2004. Ҳажми 15,25 босма табоқ.
Бичими 60x84 1/16. Адади 500 нусха. Бўюртма 241.
М.Улутбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмахонасида чоп этилди.